


Мурад Калонхонов
Мукамбархон Калонхонова

Қадриятнома



87.77


к. 19

Мурод КАЛОНХОН
Мукамбархон КАЛОНХОНОВА

Қадриятнома

Ёхуд бир юз ўн ўнгитга
бир юз ўн ривоят

Иккинчи китоб



Тошкент
«Муҳаррир» нашриёти
2011

УДК: 39:398.3

ББК 87.77

К 19

Калонхон, Мурод.

Қадриятнома ёхуд бир юз ўн ўғитга бир юз ўн ривоят. К. 2 / М. Калонхон, М. Калонхонова; масъул муҳаррир А. Мусоқулов. Т.: "Muharrir" nashriyoti, 2011. - 316 б.

И. Калонхонова, Мукамбар.

Мурод Калонхонов ва Мукамбархон Калонхоноваларнинг "Қадриятнома" рисоаларининг иккинчи китобида бир юз ўн ўғитга бир юз ўн ривоят келтириш асосида ахлоқий панд-насихатлар баён қилинган бўлиб, у биринчи китобнинг бевосита давомидир. Унда гарчи биринчи китобдаги айрим мавзулар такрорланган бўлса ҳам, бошқа шакл ва ўзга ривоятлар орқали таъсирчан ифодалангани учун ўқувчида гўё янги мавзу каби таасурот қолдиради.

Бу китоб мамлакатимизнинг келажаги бўлган ёш авлодни имон-эътиқодли, ватанпарвар, ҳар томонлама баркамол, етук инсонлар қилиб тарбиялашда беминнат ёрдамчи бўлади, деб умид қиламиз. Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 87.77

Масъул муҳаррир:
Асқар Мусоқулов,
филология фанлари доктори

Тақриби:
Фирҳон Жумасев,
филология фанлари номзоди

ISBN 978 9943-386-42-6



© Мурод КАЛОНХОН,
Мукамбархон КАЛОНХОНОВА
«Муҳаррир» нашриёти,
Тошкент, 2011.

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Ҳурматли ўқувчи! Агар мазкур китобимиз ҳам худди биринчиси каби оламга машҳур бўлиб кетган ўзбекона қадриятларимиз асо-сида шонли Ўзбекистонимиз истиқлолини мустаҳкамлаш, тарақ-қиётини таъминлаш учун ватанпарвар, халқпарвар, имон-эъти-қодли, комил инсонларни тарбиялашдек мўтабар ишда озми-кўпми асқотса, демак, биз муаллифларнинг ҳам муродимиз ҳосил бўлиб-ди, деб ҳисоблайверинг.

*Насиҳат айласак мумкин, нечунки кексамиз, ёшмас,
Ки қодир бўлмасак, лекин қовоқдир бошимиз, бошмас.
Бироқ йўлда адашгандан қулар бўлса биров жарга,
Анга лоқайд боқолмасмиз, юрак ҳиссиз эмас, тошмас.
Замона ёшлари бирла улуғ бир йўлда йўлдошимиз,
Садоқатсиз эса йўлдош, билингим, яхши йўлдошмас.
Кўрар кўздек алар бари, эрурмиз қош каби посбон,
Агар кўзга яқин бўлмас экан у ҳеч қачон қошмас.
Юрак туйғуларин тасвир этувчи уста наққошдир,
Вале тасвир этолмас бўлса гар, у асли наққошмас.
Ҳидоят йўлига чорлаб асар ёзмоқда толмасмиз,
Бу юздан томчилаб оққувчи тердир, кўздаги ёшмас.*

Муаллифлар

ОДОБ – ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

*Одоб шундай тожжи, поку беғубор,
Бошингга кийгину қайга борсанг бор.
Бархурдор Ибн Маҳмуд*

Эй кўрар кўзларим нури, қалбимнинг кўри бўлмиш азиз фарзандларим! Қалбингиз сандигини ўзбеккона одоб-ахлоқларимиз жавоҳирлари билан тўлдилинг. Негаки одоб буюклик, юксаклик осмонининг нарвони. У орқали улуғ мақсадларга эришиш мумкин.

Ривоят қилишларича, Сув, Олов ва Одоб учовлари дўст тутинишибди. Азбаройи бир-бирларини севганларидан ўзаро ажралиб кетишдан ниҳоятда кўрқишар экан. Шу боисдан бир куни улар Сувдан сўрашибди:

– Мабодо, йўқолиб қолсанг, сени қаердан топамиз?

– Қаерда шовиллаган овоз эшитилса, мен ўша жойда бўлман, – дебди Сув.

Сўнгра Оловдан сўрашибди:

– Бордию, сени йўқотиб қўйсак-чи, айт, қаердан топамиз?

– Қаерда тутун кўринса, билингларки, мен ўша жойда бўлман.

Навбат Одобга келганида у:

– Мени йўқотсангиз, излаб овора бўлманг. Қайтиб ҳеч қаердан тополмайсиз, – деб жавоб бериб.

Одоб ана шундай йўқотилса қайта топиб бўлмайдиган қимматли бойлик. Уни эгаллаб, қўлга киритиш зарур. Аммо қўлдан чиқариш мумкин эмас. Яна шуни ҳам билиб олингки, одоб илм билан эгизак. У ақлга, ақл унга боғлиқ. Ҳар иккови жам бўлса, чинакам инсонийликни юзага келтиради. Букротдан:

– Одобли билан одобсиз ўртасидаги фарқ қандай бўлади? – деб сўрашса, у:

– Гапирадиган ҳайвон билан гапирмайдиган ҳайвон орасидаги фарқ каби бўлади, – деб жавоб берган экан. Дарҳақиқат, шундай. Одобсиз одамнинг ҳайвондан фарқи йўқ. Одобсизда ақл, ақлсизда одоб бўлмайди. Одобли одам барча ёмонликлардан сўзда ҳам, амалда ҳам тийилади, фақат ўзининггина эмас, бошқаларни ҳам иззат қилиб, ҳурматини жойига қўяди. Ҳеч бир кишига озор етказмайди.

Муҳаммад Зеҳнийнинг ёзишича, халифа Маъмун одоб билан сўзлаётган боладан:

— Кимнинг ўғлисан? — деб сўраган экан, у:

— Одобнинг ўғлиман, — деб жавоб берибди. Бу жавобни эшитган халифа:

— Қандай чиройли отанг бор экан-а, — дея унга таҳсин ўқибдилар.

Сизлар ҳам, фарзандларим, ўз одобингиз билан ана шундай таҳсин оладиган даражага эришмогингиз керак.

Одобли одамда мўъжизакор куч бўлиб, у ўз сеҳри билан суҳбатдошининг қалбидан ғам, алам булутларини худди шамол каби ҳайдаб чиқаради. Шундай экан, одобли одам билан суҳбатдош бўлиш жаннатнинг энг хушбўй ва тотли неъматларини тановул қилиш билан баробар.

Одоб-ахлоқ шундай жаннатмакон хиёбонки, унинг муаттар гулзорларидан барча муддаолар гулларини дасталаб териб олавериш мумкин. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги зукколар одоб-ахлоқ қоидаларини мукамал ўрганиб, унга оғишмай, тўла-тўкис амал қилмоқ лозим ва шарт, деб ўгит берганлар. Доноларнинг мазкур ўгитларига амал қилмаган, яъни одоб-ахлоқ қоидаларини менсимаган одамлар эл назаридан қоладилар. Бегоналар у ёқда турсин, ҳатто энг яқин дўсту биродарларининг ҳам нафрат ва ғазабига гирифтор бўладилар. Сиз улардан узоқ юринг ва зинҳор-базинҳор яқинлашманг. Бироқ аччиқ қисматларидан сабоқ олинг. Зеро, одобни беодобдан ўрган, деб бежиз айтмаганлар.

Ривоят қилишларича, Бағдод кўчаларидан бирида бир гуруҳ болалар ўйин билан машғул эдилар. Баногоҳ сайр қилиб юрган подшоҳ от миниб ўша кўчадан ўтиб қолди. Бир бола уни кўриб, ўрнидан турди ва одоб юзасидан бир чеккага чиқиб, девор остига жойлашди. Бошқа болалар эса ҳеч нарса сезмагандек туравердилар, қизгин ўйиндан тўхтамадилар. Буни кузатиб турган подшоҳга боланинг ҳаракати манзур бўлди. У отни бола томонга бир оз юргизиб, унинг янада диққатини тортди ва имтиҳон қилиб кўриш мақсадида қўлидан узугини чиқариб отди-да, деди:

— Ким узукни ҳаммадан олдин топиб келса, шоҳона ҳадя олади!

Болалар шошганча ур-тўполон қилиб, узукни қидиришга тушдилар. Кўп ўтмай улардан биттаси узукни топиб подшоҳга келтирди. Ҳалиги бола эса ўз оёғини одоб чегарасидан чиқармай, жойидан жилмади.

Подшоҳ кўз қири билан бу болани кузатиб турар эди. У узукни келтирган боладан олди-да бу сафар уни ўша диққатини тортган боланинг олдига ташлади. Бола эса узукни ердан кўтариб, чангини артди-да, бир ўпиб, одоб ва ҳаё юзасидан секин-секин юриб келиб, икки қўлаб подшоҳга узатди. Подшоҳ унинг одоб ва ҳаёсининг чиройлилигини ёқтириб қолиб деди:

*Одоб ўз эгасин бир кун етказар
Иззату обрўга ва саодатга.
Одобнинг боғидан терса ҳар ким гул,
Ҳаёти тўлади хуш тароватга.
Одобли кишилар топар яхшилик,
Беодоб нишондир, бил, маломатга.*

Подшоҳ болаларнинг ҳар бирига инъом берди. Кейин ходимларидан бирига қараб:

— Мана шу боланинг ота-онасини топиб рози қил, болани бизга берсин, тарбиялашга арзийдиган экан, — деди.

Одобли одам барча ёмонликлардан сўзда ҳам, амалда ҳам тийилиши, фақат ўзининггина эмас, бошқаларни ҳам иззат қилиб, ҳурматини жойига қўйиши, ҳеч кимга озор етказмаслиги керак.

Яна шуни алоҳида қайд этиш лозимки, кишида одоб билан бирга илм ҳам бўлиши керак. Одоб ақлга боғлиқ нарса. Ақл устига одоб ҳам қўшилса, нур устига нур бўлади. Буюклик ақлу одоб билан юзага келади. Ақлнинг қадри одоб билан, одобнинг қадри ақл билан камол топади.

Ривоят қилишларича, одоб хазинасини юрагига жойлаган бир йигит ўз бахтини тополмай бир неча вақт сарсон-саргардонликда юрибди. Кейин Анушервоннинг ходимларидан бирининг хизматига кирибди. У ердаги қийинчиликларга қанчалик бардош бермасин, тузукроқ фойда тополмабди.

Ногоҳ Анушервон ўз мулозимларидан:

— Энг юмшоқ нарса нима? — деб сўраб қолган экан, биров шоҳи, бошқа биров товуқ патлари, яна бошқа биров шоҳидан ҳам юмшоқ нарса, яна нима бўлиши мумкин, деб жавоб берибди. Аммо уларнинг жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлмабди. Худди шу пайтда ҳалиги йигит сўзлашга ижозат сўраб дебди:

— Менимча энг юмшоқ нарса тинчликдир!

Анушервонга йигитнинг жавоби маъқул келиб ундан:

— Энг яхши овқат нима? — деб сўрабди.

— Шаҳвоний қувватни оширмайдиган ва танада иллат қўзғатмайдиган овқат энг яхши овқатдир!

Йигитнинг бу жавоби ҳам Анушервонга ёқиб тушиб, бу гал:

— Энг яхши шароб қайси? — деб сўраган экан, у:

— Ақлни зое қилмайдиган ва касаллик пайдо қилмайдигани!
- дебди.

Анушервон йигитнинг бу жавобидан ҳам қониқиш ҳосил қилиб, унга сўнгги бор шундай савол берибди:

— Гулларнинг ичида энг ширин ҳидлиси қайси?

— Ота-она тириклигида уларни хурсанд қиладиган, ўлганидан кейин эса номларини боқийлаштирадиган ҳаёт гули бўлмиш фарзанддир!

Йигитнинг сўнгги жавобига ҳам қойил қолган Анушервон уни хизматига олиб, каттагина маош тайинлабди. Шундай қилиб, йигитнинг омади юришиб кетибди.

Инсонга хос фазилатлар кишининг насли-насаби билан эмас, ахлоқу одоби билан файзли бўлади. Донолар яхши ёки ёмон хулқли бўлишни оила, боғча ва мактаб билан боғлайдилар. Уларнинг таъкидлашларича бузуқ хотиндан туғилган ва разил ота қўлида тарбия топган фарзанддан яхшилик кутиш қийин. Шунингдек, побоб боғча тарбиячиси ва мактаб ўқитувчиси ҳам бола тарбиясига салбий таъсир этиб, унинг насиҳатни қабул қиладиган энг қулай даврини ўтказиб юборишига сабабчи бўладилар. Чиройли хулқ худди пурзиё офтобга ўхшайди. Офтоб музни эритгани каби чиройли хулқ ҳам барча ёмонликларни эритиб, йўқ қилиб юборди.

Донишмандлардан бирлари тарбия таъсир қиладиган болаларни уч тоифага бўлиб тавсифлаганлар.

Уларнинг биринчи тоифасига ҳануз оқ билан қорани танимаган болаларни киритганлар. Бундай болаларнинг табиати ҳали ёмонлик ғубори билан булғанмаган, юраги эса ботил ишлар зулмати билан қораланмаган бўлади. Уларга насиҳат тез кор қилади ва тўғри йўлга солиш осон кўчади.

Иккинчи тоифаси оқ билан қорани ажратадиган бўлиб қолган болалар. Улардан баъзилари ўз нафсларининг ғалабаси билан яхшилик томонга бурила олмай юрган бўладилар. Насиҳат этсанг, қабул қила олсалар, албатта, қилаётган ишларининг ёмонлигини англайдилар ва нуқсонларини эътироф этадилар. Бундай болаларни тарбиялаш биринчи тоифадагиларга нисба-

тан қийинроқ бўлса-да, улар мунтазам олиб бориладиган панду насиҳат, ўринли танбеҳлар эвазига ўнгланишлари мумкин.

Учинчи тоифа болалар ботил ҳаёт ва фосид фикрлар билан улғайиб қолган, умр бўйи ноҳақ ишларни ҳақ деб билиб келган ва шунга ишониб, астойдил эътиқод қўйиб улгурган бўладилар. Бундайлар гарчи инсонга ёмонлик қилсалар ҳам, ўзларича яхшилик қилдим деб ўйлайдилар. Бундайларни тарбиялаш гоят мушкул. Уларнинг тарбиясига киришиш игна билан қудуқ қазиш ёки ҳали қизиб чўққа айланмаган темирни болғалаш билан баробар. Шундай экан, темирни қизигида бос, деган нақлга амал қилган ҳолда болани ёшлигидан тарбиялашга эътибор бериш даркор. Шундай қилинганда ундан жамият учун фойдали асл инсонлар шаклланиб, ахлоқ ва одоб соҳасида ҳам ўзгаларга ибрат бўла олади.

*Одоб шундай неъматки, болам,
Етган кишин бахти кулади.
Унда нуру зиё мужассам,
Нур, зиёсиз вужуд сўлади.*

* * *

Чаман гулзор

*Одоб, — гўё чаман бир гулзор,
Боқсанг баҳринг очилаверар.
Унда кўрку хуш тароват бор,
Чор атрофга таралаверар.*

*Инсон борки боғ яратай дер,
Ҳавас билан боқсин деб одам.
Одобсизлик — қақраган чўл ер,
Бундай ердан қочар ҳайвон ҳам.*

*Одобли бўл, хуш бўйларингдан
Жону кўнгил олсин ҳузурлар.
Минг ўргилай, қад-бўйларингдан,
Тартавер одобдан нурлар.*

ИЛМ – БИТМАС ХАЗИНА

Эй фарзанди қобилларим, илмни битмас хазина, деб жуда тўғри гапни айтганлар. Уни ким эгалласа, кадр-қиймати юксак бўлиб, улуғ мартабаларга эришади. Илм асосига қурилмаган ҳар қандай буюкликнинг таги бўш, у бир туртки билан чилпарчин бўлиб, эгасини хору зор қилади. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в) биз умматларига қарата "Аввало олим бўл, лоақал таълим олувчи ёки тингловчи, илму уламоларни севувчи бўл", "Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон учун фарздир", "Илм ибодатдан афзал", "Бир соат илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхшидир", "Илмсиз ибодатдан кўра, илмли ухлаган яхшидир", "Илм Муҳаммаднинг (с.а.в.), бойлик Фиръавннинг мероси", деб кўп ва хўб ҳадисларни айтганлар.

Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий ҳам илмни, илмли одамларни гоят қадрлаб:

Кишиким қилса олимларга таъзим,

Андоқки қилур Пайғамбарга таъзим, — деб насиҳат қилганлар. Мотрудий бобомиз эса ҳатто "Динни илм билан асра", деганлар. Оқилаю зукко момомиз Анбар Отин ҳам илмнинг фазилатлари ҳақида тўхталиб:

Жаҳон равшан зиёи илмдандир,

Кўнгил софи саройи илмдандир", — деган ҳикматни мерос қолдирганлар. Жаҳонгир бобомиз Амир Тимур эса "Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни", деганлар.

Бу ҳикматларни дилингизга жо қилиб, ҳар дақиқаси олтиндан қиммат умрингизни илм олишга, унинг ҳаётбахш зиёлари билан қалбингизни мунаввар этишга баҳшида қилинг. Шуни унутмангки, умр ўткинчи, уни ҳуда-беҳуда ишларга бағишлаб, зое кетказманг.

Ривоят қилишларича, бир киши замонасининг илмдори бўлмиш Ҳақимдан:

— Шунча илмни қандай ҳосил қилдингиз?, — деб сўраган экан, ул зот:

— Китоб ўқиётган пайтларимда ёндирган чироқ мойини ҳисобласанг, еб ичган нарсаларимдан кўпроқ бўлади. Бундан маълумки, вақтни еб ичиш ва ўйинга сарфлашдан кўра илмга сарфлаш зарур, — деб жавоб берган эканлар.

Яна бир ривоятда қайд этилишича, машҳур олим Ибн Аббосдан:

— Сиз қандай қилиб, шунча илмга эришдингиз? — деб сўрасалар:
— Савол берувчи тил, билувчи қалб ва чидамли ўқитувчи, — деган эканлар.

Эй фарзандларим, илм билан олимлар шуғулланади, деган фикрдан йироқ бўлиб, "Илм оммага!" деган шiorга амал қилинг. Илм олиш ҳар бир одам учун ҳаётий зарурат. Рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини тушуна олиш, яхши-ёмоннинг фарқига етиш, инсон зотининг қадр қимматини тўғри англаш, турмуш даражасини яхшилаш, қолаверса, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиб олиш учун ҳам илм керак. Уламолар илмсиз одамни меvasиз дарахтга ўхшатадилар.

Сизлар қимматли вақтларингизни дастлаб пул топишга эмас, илм олишга бағишланг. Негаки, ким илм билан ақлини оширса, ундан кейин молу мулк, пулнинг ўзи келаверади. Билиб қўйинг, мол-мулку пулни ишлатсангиз, у қанчалик сероб бўлса ҳам, охири тугайди, аммо илмни ишлатганингиз сари у кўпаяверади. Шу маънода Муиниддин Жувайний:

Билим кишиларни улғувор қилар,

Одамдан кетмайди то у ўлгунча.

Олтин, кумуш билан керилма зинҳор,

Бу иззат олтину кумуш тургунча, —

деб жуда тўғри ёзганлар.

Илм-маърифат бизнинг халқимиз учун, айниқса, шу кунларда қадрли. Негаки, халқимиз қуллик занжирларини узиб, озодликка эришганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Энди ўзлигини намоён қиладиган пайт келди. Бунинг учун эса, энг аввало, илм чўққиларини эгаллаш, замонавий фан-техника янгиликларини пухта ўзлаштириш, юксак мартабаларга эришиш лозим. Мартабанинг эса энг зўри илмдир. Қайси мамлакатда илму маърифат кучли бўлса, ўша мамлакат бахту иқбол гулшанига айланади. Қайси юртда билимсизлик, нодонлик ҳукм сурса, у юрт қақраган саҳро кабидир.

Илм - поёнсиз бойлик. Унга эга бўлган кишининг қадри доимо баланд, омади ҳамиша кулган бўлиб, унда энг яхши фазилатлар мужассамдир. Бироқ, табиийки, бу юксакликка эришмоқ осонмас. Бунинг учун бутун куч ва имкониятларни ишга солмоқ даркор бўлади. Айниқса, ёшлиқда олинган билимнинг самараси катта. Ёшлиқда ўрганилган илм бамисоли тошга ўйилган нақш каби, у инсон хотирасига ўчмас бўлиб муҳрланиб қола-

ди. Киши қариганида ёшликдаги чиройи уни ташлаб кетади, куч-қувватдан қолади. Шундай пайтда унга ўрганган илмлари фази-лат бахш этиб, куч-қувват, қадр-қиматини оширади.

Эй фарзандларим, қанақа фан бўлишидан қатъи назар, уни мукаммал ўрганишга ҳаракат қилинг. Негаки бир фан иккинчи фанни ўрганишга йўл очади. Қайси илмни ўрганишга чоғлан-сангиз, уни чала ташлаб кетманг, охиригача ўрганинг. Агар ёшликда умр йўлингизни илм нури билан ёритмасангиз, қари-ганда зулмат ва нодонлик ботқоғига ботиб қоласиз. Шунини ҳаргиз унутмангки, эл-юрт орасидаги қадрингиз мол-мулк билан эмас, илм билан ҳосил бўлади.

*Илмдилар бахт, толега талошдир,
Илмсизларга қолганда адошдир.
Илмсизлар дили тундек қоронғу,
Илмдилар дили гўё қуёшдир.*

* * *

Насихат

*Бир уммонга ўхшайди илм,
Ости тўла олтин, жавоҳир.
Таърифига ожиздир тилим,
Фаввос бўлиб энг остига кир.*

*Сен қанчалик тубига кирсанг,
Шунча бойлик тераверасан.
Гар бўлмасин десанг ҳолим танг,
Унга меҳринг бераверасан.*

*Бўлай десанг олам сарвари,
Қолай десанг дунёда мангу.
Узоқлашма илмдан нари,
Менинг сенга насихатим шу.*

ҲУНАР – ҲУНАРДАН УНАР

Илм ва ҳунар бамисоли эгизак. Илмсиз ҳунар, ҳунарсиз илм бўлмайди. Ҳунар ўрганиш учун ўқиш керак. Ҳунарни ишга солиш учун эса илм, уқув даркор. Билими йўқ, уқувсиз ҳунарамданинг ишида маза-матра бўлмайди.

Илм ва ҳунар таҳсили билан қадрли одамларга ҳавас назари билан боқинг. Улардан ўрганинг.

Ҳунар шундай бойликки, у ҳеч қачон нокерак бўлмайди. Ишлатмасанг ҳам йўқолиб кетмайди, зарур бўлган шароитда оғирингни енгил, мушкулингни осон қилади. Бу ҳақда Низомий Ганжавий:

*Ўқиб ўрганилган ҳар битта ҳунар
Ҳунарамдга бир кун фойда келтирар.
Ҳунарингдан бир кун етарсан бахтга,
Ҳунарсиз ким етар тож ила тахтга, —*

деб жуда хўб гапни ёзиб қолдирганлар.

Ҳазрат Навоий бобомиз ҳам инсониятнинг, шу жумладан, Шоҳ Искандарнинг барча ютуқларию қозонган шон-шуҳратларининг асосий манбаи илм ва ҳунар қудратидан деб уқтириб шундан ёзганлар:

*Шахски, илм нурин топди зоти,
Анинг то ҳашр қолди яхши оти.
Скандар чун топди илму ҳунарни,
Не янглиғ олди у баҳру барни.*

Эй фарзандларим, касбу ҳунар ўрганишга бор куч, бор имкониятингиз билан интилинг, уни тўлақонли эгаллаб олишга эришинг, қалбингизни ҳунар зийнати билан безатинг.

Агар одамнинг бойлиги бўлмаса ҳам ҳунари бўлса, у хавфхатардан холи. Муҳаммад Жавҳар Заминдор:

*Беҳунар одам эмас, молу зори бўлганда ҳам,
Бўлмагай эшшак одам анга либос ёпганда ҳам, —* деган чиройли шеърни беҳуда ёзмаганлар.

Уламолар ҳунари йўқ кишини қанотсиз қушга ҳам ўхшатадилар. Қушнинг парвоз қилиши учун қанот қандай зарур бўлса, инсоннинг яхши яшаши учун ҳунар ҳам шунчалик зарур. Қадимда мол-мулк ва шон-шуҳрати беқиёс бўлган подшоҳлар ҳам фар-

зандларини хунар эгаллашга даъват этганлар. Шундай экан, инсон амал ва бойлик даражасидан қатъи назар хунар ўрганишга эришмоғи лозим. Ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам хунар инсонга меҳрибон дўст, шафқатли ёр мисолидир. Бир доқишманд-нинг таъкидлашича хунар шундай бир чопағон отдирки, у ўз чавандозини тезгина роҳат ва эътибор манзилига етказди ва шундай ҳимоячидирки, ўз соҳибини таъма оловидан қутқариб, омон сақлайди.

Ривоят қилишларича, бир йигит уммондаги кема ҳалокати туфайли ўз Ватанидан айрилиб, етти ёт бегона бўлган бошқа бир мамлакатга бориб қолибди. Унинг ёнида бир тийин ҳам маблағи қолмагач ейишга егулик тополмай, оч қолибди. Тиланчилик қилай деса иззат-нафси йўл қўймабди. Не қиларини билмай турган бир пайтида ёшлигида темирчиларнинг пичоқ ва болта яшларини томоша қилиб, сир-асрорларини бир оз бўлса-да ўрганиб олгани ёдига тушиб қолибди. Шунда у ўйлаб ўтирмай дарҳол темирчиларнинг олдига бориб, уларга:

— Эй биродарлар, мен ҳам темирчилик сиридан бироз воқифман. Иложи бўлса ўзларингизга шерик қилиб олсаларинг, — деб илтимос қилибди. Темирчилар рози бўлишибди. Йигит бир неча муддат улар билан ишлаб, пул йиғибди-да, сўнг эсон-омон Ватанига қайтиб борибди. Кейин ҳамюртларига бошидан ўтганларни гапириб бериб, фарзандларини кўннинг биринчи ярмида ўқитиб, иккинчи ярмида хунар ўрганишга даъват қилибди. Бошқа бир манбада қайд этилишича, донишманд Хуррабий ўғилларига шундай насиҳат қилган эканлар:

*Олтининг харж билан охир бўлур кам,
Хунар шундай ганжки, камаймас ҳеч ҳам.
Уларнинг фарқини айтсам агарда,
Хунар чашма эрур, олтин, зар чабнам!*

Эй фарзандларим, мен сизга айтсам, хунар — хунардан унар, дейишади. Кишининг фаровон яшаши учун касбу хунардан афзал нарса йўқ. Бир уламнинг тасвирлашича, хунарсиз киши ҳид ва рангдан холи гулга ўхшайди. Бошқа бир уламо эса хунарсизларни жамиятнинг разил ва пасткаш кишилари деб ҳисоблашни қайд этган. Касб ва хунарсиз кишиларнинг муҳаббати ҳам ҳеч бир дилдан жой тополмайди ва ҳеч бир кас касбу хунарсиз кишига муҳаббат нигоҳини ташламайди.

*Ўқиб илм олгин, ўргангин ҳунар,
Илм зукко этар, ҳунардан унар.
Ҳам билим, ҳам ҳунар эгаси бўлсанг,
Бошингга албатта бахт қуши қўнар.*

* * *

Ҳунар зардирки шундай...

*Сарфласанг бойликни бўлгай оқибат бир кун адо,
Лек ҳунар зардирки шундай, ўлмагай, умри бақо.
Дейдилар: бир қизга қирқ, етмиш ҳунар оз эр учун,
Ким ҳунар ўргангани шахд айласа қўллар Худо.
Гар ҳунарли бўлса инсон бўлмагай муҳтож сира,
Бас экан шундоқ, ҳунар дилларда бўлсин муддао.
Беҳунарнинг турмушига ҳеч яқин келмас сафо,
Лек ҳунарли бўлса бўлгай ишлари ҳам жобажо.
Ким ҳунар қадрига етса эл аро қадрин топар,
Беқадр қолгай ҳунардан кимки бўлса Мосуво.
Ким кулол, мисгар киму, ҳайкалтарош ким бўлса ҳам,
Ёғдирар шоир Калонийдек улус мадҳу сано.*

УСТОЗ ОТАНГДЕК АЗИЗ

Бир куни Донишманддан сўрабдилар:

– Нима учун устозингизни отангиздек афзал кўрасиз?

– Шўнинг учунки, отам мени фоний дунёга олиб келди, устозим эса боқий ҳаёт бахш этди.

Яна бир ривоятда қайд этилишича юксак даражадаги илм-маърифат соҳиби бўлган жаҳонгир Искандардан ҳам:

– Сиз устозингизни онангизни ҳурмат қилгандек ҳурмат қилар эмишсиз. Бунинг боиси не? – деб сўраганларида, ул зот:

– Бунинг боиси шуки, онам мени йўқлик осмонидан ерга олиб тушди, устозим эса ердан кўкка кўтарди, — деб жавоб берган экан.

Дарҳақиқат, шундай. Ахир, замонасининг машҳур маърифат-парварии бўлган Пошшоҳўжа ҳазратлари ҳам бежиздан бежиз:

Ҳеч ким устозсиз топмас жаҳонда иззу жоҳ,

*Негаким ҳашмат била Искандари даврон эрур, — демаганларда!
Ҳазрат Навоий бобомиз эса:*

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутди юз ранж ила,
Айламоқ осон эмас, ҳаққин адо минг ганж ила,* — деб шогирд-нинг устозга нисбатан қарзларининг нақадар улуғлиги ҳақида гоёг топиб гапирганлар.

Яратган Эгамнинг қудрати билан инсон боласини ота-онаси ўткинчи дунёга келтиради. Агар у ҳаёти давомида илм-маърифат зиёлари билан қалбини мунаввар этса бу нур унинг вафотидан кейин ҳам инсоният хотирасида умрбод яшаб қолишини таъминлайди. Бунда эса унга илм-фан сир-асрорларини ўргатган устозларининг роли беқиёс. Зеро халқимиз "Таълим берган устозингдан айрилма", "Устоз кўрмаган шогирддан кўрқ", "Устоз отангдек азиз" каби мақолларни бесабаб яратмаган.

Эй фарзандларим, агар тўғри йўлни кўрсатиб турувчи яхши устоз танламасангиз, ҳаёт сўқмоқларида қоқилиб йиқилишингиз, ҳатто боши берк кўчаларга кириб қолишингиз ҳам мумкин. Бас, шундай экан, ҳар бир киши ўз устозини худди шоҳ Искандар каби ҳурмат қилмоғи, уни бошига кўтармоғи лозим.

Шуни билиб қўйингки, фарзандларим, сизларга ҳам одамлар устозингизга қараб муносабатда бўладилар. Устозингиз қанчалик билимдон, оқилу зукко бўлса, унинг бу фазилатлари шубҳасиз сизларга ҳам ўтади. Донишманд устознинг шогирди ҳам доно бўлади, ҳеч қачон нодон бўлмайди.

Шундай экан, аввало устоз танлашда адашманг, ўзингизга муносибини топинг. Бу эзгу мақсадга эришганингиздан кейин эса илмга бўлган ташналигингизни беғараз қондирувчи бу устозингизга қуллуқ қилинг, ҳурматини жойига қўйиб, бир умр таъзимда бўлинг. Негаки, сизнинг комил, баркамол инсон бўлиб шаклланишингизда унинг ҳиссаси беқиёс. Ахир, донолар "Яхши устоз кўрмаган шогирд минг мақомга йўрғалар", деб бекорга айтмаганлар-да!

*Устоз ота-онангдек суюк,
Илму ҳикмат нурин сочади.
Ҳурматларин айласанг, буюк
Боқийликка кенг йўл очади.*

* * *

Бошинга кўтар

*Қадрлидир қадрдон устоз,
Меҳри қуёш, бағри кенг осмон.
Унга минг жон фидо этсанг оз,
Унга олқиш, унга шараф, шон.*

*Чўл дилингни у этиб бўстон,
Билим сувин таратаверар.
Шуурингни этиб чароғон,
Олам элин қаратаверар.*

*Таъзимда бўл, бошинга кўтар,
Хурматини жойига қўйгин.
У сен учун бахт-иқбол тутар,
Устозингнинг меҳрига тўйгин.*

КИТОБ – ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ

Азиз фарзандларим, китобни бежиз офтобга қиёсламайдилар. Бунинг боиси бор, албатта. Негаки қуёш бутун оламни ўз нурлари билан ёритганидек, китоб ҳам илм ва маърифат зиёлари билан инсон қалбини мунаввар этади. У олимлар фикри жамланган мўътабар хазина, донишмандлар ҳикматларининг бўстони. У шундай гўзал бир боғки, ёзувлари унинг муаттар гулларидир. Бу ҳақда Муҳаммад Жабалрудий шундай ёзадилар.

*Бир дўстки, ҳеч кимга бермагай азоб,
Узоқ синаб кўрдим, билсанг у китоб.
Сирни яширмайди ўқувчисидан.
Хабар берар сенга ёзувчисидан,
Хилватда сен билан бўлиб у улфат,
Жимгина қуради ёқимли суҳбат.
Ҳеч кимдан қолишмас билимда аҳбоб,
Ундан сўрамасанг бермайди жавоб.*

Кимки китоб билан дўстлаша, зеҳни ўткирлашади, нутқи равон бўлади. У билимнинг ҳеч қачон кўзи бекилмайдиган қайнар булоғи, инсонни мозийдан ҳам, шу кундан ҳам, келажакдан ҳам хабардор этади. Муҳими, у одамзотдан ҳеч нарса сўра-

май, уни камолга етказди, бошига бирор-бир ташвиш тушган-да оқилу доно маслаҳатчига айланади.

Кишига китобдан кўра азиз, қадрли ва ёқимли суҳбатдош топилмайди. У латофат, нафосатда тенги йўқ, фиску фасоду мунофиқликдан мустасно бўлган садоқатли ҳамроҳдир. Унинг суҳбатидан инсонга шундай бетиним файзу нафлар етадики, у бошқа ҳеч қандай манбада учрамайди. Шунинг учун ҳам аждодларимиз уни улуғлаб, "Китоб — ақл қайроғи" ҳам деганлар.

Ватандошимиз Абу Бакр ал-Хоразмий илмнинг поёнсиз кучқудратини бутун жаҳонга намойиш эта олган улуғ олимлардан бўлганлар. Ул кишининг нурафшон умрлари поёнига етиб, ўлим тўшагида ётган пайтларида:

Кўнглингиз нимани хоҳлайди, иштаҳангиз нимани тусамоқда? — деб сўрабдилар. Шунда ул киши:

Китоб юзига бир қарасам эди, — дебдилар.


Кўрдингизми, фарзандларим, шунчалик кўп илм соҳиби бўлган аллома умрларининг сўнгги дамларида ҳам китобни қумсаб, уни кўргилари келибди. Шундан хулоса чиқариб, китобни севинг, уни қадрлаб, эъзоз этинг, у билан мулоқот қилинг.

Дунёдаги кўп нарсалар бир марта фойдаланишли бўлади. Масалан, егулик овқатлар қанчалик мазали бўлмасин, еганингиздан кейин ҳазм бўлиб кетади. Пулингиз олтинми, қумушми, гавҳарми бўлишидан қатъи назар, унга бирор нарса харид қилганингиздан кейин у сизники эмас, бировники. Китобни эса қайта-қайта ўқиганингиз билан тугаб қолмайди. Ҳатто уни асраб-авайлаб сақласангиз, авлод-аждодларингизга ҳам қолади. Улар ҳам бир куни ўқиб, ундаги илм зиёларидан баҳраманд бўладилар.

Шунинг учун ҳам китоб ўқиганингизда уни эҳтиётлаб, йиртмай, варақлариниғижимламай ўқиб чиқинг-да, кейин эҳтиётлаб шахсий кутубхонангизда асранг.

Шуни яхши билиб олингки, кимнинг пули кўп бўлса, ўша бой эмас, ким кўп китоб ўқиса, ўша бадавлат ҳисобланади. Негаки, кўп китоб ўқиган одамнинг билими ҳам кўп, ақл-заковати ҳам юксак даража бўлади-да!

Баъзилар китоб йиғишга жуда муккасидан кетадилар-у, лекин ўзлари уни ўқимайдилар. Уйларини гўё китоб билан безатадилар. Бу билан сунъий равишда ўзларини ўзгалар кўзига китобхон қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Бундай манманлик, алдоқчи-



ликдан фойда йўқ. Аксинча, у кони зарардир. Бундайларни устига китоб юкланган эшакка менгзаш мумкин.

Китоб фойдаланган билан адо бўлмайдиган бебаҳо хазина. Уни ўзингизга ҳамиша содиқ дўст деб билиб, мутолаа қилинг.

*Китоб — ақл қайроғи, ўқиб ақлингни чархлат,
Унда олам фанлари топмиш ифодасини.
Беҳуда ўтмасин ҳеч бирор дақиқа фурсат,
Ўқиб ўрган, ёдлаб ол ҳаёт қоидасини.*

* * *

Китоб — офтоб

*Ўқи, китоб — офтоб,
Кўнгилга нур сочади.
Ўқисанг бўлиб савоб,
Толега йўл очади.*

*Баски у ҳикмат экан,
Демак, ўқиб, яйрагин.
Ўқи, улуғланар шаън,
Булбул бўлиб сайрагин.*

*Бешикдан тобутга то,
Ўқиш даври, билим ол.
Ўқиш бўлсин муддао,
Вақт ғанимат, ўқиб қол.*

*Ўқи, ўқи, ўқийвер,
Ўқиб толмагин асло.
Китобатдан ақл тер,
Китоб эрур бебаҳо.*

ОНАНГИ ЭЪЗОЗ ЭТ

Она — дунёдаги энг улуг, энг мўътабар зот. У фарзандини оқ ювиб оқ тарайди, камолга етказиш учун ўз оромидан, тунлари ширин уйкусидан кечиб тарбия қилади, меҳру муруввати билан қалбларини мунаввар айлайди. Бетоб бўлса, бошларида гиргиттон бўлиб, қалб қўри билан даволайди.

Она гарчи бева бўлиб қолса ҳам, фарзандларининг отасиз қолганларини сездирмаслик чораларини кўради. Керак бўлса кўз ёшларини сув қилиб сепиб, сочларини супурги қилиб бўлса-да ер супуради. Болаларини илм ва ҳунар эгаллашлари учун имкон яратади. Жоҳиллик ботқоғига ботиб қолмасликлари учун бор имконини бағишлайди. Қанча молу мулки бўлса ҳам, болаларидан аямай сарфлайди. У, айниқса, бировнинг ҳасми деб қизлари тарбияси учун жон куйдиради.

Муҳаммад Жабалрудийнинг ривоят қилишларича, бир йигит кўнгили кўйган қизининг ақл-идроқини синаб кўрмоқчи бўлиб ундан:

Кишининг қалб оламида қандай бўстонлар бўлади? — деб сўрабди. Қиз:

— Кишининг қалб бўстонида илм, мулойимлик, ихлос, камтарлик, саховат, ризо ва умид бўстонлари бўлади, — деб жавоб берибди.

Қизнинг бу жавобидан қониқиш ҳосил қилган йигит яна саволга тутибди:

— Бу бўстонларда нималар бўлади?

— Агар киши астоҳидил равнақ топаман деса, энг аввало, илм бўстонига кириб, у ерни нодонлик ва жоҳиллик тиконларидан тозалайди. Кейин мулойимлик бўстонига кириб, адоват ва ҳасаддан тозалайди. Бу ишни маромига еказиб бажаргач ихлос бўстонига қадам босиб, бу бўстонда мавжуд бўлган риё ва бадгумонлик янтоқларини юлиб, узоқ-узоқларга улоқтиради-да, камтарлик бўстонига кириб боради ва такаббурлик ва мағрурликдан халос этади. Ризо бўстонига кирганида манманлик, қайсарлик хашакларини ёқиб кулга айлантиради. Шундан сўнггина умид бўстонига кирса унинг барча эзгу ниятлари рўёбга чиқади, — деб жавоб берибди.

Йигит қизнинг ақл-заковатиға таҳсин айтиб, ундан:

— Эй қиз, ҳали ўн гулингдан биттаси ҳам очилмай туриб шунча ҳикматомуз гапларни кимдан ўргана қолдинг? — деган экан, қиз:

— Онажонимдан! — дебди.

Она болаларини комил инсонлар қилиб тарбиялабгина қолмай, керак бўлса улар учун ўзлигидан ҳам кечади, уларнинг ороми, бахт-саодати учун умрини хазон, жонини қурбон қилишга ҳам тайёр. Шу маънода Сайёдий ҳазратлари она ҳақида гапириб:

...Ушал фарзанд бирла шод бўлгай,

Бари қайғусидан озод бўлгай, — деб жуда ҳақ гапни айтганлар. Шу боис ҳам фарзанднинг онадан қарзи бисёр бўлиб, уни тўлатқис узмоқ учун умри ҳам, мол-дунёси ҳам ҳозиргача етган эмас, бундан кейин ҳам етмайди.

Эй фарзандларим, онангизнинг ҳурматини жойига қўйинг, унинг маслаҳатларига қулоқ солинг, розилиги бўлмаган ишларга қўл урманг. Унга ҳамиша очиқ чеҳра билан боқинг, қовоғингизни солманг, чақирганида эса дарҳол ҳозир у нозир бўлинг.

Волидаи муҳтарамангизга бир умр, айниқса қариб қолган чоғлариди раҳм-шафқатли бўлинг, қўлингиздан келганича яхшилик қилинг. Унинг танбеҳларини кўнглингизга олманг, аксинча хурсанд бўлинг. Не орзую, не ниятлари бўлса, барини рўёбга чиқариш учун бутун имкониятларингизни ишга солинг. Билиб қўйингки, онангиз қанча кўп умр кўрса, сизнинг толе юлдузинг шунча кўп порлоқ бўлади.

Ўзингиз оч қолсангиз ҳам онангизни оч қолдирманг, аввал унга кийим-кечак олиб, сўнг ўзингизга харид қилинг. Берган таомингиз ўзингиз ейдиганингиздан кўра тотли бўлсин.

Ривоят қилишларича! Ханнон ибн Атия ўз онаси билан бир дастурхонда овқат ейишга кўрқиб турар эканлар. У киши доимо: "Онамнинг кўзлари тушиб энди ейман деб турган неъматни билмасдан еб қўйсам, кўнгилларига бир гап келса, гуноҳкор бўлиб қолсам, ҳолим не кечади, мен шундан кўрқаман", дер эканлар.

Онангиз нимани сотиб олишни хоҳласа олиб беринг, нимани ейишни истаса муҳайё этинг. Яшаб турган уйларини таъмирлаб, жиҳозларини саранжому озода бўлишига эришинг.

Сўрамасалар ҳам пул бериб туринг, ул зот ҳар қанча зарурат бўлса ҳам, сиздан пул сўрашдан тортинишлари мумкин.

Фарзанд онанинг барча талабларини бажаришга мажбур. Аммо у бордию гуноҳ ишларни бажаришни буюрса, уни рад этиш шарт. Бироқ шундай пайтда ҳам унга озор етмайдиган қилиб, буюр-

ган мазкур ишининг гуноҳ эканлигини, унинг учун ҳар икки дунёда ҳам жазо муқаррар эканлигини мулойимлик билан тунтиринг.

Баъзан ҳаётда шундай воқеалар ҳам бўладики, айрим оналар арзимас сабаблардан дарғазаб бўлиб, ўғил ё қизларини турмуш ўртоғидан ажралишларини талаб қиладилар (афсуски, бунақа ҳолатлар ҳаётда учраб турибди). Бундай оналар жаҳл отига миниб Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг энг ёмон иш талоқ, деган мазмундаги ҳадисларига зид иш тутиб, оиланинг бузилишига, ҳатто норасида набираларининг тирик етим бўлиб қолишига сабабчи бўладилар.

Шу ўринда устоз Чустийнинг

*«Бошласа ногаҳ ёмон ишга онанг,
Гар уни сўзини ижро айласанг,
Бу сўзим икки қулоғингда эшит,
Яхшидир сендан кўра урғочи ит»*

деган ўғитларини эслаб ўтиш ўринлидир.

Ривоят қилишларича, Мусо алайҳиссалом Оллоҳга мурожаат қилиб:

— Эй Оллоҳим, мен жаннатда ким билан бўламан, — деб сўраган эканлар, Оллоҳ бир қассобнинг номини айтибди. Мусо алайҳиссалом шунча уламолар, тақводор кишилар туриб оддий бир қассоб билан жаннатда бирга бўлишларидан бир оз таажжубга тушиб, ул қассоб билан юзма-юз кўришликни ният қилибдилар. Қассобнинг дўконига бориб:

Мен бир мусофирман, иложи бўлса уйингизда бир кеча тушишга ижозат берсангиз, — дебдилар, қассоб:

— Бош устига, — деб уйига бошлабди. Хонадонга кириб боришганида юмшоқ беланчақда ётган, озиб-тўзиб кичкина болаги ўхшаб қолган кекса кампирга кўзлари тушибди. Қассоб кампирни дарҳол кўтариб, беланчақни тозалаб, уни силаб-сийпаб, едириб-ичирибди. Кампирнинг эса гапиришга ҳам ҳоли йўқмиш. Бироқ лабларини қимирлатиб пичирлаб-пичирлаб нималардир дебди.

Буни кўрган Мусо алайҳиссалом қассобдан:

— Бу аёл ким ва у пичирлаб-пичирлаб сизга нима деди, — деб сўрабдилар.

— Бу аёл менинг волидаи муҳтарамам. Мени ҳар куни "Эй Оллоҳим, ўғлимни жаннатда Мусо алайҳиссалом билан бирга

эт", деб дуо қиладилар. Ҳозир ҳам шундай деб дуо қилдилар, — дебди. Бу гапни эшитган Мусо алайҳиссалом:

— Онангизнинг дуолари ижобат бўлибди, — деб қассоб билан хайрлашибдилар.

Маълум бўлишича, у қассоб ниҳоятда қариб қолган онасини оқ ювиб, оқ тараб парвариш қилгани, шунчалик эъзозлагани учун муштипар онаизорининг дуолари ижобат бўлган экан. Мана шунақа, фарзандларим. Онанинг дуоси дунёдаги энг тез амалга ошадиган дуодир. Сизларга ҳам ҳамиша онангизнинг дуосини олишликни насиб айласин Эгам.

*Она ғаниматдир, дуосини ол,
Меҳрингни ҳеч дариғ тутмагин зинҳор.
Гар уни бир бора айласанг хушҳол,
Толе кулиб боқар сен томон минг бор.*

* * *

Онамга

*Жонимни берсам, оздир олижаноб онамга,
Қалбимга нур таратган чин офтоб онамга.
Жисмини(нг) парчасини этди одам, бу менман,
Бу ҳимматига қандай этгум жавоб онамга.
Боримни ҳадя этсам қарзим узилмагайдир,
Умрим бўйи тополсам қанча савоб онамга.
Меҳриму бахту тахтим бошига тож этарман,
Подшоҳ болам дегувчи ҳозиржавоб онамга.
Меҳри бажо, яхишлар яхишиси ичра яхши,
Садоқатим улғудир, ул моҳтоб онамга.
Ҳурмат деган дилимда адоғи йўқ гуҳардир,
Ғамхўрлигин китоби юз мингта боб онамга.
Таъзим этай заминга теккунча токи бошим,
Маъни қадаҳларида сунган гулоб онамга.
Бир шеър ёзиши, Калоний, қатрани(нг) қатрасидир,
Камлик қилур ёзилса минг-минг китоб онамга.*

ОТАНГ – ПУШТИ ПАНОҲИНГ

Пайғамбаримиз (с.а.в.) "Ўзинг ҳам, молинг ҳам отангникидир", деганлар. Шуни англангизки, ота учун фарзанддан кўра яқинроқ одам йўқ ва отанинг фарзандга бўлган муҳаббатининг нақадар юксаклигини тасаввур қилиш қийин. У бутун куч-қудратини фарзандларини фаросат, камолот нури билан безатиб, уларнинг вужудини касбу ҳунар зиёлари билан нурафшон айлашга бахшида этади.

Отани оила бошлиғи деб бежиз айтмайдилар. У оиланинг узоғини яқин, йўғини бор қилиш учун тиниб-тинчимайди. Фарзандларининг яхши яшашлари учун уй-жой қуради, кийинтириш, едириб ичириш учун ўз оромидан кечади. Нияти эса фарзандларини имон-эътиқодли комил инсон қилиш, бахтли-саодатли этиш. Оталар тириклик чоғларида фарзанд ташвиши билан яшаб, уларнинг оғирини енгил, мушкулени осон, узоғини яқин қиладиларгина эмас, ўз вафотларидан кейин ҳам уларнинг хор-зор бўлмасликларининг чорасини кўрадилар.

Ривоят қилишларича, бир бадавлат кишининг яккаю ягона ўғли бўлиб, у ниҳоятда исрофгар ва беҳуда сарфловчи экан. Отаси буни билгани учун олдиндан чора кўриб, вафоти яқинлашгач, унга васият қилиб шундай дебди:

– Эй ўғлим, мен ўлгандан кейин бойликларимнинг бари сенга қолади. Ишончим комилки, сен уларнинг ҳаммасини беҳуда сарфлаб тугатасан. Қўлингда ҳеч нарса қолмай, очлик ва ночорлик билан охири ҳатто ўлимга ҳам рози бўласан. Мен нариги уйнинг бурчагидаги томнинг шипига бир арқон боғлаб қўйибман. Жондан тўйган пайтингда ўзингни ўша арқонга осгин!

Ота шу васиятни қилиб, жон таслим этибди. Ноқобил ўғил кўп ўтмай, барча пулларни созуриб тугатибди. Охири гадолик қилишдан уялиб, ўзини осиб ўлдиришга аҳд қилибди. Отаси тайинлаб кетган уйга кириб, арқоннинг учини бўйнига солиб, ўзини осган экан, шу пайт том тўсини уни кўтаролмай, синиб кетибди ва отаси атайлаб ўғли учун беркитиб кетган бойликлар устига тўкилибди...

Кўр ҳассасини бир марта йўқотганидек, энди у ҳам бойлик қадрини тушуниб етадиган, пулни ўйлаб ишлатадиган, хайрли йўлларга харжлайдиган бўлибди. Отаси хотираси учун халқни хушнуд қилишга ва саховат нуридан баҳраманд этишга киришибди.

Фарзанд отага итоат қилибгина қолмай, унга чин дилдан ишониши ва ўзига энг яқин сирдош деб билиши керак. Негаки, ота кўпни кўрган, ақлли ва тажрибали бўлиб, яхши-ёмонни фарзандидан кўра яққолроқ ажрата олади. Шу боисдан ҳам отанинг насиҳат ва маслаҳатларига оғишмай амал қилмоғи керак. Лекин истисно тариқасида ота (ёки она) эл-юрт манфаатларига зарар келтирувчи гуноҳ ишларга даъват этса уни мулойимлик билан рад этиш керак.

Ривоят қилишларича, бир ота ўз фарзандига эл сирларини душманга сотишдек қабиҳ ишни буюрар экан. Бироқ фаҳм-фаросатли ўғил уни бажаришдан бош тортиб, отасини ҳам бу мудҳиш жиноятдан қайтаришга уринар экан. Бундан норози бўлган ота:

— Эй фарзандим, сен менинг айтганимни бажармай, ўз отангинг кўнглини оғритмоқдасан, Шу яхшими? — деб сўраган экан, ўғли:

— Ўз халқимни, яъни минглаб одамларнинг кўнглини оғритганимдан кўра бир дилни оғритганим маъқул! — деб жавоб берибди.

Ўғлининг оқилона жавобидан қониқиш ҳосил қилган ота ўз хатосини англаб, ўғлига таҳсинлар айтибди ва нотўғри берган топшириқлари учун узр сўрабди.

Баъзан ҳаётда ота сўзларига ишонмайдиган, ҳатто ўзини ундан ақлли, ишбилармон деб билувчи нодон фарзандлар ҳам учраб туради. Бундайлар шубҳасиз турли қийинчилик ва ҳар хил балоларга дучор бўладилар.

Фарзанднинг отасини ғафлатда қолдириб, амалга оширган ишларидан воқиф этмаслиги, аввало, унинг ўзига, қолаверса, ота учун ҳам фожиа келтириб чиқаради. Болалар қийин аҳволга тушиб қолганларида, бирор бир нохуш воқеага дуч келганларида, албатта, оталарини бундан хабардор этмоқлари лозим. Агар шундай қилишса, ота ўз ҳаётий тажрибалари, ақл-заковати билан фарзандининг бу ҳолатдан қийинчиликсиз чиқиб олишини таъминлайди.

Агар бирор киши бирор болага:

— Буни отангдан яшир, уларга айтма, — деб у ёки бу ишни таклиф этса, билгилки, у дўст эмас, душман. Негаки, унинг ўзи болага таклиф этаётган ишининг нотўғрилигини билган ҳолда, уни боланинг отаси ҳам билиб қолиб, фарзандини бу ишдан қайтаришини хоҳламайди. Шунинг учун ҳам у болага "бу ишни отанг билмасин" деган-да! Агар болалар отасининг гапига қулоқ солса, унинг кўрсатган йўлидан юрса, берган маслаҳатларига

амал қилса у доимо бахтли-саодатли бўлади. Аксинча ўз отасининг беғараз, чин кўнгилдан меҳрибонлик билан айтган сўзларини инобатга олмаса, берган маслаҳатларига амал қилмаса, у бора-бора йўлдан адашади ва гумроҳлик кўчасига кириб кетади. Бас ота фарзанд учун борлигини инъом этишга қодир экан, фарзанд ҳам шунга яраша унга содиқ бўлмоғи керак . Билиб қўйинг, отасини хўрлаган, унга озор етказган ҳар қандай фарзандни ҳар қадамда бахтсизлик кутади.

Бас, ота фарзандига шу қадар меҳрибон экан, унинг шукронаси учун фарзанд ҳам унга итоат қилиши, айтганларини бажариши, ёнида кўмакчи бўлиши, фарзандлик бурчини оғишмай адо этиши керак. Билиб қўйинг, отага нисбатан шафқат ва марҳаматларини узлуксиз ишга солиш чинакам фарзандга хос бўлган фазилатлардан. Фарзанднинг отага нисбатан қарзи ота тириклик чоғида ҳам, унинг вафотидан кейин ҳам давом этади. Қобил фарзанд отасининг қабрига бориб тез-тез зиёрат қилиб турмоғи, дўстларини уйига таклиф этиб, улар билан ота хотирасини ёдга олиши лозим. Зеро, Пайғамбаримиз (с.а.в.). "Яхшиликнинг энг улуғи отаси вафотидан сўнг ҳам унинг дўстлари билан алоқани узмасликдир", деганлар.

*Ота тирик экан, хизматини қил,
Пойига тиз чўкиб, таъзим эт бажо.
Вафот этиб кетса агар, муттасил
Ёдиндан чиқармай этиб тур дуо.*

* * *

Жоним отам

*Бу дунёни донолар дер бир кам дунё,
Юрагимни адо қилди шу кам дунё.
Нечун Сизни кам айлади менга Худо,
Ҳузуримни кўрмадингиз, жоним отам.*

*Сизни ўйлаб жону дилим куяверар,
Соғинч дардин бор вужудим туяверар.
Ҳижронингиз юрак-бағрим ўяверар,
Сиз йўғимсиз, сиз боримсиз, жоним отам.*

*Ота рози — Худо рози, дейди элим,
Оталарнинг ғам-ташвишин ейди элим.
Сизсиз мисли долдек бўлиб қолди белим,
Қувватимсиз, мадоримсиз, жоним отам.*

*Оталиклар қад-қомати ғоз бўлади,
Кўнглин боғи навбахору ёз бўлади.
Ҳар қадами, босган изи соз бўлади,
Сиз ғурурим, шараф-шоним, жоним отам.*

*Оталарнинг тилларидан ҳикмат томар,
Амал қилган фарзанд деган қудрат топар,
Олам аро шуҳрат топар, иззат топар,
Иззатимсиз, ҳурматимсиз, жоним отам.*

*Калонийнинг бағри яро доғингиздан,
Тасаддуқ жон, ўргилайин боғингиздан.
Завқ оламан эслаб ҳаёт чоғингиздан,
Ҳузуримни кўрмадингиз, жоним отам.*

ОНА ВА ВАТАН

Ҳақиқий инсон ўз онаси, опа-синглиси, барча аҳли аёлини ҳурмат қилади, эъозлайди, улуғлайди. Зеро аёл зоти шунга лойиқ. Билингки, ўлим билан олишиб, тулғоқ азобини тортиб фарзандини дунёга келтирган она худди шу фарзанди туфайли юксак даражада қадр топиши, бахт-иқболга сазовор бўлиши лозим. Агар сиз шаънимга ҳеч доғ тушмасин, ҳар икки дунём обод бўлсин десангиз онангиздан, аҳли аёлингиздан меҳрингизни дариф тутманг.

Яна шуни ҳам билингки, ўз онаси, опа-синглиси, аҳли аёлини асраб-авайламаган кишидан ҳеч қачон ҳақиқий ватанпарвар ҳам чиқмайди. Худди шундоқ. Ўз онасигаки меҳри йўқ ноқобил фарзанддан Ватанга муҳаббат кутиш ҳар қандай кишининг ҳам ўз-ўзини алдашидан бўлак нарса эмас.

Ривоят. Қадим замонда бир босқинчи подшоҳ бўлган экан. У навбатдаги ўзга юртларга юриш бошлашдан олдин аъёнларини йиғиб дебди:

— Эй аъёнларим, чор томонга қараб айғоқчи жўнатингки, улар узоқ яқиндаги халқларнинг аҳли аёлига муносабати қандай эканлигини ўрганиб келишсин.

Подшоҳнинг амри вожиб. Аъёнлари унинг айтганини бажо этишибди. Орадан маълум вақт ўтгач айғоқчиларидан икки нафари қайтиб келибди. Бири шундай дебди:

— Эй подшоҳим, мен борган юртда кишилар аёл зоти борки, ҳаммасини бошларига кўтарар эканлар. Оналар эъзозда, опа-сингиллар ардоқда, барча оғир юмушларни эркакларнинг ўзлари бажарар, аҳли аёлларини эса зинҳор-базинҳор оғир юмушлар билан уринтириб қўймас эканлар.

Иккинчи айғоқчи эса бу гапнинг бутунлай тескарисини айтибди:

— Мен борган юртда эса аёл зоти хору зор экан. Барча оғир юмушлар уларнинг зиммасида. Она фарзандининг, хотин эрнинг, опа-сингил эса ака-уканинг меҳрига ташна.

Айғоқчиларнинг гапларини эътибор билан тинглаган подшоҳ уларга яна бир неча савол бериб, аёлларнинг эъзозда эканлиги ёки хор-зорлигини мукаммал билиб олгач, шундай дебди:

— Биз эркаклари оналарию аҳли аёлини хор-зор қилаётган юрт томон юриш бошлаймиз. Ишончим комилки, уни осонгина тибт этамиз. Негаки, ўз онаси, аҳли аёлига бемеҳр кишиларда Ватанга ҳам меҳр-муҳаббат бўлмайди. Бас, шундай экан, улар орасида сотқинлар кўп. Бизга эса худди шу ғалаба келтиради. Бироқ, эсингизда бўлсинки, биз ҳеч қачон аёллари улуғландиган юртга юриш қилмаймиз. Бойси бундай юртнинг оналар дуосини олган фарзандларини ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Улар билан жангга киришсак, шак-шубҳасиз бизни қириб ташлашади.

Шундай қилиб, шоҳ қолган икки томонга кетган айғоқчиларини кутиб ҳам ўтирмай, оналарию аёлларини хор-зор этаётган халқ устига юриш бошлабди ва айтганидек, осонгина ғалаба қозонибди.

Азиз фарзандларим, бу ривоят мазмунидан тегишли хулоса чиқармоқ ҳар бирингиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Нечунким, Ватанни онага бежиз менгзамайдилар. Улар номининг она-Ватан деб қўшалоқ тарзда қўлланишида ҳам ҳикмат бисёр. Онани улуғлайдиган ҳар қандай киши бошқа аёлларни ҳам ардоқлашга мажбур. Негаки бугунги опа ёки сингил кези келганида она бўлади. Уни ҳам жонажон Ватанга менгзамайдилар. Бу бежиз эмас. Инсон

зоти учун она қорни илк ватандир. Бу тушунчани Ватан онадан бошланади, деб ифодалаш ҳам мантиқан ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам ҳар қандай диёнатли, орийтли инсон она ва Ватанни улуғлаши, улар учун керак бўлса ширин жонини ҳам аямаслиги даркор.

*Ватан бошланади она қорнидан,
Шу боис у доим онадек суюк.
Қай бири суюк деб сўрманг, жонидан,
Иккови суюкдир, иккови буюк.*

* * *

Ватандек ифтихор йўқдир

*Менинг ўлкам каби якто жаҳонда ҳеч диёр йўқдир,
Буюк халқи каби қалби мусаффо, беғубор йўқдир,
Анга севгимдан ортиқроқ муқаддас яхши кор йўқдир,
Азиз бағрида эрканман, менингдек бахтиёр йўқдир,
Ёронлар, ушбу оламда Ватандек ифтихор йўқдир.*

*Туғанмас бахт-саодатлар Ватандандир, Ватандандир,
Меҳр бирлан саховатлар Ватандандир, Ватандандир,
Шарафлар бирла шуҳратлар Ватандандир, Ватандандир,
Матонатлар, жасоратлар Ватандандир, Ватандандир,
Ёронлар, ушбу оламда Ватандек ифтихор йўқдир.*

*Қучоғидан узоқ кетсам ўшал он сарғайиб сўлгум,
Дилимдан шодлигим кетгай, мени тарк айлагай кулгум,
Ҳаётимдан кетиб маъно, фиғону ғам билан тўлгум,
Висолини дариф тутса ўшал он беажал ўлгум,
Ёронлар, ушбу оламда Ватандек ифтихор йўқдир.*

*Шу юртим ўғлиман содиқ, ҳамиша кўксим осмондир,
Куним ғурбатда ўтмайди, машаққат бўлса онсондир,
Унинг умри эрур боқий, демак, жонимга ҳам жондир,
Нечун фахр этмайин номи шукуҳли Ўзбекистондир,
Ёронлар, ушбу оламда Ватандек ифтихор йўқдир. .*

*Суви — оби ҳаёт, тупроғи-зар, тоғ-тошлари — гавҳар,
Чиройидан дилим завққа тўлиб, кўрганда кўз яйрар,
Муқаддас ишқи ақлимнинг пичоғини мудом қайрар,
Калоний, мадҳини доим мисоли андалиб куйлар,
Ёронлар, ушбу оламда Ватандек ифтихор йўқдир.*

АҚЛ — КЎНГИЛ ЧИРОҒИ

Эй фарзанди аслларим! Одам зотини ҳайвондан ажратиб турадиган энг асосий омил ақлдир. Бу ҳақда Фаробий бобомиз "Ақл фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват-руҳий куч билан боғлиқдир" деган ҳикматни айтганлар. Гарчи ақл инсонгагина хос бўлса ҳам ҳамма одамларни баб-баробар ақлли деб бўлмайди. Беруний бобомиз "Бу куннинг тадбири сабабли эртанинг тадбирига эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир" деб жуда ҳақ гапни айтганлар. Ақл кишининг шарафи ва улуғлигининг манбаидир. Ақлли одам ҳаётига хавф соладиган мушкулотларни осон ҳал қиладди, фаровонлик сари йўл оча олади. У фақат ўзи учунгина эмас, бутун инсониятнинг манфаатларини рўёбга чиқишини ҳам ўйлаб иш кўришга чорлайди, оғир юмушлар олдида доводирамайди, ўзини маҳкам тутуди, сабот ва ирода туфайли ғалабага эришади. Ақлли одам ҳалоллик ва садоқат суви билан эгрилик ва қинғирлик оловини ўчиради. Бир ишга киришишидан аввал, гарчи шу ишнинг устаси бўлса ҳам бошқалар билан маслаҳатлашади. Лекин ҳеч қачон нодон, душман, ҳасадчи, кўрқоқ, бахил, ёлғончи ва нафсига қул бўлган одамлардан маслаҳат сўрамайди. Чунки бундайлар кишини тўғри йўлдан чалғитадилар. Ақл-фаросатли одам ўзини ўзи ҳеч қачон мақтамайди, камтар бўлади, одобахлоқ қоидаларини пухта ўрганади. Ўзгаларнинг дилидаги гапни ақлининг кўзи била кўра олади. Шошқалоқлик қилмай тадбиркорлик билан иш тутиб, муддаосига етади.

Ўз ақлига бино қўйган киши адашади, ўз тадбирига ишонган киши тубанлик ботқоғига ботади. Умр бўйи бахтиёр бўлай деган одам қанчалик доно бўлмасин, барибир ўзини нодон деб тасаввур қилиб, кўпроқ ўқийди, илмини тинмай ошириб боради ва жойида ишлата олади. Ақлли одам бошқаларга ҳурмат ва раҳмшафқат кўзи билан қарайди, ўз ақл-заковати билан доимо пастликдан юқорига қараб ҳаракат қиладди.

Энг ақли одам шундай одамки, у ўз нафсини бошқара олади. Тириклигида шундай ишларни бажарадики, бу ишлари вафотидан кейин ҳам уни тириклар қаторида олиб қолади. Айтишлари-ча тараққиёт ақл туфайли содир бўлади. Ақл эса тажрибага боғлиқ. Аллома Қажум Носирийнинг таъбирлари билан айтганда, "Ақл ва тажрибанинг боғлиқлиги сув билан ернинг алоқаси кабилдир. Сув билан ер ўзаро бирга бўлмаса, бирор бир нарса униши қийин".

Донишмандларнинг таъкидлашларича ақли одам молу давлатига зарар етса ҳам куйиб ёнмайди, бу ҳақда бошқа одамлар орасида гапириб юрмайди. Куйиб ёнган билан бойлиги қайтиб келмайди, аксинча одамлар уни бефаҳмлик ва очкўзликда айблайдилар. Бордию ғам-андухдан шикоят қилса, унинг беқарорликда ва кулфатга чидамсизликда айблайдилар. Ақли одам бировга яхшилик қилса, ёки ташвишидан қутқарса ҳам ҳеч қачон мақтанмайди, амалга оширган бу хайрли ишини пинҳон тутади.

Ақли ва ақлсиз одамлар ҳақида халқимиз "Ақл билан одоб — жисм билан жон", "Ақлли одам оч қолмас", "Ақл одамни яшна-тади, нодонлик эса қақшатади", "Ақлли одам қадри камол", "Нодон киши давлату мол қидиради", "Доно кўринган нодон одамдан қоч", "Ақл — бахтга етиш воситаси", "Бир сандиқ олтиндан бир зарра ақл яхши", "Ақлли одамларни далил ва исботлар билан ишонтиради, нодон қасам билан", "Ақли кўп бўлиб, одобсиз бўлган киши овга қуролсиз чиққан кишига ўхшайди" каби кўп ва хўб ҳикматларни яратган. Уларнинг мағзини чақиб амал қилувчи одамлар ҳам ақллилар тоифасига кирадилар.

Эй фарзандларим, донолар айтганларидек агар ақл кўзга кўринадиган жисм бўлганида дунёни ҳеч қачон қоронғулик босмас эди. У ўз нури билан ҳамиша чароғон этиб турарди. Шу жиҳатдан олганда ақллиларни нурли кундузга, ақлсизларни эса қоп-қоронғу тунга қийёслаш лозим.

*Зиё сочсин ақл қуёши,
Кўнгиларни этсин нурафшон.
Ақлнинг олтиндир боши,
Хум калладир ким бўлса нодон.*

* * *

Ақл-идрок расо бұлса

Ақл-идрок расо бұлса, сенга ёрдир камолот ҳам,
Камолотга етолмассан ақл-идрокда бұлсанг кам.
Хиёнатга юзинг бурмай, агар сидқу вафо қилсанг,
Юрарсан гоз тутиб қаддинг, азиз боқингни этмай ҳам.
Ҳасад қилмай ҳавас бирла яшар бұлсанг бу оламда,
Ҳаётинг жобажо бұлгай, ҳамиша хотиринг ҳам жам.
Дилингни пок тутиб холи этар бұлсанг ғаразлардан,
Мудом омад кулиб келгай, ўтар шодлқкда ҳар бир дам.
Назокатли, нафосатли, ҳаёлиларга дил шайдо,
Бўлур парвона гиргиттон ёниб турганда ҳар бир шам.
Ҳаволанмай, бўлиб камтар улуғ халқингга таъзим қил,
Севиб ардоқлагай халқинг, ҳаётингни этар кўркам.
Мурод ҳосил бўлур ушбу насиҳатга амал қилсанг,
Умр бўйи амал қилгай анга шоир Калоний ҳам.

МЕҲР– ОҚИБАТ ҚОНДОШЛИҚ ШИОРИ

Эй фарзандларим, қариндош-уруғларингизни, айниқса, ака-ука, опа-сингилларингизни ўзингиздан эинҳор-базинҳор узоқлаштирманг. Улардан ҳеч қачон меҳру мурувватингизни дариг тутмай, марҳамат назари билан боқинг. Ҳамиша розилиklarини олинг. Муҳаммад Ҳусайн шундай ёзадилар:

*Кишидан рози бұлса гар қариндош,
Ошиб обрўйи, бұлгай барчага бош.*

Шуни яхши англагларки, қариндош-уруғлардан алоқани узиш бу дунё неъматлари лаззатидан кўз юмиш билан баробар. "Яхши кунда ёт яхши, ёмон кунда "вой қардош", дейдилар. Шодлигингизга бегоналар ҳам шерик бўлаверадилар, аммо ёмон кунларингизда фақат қардошларингизгина ҳамдард бўладилар. "Қариндош-уруғ киши учун қанот" деб жуда топиб айтганлар.

Бир киши бир улуғ одамдан сўради:

– Кишига ака-ука яқинми ёки дўст?

– Ўз ака-укам садоқат йўлини тутганларидоғина дилимга яқин бўладилар.

Дарҳақиқат, шундай. Қариндош-уруғни, ҳатто ака-укаю опа-сингилни ҳам садоқат ришталари ўзаро боғлаб туради. Агар бу

ришта узилса уларнинг бегоналардан фарқлари қолмайди. Муиниддин Жувоний шундай деганлар:

— Мен бир қавмни кўрдим. Ўз ака-укаларини узоқ вақт кўрмай юраверишар, кўрганда эса ҳол-аҳвол сўрашмас, фақат ишдан гаплашиб; пул, мол керак бўлса бир-бирларидан аяшмас эканлар. Бундай яхшиликни эса бир-бировларидан қизғанишмас, уни ҳеч қачон миннат ҳам қилишмас экан.

Яна шундай бир қавмни кўриш насиб қилди. Бу қавм агар бир-бирларини бир кун кўришмаса ҳол-аҳволларини, қандай яшаётганларини, бола-чақалари, хотин-халажлари, ҳатто уйларида жўжаю ғоз бўлса ўшаларнинг ҳам соғлигини сўрашар эканлар. Лекин гап пулдан чиқиб қолса, тезда чап беришиб, у-буни баҳона қилиб, қочиб қолишар эканлар. Арзимас бирор бир нарсани бир-бирларига беришдан бош тортишарканлар.

Мажидиддин Хавофий шундай ёзадилар:

*Юз марта ҳол-аҳвол сўргандан кўра,
Бир тийин ҳадя қил — дўст экан ночор.
Юзлаб ширин сўздан яхшироқ эрур,
Инсонга мурувват айласанг бир бор.
Ёрдам қилиш агар бўлмаса дилда,
Тилингни тийгину сўзлама зинҳор.
Қуп-қуруқ сўз билан алдаса ҳар ким,
У одам эмасдир, тулкидир айёр.*

Эй фарзандларим, қариндошларингиз билан орадаги масофа узоқ бўлса ҳам кўнглингиз яқин бўлсин. Улардан қондошлик ришталарини узманг. Меҳр-мурувватингизни қизганманг, садоқат кўрсатишда ибрат бўлинг. Қарс икки қўлдан чиқади, дейдилар. Яхшилик қилсангиз, яхшилик кўрасиз. Қариндош-ларингиз қалбининг дарвозаси қулфини яхшилик калити билан очиб, ичкарисига киринг-да мустаҳкам жойлашиб олинг.

Агар сиз ака-ука, опа-сингил, холаю амма, тоғаю амакиларингиз билан яқин бўлсангиз, қондошлик алоқаларини узмангиз, уларни иложи борича меҳмонга чорлаб турсангиз, ота-онангиз, бобо ва момоларингиз кўнглини кўтарган, дуоларини олишга мушарраф бўласиз. Агар вафот этиб кетган бўлсалар руҳларини шод этасиз.

*Меҳру оқибатлар жойида бўлса,
Яхшидир минг дўстдан бир қариндошинг.
Мабодо қардошлик гуллари сўлса,
Фурбат азобини чекади бошинг.*

* * *

Мувашшах

*Меҳр ёзсин кенгроқ қанотин,
Еллар уни элтсин дилларга.
Хур юртимнинг меҳр бисотин
Роҳат қилиб сочсин элларга.*

*Мурувватли улус хор бўлмас,
Уни мудом қўллайди Худо.
Русумлари ҳеч қачон ўлмас,
Уммон-уммон ҳиммат жобажо.*

*Воқиф бўлинг, эй аҳли дунё,
Ватанимиз мурувват жойи.
Аҳли меҳр нон каби азиз,
Толейига мос тўлин ойи.*

*Йилдан йилга меҳр-мурувват
Иззат-икром топаверади.
Лаззатидан олур эл қувват,
Имонини шундан қоради.*


ҚЎШНИНИНГ ҚЎШНИДА ҲАҚИ БОР

Бир киши донадан:

— Айтинг-чи, кишининг яхши ёки ёмон одам эканлигини қандай билсам бўлади, — деб сўраган экан, у киши:

— Қўшниларидан сўранг, агар яхши одам десалар, демак, у яхши, ёмон одам дейишса ёмон-да! — деб жавоб берган экан.

Дарҳақиқат, шундай. Кишининг юриш-туриши, ейиш-ичишию ахлоқ-одобидан энг аввало қўшнилари хабардор бўлади. Агар одамлар менинг ҳақимда ижобий тавсиф беришсин десангиз, қўшнилари билан яқин бўлиб, уларга олижаноб фазилатларингизни намоён қилинг, меҳр-мурувват кўрсатинг.



Ривоят қилишларича, бир киши ўз дўстининг олдига келиб, уйида сичқон кўплигидан шикоят қилибди. Дўсти унга мушук боқишни маслаҳат берибди. У эса рози бўлмай; "мен мушук боқсам, уйимдаги сичқонлар қўшнимнинг уйига қочиб чиқишидан қўрқаман", дебди. Ўзингиз учун нимани нолойиқ деб ҳисобласангиз, уни қўшнингизга ҳам раво кўрманг.

Халқимиз қўшнининг қўшнида ҳақи бор, дейди. Бу ҳақдан энг биринчиси ҳеч қачон озор бермаслик ва хафа қилмасликдир. Қўшни касал бўлса бориб кўриш, бошига мусибат тушса кўнгил сўраб, мадад кўлини чўзиш лозим. Мабодо ундан бирор бир хатолик ўтса кечирриш, аҳли аёлига ёмон кўз билан қарамаслик, бордию бирор ёққа бирор бир сабаб билан кетса уй-жойига кўзқулоқ бўлиб туриш кабилар ҳам қўшнининг қўшнига нисбатан ҳақларидир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам қўшничилик муносабатларига ҳамиша эътибор бериб "Ёнида қўшниси туриб, фақат ўз қорнини тўйғазиб юрадиган одам мўмини комил эмасдир" деган ҳадисни айтганлар. Ул зоти бобаракотнинг ҳадисларига ҳамоҳанг мақол ва ҳикматлар ҳам сероб. "Яхши қўшни яхши йўлга бошлайди", "Қўшни ёмон бўлса, яхши қўшнининг ҳам обрўйи пастлайди", "Қарасангки, қўшнинг соқолини олибди, сен ҳам соқолигни қисқартир", "Яхши бойнинг қўшниси оч қолмайди" кабилар шулар жумласидандир.

Эй фарзандларим, қўшнингиз қайси миллат ва динга мансуб бўлишидан қатъи назар, у билан яхши муносабатди бўлинг. Агар камбағал бўлса саховат кўрсатинг, бордию бой бўлса, ҳавас қилинг-у ҳасад қилманг.

*Қўшнинг қандай бўлса сен ҳам ўшандай,
Акс ҳолда қўшниси бўлмайсан унинг.
Гар ундай бўлмасанг, ул бўлар сандай,
Қўшнисиз ўтмайди бирор бир кунинг.*

* * *

Қўшнилар

*Этмагил қўшинингни ҳаргиз ков-ков,
Ул сенга жон қўшнидир, эрмас биров.
Қўшнилар гар бўлсалар меҳри бажо,
Уртасига ёв қазолмас зарра ғов.
Ҳеч йўқолмас иззатию ҳурмати,
Сўзи ширин, тиллари гар божилов.
Ул бири бир бурда нон-ла сийласа,
Бул бири олдига қўйгай ошпалов.
Ноаҳил бўлса, бироқ гурбат эрур,
Бемаҳал бошига ёққайдир қиров.
Бир-бирининг айбидан бонг урса гар,
Қизларига ҳеч топилмайдир куёв.
Олмагин жой, қўшни олгин дейдилар,
Гар ёмон қўшининг қочиб қолгин яёв.
Эй Калоний, қўшинининг қадрига ет,
Яхши қўшни нур сочувчи зўр ялов.*

БЕҲУДА СУҲБАТ – УМР ЭГОВИ

Эй фарзанди қобилларим, одам зоти борки, жамиятдан айро яшамайди. У истаса-истамаса, одамлар билан мулоқотда бўлади. Бу мулоқот гоҳ қисқа фурсатли ўткинчи бўлади, гоҳида эса давомли тус олади. Кейингисини суҳбат дейдилар. Сизлар суҳбат учун суҳбатдош топишда адашманг. Ақлли, доно, дунёқарашли адолатли одамлар билан суҳбатдош бўлинг. Уларни суҳбатингизга чорланг ва суҳбатларидан қолманг. Кўнгли қора, ғаразгўй, нодонлар суҳбатига ҳаргиз яқинлашманг. Улар кони зарар, қалбингизга заҳмат етказадди. Нечунким, улардан сизга яхши фазилатлар ўтмайди. Муҳаммад Хусайн ёзадилар:

*Суҳбатга арзимас, ҳар бир қора дил,
Суҳбат учун яхши дўстлар танлагил!*

Сахий, очиққўнги, олижаноб кишилар суҳбатидан баҳраманд бўлсангиз, ёқимли феъл ва чиройли хислатларга эга бўласиз. Ёмон феъллик ва фисқу фасод табиатлик кишилар билан суҳбат курсангиз жирканч сифатлару қабиҳ иллатларга дучор бўласиз. Зукколар ёмонлар билан яхшилар суҳбати орасидаги фарқ

ва улар билан қилинган суҳбат таъсирини шамолга ўхшатадилар. Шамол ёмон жойдан эсиб ўтса, бадбўй ҳидларни олиб келади. Агар ширин ҳидли жойлардан эсиб ўтса муааттар ҳидларни келтиради.

Бир оқил киши ўғлига насиҳат қилиб, шундай дебди:

— Синалмаган одам билан суҳбатдош бўлсанг, унга дарҳол дўстлик сўзларини айтма. Нечунким ҳали унинг кимлигини билмайсан. Тили билан изҳор қилганлари унинг дилида ҳам бор-йўқлиги номаълум. Шундай экан, шошқалоқлик билан унга қалбинг қулфини очиб, сир-асрорларингдан хабардор этма. Агар синовдан ўтиб, дўст бўлишга арзисагина унга яқинлашиб, суҳбатдошу кўмакдош бўл. Ночорлик ва ғамгинлик чоғида оқил билан қилинган суҳбат, базм ва ишратда ўтказилган жоҳил суҳбатидан минг карра афзалдир. Бир кимса доно кишининг суҳбатига борган эди. Қараса, ул зотнинг тиззасига бир ит бошини қўйганча ётибди. Буни кўрган ҳалиги кимса уни ҳайдаб юбормоқчи бўлган экан, оқил киши:

— Итга тегма, ундан менга на зарар, на самар бор. Ёмон суҳбатдошдан кўра у билан шундай ўтирганим яхши, — дебди.

Шуни билингки, ҳақиқий суҳбат инсоннинг қалб оламига қараб ривож топади. Суҳбатдошлардан бирининг дилидан иккинчисининг дилига равон йўл очилмагунча у қизимайди, ўзаро муҳаббат юзага келиб, пайвандлик ҳосил бўлмайди. Диллари бир-бирига мос келмагунча ҳеч ким бир-бирини тушунмайди. Дунёқарашлари, фикру ўйлари мувофиқ келсагина гўзал суҳбат юзага келади, ўрталарида соф дўстлик туйғулари пайдо бўлади. Жалолиддин Румий ҳазратлари бегараз суҳбатга шундай тавсиф берганлар:

*Яхшиларнинг суҳбатин кўнглингга сол,
Ҳеч ёмоннинг суҳбатин қилма хаёл.
Кўр, қизил гул боғ ичинда хандон қилур,
Мард киши номардни ҳам инсон қилур.
Гарчи сен бўлсанг агар мрамар каби,
Яхши бирла бўлгасен гавҳар каби!*

Фозил киши умрининг бирор дақиқасини ҳам беҳуда суҳбат шамолида учирмайди. Сиз шундай йўл тутингки, кишилар билан ўтказган суҳбатингиздан дилингиз оро топсин, эзгулик ёғдулари билан нурафшон бўлсин. Ношуд кишиларнинг беҳудаю бемаъни сўзлари юрагингизга таъсир этиб, кўнглингиз кўзгулари-

ни хиралаштирмасин. Донони нодондан, нафли суҳбатни зарарли суҳбатдан ажрата олинг. Донолар суҳбатидан баҳраманд бўлинг, қалбингизни илму ҳикмат нақшлари билан безатинг.

Ривоят қилишларича, Анушервон танҳо ўтирган эканлар. Баноғоҳ ҳузурларига Муъбад, Хуршид, Юнон, Фаррухзод ва бошқалар кириб келишибди. Анушервон уларни кутиб олгач:

— Бу каттагина анжуман бўлди. Келинглар, ҳар биримиз биттадан ҳикматли гап айтайлик, токи сўзимиз бошқаларга ибрат бўлсин, — дебди.

Биринчи бўлиб сўз олган Муъбад дебди:

— Дунёда икки нарса борки, улар бир-биридан яхшидир. Масалан, ҳунар билимдан яхши, иш эса сўздан афзал. Агар ҳар кимнинг ҳунари бўлмаса, у куруқ девор билан тенг. Ҳар кимнинг сўзи чиройли бўлса-ю, иши ёмон бўлса, бевақт эсан зарарли шамол кабидир.

Иккинчи бўлиб сўз олган Хуршид айтибди:

— Жаҳонда хурсандчилик билан беозорликдан яхши нарса йўқ, — деб давом этибди суҳбатни. Ҳар ким бориға қаноат қилиб хурсанд яшаса, ҳеч кимга эҳтиёжи қолмайди. Кимки ҳеч кимга озор бермаса, ҳеч кимни хафа қилмаса, унга ҳеч кимдан хавф етмайди!

Ҳар икки суҳбатдошнинг гапларидан таъсирланган Юнон жаноблари ҳам дилларидаги гапларини тилларига кўчирибдилар:

— Агар одам бориға қаноат қилмаса, етолмайдиган нарсага интилса, бировнинг қўлидаги нарсаға таъма кўзи билан қараса ҳеч қачон хурсандчилик кўрмайди! Хурсанд киши нима топса ўшанга қаноат қилади, топганиға шукр қилиб, умрини ғамсиз ўтказади. Таъма ва очкўзлик эса ўз жонини қийнашдир. Таъмағир ва очкўз киши ҳеч қачон тўғри йўлдан юрмайди, ҳамиша кўнгли иллатли бўлади. Ҳар ким ўзини яхшилик йўлиға солса, ҳамма ёмонликлардан омон бўлади, жаҳонда тинч ва осуда яшайди.

Суҳбатнинг тобора қизиб бораётганидан мамнун бўлган Анушервон навбатни Фаррухзодға бердилар. У шундай дебди:

— Дунёда донолар маслаҳати билан иш қилган, ўз Ватанида, одил ва сабрли бўлган, қайсарлик кўчасиға кирмаган, фойдасидан бошқаларни ҳам баҳраманд қилган камтар инсонлар энг яхши ном қолдирадилар.

Маслаҳат гўё марваридға ўхшайди, одамларни тош деб ҳисобласак, шу тошлар орасидан бирорта марварид сўз чиқиши мумкин. Ишни ўз жойида муносиб ҳолда бажармасанг, зиёни етади.

Одиллик билан иш қилинса, бу ишга ҳеч ким қаршилиқ қилмайди. Сабр ва чидам барча мушкул ишларни енгиш қалитидир. Қайсарлик эса энг ёмон иллат. Камтарлик барчанинг ҳавасини ва ҳурматини кўзғотадиган ёқимли фазилатдир.

Фаррухзод сўзини якунлагач Анушервон жаноблари:

Бугунги суҳбатда айтилган ҳикматларни ёзиб, ундан ҳаммани баҳраманд этишларини буюрибди.

Кўрдингизми, фарзандларим, бир суҳбатда қанча ҳикмат бор. Суҳбатдошлар улардан нафақат ўзлари, балки келажак авлодларнинг ҳам баҳраманд бўлишларига замин яратдилар. Сиз ҳам худди шунақа доноларнинг суҳбатларини ҳавас қилинг, уларга кўчилинг. Донишмандларнинг фикри сизга ҳам таъсир қилади, онгингиз ўткирлашади, Бу ҳақда Носир Хисрав ҳазратлари шундай сўзларни ёзиб қолдирганлар:

*Доно суҳбатидан сира қочмагил,
Таъсирин ўтказар сенга ҳам у тил!*

Бемаъни, жаҳлдор, ғийбату фиску фужур мужассам бўлган суҳбатлардан қочинг. Шунда сиз Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг "Бу дунёда бемаъни гапларни кўп гапирадиган одамнинг гуноҳи қиёмат куни мўл бўлади", деган ҳадисларидан ҳам тўғри хулоса чиқариб иш тутган бўласиз.

*Донишманд кимсалар суҳбати самар,
Баҳраманд бўлмоққа шошил мунтазам.
Нодоннинг суҳбати энг қотил заҳар,
Бошингга соладир қайғу, ғам, алам.*

* * *

Насиҳат

*Ўзгаларни этма ғийбат,
Миш-мишларга солма қулоқ.
Айлар эсанг иғво, тухмат,
Икки кўзинг қўша булоқ.*

*Сўз очмагин ёмонликдан,
Яхшиликдан сўзлайвергин.
Умид этсанг омонликдан,
Эзгуликни кўзлайвергин.*

*Ғаниматдир олам они,
Эзгуликка сарфла уни.
Омонатдир одам жони.
Узилгай вақт етган куни.*

ЁВ ЁВЛИГИНИ ҚИЛАДИ

Эй фарзандларим, машойихлар дўстинг мингта бўлса ҳам оз, душманинг битта бўлса ҳам кўп, деб бежиз айтмаганлар. Негаким, душман ҳамиша душманлигини қилади. Унинг ширин сўзларию, ҳийла-найранглари, ҳатто муҳаббат ва дўстлик, жонажонликдан лоф урганида ҳам ишонманг, узрнамо сўзларини эшитиб қант-дек эриб кетманг, у қанчалик ялиниб-ёлвормасин барибир қилмиши макрдан холи бўлмайди. Адоват туйғуси унинг қалбида боқий экан, ундан зарар ёмғирлари ёғаверади. Душман ҳеч қачон яхшиликни раво кўрмайди.

Хожа Самандар Термизий ҳазратлари шундай ёзганлар:

*Душман агар дўстлик лофини урса,
Ақл соҳиблари санамас ҳеч дўст.
Илон илонликча қолади доим,
Тери ўзгартириб, ташласа-да пўст.*

Агар бирор кишининг дўст ёки душманлигини билмоқчи бўлсангиз, ундан маслаҳат сўраб кўринг. Берган маслаҳатининг қай даражада тўғри ёки нотўғри эканлигига қараб унга баҳо беринг. Душман бўлса сизга наф берадиган нарсани маслаҳат бермайди. Унинг маслаҳатига мувофиқ иш тутсангиз катта хато қиласиз. Билиб қўйинг, душманига шубҳа кўзи билан қараб, эҳтиёт чорасини кўрувчи киши ўз кучига ишонган, мағрур кучли одамга нисбатан хавф-хатарсиз бўлади.

Душманнинг дили бошқа, тили бошқа бўлади. У ҳамиша сизнинг зарар кўришингизни ўйлайди. Қабиҳ мақсадига эришиш учун ўзини ҳамиша ипакдек мулойим, пахтадек оппоқ қилиб кўрсатади. Ички оламини ташқи олами билан бўяб намойиш этади. Агар гафлат чоҳига қуласангиз, разил тадбирининг оғули ўқини, қабиҳ мақсади нишонига қараб отади. Унда сиз домига илинган бўласиз. Қанчалик афсус ва пушаймон чексангиз, ҳасрат этсангиз ҳам фойда бермайди.

Худди очкўзликка қарши маккорлик ишлатилганидек, душманнинг ҳийлаларига қарши ҳийла ишлатмасангиз, унинг ҳийласидан ўзингиз нобуд бўласиз.

Ахир Навоий бобомиз:

...*Душман фирибин ема,*

Ва маддо хушомадин чин дема, — деб беҳуда айтмаганлар-да!

Душманингизни кузатинг, агар у шод бўлса, демак, сизга нисбатан қазиган чоҳлари унинг учун яхши натижа берган бўлади. Амир Тимур бобомиз айтганларидек, "Душманинг кулғаи-сирингни билгани, Сен аза чексанг у кулади, ўлсанг, байрам қилади".

Шуни алоҳида эсда тутингки, отангизнинг душмаи ҳеч қачон сизга дўст бўлмайди. Унинг сохта ваъдаларига учиб, панд еб қолманг. Мужрим Обид ҳазратлари ёзганларидек, душманинг кўплиги энг оғир хасталиклардан ҳам хавфли. Уларни қамайтиринг, лекчи ҳаргиз кўпайишига йўл қўйманг.

Ривоят. Бир товуқ илон тухумларини топиб олиб, унга меҳмурувват кўрсатмоқчи бўлиб, оналарча ғамхўрлик билан худди ўз тухумларидан жўжа чиқариш учун қандай босса, уни ҳам шундай босиб ўтираверибди. Буни кўриб ҳайратга тушган қалдирғоч:

~ Ҳой нодон товуқ, нега илон тухумини босиб ўтирибсан? Ахир улардан илон болалари чиқса, биринчи бўлиб сенинг ўзингни чақиб ўлдиради-ку, — дебди.

Душмандан ҳеч қачон яхшилик қайтмайди. Унинг қилмиши ҳамиша ёмонлик. Киши то душманидан халос бўлмагунича осойишта яшолмайди. Гўё бемор бутунлай соғайиб кетмагунча ором тополмаганидек мард киши ҳам душманидан қутулмагунича хотиржам нафас ололмайди.

Қимки менинг душманим йўқ деса хато қилади. У ён-атрофида дўстларига синчиклаб қарасин, бирор бир дўстининг душмани бўлса, билсинки, у унинг ҳам душманидир. Агар душманим кўпаймасин десангиз, дўст танлашда адашманг. Нодон дўст ва унинг душманлари сизга ҳам душман кабидир. Айниқса фиску фасодли нодондан эҳтиёт бўлинг. Унинг зарарлари нафсининг ўпқонига яширинган бўлади. Аҳмоқ кишиларга ҳам яқинлашманг. Қувончингизда ҳам, агар бошингизга бирор таъвиш тушса ҳам уни ҳал қилишда фойдасидан зарари кўп бўлади. Шунингдек, ёлғончилардан ҳам узоқ юринг. Улар билан дўстлашмоқ жонга азоб, суҳбату улфатчилиги кўнгил бўстонини хазон қилади. Сизнинг ҳақингизда ёлғон гапларни тарқатиб, дўстларингизни ҳам душманга айлантиради. Шу ўринда яхшилик қилмайдиган дўстдан зиёеъ етказмайдиган душман афзал деган ҳикматни эсдан чиқармаганингиз маъқул.

Душман барибир душман экан-да, деб уларга бeфapқ бoқманг. Кўлингиздан келганича, уни дўст этишга ҳаракат қилинг. Бироқ унга нисбатан ишончингизни йўқотган бўлсангиз-да, ҳар ҳолда лоақал ораларингиздаги қарама-қаршилиқни биров бўлса-да юмшатган, ёки уни бетарафлар томонига ўтказиб қўйган бўласиз.

*Душманнинг кичиги бўлмайди зинҳор,
Пайт пойлаб чалади истаган чоғда.
Унинг минг бир ҳийла-найранглари бор,
Чув тушиб ўтирма, қолмагин доғда!*

* * *

Душманга ишонма

*Эзгу ниятларни юракка тугиб,
Дўст мисол қарасанг агар душманга.
Муштумини тугиб, ранг-рўйи учиб,
Шубҳали нигоҳин ташлайди санга.*

*Бас шундоқ, душманни душман деб билиб
Дўстлик мурувватинг қилмай қўя қол.
Ғарзли юрагин не учун тилиб,
Унга меҳр билан тутадирсан бол.*

*Авалло болингни душманинг олмас,
Олса ҳам мабодо оғу деб билар.
Бол тутганинг билан дўст бўлиб қолмас,
Пайт топса юрагу бағрингни тилар.*

*Бол тутган идишинг қайтарар чоғи,
Унга захри қотил суртиб беради.
Юрагида мавжуд душманлик доғи,
Сен учун гул эмас янтоқ теради.*

*Мурувват этса ҳам қасос учундир,
Ишонма ваъдаи ёлғонларига.
Унинг юрагида зиё йўқ, тундир,
Душманлик сингиган қон-жонларига.*

БОЙЛИК НОДОННИ ҚУТУРТИРАДИ

Суюкли фарзандларим, сизларга насиҳат қилмоқдан биз-отанонгиз ҳеч қачон чарчамаймиз. Ўтинчимиз шуки, сизлар ҳам уни эшитмоқдан зерикманг. Нечунким биз сизлар умр бўйи йиғишингиз лозим бўлган бу маънавий хазинани тўплаб қўйганмиз. Вақтни бой бермай уларни сизларга етказишимиз лозим. Ўлчаб берилган умримиз тугаб, кутилмаганда боқий дунёга рихлат қилсак бу ўғитлар хазинасини эгасига топширмаган, яъни омонатга хиёнат қилган бўламиз ва охиратда бунинг учун жавоб беришимизга тўғри келади. Шундай бўлмаслиги учун ҳам айтган ўғитларимизни тингланг ва хотирангизга жойлаб олинг.

Сизлар ҳали ёшсиз. Инсон учун ҳақиқий ҳаёт у эллик ёшдан ўтганидан кейин бошланади. Бу ёшда одам бировларга сабоқ бўладиган нарсаларни англаб, чинакамига пишиб етилади. Яъни бошқа ёшлар ибрат олса арзийдиган фазилатларга эга бўлади. Шуни билиб қўйингки, биз улғайиб кексалар қаторига қўшилдик. Кексалик эса доноликни ёшларга ўргатадиган палла, ёшлик эса уни амалда қўллайдиган давр. Ўғитларимизни яхшилаб эшитинг ва қалбингизга жойланг. Бу гал сизларга бойлик нодонни қутуртириши ҳақидаги билганларимизни айтиб берамиз.

Ривоят қилишларича, кунларнинг бирида подшоҳ соч-соқолини олдириш учун саройдаги боққа сартарошни чақиртирибди. Сартарош гарчи ўз касбининг устаси бўлса ҳам, нодонлар тоифасидан экан. У подшоҳнинг бошига қўлини қўйиб дебди:

— Олий ҳазратим, агар сиз хушрўй қизингизни менга хотинликка берсангиз, мен сизни қайсар меҳнатидан фориғ этаман.

Бу гапни эшитган подшоҳнинг боши қотибди. "Ие, — дебди у ўзига ўзи ҳайрон бўлиб. — Бу оддий сартарошнинг шашти намунча баланд. Нега у бу баландпарвоз гапларни менга ҳайиқмай айтяпти.

Подшоҳ калтафаҳм сартарошнинг бу гаплари учун бошлаб таъзирини бериб қўйиши ҳам мумкин эди. Бироқ унинг қўлидаги устарасидан кўрқиб, бирор қарши гап айтишга юраги дов бермай:

— Жоним билан, фақат сочимни олиб қўйганингдан кейин, — деб қўя қолибди.

Сартарош сочини олиб бўлганидан кейин подшоҳ кекса дошишманд маслаҳатгўйини ҳузурига чорлаб, унга бўлган воқеани

айтиб берибди. Шунда маслаҳатчи сартарошни олиб келишларини буюрибди. Уни олиб келишгач:

— Эй сартарош, сен олий ҳазратларининг сочларини олаётганингда нима дединг? — деб сўрабди.

— Ҳеч нима демадим, — деб жавоб берибди сартарош, оёқ-қўли дир-дир титраганча. Маслаҳатчи сартарошга ҳеч нима демай кетказиб юборгач подшоҳга:

— Олий ҳазратлари, энди сиз боғда сартарош сочингизни олган ерни ковлатиб кўринг, — дебди.

Подшоҳнинг буйруғи билан ўша жой ковлаб кўрилса ер остидан беҳисоб бойлик топилибди. Шундан сўнг маслаҳатчи подшоҳга:

— Олий ҳазратлари, одатда бойлик нодонларни қутуртириб, босар-тусарини билмайдиган қилиб қўяди. Сартарош бу сўзларни ўзи айтмаган, уни ушбу хазина айтган. Чунки сартарошнинг қўли сизнинг бошингиз тепасида, оёғи хазинанинг устида бўлган, — дебди.

Шунда подшоҳ арабларнинг "Нодон оёғи остида хазина кўрса у ҳаддан ортиқ нарсани сўрайди" деган мақолини ёдга олибди.

Кўрдингизми, нодоннинг оёғи остидаги ўзига тегишли бўлмаган бойлик шунчалик қутуртирадиган бўлса, унинг қўлига шунча бойлик тушса нима бўлади? Афсуски, бундай пайтда айниқса бойлик кўрмаган нодонлар босар-тусарини билмай, ҳаволаниб кетади. Ўзини ҳамма нарсага қодир деб ўйлаб катта гапиреди, рўёбга чиқаришнинг иложи бўлмаган ишларга қўл уриб шармандаи шармисор бўлади. Халқимизнинг "Кўрмаганнинг кўргани курсин" деб бундайлардан нолиши ҳам шундан.

Билиб қўйинг, бойлик ақли расо кишиларнигина улуғлаб, обрў-эътиборини янада оширади. Аммо у нодоннинг қўлига тушса калондимоғу манман этиб, ҳавога кўтаради. Оқибатда у қанчалик мол-мулкка эга бўлса ҳам оёғи ердан узилиб, хор-зор бўлади.

*Ҳавога кўтарар бойлик нодонни,
Оёғини ердан узиб қўяди.
Кўзлари тўймайди кўриб осмонни,
Бир чимдим тупроққа, лекин тўлади!*

* * *

Мулкпараст бўлма

*Дунёни эгаллаб оламан дема,
Тўрт кунлик дунёда ўзинг меҳмонсан.
Жисминг уммон ичра қалқиган кема,
Бир тўфон турса, бас, чўккувчи жонсан.*

*Могу дунёга ҳирс қўйма, жигарим,
Кетар чоғда нени олиб кетасан.
Йиғсанг қолиб кетди дея сийму зар
Энг сўнги дамгача армон этасан.*

*Қандай ҳолда келса одамзот насли,
Қайтар чоғда ҳам шундай кетади.
Бас шундай, фанимат умрнинг фасли,
Мулкпараст бошига ўзи етади!*

*Бу дунё неъматини сенга ҳам, бироқ
Охиратни ҳам ёдингда тутгин.
Фоний лаззатини деб чекмагил фироқ,
Имоннинг қўлидан мустаҳкам тутгин.*

ЭЛ-ЮРТ МУЛКИ ЭЛ-ЮРТГА ҲАЛОЛ

Ўзгалар мулкига хиёнат қилиш жиноятдир. Буни ҳамма биледи. Шунинг учун ҳам ақли расо одамлар ўзгалар мулкига чанг солмайди, ўз рискни-насибасини ҳалол меҳнати билан топиб ейди. Аммо баъзан сиртига қараганда туппа-тузук одамлар ҳам давлат ва жамоат мулкига келганда уни бемалол ўмарса бўлаверади, деб ўйлашади. Гўё бу мулклар эгасизу, ундан истаганча фойдаланавериш мумкиндек. Аслида зинҳор бундай эмас. Давлат ва жамоат мулки — халқ мулки. Халқ мулкани ўмаришнинг алоҳида бир одамнинг мулкани ўмаришдан кўра ҳам гуноҳи каттадир.

Давлат ва жамоат мулкига хиёнатдан, айниқса раҳбар ходимлар тийилишлари, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашлари, беҳуда совурилишига йўл қўймасликлари шарт. Негаки улар ўзлари бошлиқ бўлган корхона мулкига гўё бировнинг омонатидек муносабатда бўлмоқлари лозим. Омонатга хиёнат гуноҳи азимлигини англаб иш кўришлари керак.

Ривоят қилишларича бир кимса ҳазрат Умарнинг зиёратларига келибди. Унинг саломига алик олган ҳазрат хоналарида ёниб турган шамни ўчириб, бошқасини ёқибдилар. Бундан таажжубга тушган кимса:

Эй Амирал мўминин, ўчирилган шамингиз яхши ёниб туровди. Аммо сиз бошқасини ёқдингиз, бунинг боиси не? — деб сўрабди.

— Ўчирилган шам давлатнинг шами эди, — деб жавоб берибдилар Амирал мўминин. Мен давлат ишларини бажараётганимда уни ёққандим. Энди давлатнинг иши билан шуғулланишни тўхтаиб, сен билан суҳбат қурмоқдаман. Шу боис ҳам давлат шамини ўчириб, ўз пулимга сотиб олган шамни ёқиб қўйдим. Шахсий ишим учун давлат шамини ёқсам ҳалоллик бўлмайди. Давлат мулкини шахсий ишим учун сарфласам охират куни Оллоҳга қандай ҳисоб бераман!

Ҳазрат Умарнинг ҳатти-ҳаракатларига оид бу ривоятдан ҳар бир имондор кимса ибрат олмоғи даркор. Айниқса, давлат ҳисобидан санаторийларга, курортларга бориб дам олаётганлар, давлат машиналаридан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланаётганлар, корхона жиҳозларини ташмалаётганлар ўз қилмишларининг гуноҳи азим эканлигини тан олмоқлари ва бу гуноҳи кабр ишдан тийилишлари шарт. Акс ҳолда улар эл-юрт назаридан қолиб, бўйинларига осилган гуноҳ шодаларини кўтара олмай бошлари ҳам бўлиб қолади.

Эй фарзандларим! Сизлар шахсий иши учун давлат шамини ўчириб ўз шамини ёққан ҳазратдан ибрат олинг. Илоҳим сизни эл мулкига кўз олайтиришдан яратган Эгамнинг ўзи асрасин!

*Эй покизам, менга қулоқ сол,
Эл-юрт мулки эл-юртга ҳалол.
Чўзма унга ҳеч қачон қўлинг,
Ўз ризқингни ҳалол териб ол!*

* * *

Ватан

*Ишон, Ватан, бойликларингга
Олайтирмам зинҳор кўзимни.
Хас ташиламам сойликларингга,
Хор қилмайман ҳаргиз ўзимни.*

*Чиройингга қўшаман чирой,
Шаънингга гард юқтирмагайман.
Меҳрим сочиб мисли Ҳотамтой,
Қалбингга ғам суқтирмагайман.*

*Кўзга суртгум тупроқларингни,
Тошларингдир олтиндан қиммат.
Пок сақлайман булоқларингни,
Умрим бўйи этаман хизмат.*

*Зиё сочиб ойу қуёшинг
Ҳаётимни айлар нурафшон.
Омон бўлсин ҳар лаҳза бошинг,
Фидо сенга минг жисму, минг жон!*

МУЛОЙИМЛИК – ИНСОНИЙЛИК

Эй фарзандларим, инсоннинг инсонлигини белгиловчи омиллардан яна бири мулойимлик бўлиб, у фақат инсонларнигина эмас, ҳатто ҳайвонларни ҳам мафтун этади. Мулойимлиги бўлмаган одамни ҳеч қачон ҳақиқий одам деб бўлмайди.

Ривоят қилишларича Бузургмеҳрдан:

— Мулойимлик нима? — деб сўрашса, у:

— Мулойимлик ахлоқ дастурхонининг тузи, таом тузсиз таъмага эга бўлмаганидек, ҳеч бир инсоний фазилат мулойимликсиз камол топмайди, — деб жавоб берибди.

— Мулойимликнинг белгилари қандай бўлади?

— Унинг биринчи белгиси шуки, агар биров сенга қовоғини солса ёки аччиқ сўзларни айтса ҳам, унга жавобан ширин сўз айтасан, агар у ўз феъли билан хафа қилса, сен уни хурсанд қилиш учун бор имконингни ишга соласан. Мулойимликнинг иккинчи белгиси ғазаб олови фалакка ўрласа ҳам, сукут қилиб,

ўзингни хомуш тутасан. Учинчи белгиси бирор кимса ножўя қилмиши билан ғазабга лойиқ бўлса ғазабингни жиловлаб, ўзингни босасан.

Ривоят қилишларича, кунларнинг бирида халифа Маъмун ҳазратлари заргарни чақиртириб, унга каттагина ёқутни берибдилар-да, ундан узук тайёрлашни буюрибдилар. Эртасига худди шу пайтда узук эсларига тушиб, заргарни йўқлатибдилар. Эшикдан кириб келган заргар худди дарахт япроғидек титрар экан. Маъмун ҳазратлари ундан нима воқеа содир бўлганини сўраган эканлар, заргар қалтираб дебди:

— Узукни тайёрлаб энди унга кўз ўрнатаётган эдим, қўлимдан тушиб сандонга тегди ва тўртга бўлиниб кетди!

Катталиги ва ноёблиги жиҳатидан камдан кам ҳукмдорлардагина бўладиган бундай ёқутнинг сингани Маъмун ҳазратларини қайғуга солмабди ва заргарга қараб:

— Майли, хафа бўлма, бориб ундан тўртга узук яса! — дебдилар.

Маъмун ҳазратларининг рўй берган бу воқега ғазабланмай, босиқлик билан муносабатда бўлганлари ўта чидам ва мулойимликнинг юксак даражасидир.

Эй фарзандларим, сизлар ҳамиша мулойимликда худди шу Маъмун ҳазратлари каби бўлишга интилинг. Одамзот учун барча нарсадан ёқимли фазилат мулойимликдир. У одамга чирой бағишлайди, ўзгалар муҳаббатига сазовор этади. Негаки мулойимликка ҳамма ҳамиша муҳтож. Бу муҳтожликни қондирган киши ҳеч қачон ўзгалар меҳрига зор бўлмайди.

Бироқ кибру ҳаво кўчасига кириб олган калондимоғлар, баъзи ўз бойлиги ёки чиройига мағрур бўлган нодонлар бунини пайқамайдилар. Ўзларини ўзгалардан юқори қўйиб, дағал муомала қиладилар. Натижада эл-юрт назаридан қоладилар.

Бир донишманддан:

— Бойлар ва гўзаллар нима учун бунчалик қўпол ва гиначи бўладилар? — деб сўрашса, у:

— Кимки давлат ва ҳуснига мағрур бўлса, мулойимлик неъматидан маҳрум бўлади. Бундай бой ва гўзаллар бойлиги тугаса, ёшлиги ўтиб, ҳуснидан маҳрум бўлса хор бўлади, — деб жавоб берган экан.

Мансабдорларга ўз қўл остидагилар билан ёмон муомала қилиш, уларга бўлар-бўлмасга озор етказиш нораводир. Аксин-

ча, мулойимлик сўзлари билан уларнинг меҳрларини қозониш, айбларини авф этиш, хушхулқлик раҳбарга хос бўлган олижаноб фазилатлардандир.

Сизлар, фарзандларим, бирор бир амал курсисини эгалла-сангиз ҳам, ҳар қанча бадавлат бўлсангиз ҳам мулойимлик фа-зилатларидан маҳрум бўлманг. Бир умр унинг лаззатларидан баҳ-раманд бўлинг. Шундай қилсангиз атрофингизга яхши одамлар-ни йиғиб оласиз. Аксинча яккаланиб қоласиз, ҳамма яқинла-рингиз сиздан узоқлашиб кетади.

Фаридун ҳазратларидан сўрабдилар:

— Одамларни ўзингдан узоқлаштирамасликнинг чораси нима?

— Чидам ва мулойимлик!

— Мушкул муаммоларни қандай ҳал қилса бўлади?

— Яна чидам ва мулойимлик билан.

Дарҳақиқат, мулойимлик кишилар қалбини бир-бири билан боғловчи занжирдир.

*Мулойимлик инсонлик демак,
Инсонликдан бўлмагин жудо.
Кўполлик бу мудом панд емак,
Кўполликдан асрасин Худо!*

* * *

Этар тортиқ

*Ғазаб ўрнин олсин меҳр,
Қайғу ўрнин олсин шодлик.
Ҳаддан ошса агар қаҳр,
Бундан ортиқ йўқ бедодлик.*

*Биров айтса аччиқ сўзин,
Жавобига сўз айт боллик.
Шунда ул ҳам койиб ўзин
Айлар сени ҳам иқболлик.*

*Бўлса агар кимса ёмон,
Сен яхши бўл ҳаддан ортиқ.
Кўнгил бўлса гар мулойим,
Оллоҳ омад этар тортиқ.*

СУЮҚОЁҚ ХОТИН – УМР ЗАВОЛИ

Оллоҳ одам боласини жуфти билан яратган дейдилар. Ҳар бир киши балоғат ёшига етгач, ўз жуфтини топиб турмуш қуради. Агар топган жуфти садоқатли, вафодор бўлса, Худонинг бергани. Аммо бевафо, хиёнаткор бўлса, ширин ҳаётини заҳарга айлантиради.

Бевафо хотин хонадондан қут-баракани кетказиб, кафангадо қилгани етмаганидек, эл-юрт орасида шармандаи шармисор этиб, бош кўтариб юролмайдиган даражага етказди. Бундай хотиндан вақтида ажралиб қутулмаса, бошига бало-қазо ёмғирларини ёғдириб, кўз ёшини дарё этади.

Ривоят қилишларича, шу яқин ўтмишда бир бева кампир ёлғиз ўғлини балоғат ёшига етгач уйлантирибди. Бироқ уйига келин келиб файз-тароват бино бўлиши ўрнига нотинчлик ҳукмрон бўлибди. Мушқули осон, оғири енгил бўлиш ўрнига оромини йўқотибди. Келин ниҳоятда димоғдор, фаросатсиз бўлиб, бунинг устига суюқоёқ ҳам экан. Қайнонаси у ёқда турсин, танмахрами бўлмиш эрини ҳам назарга илмас, ҳурматини жойига қўймас эмиш. Буни кўрган онаизор ўғлига бу хотинидан ажралиб, иложи борича тезроқ ундан қутулишни маслаҳат берибди. Аммо келин минг бир туяга юк бўладиган ҳийлаю найранглари ишга солиб, лақмагина эрининг қўйинини пуч ёнғоқларга тўлдириб ташлабди. Натижада, ўғил хотинидан ажралишдан бош тортибди. Ноилож қолган онаизор ёлғиз фарзандини бу беҳаё келин бириббир бир куни хорзор этишини, ҳатто яшаб турган уй-жойидан ҳам ҳайдаб чиқариши мумкинлигини ўйлаб, уй-жойини ўғлига совға сифатида ўтказиб берибди. Шундай қилса амалдаги қонунларимизга мувофиқ ўғлидан уй-жойни ҳеч ким, жумладан, унинг хотини ҳам тортиб олишга ҳаққи йўқ деб жуда тўғри ўйлабди-да!

Бир оёғи ерда бўлса иккинчи оёғи гўрда бўлган кекса она шу ишни амалга оширибдию кўнгли бироз бўлса-да таскин топиб, вафот этибди.

Натижада, суюқоёқ келин учун шум ниятларини амалга оширишига қулай вазият юзага келибди. Йигитнинг онасидан мерос қолган мол-мулкни бир бошдан хуфёна ўмариб, ўз ҳисобига ўтказиб олибди. Бироқ лақма эрини уйдан бутунлай ҳайдаб чиқаришнинг иложини тополмапти. Негаки уй-жой унинг номида бўлиб, уни онаси совға сифатида қонуний тарзда расмийлаштириб қўйишга улгурган эди-да!

Имонсиз келин кўп ўтмай, бу муаммони ҳам ўз фойдасига ҳал қилишнинг йўлини топибди. Эрига:

— Энди онамиз вафот этиб ёлғиз қолдик. Уй-жойни сотиб менинг ота-онам яшаётган маҳалладан бошқа уй сотиб олмасак бўлмайди. Мен ишга кетганингизда ёлғиз қолиб кўрқаяпман. Агар яқинроққа кўчиб борсак, ота-онам, ака-укаларим хабар олиб туришарди, бизни ҳаргиз ёлғизлатиб қўйишмасди, — дебди.

Хотиннинг қулига айланиб бўлган лақма эр оқибатини ўйлаб ҳам ўтирмай бу таклифга дарҳол рози бўла қолибди. Кўни-кўшнларининг:

— Ҳой бола, ўйлаб иш қил, бу уйнинг ҳар бир гўшасига муҳтарама онаизорингнинг нигоҳлари тушган. Уни сотиб, онангнинг руҳларини чирқиратма. Қолаверса, ўз маҳалладошларингдан йироқлашиб, етти ёт бегона маҳаллага кўчиб боришинг унчалик хосиятли бўлмайди, — деб берган маслаҳатларини ҳам инобатга олмабди. Онажони асраб-авайлаб қолдирган уйни сотиб, хотини айтган маҳалладан бошқа уй харид қилибди. Бироқ бу уйда яйраб яшаш унга насиб қилмабди.

Суюқоёқ хотини уйни эр-хотин биргаликда яшаган даврда харид қилгандек умумий мулк этиб олганидан сўнг дастлабки кунларда эрини ишга кетказиб, ўзи жазманлари билан айшишратга берилибди. Кейинроқ эса эрини бу айш-ишратлари учун халақит берувчи деб билиб, уни уйдан бутунлай ҳайдаб чиқариш ҳаракатига тушибди. Гоҳ ака-укаларига, гоҳ жазманларига уни ўрдиравериб, адою тамом қилибди. Натижада, у бу уйдан бош олиб чиқиб кетингга мажбур бўлибди. Айтишларича, у айни пайтда уйига боргани хотинидан кўрқиб "бедананинг уйи йўқ, қайга борса битпилдиқ" тарзида гоҳ у, гоҳ бу танишларининг уйларида ётиб юрганмиш.

Кўрдингизми, фарзандларим, суюқоёқ хотин ҳийлаю найрангларини ишга солиб, бинойидек йигитни кафангадо қилиб, ҳатто уй-жойидан ҳам ҳайдаб чиқарибди. Ҳозирги кунларда ана шунақа суюқоёқ хотинлар оз бўлсада учраб турибди. Улар, айниқса, бойбадавлат одамларнинг ёлғиз меросхўрларини кўпроқ нишонга олмоқдалар. Ўғилни бир амаллаб илинтириб олишса бўлди, тузган қабиҳ режаларини бирин-кетин амалга ошираверадилар. Бир амаллаб унинг уйига рўйхатга туриб олсалар бас. Кейин ажрашсалар ҳам, ҳайдасалар ҳам чиқмайдилар. Аксига олиб амалдаги қонунларимизга кўра ҳам бундайларни рўйхатда турган уйларида чиқариб бўлмайди. Улар агар уй-жойга эгаликни қўлга киритолмасалар ҳам, сур бўлиб фойдаланувчи сифатида яшайверадилар.

Ана шундан кейин кўринг томошани! Уй эгаси ё бир умр имонсиз суюқоёқ билан бирга бир уйда яшашга мажбур бўлади, ё қочиб ўз уйини ўзи унга ташлаб чиқиб кетади.

Илоҳим сизларни, набираю эвара, чевараларимни, ҳеч кимни бунақа суюқоёқларнинг қармоғига илиниб қолишдан ўзи ас-расин!

*Яхши бўлса танмахрам,
Жону дил топар малҳам.
Бўлса агар суюқоёқ,
Бошингда сингай таёқ!*

* * *

Эй бевафолар

*Сиздан ҳазардир, эй бевафолар,
Бошдан оёғи жабру жафолар.
Номус қаёқда, иффат қаёқда,
Буткул қочибдур шарму ҳаёлар.
Дуч келса ҳар эр кўзни сузарсиз,
Тинмай учар боз қоши қаролар.
Кулгуларингиз сохта, фирибгар,
Киприкларингиз дилни яролар.
Минг қўлдан ўтган васлингиз, аммо
Айлар кишини диндан жудолар.
Ноз бирга имлаб, қаҳ-қаҳ отарсиз,
Юз газ қочарлар ақли расолар.
Қад-қоматингиз наҳс ёғдирарким,
Ким ҳамнафасдир тортгай жазолар.
Сиздан ўгирган рўйин Калоний,
Бўлмай балога деб мубталолар.*

САЙРАГАНДАН САЙРАМАГАНИМ ЯХШИРОҚ

Халқимиз аввал ўйла, кейин сўйла, деб бежиз айтмаган. Яна кўп гап эшакка юк ҳам деган. Бу гапларга амал қилсангизлар, асло ютқазмайсизлар. Буюк туркман шоири Махтумқули "Кўп сўз охир эл ичинда хор айлар" деганида юз карра ҳақ эди. Ҳар жойда бўлар-бўлмас гапларни гапиришдан ўзингизни тийинг. Шундай қилсангиз, ўзингизга ортиқча ташвиш туғдирмайсиз.

Ривоят қилишларича, бир подшоҳга яратган Эгам ақлли ва зийрак ўғил ато қилган экан. Бир куни у муаллимидан:

— Менга бир ҳикмат айтингки, унга умр бўйи амал қилиб, офат кўрмай, — дебди. Шунда муаллим унга:

— Агар ҳар икки дунёда ҳам гам, аламдан бегона бўлишни ва тинч, осойишта яшашни хоҳласанг, кам сўзла, ортиқча, ноўрин гап айтма, ҳамма бало тилдандир, — дебди.

Шаҳзода муаллимнинг гапини маъқуллабди ва умуман гапирмай қўйибди. Подшоҳ ўғлим хасталаниб қолибди деб ўйлаб, табибларни чақиртирибди. Бироқ наф бўлмабди. Бундан изтироб чеккан подшоҳ ўғлининг кўнглини ёзиш учун уни овга олиб чиқибди. Улар йўлда кетишаётса, буталар орасидан бир какликнинг сайрагани эшитилиб қолибди. Шунда шаҳзода беихтиёр:

— Эҳ, нодон каклик, муаллимнинг айтганларини қилиб, биз ўтиб кетгунча сайрамай, тинч турганингда эди, қафасга тушмай озод яшар эдинг, — дебди.

Ноўрин сайраган какликнинг аччиқ қисмати ҳақида яна бир ривоятда шундай дейилади:

— Овчининг ови бароридан келмабди. Хафа бўлиб уйига қуруқ қайтаётса, бутазорда юрган какликнинг унга раҳми келибди. Бир сайраб овчининг кайфиятини сал кўтариб қўяй деб, сайрай бошлабди. Қушнинг овозини эшитган овчи дарҳол уни топиб, бошига таёқ билан бир урибдию, тутиб олибди. Шунда таёқ еб овчининг халтасига тушган каклик:

— Сайрагандан сайрамаганим яхшироқ, сайрагандим бошимга тегди таёқ, — деб зорланган экан.

Бу ривоятлардан, инсон боласи ҳеч қачон, ҳеч қаерда гапирмаслиги керак, деган маъно келиб чиқмайди. Аксинча, унинг замирида қошиб гапирсанг ҳам топиб гапир, бўлар-бўлмас гапни гапириб ўзингнинг бошингга ўзинг бало ёғдирма, деган ҳикмат ётибди. Бундан, фарзандларим, сизлар ҳам ўзингизга хулоса чиқариб олинг. Тинч, осойишта яшай десангиз, тилингизга эҳтиёт бўлинг. Илоҳим сизларга тинчлик ва хотиржамлик ато қилсин.

Тил сўясиз бир парча эт деб,

Бўлар бўлмас сўзни сўзлама.

Ўз сўзингдан ўзинг пушмон еб,

Фарёд қилма, йиғлаб бўзлама.

Сўзлар

*Инсон тафаккурини айлар баён сўзлар,
Кўнгилда неки сир бор қилгай аён сўзлар.
Сўз бўлмаса муҳаббат изҳори не биландир,
Дил амрини ифода этгай ҳар он сўзлар.
Замирида табассум, қаҳқаҳалар мужассам,
Омаду бахту тахтдан бергай нишон сўзлар.
Меҳру муруввату боз хурмату эътиборни
Элчи бўлиб ташувчи ҳам бегумон сўзлар.
Оёқни тийма, лекин тилингни тий дегайлар,
Дўзахга элтса тонгмас ҳар дам ёмон сўзлар.
Бир сўз билан кишини ўлдирса мумкин ағёр,
Гоҳида изтиробу гоҳи фиғон сўзлар.
Билсанг агар, гўзал сўз жонларга малҳам ўлгай,
Болдан ширин, ҳузурли, оромижон сўзлар.
Сўз сеҳридан, Калоний, сархуш бўлиш шарафдир,
Келганда завқу илҳом шеър, дoston сўзлар.*

ЧИРОЙУ БОЙЛИК БЕВАФО

Эй фарзандларим, киши уйланиш ёки турмушга чиқишда кўпинча чирой ва бойликка маҳлиё бўлиб янглишади. Сабаби уларнинг ҳар иккиси ҳам бевафодир. Бир қўшиқда "қолиб қош, ўсма кетмасму", дейилганидек. чирой ўткинчи, нари борса у ёшликда мавжуд. Кексайганда инсонни тарк этади. Бойлик ҳам худди шунга ўхшаш, бугун бор, эртага йўқ. Ҳар қандай бой одам ҳам бир куни қашшоққа айланиб қолиши ҳеч гапмас. Шунинг учун ҳам бойликни бевафо дейдилар. Инсон боласи танмахрамнинг ақл-заковати, одоб-ахлоқи, илм-маърифатига қараб танлагани маъқул. Нечунким ақл-идрокли, имон-этиқодли одамга унинг илм ва ҳунари бир умр йўлдош бўлади. Қолаверса, шундай фазилатларга эга одамнинг ризқини Оллоҳ мунтазам бериб туради.

Бир ривоятда шундай нақл қилинибди:

Тақдирнинг ғоят дилрабо ва доно бир қизи бор экан. Унга бир вақтнинг ўзида ақл, давлат ва умиддан совчилар келибди. Шунда Тақдир қизидан сўрабди:

— Эй қизим, куёв бўлиш илинжида хонадонимизга ташриф буюрган бу совчилардан қай бири сенга маъқул?

— Ақл, — дебди доно қиз — олижаноб. Унинг ёрдамида киши

дўст-душман, доною нодонни фарқлай олади. Лекин ақлнинг ҳам айби бор. У кўпинча одамни чалғитади. Шундан бўлса керакки, кишилар орасида "ақллилик балоси" деган гап юради.

— Ундай бўлса балки давлатни танларсан?

— Йўқ! Гарчи давлат ишбилармон ва ҳукмрон бўлса ҳам, унда худди чирой каби вафо йўқ. Хоҳлаган пайтда эгасига хиёнат қилиб, уни ташлаб кетади.

— Хўш, унда қай бирини танлайсан?

— Ўзимга қолса умид маъқул. Чунки у ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятда ҳам одамзотни тарк этмайди. Бир умр вафо қилиб, садоқатли дўст бўлиб қолади.

Бу ривоятдаги оқила қизнинг донолигига тан бермай илож йўқ. Киши танмахрам танлашда адашмаслиги лозим. Бойлик ва чиройга учиб, чув тушганлар қанча. Бойликка учиб қул бўлганлар, чиройга учиб хор бўлганларнинг аччиқ қисматига бир назар солган кишининг кўзлари мошдек очилиши аниқ.

Хуллас, танмахрам дегани — умр йўлдоши дегани. Бас шундай экан, бир умрлик йўлдош танлашда ҳеч қачон адашмаслик даркор. Чирою бойликнинг ўткинчи эканлигини, уларнинг бевафолигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик лозим.

*Ёр танлашда адашма, болам,
Хусну мулки унинг бевафо.
Илму одоб ҳеч этмагай кам,
Шунисига бўлгин маҳлиё.*

* * *

Токи имон топмайин

*Токи иймон топмайин ҳеч ким бадавлат бўлмагай,
Гар бадавлатман деса, ҳаргиз ҳақиқат бўлмагай.
Соҳиби иймон эса андан бадавлат йўқ сира,
Беимон бўлса, бироқ ақлан саломат бўлмагай.
Бўлса ҳам олтинлари, кумушлари, гавҳарлари,
Ул қурумсоқ кимсада бир зарра ҳиммат бўлмагай.
Унда виждон бўлмаса дину диёнат на қилур,
Ори йўқ, инсофи йўқ касда адолат бўлмагай.
Раҳму шафқат бўлса ёт қалбида қаҳри жўш урар,
Унда инсоф на қилур, меҳру мурувват бўлмагай.
Бағри кенг, хушхулқ одамнинг чехрасидан нур ёғар,*

*Феъли тор бўлса агар унда ҳидоят бўлмагай.
Доимо иззат топар, ҳурмат топар ҳақ сўзлаган,
Бўлса ёлғончи анинг сўзида қиймат бўлмагай.
Ким жасур бўлса, шижоатли, фидоятли бўлур,
Серҳадик, қўрқоқ кишиларда жасорат бўлмагай.
Эй Калоний, дилдаги иймон билан ёзмас эсанг,
Ёзганинг кучсиз бўлур, ҳаргиз бақувват бўлмагай.*

СОВЧИ – ТОЛЕ ЭЛЧИСИ

Фарзандларим, шуни ҳеч қачон унутмангки, қиз бола бировнинг ҳасми. Уни оқ ювибу, оқ тараб бир куни эгасига топширасиз. Бу ҳаёт қонуни, умуминсоний турмуш тарзи. Қизингиз вояга етгач, уйингизга бирин-кетин совчилар кела бошлайди. Шунда уларни, ким бўлишидан қатъи назар, очиқ чехра билан кутиб олинг. Агар хонадонингизга мос бўлса, нур устига нур. Бироқ номуносиб бўлса-чи?

Бундай ҳолатда ҳам юзингиздаги самимият йўқолмасин. Уларга зинҳор-базинҳор кўпол сўз айтманг, кўнгилларини ранжитиб, уйингизга келганларига пушаймон қилдирманг. Негаки, улар сизларни яхши одамлар деб билганлари учун қизингизга совчи бўлиб келишган. Шундай экан, барча ҳаракатларингиз "бу уйдан ҳеч ким ранжиб чиқиб кетмаслиги керак" деган қоидага мувофиқ бўлсин. Акс ҳолда уйингизга яхши ният билан келган одамларнинг кўнгилларини хуфтон қилсангиз бу ишингиз бе-хосият бўлади. Хонадонингизга келадиган бошқа совчиларга ҳам эшигингиз ёпилиб қолади. Табиийки, бундан бир-икки келиб кетган совчиларгина эмас, ўзингиз кўпроқ азият чекасиз.

Ривоят қилишларича, яқин ўтмишда бир қизли оила аъзолари ўзларига ортиқча бино кўйган, калондимоғ одамлар экан. Уйларига совчи келса, уларни менсимас, кўпол муомала қилар, ҳатто ҳайдаб чиқаришдан ҳам тоймас экан. Уларнинг бу нохуш одатлари сабабли қизларига келадиган совчиларнинг қадами узила бошлабди. Натижада, унинг ёши ўтиб, халқ таъбири билан айтганда "қари қиз" бўлиб қолибди. Аммо шунда ҳам ота-онасининг феъли ўзгармапти. Ота-она ҳамон ҳеч бир оилани ўзлари билан тенг кўрмапти. Бундан ҳаммадан кўра ҳам қизлари кўпроқ ташвиш торта бошлапти. Негаки, у тенги қизлар аллақачон турмушга чиқиб, бир-иккитадан фарзанд ҳам кўриб бўлган экан-да.

Ўтирган қиз ўрнини топади, деганларидек, кунларнинг бирида қизнинг бахти кулиб, ўзига тўқ, обрў-эътиборли, ҳалол

бир оиладан совчилар келишибди. Аммо, минг афсуски, ота-онаси тагин одатдагидек, тўнларини тескари кийиб олишибди. Совчиларни менсимай совуққина кутиб олишибди-ю, рад жавобини беришибди. Қизлари эса совчи бўлиб келган ота-она ва уларнинг яккаю ягона ўғилларини ёқтириб қолибди. Буни қарангки, бўлажак куёвга ҳам қиз маъкул келиб қолибди.

Йигитнинг ота-онаси бундан хурсанд. Қизнинг ота-онаси эса баттар дарғазаб бўлиб, қайта-қайта келган совчиларни гоят беҳурмат қилиб, оғзиларига келган тухматлар билан "сийлайверибди". Ота-онасининг бу қилмишидан хафа бўлган қиз бу совчилар ҳам қайтса уйларига бошқа совчи қадам босмаслигига ишонганидан йигитни биргаликда қочиб кетишга кўндирибди.

Ёшларнинг бу қилмишидан норози бўлган қизнинг ота-онаси шундан кейин ҳам отдан тушса-да эгардан тушмай, уларни ёлвортираверибди. Бундан мақсади шу усул билан тўй харажатларини ҳам куёв томонга юклатиб олиш экан. Шунинг учун ҳам улар совчиларга нисбатан муносабатларини ўзгартиришмапти. Уларни тагинда чидаб бўлмас тухматлар билан ҳақоратлаб ҳайдаб чиқариб, кўнгиллари ойнасини чил-чил синдиришибди. Азият чекиб, гоят хафа бўлган совчилар бу қизли уйнинг эшигига қайта келмайдиган бўлиб, эшигини қаттиқ ёпиб чиқиб кетишибди.

Қуда бўлишни хоҳламаганларнинг бу қилмишлари йигит ва қизнинг ораларини барибир бузолмапти. Уларни ҳар икки томон ҳам ажрата олмапти. Ниҳоят, йигитнинг ота-онаси истаб-истамай, қиз боланинг шаъни учун тўй қилиб берибди-ю, лекин ораларига тушган совуқчиликни кетказа олишмапти. Тўйдан кейин ҳам на йигитнинг, на унинг ота-онасининг қудаларига нисбатан муносабати ўзгарибди. Қудачилик алоқалари тил учиди. Борди-келдилари ноиложликдан, муносабатларида самимият йўқ. Табиийки, бундан энг аввало келин бола азоб чекиб, ич-ичидан эзилибди. Кеч бўлса-да, кўзлари мошдек очилган ота-онаси ҳам эндиликда ўша қилмишларидан пушаймонда. Бироқ бундан не наф? Сўнги пушаймон — ўзингга душман, дейдилар.

Азиз фарзандларим, "қудачилик-минг йилчилик, дейдилар. Улар ўртасидаги ўзаро қон-қардошлик қизиларнинг уйларига ўғиллиларнинг совчи юборганидан бошланади. Шундай экан, натижаси қандай бўлишидан қатъи назар, совчиларга нисбатан иззат-икром, меҳр-мурувват кўрсатини, хушмуомала бўлиш шарт.

*Совчи - толе элчиси демак,
Сўраб келар жон қизингизни.
Гар пок юрак, бўлса соф тилак,
Қаттиқ ёпманг эшигингизни.*

* * *

Совчилар

*Қутлуғқадам совчилар,
Лутфу карам совчилар.
Қизли уйга таратгай
Нур дам-бадам совчилар.
Тилларидан бол томар,
Бўлмасин кам совчилар.
Мақташ учун куёвни
Уста бирам совчилар.
Қиз томонга азизу
Ҳам муҳтарам совчилар.
Бири-бирдан ажойиб,
Турфа олам совчилар.
Нигоҳлари пурмаъно,
Турфа олам совчилар.
Таърифларига сўз йўқ,
Қутлуғқадам совчилар.*

ҚИЗ – БЎЛАЖАК ҚАЙНОНА

Эй қизларим, бугун сизларга айтадиган насиҳатимни яхши-лаб эшитинг ва кўнглингизга жойлаб олинг. У вақти келиб, асқотади. Тўғри, ҳозир ёшсиз, бироқ бир куни турмуш қуриб, Худо берса, фарзанд кўриб, она бўласиз. Кейин ҳаш-паш дегунча ўғил уйлантириб қайнона ҳам бўласиз. Ана ўшанда бугунги ўғитларимга амал қилсангиз, барака топасиз.

Келинингизга унинг сепию ота-онасининг мол-мулкига қараб муомала қилманг. Аксинча, унга бокиралиги, ахлоқ-одоби, маънавият ва маърифатига қараб баҳо беринг. Мол-мулк ўткинчи, маънавий бойлик эса боқий эканлигини ҳеч қачон унутманг ва унга ҳам тушинтиринг.

Билиб қўйинг, қайнона бўлганингизда қўш она бўласиз. Яъни

ҳам она, ҳам қайнона. Аслини олганда қайнона ҳам она. Шундай экан, қўш она бўлмай нима бўласиз.

Ўша кунлар келганида ўғлингиз учун оналикни қанчалик жойига қўйсангиз, келинингиз учун қайноналикни ҳам шундай жойига қўйинг. Ўз ўғлингизни қанчалик севсангиз, келинингизни ҳам шунчалик севинг. Шунини унутмангки, келин бировнинг боласи. Уни меҳр-саховатингиз билан ўзингизники қилиб олинг. Шунга эришсангизгина, у уйингизда ўзини бегона сезмайди, эркин ҳис қилади, меҳр-муҳаббатини дариг тутмайдиган бўлади.

Агар келинга бировнинг боласи сифатида муносабатда бўлсангиз, ўз болангиздек кўрмасангиз, у бегоналигича қолади. Бегона билан бир уйда яшаш эса осонмас. Бегона оилада ўсган, ўзгача турмуш тарзида яшаган қиз сизнинг хонадонингиздаги шароитга кўникиб, мослашиб кетиши осонмас. Уни тушининг. Билмаганини босиқлик ва мулојимлик билан ўргатинг.

Шунини эсда тутингки, унга қандай муносабатда бўлсангиз, бир куни кексайиб, қувватдан қолганингизда, ундан ҳам шундай муносабат кўрасиз. Яъни, нимани эксангиз, шунини ўрасиз.

Мурғаккина келинга тошбағирлик қилманг, шафқатли бўлинг. Кези келганида ўз ҳаётий тажрибаларингиз асосида ўғит беринг, хизматингизни қилса, раҳматингизни аяманг. Хато қилса, кечиримли бўлинг.

Бас, келин сизнинг уйингизда яшаб хизматингизни кўнгилдагидек қилаётган экан, унинг ҳаётий эҳтиёжларини ҳам ўзингиз қондиринг. Ота-онасидан ҳеч нарса талаб қилманг. Улар қизларини узатиб, ўз бурчларини бажариб бўлишди. Бир қизни туғиб, тарбиялаб, вояга етказиб, қўлидан иш келадиган тайёр дастёр бўлганида сизнинг ихтиёрингизга бериб қўйганининг ўзига қаноат қилинг. Бордию қизлик уйи ёки бирор бир қариндоши томонидан нохушлик содир бўлган тақдирда асло келиннинг юзига солманг. Энди у уларнинг эмас, сизнинг фарзандингиз. Ҳомиладор бўлса, муруватингизни аяманг, унинг эсон-омон кўз ёришию, боласини соғлом шакллантириши учун нимаики, зарур бўлса муҳайё этиш сизнинг бурчингиз. Вақти-вақти билан ўғлингизга ҳам эрлик ва оталик бурчини эслатиб турунг. Аёл зоти меҳр ва севгига, ширин сўзга ҳаминша ташна бўлишини тушунтиринг. Ораларида бирор-бир келишмовчилик содир бўлса, мурсою мадора йўлини кўрсатинг. Улар орасидаги келишмовчиликни "эр-хотиннинг уриши, доқа рўмолнинг қуриши" тар-

зида якун топишига эришинг. Эр-хотин ўртасида гина-кудратга ўрин бўлмаслиги керак

Ривоят қилишларича, қишлоқлардан биридаги дилозор қайнона келинига меҳр эмас, озор беришни хуш кўрар экан. Келини ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деб ҳоли жонига қўймас, айби бўлмаса ҳам арзимас икир-чикирларни рўкач қилиб, жанжал чиқарар, то қон йиғлатмагунча кўнгли жойига тушмас экан.

Эр-хотин аҳил яшаганини ҳам кўролмас, ҳатто ўғлини келинидан рашк қилар, қизғанар экан. Бирор-бир иши тушиб қолганда эса келинга зуғумини ошириб, унинг ота-онаси ҳисобидан бажартириб олар экан. Ҳатто уларнинг уйларигача бориб, "уйингизга нима харид қилсангиз, қизингизнинг ҳақи ҳисобидан бизнинг уйимизга ҳам жўнатиб туринг" дейишдан ҳам ор қилмас экан. Онасининг келинига бунчалик зуғумкорлиги, жабру ситамларни ҳаддан зиёд авж олдириб юборганидан хафа бўлган ўғли бир куни:

— Онажон, шу беозор келинингизни бунча азоблайсиз, — деб сўраса, унга:

— Айтмасанг ҳам келинимнинг фариштадек беозорлигини биламан. Аммо уни яхши деб бўш қўйиб қўйсам қайноналим қаёқда қолади? Кўявер, шунақа қилиб, унинг попугини пасайтириб тураман, ота-онасидан эса анча-мунча нарса ундираман, — деб жавоб берибди.

Онасининг келинига нисбатан бу антиқа қилиғига тоқат қилолмаган ўғил:

— Онажон, келинингиз ҳам бировнинг боласи. Бунақада касал-пасал бўлиб қолса, ҳомиласи нимжон туғилса ачинмайсизми? Сал шафқатли бўлинг-да, ахир, — деб балога қолибди.

Дарғазаб бўлган онаси:

— Энди хотинингни деб ўз туққан онангдан ҳам кечасанми? Ҳой бола, ё мени де, ё хотинингни! Хотинингни десанг, берган сутимга розимасман, — деб жиғибийрон бўлибди.

Келин эса кундан кунга сўлиб борар, асаб торлари таранглашганидан саломатлиги ёмонлашиб бораверибди. Яхши овқатланмай, оч-наҳор юраверганидан биринчи ҳомиласи тушиб қолибди. Шунда ҳам қайнонанинг кўзи очилмабди. Келинига ўзи тузукроқ таом едирмас, ёлчитиб уст-бош кийдирмагани етмаганидек, унинг ота-онаси келтириб берганларини ҳам олиб кўяр экан. Энг даҳшатлиси, келин бечора оғироёқ ҳолатда оч-наҳор қилган оғир меҳнатлари натижасида касал бўлиб, ётиб қолса,

дарҳол уни ота-онасининг уйига олиб бориб ташлабди. Улар да-
волатиб, бир оз қувватга киритишгач яна олиб келиб, зуғумла-
рини тўхтатган жойидан давом эттираверибди.

Келиннинг ой-куни яқинлашиб, кўз ёришига санокли ҳаф-
талар қолганида унга алоҳида эътибор бериш, яхши таомлар еди-
риб, туғруққа тайёрлаш ўрнига юзсизларча иш тутиб, тагин ота-
онасининг уйига олиб бориб ташлабди. Набираси дунёга келга-
нида ҳам туғруқхонага қатнаш, у ердан олиб чиқишдек масъули-
ятли ва шарафли ишларни ҳам келиннинг ота-онаси зиммасига
юклаб қўйишдан уялмабди.

Келин ва унинг ота-онаси эса авваллари бу қайнонанинг ин-
софга келишини кутиб, сабр қилишибди. Кейинчалик бола етим
бўлмасин деб ажратишни ўзларига эп кўришмабди. Пировард на-
тижада келин шўрлик қамқонлик касалига ҳам йўлиқибди. Шунда
ҳам келин эрининг "сабр қил, ҳаммаси яхши бўлиб кетади", де-
ган гапларига ишониб яшайверибди. Шу тарзда йиллар кетидан
йиллар ўтибди. Қайтар дунё эса ўз ишини қилибди. Зуғумкор қай-
нонани кексалик ёқасидан тутиб, тўшакка михланиб қолибди.
Энди бир пайтлар елкасини қисиб, зуғумларга чидаб юрган ке-
лин ўз-ўзидан хонадоннинг етакчи бекасига айланибди. Қайно-
на эса ўрнидан туролмай, келиннинг кўлига қараб қолибди. Қай-
нонанинг берган азоблари, оч-наҳор қолдирган кунлари эсидан
чиқмаган келин унга ошкора бўлмаса-да, хуфёна тарзда ўз зуғу-
мини ўтказа бошлабди. Келиннинг меҳру мурувватига муҳтож
бўлиб қолган қайнонанинг ўзи ҳам ундан мадад сўрашга боти-
нолмас, ўтмишда ўтказганларини эслаб ич-ичини еб қазо қилибди.

Худди шунга ўхшаш иккинчи бир қишлоқдаги қайнона ке-
линг муносабатда бундан ҳам ваҳший экан. Унинг бир неча ўғил-
лари бўлиб, уларни жон-дилидан севганидан она товуқ жўжалар-
ини қандай қилиб қанотлари остида сақласа у ҳам ўғилларини
шундай асрар экан. Азбаройи ўғилларини яхши кўрганидан улар-
ни ўз хотинларидан ҳам қизғонар экан. Шу боисдан эр-хотинлар-
нинг бирга ўйнаб-кулишларига ҳам, тунда бирга ётишларига ҳам
тоқат қила олмай, аламини келинларидан олар, бошларига дўзах
азобини солар экан. Келинлар эса қанчалик сабрли бўлсалар ҳам
барибир тоқатлари тоқ бўлиб, болаларини олиб қизлик уйларига
кетиб қолаверишар экан. Бундан хулоса чиқармаган қайнона ўғил-
ларини қайта-қайта уйлантираверишдан уялмабди. Натижада, ўғил-
ларининг ҳар бири беш-олти мартадан уйлансалар ҳам, охири

оналарига ўхшаб сўққабош бўлиб қолишибди. Онанинг ўзи эса қариган чоғида бир меҳрибон келинга зор бўлиб, вафот этибди.

Бу калтафаҳм қайноналарнинг келинга қилмишлари ва умрларининг сўнгги кунларидаги аччиқ қисматлари бошқаларга, жумладан сизларга ҳам сабоқ бўлиши керак. Ўғилларингизни ҳар қанча севсангиз ҳам, уларни танмаҳрамларидан қизғанманг, қизларим. *Аксинча, танмаҳрамлари билан шоду хандон, бахтиёр яшашларига имкон беринг.* Келинингизни ўз қизингиздек севинг, унга ғамхўр бўлинг. Агар унинг қалбига меҳр уруғларини сеппсангиз, у бир куни униб, ўзингизга ҳосилини беради. Яхши-лаб уқиб олинг, келин уйингизга тушганида сизнинг қўлингизга қарайди, меҳру муҳаббатингизга муштоқ бўлади. Қариган чоғингизда эса сиз унинг қўлига қараб қоласиз, меҳру мурувватига эҳтиёж сезасиз. Шуни зинҳор-базинҳор унутманг, қизларим.

*Қайнона келинга бўлса меҳрибон,
Эъзозлаб, айласа чин дилдан дуо.
Кези келганида келин жонажон,
Қайнона қалбини этар пурзиё.*

* * *

Меҳр берсанг, меҳр кўрасан

*Қизинг бир кун ўғилли бўлар,
Қалби чексиз қувончга тўлар.
Ҳаш-паш демай ўғли уйланар,
Қутлуғқадам келинчак келар.
Шунда у ҳам бўлгай қайнона,
Қайнона ҳам аслида она.
Оналикни жойига қўйсин,
Келинчакнинг меҳрига тўйсин.
Меҳр берса, меҳр кўради,
Нени экса шуни ўради.
Шундоқ экан, қизим, ўзинг ҳам
Қайнонангни этгил муҳтарам.*

ҒАҒЛАТ – КУЛҒАТ ЭЛЧИСИ

Эй фарзандларим! Оламга хушёрлик кўзи билан боқмоққа одат қилинг. Нечунким мудроқлик кишини ғағлат балосига дучор қилади. Ғағлат – кулғат элчиси, дейишади. Ғағлат босган одамнинг қалбини мисоли кулғисиз дарвозага қиёслаш мумкин. Унга бало-қазолар истаган пайтда бемалол кириб келаверади.

Сиз қалбингиз дарвозасига сезгирлик кулғини ўрнатинг. Зеро, уни бало-қазолар зинҳор оча олмасин. Одатда ғағлат кўпроқ лоқайдлик дардига мубтало бўлганларни босади. Шундай экан, атроф-теварақда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга лоқайд боқманг, уларга тафаккур кўзи билан қараб, мушоҳада қилинг, ўзингизга тегишли хулоса чиқаринг. Агар кечиксангиз, бу муҳим ишда сусткашлик қилсангиз, сиз томон яқинлашиб келаётган офатнинг йўлини тўсиш мушкул бўлиб қолади.

Ривоят қилишларича бир кишининг отасидан мерос қолган кўҳна уйи бор экан. Ул киши ҳар йили бу уйни суваб, оқлаб, бўяб чиройли қилиб кўяр экан. Ҳар куни эрталаб кўчага чиқиб кетаётганида эски уйига қараб:

– Эй отамдан қолган ёдгорлик, эй падари бузрукворимни эслатувчи дўст. Сен яна кулаб кетмагин, куласанг бола-чақамни босиб қоласан, илтижо қиламан, кулама, деб ёлворар экан.

Шу зайлда орадан йиллар ўтибди. Бир куни ишдан келса, эски уйи ағанаб бола-чақасини босиб қолибди. Шунда ул бахтсиз одам ич-ичидан зор-зор йиғлаб, фарёд қилибди:

– Эй дўст, сенга мен ҳар куни кулама, деб зорландим. Агар ағанаш пайтинг келса, менга хабар бергин, бола-чақам остингда қолмасин, деган эдим-ку! Нечун сен менинг илтижоларимни инобатга олмадинг. Ахир, дўстлик ҳам шунақа бўладими?

Кулаган уйнинг харобалари орасидан ва чириган ёғочларидан ул одам эшитадиган шундай овоз чиқибди:

– Эй бутун вужудини ғағлат босган дўстим! Мен сенга кўп бор илтижо қилдим. Сен уларга лоқайд қарадинг, эшитишни хоҳламадинг. Деворларим ёрилди, ганч билан сувадинг, оҳак билан бўядинг, оғзимни ёпдинг. Шифтларимдан бақирдим, ёғочларим ёрилди, очилиб кетди, уларни ҳам беркитиб қўйдинг. Менга кулоқ солмадинг. Мана, охири куладим, бола-чақанг остимда қолиб кетди!

Кўрдингизми, фарзандларим, бу кишининг бола-чақасини уй босиб қолишига сабабчи аввало ўзи. Агар у бошини қанотла-

ри орасига беркитиб олган туякуша ۇхшаб ғафлат ичида қолмаганида, тобора эскириб, қулаб бораётган уйининг ҳолатига лоқайд қарамаганида бу кулфат унинг бошига тушмас эди. Шу ўринда мухаммад Зеҳнийнинг "Ишга киришиш ўйланиб ўтиргандан яхши, ғафлатда қолиш эса кучли душмандан баттар" деган ҳикматларининг нақадар ҳаққонийлигини яна бир бор ҳис қиласан киши.

Сизлар, ҳаётга муборак кўз билан зийрак қаранг ва бу ғафлат кимсасининг бошига тушган фожиадан сабоқ олинг. Қалбингизга ҳушёрлик чироғини ёқиб, бўлаётган воқеаларни таҳлил этинг, рўй бериши мумкин бўлган фожиаларнинг олдини вақтида олишга улгуринг. Худди болаларингиз ҳар куни сиздан озиқ-овқатни олиб тургани каби сиз ҳам ҳаёт мактабидан муттасил сабоқ ва маънавий озуқа олиб туришга эришинг. Шундай қилсангиз, балоқазоларнинг эски биноси бошингизга қулаб, сизни ҳалок қилолмайди. Ўтган умрингиздан ҳеч қачон пушаймон қилмайсиз.

*Ҳушёр бўл, мудрама, босмасин ғафлат,
Кўз очиб юмгунча ўтади фурсат.
Вақтида хатарнинг олдин олмасанг,
Бошингга ёғилар кетма-кет кулфат!*

* * *

Нега шундаймиз?

*Шод кунларда юрамиз беғам,
Бахт оғушин гаптин сурамиз.
Қадамимиз шаҳдам ва илдам,
Дабдабали базм қурамиз.*

*Яшаш завқин қўлидан тутиб,
Тоширамиз шавқимизни ҳам.
Табиатдан роҳатни кутиб,
Унутамиз борлигини ғам.*

*Ҳаёт гўё фақат хуррамлик,
Бахт қуёши порлайверади.
Кўнглимизга жо хотиржалик,
Гўё омад чорлайверади.*

Гуруримиз бўйи осмонда,
Ҳамроҳимиз ҳузур-ҳаловат.
Ором қанот қоқади жонда,
Яйратади дилни фароғат.

Англамаймиз тушкунлик надир,
Жафо нима, нимадир жазо.
Сурегун бўлар оқибат, қадр,
Машиятдир нуқул муддао.

Кўзимизни қоплайди шира,
Ғафлат хоби босиб кетади.
Дидимиз ҳам бўлади хира,
Ғофилликнинг ели елади.

Бошимизга тушса-чи кулфат,
Кўзларимиз очилар мошдек.
Қалбимизни эзганда офат,
Бошимизга ғам тегар тошдек.

Қайда деймиз шафқат, мурувват,
Меҳрни ҳам излаб қоламиз.
Дилимизда қолмайди қувват,
Оқибат деб фарёд соламиз.

Қайда деймиз лутф ила карам,
Оллоҳ деймиз кўрсат каромат.
Ҳасратимиз бўлур бир ғарам,
Жонни сақла деймиз саломат.

Деймиз нечун инсон беқадр,
Қайда қолди шафқат, мурувват?
Кўринганда кўзларга қабр,
Икки пулдир дабдаба, шуҳрат!

ТИЛ БИЛГАН ДИЛ БИЛАДИ

Эй умримнинг давомчилари бўлмиш азиз фарзандларим, сизларга беражак ўғитларимнинг бугунгиси тил билмоқ хусусидадир. Билиб кўйинг, тил — дил қалити. Инсоннинг тилини билган унинг қалб дарвозасини очиб ичига кира олади. Бас, шундоқ экан, тил ўрганмоқ учун ҳаракат қилинг. Қанча кўп тил билсангиз, шунча яхши. Дунёда ўнлаб халқларнинг тилини ўрганиб, дилига йўл топган оқилу донолар кўп. Сизлар ҳам уларнинг сафида бўлинг.

Агар оламга зийрак кўз билан боқиб кўрсангиз ўз юртида яшаб туриб ҳам ўзга юртлардаги халқларнинг тилларини ўрганган зукколар ҳам, ўзгалар юртида улар билан ҳамнафас бўлиб яшаб туриб ҳам тилларини ўрганмаган, демакки, уларнинг дилларига йўл тополмаган нодонлар ҳам учраб туради. Сиз уларнинг қилмишларини ақл-идрок тарозуси ила ўлчаб, хулоса чиқаринг, жон фарзандларим!

Сизлар ҳозирча ёшсизлар. Ҳали улғаясиз, олам кезасиз. Хоҳлайсизми йўқми бу бебаҳо умрингизнинг каттагина қисмини йўлларда ўтказасиз. Йўлга эса йўлдош керак бўлади. Мусофир юртларда эса ўз йўлдошингизнинг тилини билмаслик гоаят ачинарлидир. Келинг, сизларга шу ўринда бир ривоят айтиб берай, эшитинг:

Мазкур ривоятда айтилишича турк, форс, араб ва юнон миллатига мансуб тўрт киши узоқ йўлда йўлдош бўлиб қолишибди. Бир манзилдан ўтар чоғда биров бу мусофирларга бир дирам пул берибди. Шунда тўрттовлон унга нима сотиб олиш ҳақида маслаҳатлашибди.

— Бу пулга ангур сотиб оламиз, — дебди форс.

— Йўқ, — дебди араб, — мен ангур емайман, пулга инаб сотиб оламиз.

— Э, — деб уларнинг икковини ҳам рад этибди турк. — Мен узум харид қилишни истайман.

— Мен учовларингнинг ҳам таклифларингга қўшилмайман, — дебди юнон. — Мен бу пулга фақат истофил олишни хоҳлайман.

Тўрттовлон пулга нима сотиб олишга келишолмай, узоқ тортишиб, охири жаналлашиб кетишибди. Улар жанжални гоаят авж олдириб турган бир пайтда ўтгиздан ортиқ тилни биладиган бир кимса келиб қолибди ва жанжалларининг сабабини сўрабди. Гап-

нинг нимадалигини билиб, ҳар бири билан ўз тилида гаплашиб, кейин унинг ўзи хоҳлаган нарсани харид қилиб келтирса, ҳам-малари баб-баравар хурсанд бўлишибди. Аммо пулга ҳожатбарор кимса фақат узум сотиб олиб келганини кўриб аслида ҳаммалари ҳам пулга узум харид қилишни хоҳлаганларини, аммо бир-бирларини тушунмай, ноўрин жанжаллашганликларини англаб етишибди ва қилмишларидан пушаймон бўлишибди.

Бу, фарзандларим, тил билмасликнинг ҳунук оқибатларидан бири, холос. Тил билмаслик ҳаётда бундан-да ҳунук, ҳатто оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бироқ тил билишликда хосият кўп. Тил билиш фазилат, кўрккина эмас, турли халқларнинг илм, адабиёт, маънавият ва маърифат хазиналарининг калити ҳамдир. Шугина эмас, ҳар бир халқнинг тилини ўрганиш, ўша халққа нисбатан ҳурмат ва эъзоз ҳам. Бас шундай экан, тил ўрганинг, тил ўрганинг ва яна тил ўрганинг.

*Тил инсон қалбига йўл очувчидир,
Маърифат сандиғин калитидир тил.
Тил билган қуёшдек нур сочувчидир,
Тил билган кимсага очиқ ҳар бир дил.*

* * *

Ширин сўзингиз

*Қалб оламин иситган, ёрим, ширин сўзингиз,
Музларни ҳам эритган, ёрим, ширин сўзингиз.
Гулишанда бўй таратган сунбулми ё сочингиз,
Сухбатни ҳам қизитган, ёрим, ширин сўзингиз.
Жони дилим билан мен тинглаб ҳузур қилурман,
Дунё элин элитган, ёрим, ширин сўзингиз.
Шодоналик уйига жило бериб умрбод,
Ғам тоғини қулатган, ёрим, ширин сўзингиз.
Бошимга тушса кулфат, қалбимни босса қайғу,
Ашким сойин қуритган, ёрим, ширин сўзингиз.
Етсамми деб висолга борсам ҳузурингизга,
Ишва ифода этган, ёрим, ширин сўзингиз.
Таъриф тавсиф айлаб ёзди ғазал Калоний,
Донғи жаҳонга кетган, ёрим, ширин сўзингиз.*

ШОШҚАЛОҚНИ ХАТАР КУТАДИ

Эй фарзандларим, билиб қўйинг, шошқалоқлик ҳам кишига офат келтирувчи иллатлардан. Халқимиз "санамай саккиз дема", деб бежиз айтмаган. Бирор иш қилар бўлсангиз, ҳеч қачон шошманг, лекин сусткаш ҳам бўлманг. Ҳар бир нарсанинг ҳам меъёри бор. Унга амал қилсангиз ютқазмайсиз. Аввал қилаётган ишингизнинг оқибатини ўйлаб кейин унга қўл уринг. Нафақат у ёки бу ишда, ҳатто гапиришда ҳам ўйлаб, шошмай гапиринг. Айтилган сўз отилган ўқ, дейдилар. Бас, бирор ножўя гапни айтиб юбордингизми, кейин уни жойига қайтариб айтилмаган қилиб бўлмайди. Бунинг иложи йўқ. Қилар ишни қилиб қўйиб, айтар гапни айтиб бўлиб, кейин афсус ва надомат чекмоқдан фойда йўқ.

Ривоят қилишларича буюк олим ва адиб Кошифий ниҳоятда оқил ва доно киши эканлар. Улар ҳар бир ишга пухта ўйлаб кўргандан кейингина киришар эканлар. Гапни ҳам ўйлаб, мулоҳаза билан гапирар эканлар.

Бир куни тунда ижод қилиб ўтирсалар, ногаҳон уйларига ўғри тушибди. Зийрак ва хушёр Кошифий буни дарҳол сезибдилар. Бироқ ҳеч нарса сезмагандек ўрниларидан турибдилар-да, ўғри билан саломлашибдилар. Кейин:

— Бир келиб қолибсиз-да, тақсир, қани, марҳамат, ўтиринг, — деб унга жой кўрсатибдилар. Ўғри ҳам "менинг ўғриликка тушганимни Кошифий сезмади" деб ўйлаб, уларнинг айтганларини қилибди. Мезбон дарҳол дастурхон ёзиб, нон-чой қўйибдилар ва ширин сўзлар билан суҳбатни бошлабдилар. Нодон ўғри мезбоннинг ширин сўзларига маҳлиё бўлиб ўтираверибди. Кошифий эса қуролланган бу хавфли ўғрини қандай қилиб тутиб, жазосини беришнинг энг беҳавф йўлини ўйлар, аммо буни рақибига сездирмас эканлар. Улар турли ҳикоятларни айтиб, гап орасида бир ўғри бировнинг хонадонига ўғриликка киргани ҳақидаги воқеага келганда "ўғрини кўрган хонадон соҳиби хона деворини мана бундоқ қилиб ура бошлабди", — деб деворни зарб билан бир неча бор урибдилар. Кейин овозларини баланд қилиб "уйимга ўғри тушди" деб бақирибди дея бор овозлари билан бақирибдилар. Кошифийнинг деворни зарб билан уриб, бор овозлари билан бақирганларини эшитган қўни-қўшнилари югуриб чиқиб, ўғрини осонгина қўлга олибдилар.

Кўрдингизми, фарзандларим, Кошифийнинг босиқлик билан ўйлаб, шошмасдан иш кўрганлари нақадар хосиятли бўлиб-

ди. Агар улар ўғрини кўрган замон оқибатини ўйламай шошқалоқлик билан ҳаракат қилганларида бирор кори ҳол рўй бериши ҳам ҳеч гап эмасди. Ахир, ўғри ҳам қўлга тушмаслик учун қўлидан келганича курашарди-да! Шундай эмасми?

Бундан хулоса шуки, фарзандларим, сизлар ҳам ҳеч қачон шошқалоқ бўлманг. Ҳар бир ишга босиқлик билан, охирини ўйлаб киришинг. Шундай қилсангиз, унинг сўнги бепушаймон бўлади, хавф-хатардан, мулзамликдан асраласиз. Зеро, "шошилган қиз эрга ёлчимас", деб бежиз айтмаганлар-ку.

*Бу тезкор дунёда шошиб нетасан,
Ўйлаб қадам босган киши ютади.
Шошилсанг, билиб қўй, хато этасан,
Шошқалоқ кимсани хатар кутади!*

* * *

Шошилма

*Шарҳи дилингни этгали зинҳор шошилма,
Қалбингда севги бўлмасин ошкор, шошилма.
Севгингни рад этмасми у, борми кафолат,
То бўлмасин ишқинг тағин инкор, шошилма.
Кўнглингни(нг) қулфин очмайин юз бор синаб кўр,
Аввалда, бил, чекмасми дил озор, шошилма.
Севгинг аланга олса ҳам оташга дош бер,
Ошиқ ўзи этсин ани изҳор, шошилма.
Пайванд бўлиб улғурдими кўнгилга кўнгил,
Ўртангда, айт, йўқми бирор девор, шошилма.
Қалбида йўқмикан, Калон, ўзга бир санам,
Севги иши оламда энг душвор, шошилма.*

ТАНМАҲРАМ – ДИЛМАРҲАМ

Ўғлим, вақти келиб уйланасан. Агар умр йўлдошинг покиза, садоқатли бўлса, унга фақат эзулик раводир. Уни жон-дилинг билан севишинг, меҳр-мурувватингни ҳаргиз дариф тутмаслигинг шарт. Умр йўлдошини ташқи тажовузлардан асраш, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш эрлик бурчинг, уни тўлақонли бажаришга ҳаракат қил. Аёл боши билан қўлидан келмайдиган

ишларни зиммасига юклама, худа-бехуда рашк ҳам айлама.

Бас эркак сифатида оила бошлиғи экансан, аввало танмаҳрамингга ғамхўр бўл. Қалбида ота-онанг, қариндошларингга нисбатан меҳр уйғот, ўз навбатида уларнинг ҳам меҳрларини ўстир. Ўзаро оқибат ришталирининг мустаҳкам бўлиши учун бор имкониятларингни ишга сол. Ораларида бирор бир низо чиқиб қолса босиқлик билан келиштир. Оёғинг, кўлинг ва ақлингни ишга солиб ҳалол маблағ топ. Уй-жой қур, машина ол, тўйлар қилиб, элга ош бер. Лекин буларнинг ҳаммасини моддий имконга эга бўлсанг қил. Зинҳор базинҳор танмаҳраминг ҳисобидан ҳал этишга уринма. Шунингдек, қайнота-қайнонангга ҳам таъма назари билан боқма. Қудратинг етса барча орзуларингни ўз кучинг, ўз маблағинг билан рўёбга чиқар, ўзгалар садақасига кўз тикма.

Айниқса, қайнота-қайнонанг ҳисобидан мулкдор бўлишни хаёлингга ҳам келтирма. Бу иш имонсизлик, виждонсизлик бўлади. Улар оқ ювибу оқ тараб ўстирган қизларини бир олам сепи билан сенинг ихтиёрингга топширган кунларидан бошлаб ўз бурчларини бажариб бўлишди. Эндиликда сен тугул қизларининг ҳам уларда ҳеч қандай ҳақлари қолгани йўқ. Аксинча сенинг ҳам, хотинингнинг ҳам ота-оналаридан қарзларинг беҳисоб бўлиб, уни узишнинг ўзи бўлмайди. Бунга вақт ҳам, куч-қувват ҳам, маблағ ҳам етказиб бўлмайди! Шунга қарамай, қайнота-қайнонанг қизларидан ҳеч нарса таъма қилмайдилар. Ўзларингни ўзларинг эплай олсаларинг, шунга хурсанд бўладилар. Лекин барибир улар ота-она, ҳолларидан хабар олиб тур. Аёлингни эса ота-онасини кўриб, қизлик бурчини ўтаб туришига имкон бер.

Узатилган қиз онасининг уйига борса ҳатто "супургилар ҳам мени олиб кетади, деб титраб туради", деган нақл бекорга тўқилмаган. Сен бундан хулоса чиқар ва танмаҳрамингни ўз ота-онасининг уйдан у-бу ташмалашига йўл қўйма, бундай қилишни номус деб бил, эрлик ғурурингни ўзинг топтама. Йигит киши ўз аравасини ўзи тортади, ўзи ичига ўтириб олиб, қайнона -қайнотасига торттирмайди, шаънига доғ туширмайди.

Ривоят қилишларича сиртдан қараганда туппа-тузук бир йигит (эсиз йигит деган ном унга!) тайёрга айёрлардан экан. У қандай қилиб бўлмасин бирор бадавлат одамнинг қизига уйланиб олиб, шу ҳисобдан бойвачча бўлиб яшашни орзу қиларкану унга столмас экан. Сабаби бадавлат одамлар қизларини ўзларига ўхшаш бадавлат одамларга узатишни хоҳлайдилар-да!

Кунлардан бирида у ниятига етибди. Бир мулкдорнинг қизига қармоқ ташлаган экан, у осонгина илина қолибди. Қизнинг ота-онаси тўй харажатларини ўз зиммаларига олибдилар. Куёвболага алоҳида уй-жой ҳам, машина ҳам олиб берибдилар. Бироқ бу саховатларининг тагида нима гап борлиги кейин билинибди.

Қиз ниҳоятда суюқоёқ бўлиб, атайлаб ўзини ўзи йигитнинг қармоғига илинтирган экан. Йигитга қорнида икки ойлик ҳомиласи билан турмушга чиқиб олган экан, уни етти ой деганда эсон-омон туғиб берибди. Мол-мулкка муккасидан кетган йигит эса унга лом-мим деёлмабди. Деб ҳам кўрсинчи, нақ бошида ёнғоқ чақиларди! Қолаверса, тили қисик, уйи ҳам, машинаси ҳам шу хотинники, оғиз очса олиб кўйишади!

Йиллар кетидан йиллар ўтса ҳам аҳвол ўзгармабди. Хотин эрни менсимас, "Сен қаро ер эдинг, мен эр қилдим" деб миннат қилаверар, хоҳлаган пайтида кўчага чиқиб кетиб, хоҳлаган пайтида, ҳатто ярим кечаларда ҳам кириб келаверар экан. Эр тушмагур унга бирор-бир гап айтадиган бўлса қайнона-қайнотаси ҳам келиб, берган мол-мулкни пеш қилиб, куёвни кўз очиргани кўйишмас экан. Натижада, йигит умр бўйи шу ношуд хотин билан ит азобини чекиб, унга қул бўлиб яшабди.

Эй фарзандим, мазкур ривоятдаги йигитнинг аччиқ қисмати ҳеч бир йигитнинг бошига тушмасин. Аввало танмахрам топишда адашма. Мол-мулкига учма, ақл заковати, одоб-ахлоқига боқ. Ўзингга мос ва садоқатлисини танлаб, уйлан. Танлаганинг ҳар томонлама ўзингга тенг, уйланганингдан кейин рўзғор аравасини "эрхотин қўш ҳукиз" бўлиб тортишга тайёр турадиган бўлсин.

Ўзингга маълумки, аёл зотини донишмандлар ожиза ҳам дейдилар. Бу беасос эмас. Унга ҳар томонлама ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсатиш жоиз. Лекин у ҳам, албатта, шунга лойиқ бўлиши керак. Аёл ҳамиша ўз аёллик бурчини бажаришга тайёр туриши шарт. Унга ортиқча эрк ҳам бериб бўлмайди, эркига тажовуз қилиб ҳам бўлмайди. Шунини ҳеч қачон унутмаки, аёлинг сенинг шаънинг, шавкати. Унга ҳаргиз доғ тушмаслиги керак. Уламолар танмахрамни дилмархам деганлар.

Танмахраминг бўлса саришта,

Садоқатли, мисли фаришта.

Асра уни, авайлагин, сев,

Нажоткор бўл мудом ҳар ишда!

Садоқатли умр йўлдошимга

Битта ёстиққа, ёр, бош қўйиб ўтдик,
Серзавқ висол гаштин кўнгилда туйиб.
Гоҳо ҳаёт берган асални ютдик,
Гоҳо ғам ўтида баробар куйиб.

Шукрим, орттирдик бола-чақа ҳам,
Ўғил-қизимиз бор, қобилу комил.
Алар деб гоҳида чекканда алам,
Мустаҳкам ирода бўлди омил.

Гоҳида ғанимлар орамиз бузиб,
Нифоқ солмоққа ҳам қилди ҳаракат.
Қитмирлар ғаразли режалар тузиб,
Ёғдирмоқ ҳам бўлди бизларга офат.

Аммо орамиздан ўтмади қил ҳам,
Садоқат боғлади бир-биримизни.
Ағёрлар куйдилар, чекдилар алам,
Фош этолмасдан дил сиримизни.

Мана, ошни ошаб, яшадик ёшни,
Ярим аср йўлни босиб қўйдик биз.
Умрига ким топса содиқ йўлдошни
Ҳаётда қоқилмас, йиқилмас ҳаргиз.

Мен сени топдимми, сен мени топдинг,
Айни пайт бу сира муаммо эмас.
Муҳими сен менинг айбимни ёпдинг,
Мен сени нуқсингдан чиқармадим сас.

Фақат излаб ўтдик фазилатларни,
Муҳаббат кўзидан ташладик назар.
Улоқтириб четга бор иллатларни,
Таъна, маломатдан айладик ҳазар.

Аҳиллик бор жойда қуту баракот,
Садоқат бор жойда ҳукмрон вафо.

*Хуллас, кулиб боқди бизларга ҳаёт,
Рўёбга чиқмоқда эзгу муддао.
Сендан ўзга, ахир, кимим бор менинг,
Ўзингсан умидим, ишонган тоғим.
Суянган тоғингман ўзим ҳам сенинг,
Сенингсиз ҳазондир гуллаган боғим.*

*Чуқур илдиз отдик иккимиз, эркам,
Мевалар туголдик жамият учун.
Элга хизматимиз бўлса ҳамон кам,
Қолган ҳаётимиз бахшида бутун.*

*Душманни ҳам этдик содиқ ошино,
Биз қўша қаридик, бўлмадик жудо.
Ҳалоллигу поклик умримизга зеб
Бўлса, умр бўйи ажратмас Худо.*

*Белда қувват билан, кўзда нур билан
Муҳтожлик сезмайлик то сўнги нафас.
Фарзанд бахти деган завқ, ҳузур билан
Ошино бўлсак, шунинг ўзи бас.*

ТАДБИРКОРЛИК – ТОЛЕ КАЛИТИ

Шундай, фарзандларим. Тадбиркор бўлсангиз, толе кулиб боқаверади. Бас шундай экан, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам, бирор тадбир толиб, ундан чиқиб кетиш йўлини изланг. Астойдил излансангиз, мушкулингизни осон, оғирингизни енгил, узогингизни яқин қилишнинг иложи топилади. Бунга амин бўлинг.

Ривоят. Қадим замонда бир донишманд киши бўлиб, унинг илму салоҳияти ғоят юксак даражада экан. Одамлар ул муҳтарам зотга фарзандларини олиб бориб ўқитиб мулло қилишни сўрар эканлар. Шунда ул зукко одам уларни ота-онасининг шундоқ кўз олдида синаб кўрар экан. Агар у синовдан ўтса шогирдликка олар, ўтмаса қайтариб юборар экан.

Кунларнинг бирида ўртаҳол бир ота-она ўғлини донишманд ҳузурларига олиб келибди. Одатга кўра устоз болани синаш мақсадида қўлига юпқагина сопол кўзачани тутқазиб дебдилар:

— Мана шу уйнинг орқасидаги ҳовлининг ўртасида ҳовуз бор. Ундан бир кўзача сув олиб кел. Бир чой дамлаб ичайлик!

Бола кўзани олиб уй орқасига ўтибди. Қараса чиндан ҳам ҳовли ўртасида каттакон ҳовуз бўлиб, унинг кўм-кўк суви мавж уриб турганмиш. Зеҳнли бола устоз уни синаб кўраётган бўлиши мумкинлигини ўйлаб, "кел, кўзани ҳовузга ботиришдан аввал бир кўлимни тиқиб кўрай-чи..." деб кўлини сувга узатибди. Бироқ кўли сувга эмас, кўм-кўк сувга монанд шишага тегибди. Шунда у бу ҳовуз эмас, юксак даражада илмли бўлган устознинг бир мўъжизали кашфиёти эканлигини англабди ва уни сув деб кўзани ботирмаганидан суюниб кетибди. Негаки, шундай қилганида нозик кўза қалин шишага тегиб албатта синган бўлар экан-да!

— Ҳўш, — дебди бу жумбоқдан боши қотган бола. — Сув олмай шундоқ қайтсам бўлмас. Яхшиси бирор тадбир белгилай.

Бола шундай дея ҳовузнинг қоқ ўртасига бир ёввойи тўнғизнинг ўлиб ётган ҳолатини чизибди. Кейин устознинг ҳузурига сувсиз кўзани кўтариб қуруқ қайтибди. Шунда устоз ундан:

— Нечун сув келтирмадинг, — деб сўрабди.

— Устоз, сиз айтган ҳовузда бир ёввойи тўнғиз ўлиб ётган экан. Шу боис ҳовуздаги ҳаром сувни солиб чойгумингизни ҳаром қилмаслик учун сув олмай келдим, — деб жавоб берибди.

Устоз боланинг отасига:

— Қани, бориб кўрайлик-чи, ҳовузда қанақа ёввойи тўнғиз ўлиб ётган экан, — дебди.

Ҳаммалари биргалашиб бориб кўришса, сунъий ҳовузнинг ўртасига каттакон ёввойи тўнғиз ўлигининг расми чизиб қўйилган экан. Устоз боланинг ақли ва тадбиркорлигига тан бериб, уни шогирдликка қабул қилибди.

Кўрдингизми, ривоятдаги болага ақл-заковат ила қилган тадбиркорлиги қўл келибди. Агар бола сунъий ҳовузга кўзани ботириб, синдирганида уни оламга машҳур бу устоз ҳеч қачон шогирдликка олмаган бўлур эди.

Сизларга қиссадан ҳисса тарзида айтадиган гапим шуки, ҳар доим худди шу зийрак бола каби тадбиркор бўлинг. Шундай қилсангиз бу фоний дунёда ҳеч қачон муҳтожлик кўрмайсиз.

*Фарзандим, хушёру зийрак бўл мудом,
Энг мушкул пайтда ҳам излагин тадбир.*

Тадбиркор толеи бўлур бардавом,

Тадбиркор сўзлари ғоят ботаъсир.

* * *

Ақлида тадбир кўп

*Ақлу фаросатинг бут бўлса агар,
Шакар деб ичмайсан ҳеч қачон заҳар.
Йўл топиб толега эришиб олгунг,
Йўлингда қалашиб ётса ҳам хатар.*

*Ақл билан қилинган юмуш чиройлик,
Ақл билан кирар қўлингга бойлик.
Ақлсиз қалбининг осмони зулмат,
Ақллиники эса қуёшлик, ойлик.*

*Ақл йўқ қилади машаққатларни,
Жонингга бағишлар фароғатларни.
Беақл, нодонга бормагил яқин,
Рўбарў қилади ғам, офатларни.*

*Ақлли топади ҳар ишга тадбир,
Ақлсиз лол қолиб излар баҳона.
Нодонлик қўлингни боғловчи занжир,
Ундан халос бўлу яша шодона.*

ТАЪМАГИРЛИК – ТУБАНЛИК

Эй фарзандларим, мен сизларга айтсам, доимо буюклик сари интилинг. Буюкликка етишнинг энг яқин йўли ҳалолликдир. Негаки ҳалоллик юксак чўққиларни оппоқ, беғубор қор безагани каби безайди. Агар одам ҳалолликнинг кенг ва равон йўлидан чиқиб кетса, шу қадар ярамас иллатларга дучор бўладики, улар шубҳасиз кишини тубанлик ботқоғига ботиради. Айниқса, таъмагирлик иллоти ёмон. Одатда, эсли одамлар таъмагирликдан кўра жазони афзал кўришади. Чунки жазо бир марта берилади, таъмагирлик эса умрбод кўнгилни хира қилади.

Ривоят. Қадимда бир киши узоқ муддатли сафарни ихтиёр этибди. Шунда бир халта олтинни қаерга қолдириб кетишни билмай боши қотибди. Ниҳоят, энг қадрдон дўстига ишонч билдирибди. Олтинлар солинган халтачанинг оғзини муҳраб унга топшириб:

— Дўстим, мен сендан кўра ишончли одамни топмадим. Минг олтин солинган шу халтачани сенга топшириб кетаман. Сафар-

дан қайтганимдан сўнг оламан, — дебди ва кўнгли хотиржам бўлиб сафарига жўнабди. Бироқ сафар муддати белгиланганидан анча чўзилиб кетибди. Дўсти эса ундан умид уза бошлабди ва омонатга хиёнат қилиб, халтачанинг бир четидаги чокини сўкиб, олтинларни олибди-да, ўрнига мис тангаларни солиб, сўкилган жойини ҳеч ким сезмайдиган қилиб тикиб қўйибди. Орадан кўп ўтмай омонатнинг эгаси чўзилиб кетган сафарига якун ясаб, уйига қайтиб келибди. Эртасига дўстидан омонатини сўрабди. Дўсти ҳеч нарса билмагандек бўлиб, халтачани қайтариб берибди. Омонат эгаси халтачани очиб кўриб ҳайратдан ёқа ушлабди ва дўстидан:

— Халтача ичидаги олтин тангаларим мис тангаларга алмаштирилиб қўйилибди-ку, — деб сўраган экан, у:

— Халтачага нима солиб қўйган бўлсанг ўшани олдинг-да, қараб кўр, мен босган муҳрингни бузганим йўқ. Бас шундай экан, мендан нима даъвойинг бор? — деб туриб олибди.

Омонат эгаси нима қилишини билмай халтачани олибдию қозига учрабди. Қози жуда зийрак киши экан.

У хиёнатчини чақириб, омонат эгасига юзлаштирибди. Аммо хиёнатчи даъвони инкор этиб тураверибди. Шунда қози омонат эгасидан:

— Омонатни қўйганингга неча йил бўлди, — деб сўрабди.

— Ўн йил!

Қози халтадаги ҳамма тангаларни кўздан кечирса, уларнинг босилганига 2-3 йилдан кўп бўлмаган экан. Қози хиёнатчига тангалар босилган йилларини кўрсатган экан, у шарманда бўлиб, қилган айбига иқрор бўлибди. Қозининг буйруғи билан хиёнатчини ўша пайтнинг одатига кўра эшакка тескари миндирибдилар ва "омонатга хиёнат қилган кишининг жазоси шундай бўлади" деб кичқириб шаҳар кўчалари ва бозорларини айлантирибдилар.

Омонатга хиёнат қилган таъмагир одам албатта шармандаи шармисор бўлади. Инсон зоти ҳеч қачон ўз нафсини ўйлаб, ўзгаларга таъма кўзини олайтирмаслиги лозим. Фақат ўз манфаатини кўзлаб, ўзгалар ҳақиқага хиёнат қиладиган таъмагирларнинг тақдири ҳеч қачон бундан ўзгача бўлмайди. Таъмагирни эл доимо лаънатлайди, уни бу ярамас одати тубанликка қулатади. Агар ҳаётда обрў-эътибор топиб, юксак чўққиларни эгаллашни истаганг, таъмагир бўлма. Ўз манфаатингни қанчалик ўйласанг, ўзгалар манфаатини ҳам ёддан чиқарма.

*Юксакликни кўзласанг, ўғлим,
Ҳалолликнинг кўчасида юр.
Ҳалолликда хосият лим-лим,
Ҳалол яшаб, яшинаб қандинг ур.*

* * *

Нафс ва ақл

*Воажаб деб ёқа тутаман,
Тонг қоламан олам корига.
Нафсим дейди тоғни ютаман,
Ақлим дейди шукур бориға.*

*Нафсим баддир, мисли аждаҳо,
Олов сочиб тортар домиға.
Ақлим бўлсин йўбошчим, илло,
Ақл элтар касни комиға.*

САРФЛАМАСАНГ, ОЛТИН – САРИҚ ТОШ

Эй фарзандларим, умрим чечаклари! Бойлик инсонга сарф қилмоқ учун керак. Бас маблағ топдингизми, уни эзгу ишларга харж қилинг. Пулнинг ҳидига маҳлиё бўлиб, ундан завқланмоқ билан чекланмоқ нодонликдир.

Ривоят қилишларича бир зикна бой умр бўйи олтин йиғибди. Аммо уни сарфлашга тоқат топмабди. Бир куни барча олтинларини қопга солиб, боғига олиб борибди-ю, хилват бир гўшани кавлаб кўмиб кўйибди. Кейин ўша олтинлари кўмилган жойни муқаддас билиб, ҳар куни бориб зиёрат қилиб келаверибди. Унинг бу ҳатти-ҳаракати кўшнисини таажжубга солибди. Натижада у бунга қизиқиб, кўшнисининг қилмишларини кузата бошлабди. Қараса, у ҳар куни боғнинг бир жойига етгач тупроқни силар, ҳадеб ўша жой атрофини айланаверар экан. Ниҳоят, қизиқувчан кўшни бой кетгач, ўша жойни кавлаб кўрса, бир қоп олтин чиқибди. Оллоҳга шукур, дебди-ю, олтинларни олиб, қопини оддий сарғишранг тош билан тўлдириб, яна жойига кўмиб кўйибди. Кунларнинг бирида хасис бой олтинларининг жилосидан завқланиш, уни бағрига босиб ҳузур қилиш мақсадида ерни кавлаб қопни олибди. Қараса олтинлар ўрнида сан-сарик тошлар ту-

рибди! Не қиларини билмай бор овози билан додлай бошлабди. Унинг фарёдини эшитган қўшниси етиб келиб:

— Ҳа, қўшнижон, нима бўлди, бошингизга не кулфат тушдики, шу қадар нола чекиб додлаяпсиз? — деб сўрабди. Шунда хасис бой:

— Бир умр йиққан олтинларимни қопга солиб шу ерга кўмиб қўйган эдим. Кимдир олиб ўрнига тош тўлдириб кетибди. Шўрим куриб қолди, — деб баттар фарёд қилиб кўз ёши тўкибди. Шунда қўшниси:

— Сиз бекорга фарёд чекиб, йиғлаяпсиз. Энди куйинмоқдан фойда йўқ, сўнгги пушаймон ўзингга душман, дейдилар. Ҳозироқ тошларни тезда қопга солинг-да, жойига кўмиб қўйинг ва одатингиз бўйича уни зиёрат қилиб кетаверинг. Ахир, сарф қилинмаганидан кейин қопга олтин солинганми ё тош эканлигининг нима фарқи бор, — дебди.

Азиз фарзандларим, мазкур ривоятдаги қўшнининг сўнгги гапи ўринли. Сарф қилинмайдиган олтиннинг қиймати тош билан тенг. Одам боласи учун қашшоқлик — хорлик. Аммо етарли бойликка эга бўла туриб, ундан эзгу мақсадлари учун фойдаланмаса у бойлик қашшоқликдан кўра ҳам баттар хорлик келтиради. Илоё сизларга битмас-туганмас бойлик ато қилиш баробаринда уни харжлаш учун ақл-идрок ҳам берсин яратган Эгам.

*Пул керак бўлгуси харид қилмоққа,
Гар харж этилмаса ундан не фойда?
Чин гапимни айтдим, тепмай қулоққа,
Мусибат бисёрдир зиқна, паст бойда!*

* * *

Бас қилма

*Биродар, сен кўнгилни молу дунёга қафас қилма,
Ширин жонингни талх айлаб, уни ҳаргиз абас қилма.
Қадрсиз пулни кетидан қувишни ҳар нафас қилма,
Тириклик катта бойликдир, зиёд орзу-ҳавас қилма,
Саломатлик ва иймонни сўрашни энди бас қилма.*

*Киши дунёдан ўтганда бутун мулки қолиб кетгай,
Унинг жисмини ёлғиз бир кафан ичра солиб кетгай,
Бироқ қилган савобларни ўзи бирлан олиб кетгай,
Тириклик катта бойликдир, зиёд орзу-ҳавас қилма,
Саломатлик ва иймонни сўрашни энди бас қилма.*

*Керак ҳар кимсага бойлик ва лекин соф ҳалолдан,
Топиб ол, майлига, олтин, ҳамиша бемалолдан,
Зиёда мулк учун қўрққин азиз онлар уволидан,
Тириклик катта бойликдир, зиёд орзу-ҳавас қилма,
Саломатлик ва иймонни сўрашни энди бас қилма.*

*Топар мулк баъзилар, аммо ақл-идрок тополмаслар,
Фанимат ушбу оламда савоблардан ололмаслар,
Тушунмаслар, бу оламда сира боқий қололмаслар,
Тириклик катта бойликдир, зиёд орзу-ҳавас қилма,
Саломатлик ва иймонни сўрашни энди бас қилма.*

*Бировлар мулк учун жондан кечиб, ўзни гадо қилгай,
Ҳаётнинг нелигин билмай, бутун умрин адо қилгай,
Худовандо кўзинг очгин дебон ҳар дам садо қилгай,
Тирикликлик катта бойликдир, зиёд орзу-ҳавас қилма,
Саломатлик ва иймонни сўрашни энди бас қилма.*

*Калоний, мулк топиб, яхши яшашни яхши одат қил,
Ҳалол топган пулинг бўлса, уни бахту саодат қил,
Қўлингдан келса эҳсон қил, фитр қил ҳам саховат қил,
Тириклик катта бойликдир, зиёд орзу-ҳавас қилма,
Саломатлик ва иймонни сўрашни энди бас қилма.*

ҚЎЙНИНГДАН ТЎКИЛСА, ҚЎНЖИНГГА

Шуни билингларики, фарзандларим, қариндош-уруғ, оға-ини, опа-сингиллар бир-бирларига кек сақламайдилар. Бордию бировлари билиб-билмай зарар етказиб қўйсалар ҳам, уларни авф этадилар. Бир-бирларига ишониб, бир-бирларини кечириб, бағрикенглик қилиб ўзаро аҳил яшайдилар. У ёки бу нуқсон ёки хатолик учун орага низо солиш, юзқўрмас бўлиб кетиш ноинсофлик бўлиб, имонли қариндошларга хос бўлмаган иллатлардан ҳисобланади.

Ривоят. Қадим замонда олис ўрмонда бир ўткир болта пайдо бўлиб, дарахтларни бир бошдан кесиб ташлайверибди. Ўрмон дарахтлари болтани тийиб қўйишга ҳар қанча уринсалар ҳам, бу иш қўлларидан келмабди. Ниҳоят улар не қиларларини билмай зукко эман ҳузурига бориб, маслаҳат сўрабдилар. Шунда эман:

— Ўша болтанинг жисми нимадан ясалган, — деб сўрабди.

— Болтанинг ўзи темирдан, — деб жавоб беришибди дарахтлар.

— Дастаси-чи? -яна сўрабди донишманд эман.

— Униси ёғочдан!

— Ундай бўлса болта ҳам деярли ўзимиздан экан. Энди унга қарши уруш эълон қилиб бўлмайди. Тоқат қилиб, инсоф сўрашдан бошқа иложимиз йўқ.

Мазкур ривоятдан чиқадиган хулоса шуки, агар ўзингиздан бирор ношуд чиқиб қолса ҳам, билингки, у ўзингизники. Унинг ношуд бўлишига ўзингиз ҳам айбдорсиз. Шундай экан, унга чидамоқ, тинч йўл билан нохушликни бартараф этмоқликнинг йўлини қидирмоқ керак. Аммо зинҳор-базинҳор ундан ўч олмоқ учун ўзаро низо келтириб чиқаришга йўл қўйиб бўлмайди. Ўзингиздан чиққан балога қайга борай давога, деб нолимай, қўйнингиздан тўкилса, кўнжингизда-да, деб қўя қолган маъқул. Бордию у ёки бу маънода келишмовчилик рўй берса, уйдаги гапни кўчага чиқарма, қабилида иш тутмоқ даркор бўлади. Акс ҳолда, кишининг ўз зоғи, ўз уруғининг шаъни булғанади. Уларга етти ёт кишилар келиб, насиҳат қилади. Айрим ноинсоф одамлар эса "жабрдий-ла"ларнинг устидан куладилар. Айбларини ноғора қилиб чалиб, кўпчиликка овоза қиладилар. Бунақада қариндошлик, қардошлик ришталари узилиб кетиши ҳеч гапмас.

*Ўзингизнинг қавмингизни кечира олгин,
Кўлим қийшиқ-ку деб кесиб ташлама.
Кўнглингизга мурувват нурларин солгин,
Ғазаб қилиб, сўнгра кўзингиз ёшлама!*

* * *

Дўстларим

*Дўстларим, ҳеч бир киши бут бўлмагай қардошсиз,
Бўлса қардошсиз киши бир тан эрурким бошсиз,
Қони ҳам юрмас томирларда сира қондошсиз,
Умрининг йўлида у қандай юрар йўлдошсиз,
Дўстию қардошию қондоши йўқ жондошсиз.*

*Дейдилар одамни(нг) тафтин доимо одам олур,
Одам авлодин дилига одам аҳли ишқ солур,
Бўлмаса оламда одамлар одам танҳо қолур,
Ишқи йўқ танҳо одам ҳатто яшашдан ҳам толур,
Дўсту қардошсиз умрга, найлайин, мен дошсиз.*

*Дўсту қардош бор экан ушбу ҳаётда борман,
Ҳар нафас ҳамдамману ҳар доимо ҳамкорман,
Кўрмасам бир дам уларни бедаво беморман,
Жонажон меҳри билан ғоятда бахтиёрман,
Дилгинам ғамсиз ҳамиша кўзларим ҳам ёшсиз.*

*Этмасин тарк ҳеч қачон кўнгилларини оқибат,
Тушмасин дейман аларнинг бошларига мусибат,
Доимо шодмон бўлиб, юрсинлар яйраб соғ-сиҳат,
Қўлни қўлга ташлабон мангу бўлайлик ҳамжиҳат,
Эй Калоний, мен аларсиз кимсадирман бошсиз.*

МАСТЛИК – ПАСТЛИК

Фарзандларим, кишини маст қилувчи ҳар қандай восита ҳаромдир. Унинг ўзидангина эмас, истеъмол қилиб маст бўлгувчиларидан ҳам узоқ юринг. Негаки, мастлик пастликдир. Бундай дейишимга сабаб маст қилувчи воситалар кишини ақлу ҳушидан маҳрум қилади. Йиллар мобайнида мисқоллаб йиққан обрў-этиборини бир зумда тўкиб, адо қилади.

Ривоят қилишларича бир пок ниятли тақводор киши бўлиб, у ўзининг эзгу амаллари туфайли эл орасида юксак обрў-этибор қозонган экан. Кунларнинг бирида кишиларни йўлдан оздириб жаҳаннамга рўбарў этувчи шайтоннинг ҳасади келиб, уни шармандаю шармисор этишга қасд қилибди. Шу мақсадда бу тақ-

водор кимса қаршисида бир кўркам йигит қиёфасида намоён бўлиб дебди:

— Эй эларо обрў-эътибор топган одам. Намунча кексайиб юзларинг шафтолиқоқига ўхшаб қолибди?

— Начора, умримнинг баҳорию ёзи ўтиб, кузи келди. Кузда гуллар ҳам хазон бўлади. Дарахтларнинг кўзларни яшнатгучи япроқлари ҳам сарғаяди. Бироқ эл-улусга ризқ бўлувчи мевалари фарқ пишади. Худди шунингдек, менинг юзларимни ажин босиб, сочларим тўкилган бўлса ҳам, умрим бўйи йиққан эзгу ишларимни башариятга армуғон этадиган ёшдаман.

— Намунча ўзингни тақводор қилиб кўрсатмасанг. Балки шу узоқ умринг давомида зинога қўл ургандирсан, мол-мулк талашиб одам ўлдиргандирсан, ё ароқ ичгандирсан...

— Нималар деб валдираяпсан. Бунақа гуноҳи кабир ишлардан ҳазар қилганман. Агар яратган Эгам мени қайтадан ёшартириб қўйса ҳам, умримни фақат эзгу юмушларга бахшида этардим, савоб йиғардим.

— Баракалла, — дебди иблис. — Худди шунинг учун ҳам Оллоҳ мени сенга юборди. Мана бу бир коса шифобахш суюқликни ичсанг, худди менга ўхшаб қайтадан ёшариб, навқирон йигитга айланасан. Натижада охиратинг учун тағин битта умрлик савоб йиғасан.

Покдомон одам иблиснинг қабиҳ ниятини тушунмай, шифобахш суюқлик деб берган ароқни паққос ичиб юборган экан, ўз кучини кўрсатибди. Тақводор бир зумда маст бўлиб ақлу ҳушидан айрилибди. Шаҳвоний ҳирси ҳакалак отиб, бир оилали жувонга ишқ изҳор қилибди. Жувон ҳам енгилеёқроқ экан. Бир кўришда ошиқ бўлган хушторини дарҳол уйига бошлабди. Икковлон зино билан машғул бўлиб турган бир пайтда аёлнинг эри келиб қолибди. Шарманда бўлишдан кўрққан собиқ покдомон уни уриб ўлдириб қўйибди.

Ана шунақа, фарзандларим. Бутун умрини покдомонлик билан ўтказган тақводор одамни ҳам бир коса ароқ бир зумда ҳам зинокор, ҳам қотилга айлантирибди. Бундан келиб чиқадики, маст қилувчи воситалар сафида турувчи ароқ энг даҳшатли гуноҳларга бошловчи иблис сувидир. Агар эл-юрт аро шарманда шармисор бўлмай, охиратим буткул куйиб кетмасин десангиз, маст қилувчи воситалардан нари юринг. Улардан жирканинг.

Ҳозирги аксарият ёшлар ароқни гапни гапга уловчи, хуш кай-

фият бахш этувчи восита, деб уни оз-оздан ичиб юрмоқни одат қилганлар. Оз-оз ичиб кейин ичмаса туролмайдиган бўлиб қолганлари қанчадан қанча!

Ўрганиб қолгач унга пул тополмай, ўғрилиқ, талончилик, боқинчилик, ҳатто қотилликка қўл урганлар озми? Ароқ кайфи билан ўз оиласига хиёнат қилиб шармандаи шармисор бўлганлар-чи!

Одобни беодобдан ўрган, деганларидек, атрофга боқинг, боққанда ҳам шунчаки лоқайдлик билан эмас, ҳушёр кўз билан боқинг. Ичиб маст бўлиб, кўча-куйларда чанг-тупроққа қоришиб ётган маст-аластларнинг афт-башаралари нақадар жирканч. Улардан ҳосил бўлган болаларнинг қаланғи-қасанғи, қинғир-қийшиқ, ақлан заифлигини кўриб беихтиёр ачиниб кетасан киши.

Сизлар агар жисмонан гўзал, ақлан соғлом бўлай, фарзандларим ҳам жисмонан, ҳам ақлан мукамал бўлсин десангиз, ҳеч қачон, зинҳор базинҳор ароқхўрликка берилманг.

*Оқ бўлса ҳам аслида ароқ,
Қора қилар шаънингни мутлоқ.
Унга ружу қўйсанг, эй болам,
Кўз ёшларинг бўлғуси булоқ!*

* * *

Ҳаргиз

(Тавбасига таянган ичкиликбознинг собиқ шишадошига деганлари)

*Май кайфидан сўз очма, безор этма ҳаргиз,
Ичмоққа таклиф айлаб бадқор этма ҳаргиз.
Гар айтса ҳам "ичимлик албатта шох чиқаргай",
Йўқ! Мен, ахир, одамман, шохдор этма ҳаргиз.
Оз-оз ичиш ниҳоят юзсиз қилур, билиб қўй,
Гап таъсир айламовчи девор этма ҳаргиз.
Мисқоллаб топган обрў бир кайф билан йўқолгай,
Эл ичра бетайин ҳам беор этма ҳаргиз.
"Шанпан"ми у "ароқ"ми ва ёки "вино", "коняк",
Оғу эрур, ичирма, бемор этма ҳаргиз.
Билсанг, алар ҳаммиша жонона ёрга кундош,
Оила бахти кулсин, обгор этма ҳаргиз.*

*Ақлу хушингни олгач ҳамёнда қут ўчиргай,
Айирма хонумондан, хор-зор этма ҳаргиз.
Бундан буён, Калоний, хушёру соғ яшайлик,
Ичмоққа таклиф айлаб, бадкор этма ҳаргиз.*

НАСИБ ҚИЛСА, ҲАСИБ ЕЙСАН

Фарзандларим, халқимизда "Насиб қилса, ҳасиб ейсан", деган мақол бор. Дарҳақиқат, инсон зотига насиб қилгани буюради. Насиб қилмаса, оғзидаги ошни ҳам ютолмай қолади киши. Сизларнинг топган-тутганингизга илоҳим барака берсин ва албатта ўзларингизга насиб қилсин.

Ривоят қилишларича, басралик бир савдогар Хитой мамлакатига сафарга жўнаш арафасида турса, бир кекса киши келиб унга:

— Эй савдогар, мен мана шу қопдаги қалайни назр қилмоқчиман. Уни денгизнинг ўртасига борганинга сувга ташлаб юбор, — деб илтимос қилибди. Савдогар кексанинг кимлигини сўраб аниқлагач, унинг қопини олиб қолибди. Бироқ денгизга чиққач, тўфон кўтарилиб, қопни денгизга улоқтиришни унутибди. Хитойга етиб боргач, қопдаги қалайни не қилишини билмай боши қотибди. Кейин уни сотиб, пулига мол олиб эгасига топширганим маъқул, деган хулосага келибди ва шундай қилибди.

Басрага қайтгач қалай эгасини топиб, уйига борса у вафот этиб кетибди. Не қиларини билмай омонат меросхўрини қидирибди. Лекин топа олмабди. Шунга қарамай, савдогар бирор меросхўр топилиб қолар, деб қалай пулига харид қилган молларни сотиб, пулини асраб қўйибди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Хитой мамлакатида ундан қалайни сотиб олган йигит келиб дебди:

— Мен сиздан сотиб олган қалайни уйимга олиб бориб синдириб кўрсам, ичидан тилла чиқди. Мен сиздан олтин эмас, қалай сотиб олган эдим. Бу олтинлар менга эмас, сизга тегишли. Шу боисдан уни ўзингизга қайтариб олиб келдим.

Бу гапни эшитган савдогар йигитга воқеани бир бошдан оқизмай-томизмай айтиб берибди. Шунда йигит:

— Сизга қалай топширган одам менинг амаким бўладилар. Ул кишининг бойликни сувга фарқ қилишдан мақсадлари мени меросдан маҳрум қилиш бўлган. Негаки, ул зот доимо менга "сен

менинг ўлимимни пойлаб юрибсан" деб ранжитаверар эдилар. Шу сабабли ҳам мен юртни тарк этиб, Хитойга кетиб қолган эдим, — дебди.

Савдогар йигитнинг чиндан ҳам ўша кексанинг жияни эканлигини аниқлагач, унга қалай ҳисобидан орттирилган пулни ҳам бериб шундай дебди:

— Эй покдомон йигит, сен ўзгалар мулкани ўзлаштиришдан ҳазар қилдинг. Балки шундан бўлса керак, Оллоҳ сенга шунча мулкни ҳалол қилиб берди. Энди меросхўр сифатида кексанинг барча бойлигини олавер!

Кўрдингизми, фарзандларим, ривоятдаги йигитга амакиси ҳаргиз хоҳламаса ҳам, меросхўр бўлиш насиб этган экан. У ўз насибасига эга бўлди. Агар насиб қилмаганида, кексанинг хоҳиши рўёбга чиқиб, бойлик денгиз остига чўкиб кетган бўлур эди. Шунга айтадилар-да бировнинг ризқини биров еёлмайди, деб. Сизлар ҳам насиб қилган ризқингизгагина эга бўласизлар. Илоҳим яратган Эгам насибангизни бут, ризқингизни фаровон этган бўлсин.

*Насиб этса келар ғойибдан бойлик,
Насиб этмас экан нақд чиқар қўлдан.
Насибанг мўл экан турмуш чиройлик,
Адаштирамасин Эгам ҳеч кимни йўлдан.*

НАСИБ ҚИЛМАСА БУЮРМАЙДИ

Болажонларим, жамғарма пул ва қимматли буюмларингизни асраб-авайланг. Уларни кўздан пана, ҳимояли жойларда сақланг. Нечунким, уларни сиз ҳалол, пешона терингизни тўкиб қилган меҳнатингиз эвазига топгансиз. Ҳар дақиқасини олтинга ҳам топиб бўлмайдиган умрингизнинг қадрли онларини ўшаларни топишга бағишлагансиз. Шундай бўлгач, шубҳасиз, улар сиз учун қадрли.

Агар қимматли буюмларингизни асрашга бепарво бўлсангиз, уни текинхўр ҳаромтомоқлар қутқусидан ҳимоя қилиш чораларини кўрмасангиз, очкўзлар мавридини топиб ўзлаштириб оладилар. Илоҳим шундай бўлмасин, топган-тутганларингиз ҳар доим ўзларингизга буюрсин.

Лоқайдлик, бепарволик, ғафлат натижасида эҳтиёт чорасини кўрмаган бўлсангизу бойлигингизни ёт кимсаларга олдириб қўйсангиз, ёки у-бу сабаб билан қўлдан чиқариб юборсангиз

куюнмангки, у ҳеч қачон ўз-ўзидан жойига қайтиб келмайди. Аксинча, бу билан ўз жонингизга жабр қиласиз. Негаки бош омон бўлса дўппи топилади, дейдилар. Мол-дунёдан кўра жон ширин ва қимматбаҳодир. Йўқолган нарсага куюниб, саломатлигингизни йўқотманг. Бас, молингиздан ажралдингизми, демак, у сизга насиб қилмабди. Насиб қилса келур Шому йироқдан, насиб қилмас эса кетгай қошу қабоқдан, деб машойихлар бежиз айтмаганлар-да!

Инсон боласи ҳар қанча уринмасин, жонини жабборга бериб ҳаракат қилмасин, барибир насиб қилган ризқини ейди. Қадимий бир ривоятда қайд этилишича, бир камбағал бўзчи бор экан. У бир куни туш кўрса баланд тоғ остида турганмиш. Юқорига қараса, бир жойдан шаршара бўлиб бир тегирмон, иккинчи жойдан тахминан бир ариқ сув оқиб тушаётганмишу у қийинчилик билан учинчи жойдан томчилаб турган сувдан ҳовучини тўлдириб ичган. Шу ҳолатда уйғониб кетиб, тушининг таъбирини сўрабди. Шунда таъбирчи унга:

— Юқоридан тушаётган сувлар ризқлардир. Бас сиз томчилаб тушаётган сувдан ичган бўлсангиз, демак, сизнинг ризқингиз шунақа томчилаб турадиган бўлади, — дебди.

Шу-шу бу бўзчи ўз-ўзига "э қанча уринмай, қанча чиранмай, барибир тушимда кўрганим бўлади" дейдиган бўлиб қолибди. Унинг ҳадеб бу сўзни такрорлайверганини эшитиб таажжубга тушган бой кўшниси, унинг сабабини сўрабди. Бўзчи тушида кўрганини ва унинг таъбирини айтиб берибди. Бу гапни эшитган бой унинг тушини шунчаки тасодифга чиқаришга аҳд қилибди. Эртаси куни бир катта лаганнинг ўртасига бир ҳовуч олтин кўйиб, унинг устига ош тўлдириб бўзчи кўшнисига олиб чиқиб бераркан:

— Кўшни, анчадан бери сизни йўқлай олмадим. Бугун, кўшничилигимиз ҳурмати, мана шу ошни сизга атаб пиширтириб чиқдим. Марҳамат қилсинлар, — дебди.

Анчадан бери оғзи бунақа ошга тегмаган бўзчи хотини билан унинг бир четидан ебди. Лекин ўртасигача еб боролмабди. Кейин у хотинига:

— Хотин, мен анчадан бери бўзчиликни ўргатган устозимни йўқлай олмадим. Агар қарши бўлмасанг, шу ошнинг қолган қисмини олиб устозимни йўқлаб келардим, — деган экан, хотини ҳам рози бўлибди. Бўзчи лагандаги ошнинг четларини текислабди-ю, дарҳол дастурхонга ўраб, устозига олиб бориб берибди.

Эртаси куни бой қўшниси ундан ошнинг мазасини сўраган экан, у бўлган воқеани айтиб берибди.

— Оббо, — дебди қўшниси. — Шунча олтинни мен бу бўзчига атасам, у ўз қўллари билан устозига олиб бориб берибди-ку. Майли, бўлар иш бўлибди. Энди бошқача йўл тутиб кўраман.

Бой қўшни шундай дея, бўзчининг эрталаб масжидга номозга боришини ҳисобга олиб, унинг дарвозасидан бошлаб, то катта йўлгача ҳар қадамга биттадан олтин танга ташлаб чиқибди.

Бироқ бўзчи ўша куни туни билан ухламай, қашшоқлигидан нолиб чиқибди. Тонгга яқин бир оз ўзини тутиб:

— Намунча нолимасам, ахир тўрт мучалим соғ, оёқ-қўлим бутун, кўзларим кўриб турибди-ку. Шунинг ўзи катта давлат эмасми, деб Яратганга шукроналар келтирибди. Кейин ўз-ўзига икки кўзи кўрмайдиган одамлар қандай қилиб кўчаларда юрарканлар-а. Қани, мен ҳам бу тонг масжидгача кўзимни бойлаб, худди кўр одамларга ўхшаб юриб борай-чи, — дебди ва шундай қилибди. Натижада бой қўшниси унга атаб ташлаб кетган олтинларни кўрмай ўтиб кетибди.

Бошқа бир ривоятда таъкидланишича, қадим замонда бир шаробхўр бой бўлиб, у жуда золим экан. Одамларни яшаб турган уйларидан ҳайдаб, ўрнини текислатиб узумзорларга айлантираверар экан. Бир камбағалнинг бир парчагина ерини ҳам тортиб олиб, ўзи учун узумзор этмоқ мақсадида ток кўчатлари эктиришга аҳд қилибди. Шунда камбағал:

— Эй ҳаддидан ошган бой, менинг бола-чақамга ризқ бериб турган еримни тортиб олиб токзор этмоқдан не фойда. Ахир, барибир унинг шаробини ичиш сенга насиб қилмайди-ку, — деган экан, зўравон бой:

— Насиб қилади. Унинг шаробини шундоқ кўз олдинда ичиб, кайф қилишимни сенга, албатта, томоша қилдираман, — дебди.

Орадан уч-тўрт йил ўтиб-ўтмай камбағалнинг ерида барпо этилган узумзор ҳосил берибди. Бой ундан шароб тайёрлатибдида, камбағални ҳузурига чақиртирибди. Кейин шароб тўлдирилган қадаҳни қўлида тутиб шундай дебди:

— Эй ялангоёқ, бу узумзорнинг шаробини ичиш сенга насиб қилмайди, деган эдинг. Мана, кўриб қўй. Уни ҳозир ичаман!

— Менинг бир қошиқ қонимдан кечинг, деб бу гал ёлворибди қашшоқ. — Балки чиндан ҳам уни ичиш сизга насиб қилар. Аммо билиб қўйинг, қўлингиздаги қадаҳ билан лабингиз ораси-

да ҳали масофа бор. Қадаҳ бу масофадан ўтиб, лабингизгача ет-гунча нима бўлади, бу ёғи Яратганга аён.

Камбағал гапини тугатиши билан бойнинг ўғли ҳовлиқиб келиб:

— Ота, узумзорга бир тўда ёввойи тўнғизлар бостириб кириб, ҳамма ёқни вайрон қилмоқда, — дебди.

Дарғазаб бўлган бой қўлидаги қадаҳни қўйиб, узумзорга шошибди. Қараса, чиндан ҳам бир тўда қутурган тўнғиз тоқларни синдириб, сўриларини ағдариб ташлаётганмиш. Бой ҳайдаб чиқармоқчи бўлиб, уларга яқинлашган экан, бир каттакон тўнғиз уни қоқ қорнига қараб сузибди. Очкўз бой юз тубан бўлиб йиқилибди. Қорнига эса ерда синиб ётган ёғоч кириб, ёриб юборибди. Ичак-чавоғи чиқиб қонга беланган бой шу заҳотиёқ вафот этибди. Шундай қилиб, қадаҳга қуйилган шаробни ичиш унга насиб қилмабди.

Ана шунақа, болаларим, насиб қилмаса, қадаҳга қуйилган шароб у ёқда турсин, оғизда чайнаб турган луқмани ҳам ютиб бўлмайди. Шундай экан, насиб қилмаган нарса учун куйиб, азият чекманглар.

*Бир елган шаббода ортга елмайди,
Қўлдан кетган молга ачинма асло.
Насиб қилмас эса қайтиб келмайди,
Куюниб, ўртаниб бўлмагин адо!*

* * *

Йиғмагай

*Яхши инсон ёнига бебаҳра улфат йиғмагай,
Юқмасин ҳаргиз балоси дея кулфат йиғмагай.
Яхши дўсту яхши ёр топгай суйиб, обрў қучиб,
Шармисорлик доғини шаънига қат-қат йиғмагай.
Хосиятли, файзи бор ишларга қўл ургай, бироқ,
Нобакор ношуд бўлиб, нуқсону иллат йиғмагай.
Танлагин ҳар доимо ҳиммат, ҳидоят йўлини,
Таъмагирлик айлаганлар қадру шуҳрат йиғмагай.
Тер тўкиб, ишлаб ҳалол нонини еб юрган киши
Ўзгалардан ҳеч қачон, билсанг, надомат йиғмагай.
Яхши шеър ёзгин, Калон, эл-юрт севиб олқиш этур,
Яхши ёзган шоир элдан ҳеч маломат йиғмагай.*

АҚЛ-ИДРОК – ТИНЧЛИККА ГАРОВ

Ҳар қандай уруш-жанжал ақлсизликнинг аччиқ мевасидир. Агар ақл-идрок жойида бўлса, ҳеч қачон уруш-жанжал бўлмайди. Нечунким ақл-идрок тинчилик гаровидир. Тўғри, оламда одамзот орасида турли хил келишмовчиликлар учраб туради. Аммо томонларда онг-тафаккур етарли бўлса, уларни тинч йўл билан бартараф этиш мумкин.

Шу ўринда бир ривоят келтираман. Унда қайд этилишича, Искандар Зулқарнайн дунёни забт этмоқни мақсад қилиб, кўплаб мамлакатларни босиб олибди. Ниҳоят, навбат Чин мамлакатига келибди. Зулқарнайн жанг олдида ўз чодирда ўтирган экан, Чин подшоҳи элчи юборганини маълум қилишибди. Искандар уни қабул қилибди.

– Мен элчи эмас, – дебди элчи сифатида келган киши. – Чин мамлакатининг подшоҳиман. Беҳуда қон тўкмай, изингизга қайтмоғингиз учун нима қилмоғимиз керак? Шуни билгани келдим.

– Уч йиллик хирожни тўласанглар бас. Аммо бунга қурбларинг етадимми?

– Етади. Бироқ шунчалик қашшоқлашиб кетамизки, кейин бизни кичкина қабила ҳам забт этиб олиши мумкин.

– Агар икки йиллигини тўласанглар-чи?

– Аҳвол ўшандайлигича қолаверади.

– Бир йиллигига-чи?

– Ҳазинамда ҳеч вақо қолмаслиги мумкин, Аммо чидаса бўлади.

– У ҳолда ярим йиллик хирожни тўлаларинг, уруш очмай изимга қайтаман.

– Марҳаматли султонимизга жонимиз садқа бўлсин. Эрта ё индин биз фақирларнинг кулбаи вайронамизни ўз ташрифингиз билан обод этсангиз. Меҳмондорчилик сўнгида биз сиз айтган хирожни ҳам топширамыз.

Искандар рози бўлиб, айтилган фурсатда Чин мамлакатининг подшоҳи саройига меҳмонга келибди. Бироқ бир пайт атрофга қараса лак-лак аскарлар пайдо бўлиб қолибди. Бу ҳолни кўриб Искандар:

– Эй Чин подшоҳи, сен мени ҳийла билан қўлга олмоқчимисан? – деб сўраган экан, Чин подшоҳи:

– Йўқ, ҳазрати олийлари, – дебди. – Ҳийла ожизлар иши. Сиз кўриб турган лашкарлар қўшинимизнинг бир қисми холос. Асосий қўшинимиз тоғ ортида жойлашган.

— Шунча қудратинг бор экан, унда нечун менга таслим бўлиб, хирож тўлашга рози бўлдинг?

— Мен инсонлар қонининг беҳуда тўкилмоғини истамадим. Боз устига сизни Оллоҳ назар қилган онг-тафаккурли шоҳ деб билдим. Оллоҳ назар қилган султонларни ҳеч ким енга олмайди.

Бу жавоб Искандарга маъқул келибди. У саройга кирибдию товоқлару лаганларда жилоланиб турган тиллаю жавоҳирларни кўриб тағин ҳам ажабланибди.

Чин подшоҳи:

— Дастурхонга марҳамат қилинг, — деб қўли билан тиллалару жавоҳирларга ишора қилибди.

— Бу қимматбаҳо безаклар инсон учун таом бўлмайди-ку!

— Унда сизлар нима ейсизлар?

— Биз ҳам ҳамма одамлар каби нон еймиз.

— Шундай бўлса, наҳотки, юртингизда нон топиш шунчалик қийин бўлса? Наҳотки, олам-олам машаққат чекиб бизнинг юртимизга қўшин тортиб келган бўлсангиз?

Бу гапни эшитган Искандар Чин подшоҳининг донолигига қойил қолибди ва таҳсин ўқибди. Кейин:

— Мен бу юртдан ҳеч қанақа бойлик олмайман. Сенинг ўғитларинг мени лол қолдириб, талабимни қондирди, — дебди ва уруш-жанжалсиз юртига қайтибди.

Кўрдингизми, фарзандларим, жаҳоннинг шу қадар қудратли мамлакатлари орасида бошланажак катта қирғинбарот урушнинг ҳам олдини олишга ақл-идрок қодир бўлибди. Шундай экан, оддий одамлар ўртасида юзага келадиган келишмовчиликларни наҳотки бартараф этиб бўлмаса? Бўлади! Бунинг учун фақат ақл-идрок ишга солинса бас.

Аммо, минг афсуски, амалда ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Кўпинча бегоналар у ёқда турсин, ҳатто қариндош-уруғ, ака-укалар ўртасида ҳам арзимас келишмовчиликлар жанжалга айланиб, ҳатто қотилик қилинишигача бориб етади. Бу ҳамонки бизгача етиб келган юқоридаги ривоят мазмунидан келиб чиқадиган хулосага амал қилмаслик оқибати эмасми? Сизларга илоҳим яратган Эгам ақл-идрок берсин ва ундан фойдаланмоқни ҳам таъмин этсин.

Ақл-идрок тинчликка гаров,

У ишласа тинчлик барқарор.

Онг-тафаккур касни этмас ёв,

Тафаккурда хосият биёр.

* * *

Ақл — зийнат

*Ақл инсон учун энг олий зийнат,
Қалбларга бағишлар беҳисоб зиё.
Ақлсизлик эса поёнсиз иллат,
Қалбларни этади тун мисли сиё.*

*Энг оғир хатарга бўлса ҳам дучор,
Ақлли бир зумда енгиб ўтади.
Ақлсиз тақдирга тан бериб ночор,
Беадад ғам, ташвиш, қайғу ютади.*

*Ақлнинг ишида хосият бисёр,
Фазилатлар жило беради ундан.
Оламда бўлишни ғоят бахтиёр
Ақлдан излангиз, излангиз шундан!*

ЁМОН КЎПМИ, ЯХШИ КЎП?

Бу дунё ғаройиб. Гоҳо ёмонлик кўриб жиғибийрон бўласан, гоҳ яхшилик кўриб шодланасан. Шунда беихтиёр ўйлаб қоласан киши. Дунёда яхшилар кўпми ё ёмонлар? Бу саволга албатта яхшилар кўп-да, деб жавоб бермоқ жоиздир. Нечунким, агар ёмонлар яхшилардан кўп бўлса, аллақачон қиёмат қойим бўлур эди.

Бир ривоятда қайд этилишича, донога:

— Бу дунёда яхшилар кўпми, ёмонлар? — деб савол берсалар, у:

— Бу дунёда яхшилар кўп, ёмонлар эса оз...Тасаввур қилинг.

Бир кўлмакдаги тиниқ сувга бир томчи қора сиёҳ томса, уни бўлғайди. Аммо куёш ҳарорати кўлмакдаги сувни буғлатиб, ҳавога кўтаради. Қора сиёҳ эса ажралиб қолади. Буғланган сув ёмғир ё қорга айланади ва тагин мусаффо ҳолига қайтади. Яъни сув қора сиёҳдан халос бўлади. Инсоният жамиятидаги ёмонлик ҳам худди шу бир томчи қора сиёҳ кабидир. У ҳеч қачон бутун инсоният шаънига доғ тушира олмайди. Инсоният ўз жамиятини доимо ёмонлардан тозалаб боради. Тозалик, поклик, софдиллик инсон табиатига хос фазилат бўлиб, унинг умри боқийдир.

Дононинг бу хулосаси ҳақиқат. Инсоният орасидаги яхшилар худди ривоятдаги куёш кабидир. Улар ўз ақидалари, саъй-ҳаракатлари билан жамиятни ёмонлардан тозалаб борадилар.

Одамзот ҳаёти унинг қилган яхши амаллари билан қадрли. Инсон шаъни унинг бир-бирини эъозлаб, меҳр-оқибат кўрса-тиши билан зийнат топади. Аммо ёмонлардан Худо асрасин. Улар қанча ёмонлик қилсалар, ўзларига шунчалик ёмонлик қайтади. "Қилмиш-қидирмиш" деб бежиз айтмаганлар. Сизлар, азиз фарзандларим, ёмонлик кўрмай десангиз, ҳеч қачон ҳеч кимга ёмонлик қилманг. Аксинча, қўлингиздан келганича яхшилик айланг. Ёмонларга дуч келсангиз, уларни яхшилар сафига қўшилишларига унданг. Шундай қилсангиз, жамиятдаги инсоний бурчингизни оқлаган бўласиз.

*Яхшилик гўёки чароғон кундуз,
Ёмонлик тун каби қоронғу, зулмат.
Ёмондан яхшилик умидини уз,
Пайт пойлаб бошинга ёғдирар кулфат.*

* * *

Қуёшу ойдек

*Эрта тонг кун чиқар, кечки пайтда ой,
Навбат-ла оламга зиё сочади.
Иккови зулматга қарши ҳойнаҳой,
Улар чиққанида зулмат қочади.*

*Дунёга келдими қуёшу ойдек
Башар ҳам эзгулик нуруни сочсин.
Қалбида бўлмасин гина, кудрат, кек,
Қабоҳат, разолат одамдан қочсин.*

САЁҲАТ ДИЛГА ОРО

Азиз фарзандларим, агар ҳаётда толедор бўлай, умрим бесамар ўтмасин десаларинг, биз — ота-онангиз берган ўғитларига амал қилиб яшанглар. Турмушим фаровон бўлсин деган киши ҳалол меҳнат қилади. Ҳеч қачон ризқ-насиба осмондан тушмайди. У ишлаб, излаб топилади. Аммо иш деб тинимсиз, узлуксиз меҳнат ҳам кишини энг катта бойлиги — саломатлигидан жудо қилади. Ҳалол меҳнат қилган одам яхши дам ҳам олиши керак.

Дам олиннинг эса турлари кўп ва хилма-хил. Улардан бири саёҳатдир. Саёҳат қилмаган киши мисоли шиша ҳовузчадаги балиқчага ўхшайди. Бу балиқча дунёни шу кичкинагина шиша ҳовузча деб билади. Оламда сойлар, дарёлар, денгизлар, ҳатто уммонлар борлигини билмайди.

Саёҳатга чиқмай ўз қишлоғи ёки шаҳрида муқим яшаган одам ҳам худди шундай. Ўзга шаҳру қишлоқлар борлигини эшитса ҳам уларни кўрмай ўтиб кетади. Тўғри, шўролар ҳукмронлиги даврида мамлакатимиз аҳли ўзи хоҳлаган, имконият топган тақдирда ҳам ўзга юртларга саёҳат қилиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Қизил империя ҳукмдорлари фуқароларни худди ўша шиша идишдаги балиқчадек сақларди. Унинг дунёга чиқишидан, хориждаги кишилар ҳаёти билан танишишидан қўрқарди.

Бироқ энди аҳвол ўзгарди. Шонли Ўзбекистонимиз ҳам мустақилликка эришгач, кишиларимизнинг дунёга чиқишлари учун кенг имкониятлар юзага келди. Бу имкониятдан фойдаланиб иложини топсаларинг олам кезинглар, дунёни кўринглар. Халқимиз "ўтирган бўйра, юрган дарё" деб бежиз айтмайди. Бир жойда туриб қолган одам худди кўлмак сувга ўхшайди. Кўлмак сув тобора сасиб борганидек, бир жойда муқим яшайверган одам ҳам диққинафас бўлиб, ўз қобиғига ўралиб қолади.

Сафарларга чиқиб турган одамнинг эса кўнгли ёзилади, дунёқарashi ўзгаради. Сизлар ҳам ҳаётда чиниқай десаларинг саёҳат қилиб турунглар. Саёҳатда самар кўп. Киши ўзига янги куч-қувват олади, илм ва одоб ўрганadi, тажриба орттиради, ҳар хил кишилар суҳбатида бўлади. Йўл-йўлакай бўлса-да, ўз эҳтиёжига керак бўлган мол олади.

Бироқ ҳар бир нарсанинг ҳам меъёри бор. Сафар муддатларини ортиқча чўзиб юбориш, умрни ҳуда-беҳуда сайрларга, бағишлайвериш ҳам кишини йўлдан оздиради. Хорижга саёҳат яхши, ammo унинг она— Ватандан йироқда эканлиги, гурбатлигини ҳам унутманг. Саёҳат чоғида киши истаса-истамаса, у жойлар билан ўз юртини, хорижликлар ҳаёти билан ўз ҳаётини таққослайди. Ўшанда ўз Ватанига бўлган муҳаббати янада мавж уради. Натижада унда ватанпарварлик, халқпарварлик туйғулари ривож топади.

Сафар бир оз чўзилиши билан кишининг вужудида гурбат алами ва она юртдан айрилиқ азобининг гармсели қалбининг гулшанлари аро эса бошлайди. Шу маънода сафар шундай дарахтки, у фироқнинг аччиқ меваларини ҳам тотдиради. Ўзгалар

юртидаги ғариблик, мусофирликнинг қора булутлари қалбининг диёрига ғам-алам ёмғирларини ёғдириб, жисмини шалаббо этади. Шунинг учун ҳам "киши мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас", дейдилар-да!

Саёхатларга чиқар чоғда йўлга пухта ҳозирлик кўринг. Негаки, йўл азоби-гўр азоби, деган гап бор. Йўл азоби киши қалбини куйдирувчи бир шуъладирки, у юрак-бағрини қон қилади кишининг. Шуларни унутмангларки, киши қанчалик кўп сафарга чиқиб, дунё кўрса, шунчалик ўз Ватани, халқи, дўсту ёрларининг қадрига етадиган бўлади ва бора-бора Ватан энг муқаддас жой эканлигини англаб етади.

Ривоят. Маош ҳисобига кун кўрувчи бир йигитнинг ҳадеганда омади чопавермагач, ўртача турмушга тоқат қила олмай, бой-бадавлат бўлиб кетишни орзу қилибди. Лекин бунга эришишга кўзи етмай, хорижга чиқиб, омадини синаб кўрмоқчи бўлибди. Назарида чет элликлар уни кучоқ очиб кутиб оладилару у қисқа фурсатда бой-бадавлат бўлиб кетадигандек туюлаверибди. Шунда топган-тутганини йиғиб, камига қарз-қавола қилиб, ўзига қулай бўлган бир мамлакатга синов учун саёхатга йўл олибди. Аммо, минг афсуски, уни ҳеч ким ўйлаганидек кучоқ очиб кутиб олмабди. Пули бўлса бирор нима сотибди, текинга ҳеч ким ҳеч нарса бермабди. Йигит эса омадини излаб кўчама-кўча кезаверибди. Аммо унга ҳеч ким қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари каби самимий, очиқ чеҳра билан муносабатда бўлмабди. Аксинча, бир хорижлик йигит-да бу, деб унга шубҳа билан қарашибди. Одамларининг ҳеч бири ҳамюртларига ўхшамасмиш. Турмуш тарзлари ҳам ўзгача бўлиб, йигит уларга ўхшаб яшашни маъқул кўрмабди.

Шу зайлда кеза-кеза мусофирлик жонига тегибди. Аксига олиб пули ҳам тугабди. Лекин иш топа олмабди. Кимдан иш сўраса, у: "Ишсиз юрган ўз юртдошларимизга иш тополмаяпмизу, сенга йўл бўлсин", деркан. Ҳафсаласи пир бўлган йигит уйига қайтмоқчи бўлибди. Меҳмонхона ва бошқа қўноқ бўлган жойларида танишганларидан қарз сўраб, ёлворибди. Лекин ўтиниб сўрашлари ҳам, ёлворишлари ҳам зое кетибди. Хорижлик бу нотаниш йигитга ҳеч ким қарз бермабди. Ночорликдан бир неча кун ҳам-моллик қилиб, бир оз пул топибди-да, иложини қилиб мамлакатимизнинг элчихонасини топиб бориб, бошидан ўтганларини айтиб берибди ва шу йўл билан эсон-омон юртимизга қайтиб келибди. Шунга айтадилар-да "ҳар жойни қилма орзу, ҳар жойда

бор тош-тарозу", деб. Йигит не-не азобларни чекиб, уйига қайтиб келгач, улуғ бобокалонимиз Алишер Навоийнинг:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,

Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш, — деган сўзларининг нақадар ҳақиқий эканлигига ишонч ҳосил қилибди. Лекин нима бўлганида ҳам йигитнинг бу саёҳати бекор кетмабди. Сабоқ бўлибди. Хорижга борсам тезда бой-бадавлат бўлиб кетаман, деган орзуси ҳам-хаёл эканлигини тушинибди ва умрининг сўнгигача хорижни орзу қилмайдиган бўлиб, ўз юртида ҳалол меҳнат қилиб, кун кўрибди.

Фарзандларим, бу ривоятдаги шўрлик йигитнинг машаққатли саёҳати ҳақидаги ҳикоямдан киши ҳеч қачон саёҳатга чиқмаслиги керак экан-да, деган хулосага келманг. Саёҳатни режали, онгли равишда ўтказган киши учун роҳат. Хорижга саёҳат учун имкон топмаган одам ўз юртимизда ҳам саёҳатбоп жойлар кўплигини ёдида тутсин. Ахир, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон, Кўкон каби шаҳарларга саёҳатни узоқ-узоқ юртлардаги сайёҳлар ҳам орзу этишади-ку. Улуғ алломалар Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари, ат-Термизий, Мотурудий каби бобокалонларимиз мақбараларини бориб кўришнинг гашти нақадар ҳузурли бўлиб, киши қалбида фахр-ифтихор туйғуларини шакллантиради.

*Тириксан, бир жойда қолмагин қотиб,
Қишлоқ кез, шаҳар кез, кезгин дунёни.
Кўлмак сув бир жойда қолади сасиб,
Ҳавас қил мавж уриб оқар дарёни.*

* * *

ЁР БИЛАН САЙР АЙЛАСАМ

*Ёр билан сайр айласам менга биёбон ҳам гўзал,
Бўлмаса ёнимда ёр бўлмас хиёбон ҳам гўзал.
Ул билан файзу тароватли эрур олам менга,
Кўкка боқсам беқиёс юлдузли осмон ҳам гўзал.
Бўлмаса ёнимда ул вайронадир кошона ҳам,
Ул билан юрсам мудом ўтгуси ҳар он ҳам гўзал.
Бўлмаса ёнимда у орзуларимда файз йўқ,
Бўлса у ёнимда ҳатто дилда армон ҳам гўзал.
Эй Калоний, жозибба ёрдан таралганму экан,
Ишқиди ёзсам агар бўлгуси дoston ҳам гўзал.*

ЙИГИТ БЎЛСАНГ, МАРД БЎЛГИН

Фарзандларим, мардлик ҳақиқий инсонга хос фазилат. Лекин бу фазилатга ҳамма ҳам эга бўлавермайди. Кишининг гавдасига, ориқ ёки семизлигига, овозининг баланд-пастлигига қараб ундан мардлик нишонларини излаш ноўриндир. До-нишмандлар "қамиш қанчалик йўғон бўлиб кетса ҳам бари-бир ингичка чўпдек синади, лайлакнинг қадди қанча узун ва баланд бўлса ҳам бургутга нисбатан ожиздир", дейдилар.

Ақлли, бирор ишга қарор қилса, жонидан кечиб бўлса-да мақсадга етмоққа интиладиган одамларни чинакам мард дейиш мумкин. Бундай одамлар эртаю кеч душманга зарару дўстга фойдани ўйлайдилар. Номардлар эса ҳақни қўйиб, ноҳақликка майл этадилар, узрни қабул қилмайдилар, хатони кечирмайдилар. Шунинг учун номард хизматидан қочиш, мардга эса яқинлашиш саодатли бўлади. Зеро, халқимиз "ўлдирса ҳам, мард ўлдирсин", деб бежиз айтмаган.

Мард киши ҳар қандай рақобатда ҳалол кураш йўлини танлайди. Номард эса ҳийлаю найрангларни кўзлайди. Мард одамда шижоат кучли бўлади.

Ривоят қилишларича, бир куни Анушервон Бузургмеҳрдан:

- Шижоат нима, — деб сўраган экан, ул зот:
- Юракнинг қуввати, — дебдилар.
- Нега қўлнинг қуввати эмас?
- Агар юракда қувват бўлмаса, қўлда ҳам бўлмайди, қўл қуввати юрак қувватига боғлиқ бўлади!

Бундан келиб чиқадики, мард кишининг юраги бақувват бўлади. Шунинг учун унга довиюраклик ва жасурлик хос. Мард одамларда мавжуд бўлган шижоат барча эзгу фазилатларнинг онасидир. У инсон учун ниҳоятда катта бойлик бўлиб, унга эга бўлган кишиларга ҳамма ҳавас қилади, уни яхши кўради. Шижоатли киши жангда ҳам, ишда ҳам бошқаларга ибрат кўрсатади, сафдошларини доимо олға ҳаракат қилишга чорлаб туради.

Ривоят қилишларича, бир марди майдон саркарда қариб қолганига қарамай, дилидан ҳамон шижоат аримаган экан. Бир куни отга минмоқчи бўлиб турса, икки киши келиб унинг икки қўлтигидан олиб, зўр-базўр миндириб қўйибди. Шунда улардан бири таъна қилиб:

— Отига зўрға миндириб қўйдигу унинг қўлидан нима иш келарди, — дебди.

Бу гапни эшитиб қолган саркарда унга жавобан:

— Ҳа, отга икки киши миндирди, аммо уни минг киши ҳам туширолмайти, — дебди.

Кекса саркарданинг жавобини эшитган донишманд:

— Ҳа, у рост гапни айтди. Қўл юрак қувватига тобедир, саркарданинг юрагида мардлик туйғуси бор, — деган экан.

Одатда мард кишининг ваъдаси ҳам нақд ва тез бажариладиган бўлади. У билан улфат бўлган одам мардликка эришади, номардга яқин юрганларнинг эса боши аламдан чиқмайди. Мард одам матонатига суяниб, ўз сўзи ва фикрида саботли бўлади. Бирор бир ишга қўл урса албатта уни охиригача еткази, чала қолдирмайди, сабрли бўлади. Матонатсиз номард одам қайси ишни бошламасин, агар салгина қийинчиликка дучор бўлса, уни енгиб ўтишга журъат тополмай, ташлаб кетади. Бордию бирор киши унинг фойдасини кўзлаб камчилигини айтса, уни тузатиш ўрнига тушкунликка тушиб, ишончини йўқотади. Натижада бошлаган иши хайрли бўлса ҳам, чала қолиб кетади.

Мард одамнинг юрагида ғайрати ҳам мўл бўлади. У шу ғайрати билан мақсадга эришиб, кўпчиликка ибрат кўрсатади. Ғайрати йўқ кишилар эса муддаосига етолмай, эл-юрт орасида мулзамлик ҳолатига тушади.

Марди майдон одамлар ҳушёрлик фазилатини ҳам ўзларида мужассам этадилар. Улар қўлларида борини диққат билан сақлайдилар. Бугунги ишларини ҳаргиз эртага қолдирмайдилар. Шу маънода ҳушёрлик ҳам марди майдон кишиларнинг катта бойлигидир.

Шуни зинҳор унутмангки, мард кишининг энг асосий қуроли адолатдир. Ҳамиша адолат билан иш кўрганлиги учун ҳам унга ҳамма ҳавас қилади, ўрнат олишга ҳаракат қилади. Агар Амир Тимур бобомизнинг "Бир кунлик адолат юз кунлик ибодатдан афзал" деган ҳикматларини эсласак, мардларнинг адолат билан иш кўришлари нақадар қадр-қийматга эга эканлигини ҳис қиламиз.

Фарзандларим, бағри кенг, меҳмондўст бўлингларки, булар ҳам марди майдонларга хос бўлган фазилатлардан. Махтумқули жаноблари:

*Мард йигит меҳмонга кўксини очиб,
Номардни меҳмондан қочишин кўринг, — деганларида юз фоиз
ҳақ эдилар.*

Ўғитим сўнгида мардлик ақл-заковат бўлгандагина юзага чиқишини алоҳида уқтириб ўтмоқчиман. Донишмандларнинг таърифича мардлик қилич бўлса, ақл-идрок бамисоли қўлдир. Агар уларга жанг қилиш ёки бирор бир юмушни бажариш лозим бўлса қўл уни қиличсиз ҳам бажариши мумкин, Аммо қилич қўлсиз бирор бир юмушни бажара олмайди. Шунинг учун ҳам, фарзандларим, ақл-идрокли, мард бўлинг. Шунда сизларга бахту иқбол муҳташам саройларининг дарвозалари кенг очилади.

*Агар одам бўлса идроклию мард,
Шаънига юқмайди заррача ҳам гард.
Улуғликни орзу этса-да, мутлоқ
Тубанликка ботиб кетади номард!*

* * *

Арзир

*Мард бўлса ёв мувофиқ,
Ҳамхона бўлсанг арзир.
Дўстинг эса мунофиқ,
Бегона бўлсанг арзир.*

*Ёринг эса вафоли,
Парвона бўлсанг арзир.
Ишқида энг сафоли,
Сўзона бўлсанг арзир.*

*Беоқибат қариндош
Беорият, бетаъсир.
Бу офатга тўкиб ёш
Гирёна бўлсанг арзир.*

*Кўнгил зада ёмонга,
Яхши учун мунтазир.
Жону дил ғазалхонга
Гўёна бўлсанг арзир.*

ДЎСТИ БОРГА ТОЛЕ ЁР

Бу ўткинчи, сермашаққат дунёда дўст қидиринг. Доимо дўстларингиз даврасида бўлинг. Ўз душманларингиздангина эмас, дўстларингизнинг душманларидан ҳам гофил бўлманг. Улардан узоқ юринг. Аммо қаерда дўстларингизнинг дўстлари бўлса, уларга яқинлашинг, иложини топсангиз, дўст бўлинг.

Садоқатли дўстларингиздан худа-беҳуда ранжиманг. Вафодор дўст ҳеч қачон садоқатли дўстидан ранжимайди, керак бўлса, ундан моли тугул, жонини ҳам аямайди.

Янги дўст топганингизда, эскисидан кечманг. Билсангиз, либоснинг янгиси, дўстнинг эскиси яхши бўлади. Дўстман деб ҳузурингизга келганларга дарҳол ишона қолманг. Ўтмишдаги бир улуг алломадан:

— Бир одам анчадан бери менга муҳаббат изҳор қилиб, дўстлик ва ихлос даъвосини қилмоқда, унинг рост ёки ёлғонлигини қандай билиб олай, — деб сўраган экан, у:

— Юрагингнинг тубига боқ, агар у ерда дўстлик учун жой бўлса, синовдан ўтказгин-да, дўстлаш! — деб маслаҳат берибди. Бу ҳақда Навоий бобомиз шундай деганлар:

Кимники, айлай эрсанг маҳраминг,

Кўп синамай айламагил ҳамдаминг...

Дўст кўнглини ранжитсангиз, душманингиз шод бўлади, Орадаги риштани узсангиз, муродига етади. Ақл-идрок соҳиби бўлган киши ҳеч қачон ўз дўстидан воз кечмайди. Аразни йиғиштириб, имкони борича тезроқ аввалги дўстликни тиклайди. Кимдан айб ўтган бўлса, у аввал узр сўраса, олам гулистон, яна дўстлик давом этаверади. Бироқ ҳар икки томон кибру ҳавога берилиб, "сен узр сўра" деб тураверса, орадаги иттифоқлик ўрнини нифоқ, муҳаббат ўрнини нафрат, адолат ўрнини залолат эгаллайди.

Агар бирор киши билан ҳақиқий дўст бўлай десангиз, ўз оила аъзоларингизни қандай муҳофаза қилсангиз уни ҳам шундай муҳофаза этинг. Ўз мол-мулкингизга қандай эғалик қилсангиз, уларни сарфлашда қанча эркин бўлсангиз, дўстингизнинг ҳам шундай йўл тутишига имкон яратинг. Унинг манфаатларини ўз манфаатларингиздан юқори қўйинг.

Мабодо дўстларингизнинг бошига бирор бир ташвиш тушса, уларнинг ёрдам сўраб келишларини кутмай, мадад беришга шошилинг.

Дўстлик ришталари тобора мустаҳкам бўлишини истасангиз, камчиликларини одамлардан яширинг, фазилатларини мақтанг, ёлғон гапирманг. Шодлантирадиган ҳақ гапларни эса гапиришдан толманг. Мабодо бир хатога йўл қўйсангиз, дарҳол узр сўранг. Фақат ўзинигина эмас, қариндош-уруғларини ҳам яхши сўзлар билан сийланг, уларга доимо омад тиланг.

Муҳаммад Жабалрудий ҳақиқий дўстга таъриф бериб: "Яхши дўст атторга ўхшайди, у ўз атридан сизга бермаса-да, сиз унинг атирлари муаттар ҳидидан баҳраманд бўлаверасиз", деган экан. Дўстсиз яшаш қийин, аммо дўст топиш ҳам осонмас. Бир донодан:

– Қандай сафар энг узоқ сафар, – деб сўрасалар, у:

– Садоқатли дўстни қидириш сафари, – деб жавоб берган экан.

Донолар илм аҳли билан дўст туғинишни хосиятли дейдилар. Негаки, улар ўз ҳаётларини илму одоб билан ўтказадилар ва ҳаётнинг ҳамма аччиқ-чучукларини ақл-заковат билан енгиб ўтишга қодирдилар. Бахтиёр, табиатан саодатманд кишилар билан дўстлашмоқ ҳам хайрли бўлади. Бундай одамлар ўз дўстларининг айбларини ҳеч қачон ошкор қилмай, фақат хилват жойларда ўзига айтиб, самимий маслаҳатларини аямайдилар. Шунингдек, беғараз, бетаъма кишилар билан ҳам дўстлашмоқни жоиз деб биладилар. Бу тоифа одамларнинг дўстликлари ҳақиқий бўлиб, бирор фойда кўриш асосига қурилмаган бўлади.

Дунёда дўстдан кўра азизроқ ва қимматлироқ нарса йўқ, деб ҳамма тоифали одамлар билан дўстлашиб бўлмаслигини ҳам унутманг. Фисқу фужур аҳлига яқинлашсангиз, ҳалқ орасида шарманда қилади. Бир луқма нон учун ҳам сизни сотишдан тоймайди бундайлар. Сиздан доимо у ёки бу нарсани таъма қилиб туради, агар бермасангиз, халқ ичида сизнинг ҳақингизда турли мишмишларни тарқатиб, обрўйингизни тўқади. Бахил ва хасис кишилар ҳам дўстликка ярамайди. Агар бирор нарсага муҳтож бўлсангиз бермайди. Сиздан эса уялмай сўрайверади. Моли дунёингиз тугаб, қашшоқлашиб қолсангиз, душманга айланади, сизни одам қаторига қўшмай қўяди. Улар сизни ўз яқинларингиздан ҳам ажратишади, бегоналарни яқинлаштиради. Жоҳил, нодон ва ахлоқсиз кишилар эса тўғри йўлдан оздиради. Лақма ҳамда бемехр кишилар малъундилар. Улар дўст бўлишга ҳаргиз арзимайдилар.

Улуғ зотларнинг айтишларича, дўст уч хил бўларкан. Биринчиси "жони дўст" бўлиб, улар ҳақиқий дўст ҳисобланадилар ва

дўстлари учун жонларини ҳам аямайдилар. Иккинчи хили "тил дўст" дейилиб, фақат тилдагина дўстлик изҳор қиладилар, аммо бошга бирор ташвиш тушса, дарҳол ўзларини олиб қочадилар. Учунчиси "нон дўст" бўлиб, у еб ичиш, дастурхон учунгина дўст бўлади. Пулингиз тугаганидан кейин қорасини ҳам кўрсатмайди. Шунга айтадилар-да "дўстингнинг дўстлиги оғир кунингда билинади" деб.

Ҳисоб ва сарф муомала учун, кўмак, ихлос ва узр дўстлик ҳамда муҳаббат учун, дейдилар. Чин дўст суҳбатингизни малол олмайди, узоқда юрсангиз унутмайди, бойлик ва камбағалликда ўзгармайди, ҳожатингиз бўлса амалга оширади, яхшилигини миннат қилмайди, бир нарсага муҳтож бўлса, сиздан яширмайди, аҳволини сир тутмайди. Сизга қанча кўп яхшилик қилса, шунча кам деб ҳисоблайди. Сиздан озгина бўлса-да яхшилик кўрса, уни кўп дейди, барча ишда ўзини сизга ҳамроҳ, ҳамнафас деб ҳис қилади.

Шунинг учун ҳам халқимиз "Дўстнинг келиши байрамдир", "Дўст жамоли дардни аритади", "Дўстнинг шапалоғи, душман ошидан яхши" деган мақолларни яратган.

*Ҳақиқий дўст топсанг омадинг кулар,
Толейинг қуёши бўлади порлоқ.
Чин дўстлар садоқат риштасин улар,
Меҳр-муруввати соф, қайнарбулоқ.*

* * *

Дўст, қадрдон бўлгани

*Яхшидир одамга одам дўст, қадрдон бўлгани,
Дўст, қадрдон бўлганидан жонига жон бўлгани,
Бир-бирига гоҳи меҳмон, гоҳи мезбон бўлгани,
Яхши ишлаб, яхши еб юрмоққа имкон бўлгани,
Мен учун толе эрур халқим фаровон бўлгани.*

*Ҳеч қачон ҳеч бир одам элдан жудолик кўрмасин,
Меҳридан бир лаҳза бўлсин мосуволик кўрмасин,
Қалбларидан нур сочиб турсин, сиёлик кўрмасин,*

*Не раво бўлса кўришсин, нораволик кўрмасин,
Эр кишига хос фазилат содиқ ўғлон бўлгани.*

*Қолмасин ҳеч ҳам жаҳонда бедийнат, беимон,
Барча тенг бўлсин диёнатли, имонли бегумон,
Борлиғидан нур чиқиб, ёруғ бўлиб турсин жаҳон,
Кулсину омадлари, куймасин ҳеч хонумон,
Ҳар йигитнинг файзи мангу марди мардон бўлгани.*

*Кенг қанот ёзсин жаҳонда меҳру ҳиммат, оқибат,
Ҳеч қачон йўқ бўлмасин шарму ҳаёю орият,
Оқибатли, ориятли касда мўлдир хосият,
Дўстларим, сизларга қалбим тўрида эзгу ният,
Даврангизга зеб Калонийдек ғазалхон бўлгани.*

НОДОН БИЛАН ДЎСЛАШМА ЗИՒХОР

Эй фарзандларим, яхшилар суҳбатини олиш, оқиллар билан мулоқотда бўлиш, улар билан дўстлашиш бахт-саодат йўлини очади. Сиз шундай кишилар билан дўстлашинг. Агар доно билан дўстлашсангиз, бунинг асло ажабланадиган жойи йўқ. Бироқ ақлли одамнинг нодон билан дўстлашиши, ҳамсуҳбат бўлиши таажжублидир. Чунки, ҳар бир нарса ўзига зид бўлган нарсадан қочади, деб жуда тўғри айтганлар. Бир-бирига мос бўлганлари эса ўзаро яқинлашадилар. Тенг тенгини топади, деган гап шундан келиб чиққан бўлса ажабмас.

Нодон кишилар суҳбатидан ҳазар қилинг. Улардан иложи борича узоқлашиш учун бор икониятларингизни ишга солинг. Тоза табиатингизни нопок кишиларнинг ярамас иллатлари билан булғаманг.

Нодонга насиҳат қилсам ўзгаради, деб умид қилманг. Унга насиҳат кор қилмайди. Ҳатто фойдасини гапирсангиз ҳам, жаҳли чиқиб, ёмон ниятда гапиряпти, деб тушунади. У билан яхшилигим эвазига дўстлашиб кетаман, деган гапни ҳам хаёлингизга келтирманг. Арасту ҳазратлари таъкидлаб кетганларидек, нодон ўзига душман бўлади. Шундай бўлгач, у ўзгага қандай қилиб дўст бўлади!

Роҳим ҳазратлари:

*Нодонга бол берсанг захар деб этар гумон,
Хар барги гулни, войки, киши тикан билур...
Нодонга неча яхшилик этсанг, билур ёмон,
Деманг гафлат сўзумни, муни қилдим имтиҳон, —*

деб жуда тўғри ёзганлар.

Шуни билингларки, ҳатто сўқирлик ҳам нодонликдан минг чандон афзал. Негаки кўрлик ўз эгасини чоҳга қулатса, бирор бир жойини лат едирса, нодонлик ўз эгасини бутунлай ҳалокатга маҳкум этади. Унга буни тушунтиргандан кўра елкада зилзамбил тошни кўтариб юрган осон.

Нодон ўз вақтини бефойда ўтказгани етмаганидек, унга яқинлашган одамнинг ҳам қимматли вақтини бесамар ўтказдириб, умрига завол бўлади. У гўёки бойўғлидир. Бойўғли доим харобани хуш кўради. Шунинг учун сенинг гулзорингни ҳам харобага айлантиришни хоҳлайди.

Ривоят қилишларича, бир бой бўлиб, у нодон маймунни ўзига дўст тутибди. Унга сарҳил неъматларни едириб, уйдан жой берибди. Қимматбаҳо матолар устида ётишга ўргатибди. Бир куни у ухлаб ётганида уйига ўғри тушибди. Ёмон ниятда хонадонга кирган бу ўғри ичкарига кириб қараса, ухлаб ётган уй эгасининг тепасида маймун қилич кўтариб, унинг юзида ўрмалаб кетаётган чумолини ўлдиришга шайланиб турганмиш. Буни кўрган ўғри чопиб бориб, эпчиллик билан маймуннинг қўлидан тутиб, қиличини тортиб олибди. Бой шарпадан уйғониб кетиб воқедан хабар топиб:

Дўстинг бўлса агар беақл, нодон,

Ундан оқил душман яхши минг чандон, — деб нодон маймун билан дўстлик алоқаларини узиб, ҳаётини асраб қолган одамки, гарчи унинг уйига ўғирликка тушган бўлса ҳам, мукофотлабди.

Оқил одам нодонни ташқаридан кузатиб туриб ҳам билиб олади. Негаки, у кўнглига нима келса, оқибатини ўйламай қилаверади. Тажрибакор ва ақлли одамларнинг гапига кирмайди, маслаҳатига қулоқ солмайди. Ақлсиз одамлар нима деса уларга ишонади, ўзига ортиқча бино кўяди. Ким уни мақтаса, ўша одамни яхши кўради. Сўралган нарсага ўйламай жавоб бераверади. Ҳар бир ишда шошқалоқликка йўл кўяди. Илмдан холи, хатога эса кон бўлади. Бойиб қолса, ёки бировга ҳожати тушмайдиган бўлиб қолса ҳеч кимни менсимай, мағрурланиб юради. Сўкиниб гапи-

ради. Биров савол берса, қўполлик билан жавоб беради. Ўзи сўрамоқчи бўлса, ялиниб сўрайди. Кулса қаҳ-қаҳ уриб кулади, йигласа ундан ўтказади.

Шуни билиб қўйингки, нодон ўз нодонлигини донолик деб тушунади.

Ривоят: Бир аҳмоқ киши йўлда ётган бир ойнага кўзи тушибди. Уни олиб қараб ўз аксини кўрибдию дарҳол:

— Авф эдинг, бу ойна сизникилигини билмабман, — деб ойнани олган жойига қўйибди.

Нодонни баъзан аҳмоқ ҳам дейдилар. Бу иллат аслида тарбиясизлик туфайли кишининг табиатига ўрнашиб олади ва тобора мустаҳкамланиб бораверади. Уни ҳеч бир насиҳат, ҳийла ёки даво билан йўқотиб бўлмайди. У эгасини ҳаёсизлик ботқоғига ботириб ташлагани етмаганидек, очофатлик дардига ҳам мубтало этади. Бу ҳақда Жолинус ҳазратлари: "Энг аҳмоқ шундай кишики, у топган емишини оғзига тўхтамай тикаверади" деган экан.

Эй фаҳму фаросатли фарзандларим, бу ўғитларимдан хулоса чиқариб, нодонларга зинҳор-базинҳор яқинлашманг, агар рўбарў келиб қолсангиз ҳам, қочинг. Негаки унга салом берсангиз ҳам, мендан кўрқяпти, деб ўйлайди. Унга меҳр-мурувват туйғулари бегона. Мабодо яхшилиқни кўзлаб бирор бир тadbирга қўл урса ҳам, амалда ёмонлик қилиб қўяди.

*Оқил нодон билан дўстлашмас асло,
Бири манфий бўлса, бириси мусбат.
Нодон оқил учун туганмас бало,
Бошидан ёғдирар тинимсиз кулфат.*

* * *

Дўстинг нодон бўлса...

*Дўстинг нодон бўлса душмандан ёмон,
Ҳаргиз қочирмагин ундан кўз қиринг. .
Аслида бўлса ҳам бир тану бир жон,
Ағёрларинг ичра очар бор сиринг.*

*Нияти бўлса ҳам эзгу, дилкушо,
Калта фаҳми билан қўяр хатарга.
Амалиёт бошқа, бошқа муддао,
Билиб-билмай сени қулатар жарга.*

*Дўстинг бўлса бўлсин доною хушёр,
Тили билан дили мос бўлсин мудом.
Гар шундай дўст топсанг, бўлгунг бахтиёр,
Дўстлигинг ҳам этгай бир умр давом.*

"ГАР ОДАМСАН, МУҲАББАТ ИХТИЁР ЭТ"

"Муҳаббатсиз киши одам эмасдир,

Гар одамсан муҳаббат ихтиёр эт", — деганлар оқила онахонимиз шоира Нодира. Дарҳақиқат, шундай. Мажидиддин Ҳавоий ҳазратлари таъкидлаганларидек, "Ишқ либосини кийишдан ор қилиш ва муҳаббат лаззатидан бебахра бўлиш табиатнинг инсонга нисбатан оғир жафоси ва касаллик тақозосидир".

Инсон зоти борки севиб, севилиб яшаши керак. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам бир муборак ҳадисларида: "Мусулмони комил бўлишингиз учун бир-бирингизга муҳаббат қўйишингиз шарт..." деганлар. Шундай экан, севиб, севилиб яшаш керак. Икки ўртадаги муҳаббатнинг шарофати эса оила қуриш. Ўз навбатида оила жамиятнинг муқаддас бир бўлаги. Унга етишишнинг шарти албатта соф муҳаббат. Соф муҳаббатсиз оила бўлмайди.

Севги инсон табиатини гўзал қилади, дилрабо ҳис-туйғуларга ошино этади, меҳру мурувват дарёсини жўш урдиради. Шунчалик жўш урдирадими, ошиқ ва маъшуклар бир-бирлари учун жонларини ҳам аямайдилар Хуррабий ҳазратлари:

"Кимнинг юрагида ишқ бўлса пинҳон,

Заҳарни шакар деб қилади гумон", — деганлар.

Ривоят қилишларича, Хусрав Парвиз ўзининг қонхўр душманини ўлдириш мақсадида кучли заҳар тайёрлаган экан. Уни шишага қуйдириб, ҳеч ким кўрмайдиган жойга осиб қўйибди. Сўнг Ширинга бу ҳақда шундай дебди:

— Зинҳор бу шишанинг оғзини очма, ҳеч кимга кўрсатма, ҳақимлар ҳикмат юзасидан кўп йил уринишлардан кейин ушбу нарсани ихтиро қилдилар.

Айтишларича, кунлар кетидан кунлар ўтиб Ширин Фарҳод билан учрашибди. Шунда Ширин унга илтифот тариқасида ўша шишадаги нарсадан қуйиб узатибди ва дебди:

— Бу шундай шарбатки, Хусрав унинг ҳар қатрасини жонидан азиз кўради, ҳеч кимга бир томчисини ҳам раво кўрмайди.

Ширин унинг қаттол заҳар эканини билмас, аксинча жон бағишловчи обиҳаёт шарбат деб хаёл қилар экан.

Фарҳод Шириннинг қўлидан пиёлани олиб, заҳарни оддий сувдек сипқариб юборибди. Ширин ундан:

— Қалай, асал эканми? — деб сўраган экан, Фарҳод:

— Билмадим, аммо уни сенинг қўлингдан ичганим учун асалдан ширин, — деб жавоб берибди.

Ишқда шундай хосият борки, у кишини латофатли, назокатли ва хушёр қилади. Баъзан эса ақлдан ҳам оздиради. Бунақа ҳолга тушган ошиқнинг кўзига ёр васлидан ўзга нарса кўринмай қолади. Кўнглига ундан бошқа ҳеч нарса сифмайди.

Ривоят. Бир киши ўғлини ҳаёт учун зарур бўлган баъзи фанларни ўргатиш учун муаллимга топширибди. Орадан бир оз вақт ўтгач, ўғлидан хабар олгани борса, ўқитувчиси:

— Ўғлингиз илм ўрганишга унамаяпти. Вақтини бошқа нарсаларга бағишлаб, беҳуда ўтказяпти. Хаёли ҳамиша паришон, — дебди.

— Билолмадингизми, бунинг боиси не экан? Боламнинг табиатида қайси касбга мойиллик бор?

— У касб ўрганиш қобилиятидан маҳрум бўлган. Билишимча, унинг хоотири маҳбуб учун паришон. Дили эса маъшуқасининг васлига ташнага ўхшайди. Мен унга илму иймондан савол берсам, у васлу ҳижрондан гапиради, мен ҳалолу ҳаромдан сўзласам, у зулф ила мижгондан оғиз очади.

— Ишқ кўчасидан юришнинг оқибати саломатлик бўлмаса ҳам, аммо бу йўлдан юриш маломат ҳам эмас. Ишқ изтиробли бўлса ҳам, лекин ошиқ бўлиш ихтиёрий эмасдир! Бас ўғлим ошиқлик дардига мубтало бўлган экан, энди унинг кўзига бўлак ҳеч нарса кўринмайди, кўнглига ўқиш кирмайди. Уни мактабдан озод этишдан бошқа чорамиз қолмабди.

Заҳириддин Бобур жаноблари ҳам:

"Деманг тарки ишқини қил ихтиёр,

Бу ишда менинг ихтиёрим қани? — деб ишқ оламига кириб қолган одамнинг ундан чиқиши амримаҳоллигини ўзига хос латофат билан таърифлаганлар.

Ана шунақа, фарзандларим, ишқ шундай сеҳргар. У инсонни измига бўйсиндириб олгач, хоҳлаган куйига солади. Хоҳласа шоҳни гадо қилади, хоҳласа гадони шоҳ этади. Лекин нима бўлганда ҳам у фақат инсониятгагина хос туйғу. У бўлмаса нафақат камолот, балки одамзотнинг ўзи ҳам бўлмайди ва унга вафою садоқат билан ёндошган одам толейига ёр бўлади.

*Севши даркор, дилиннга севги эт жо,
Муҳаббатсиз ҳаёт зебо эмасдир.
Агар қалбингда ишқ бўлмас муҳайё,
Сени ҳеч кимса чин одам демасдир.*

Одам дема

*Йиқи йўқни ҳеч қачон одам дема,
Унга меҳру оқибат ҳамдам дема.
Бўлмаса ишқи вафоси бўлмагай,
Бевафолардан ани ҳеч кам дема.
Дил деган дунёси бир саҳро мисол,
Сўзларида матра йўқ, малҳам дема.
Ваъда берса ваъдаси ёлгон эрур,
Аҳдида ҳаргиз ани маҳкам дема.
Излама ҳаргиз фазилат гулларин,
Айбу нуқсонини лекин кам дема.
Улфати ҳам ошиноси бўлмагай,
Ул билан ўтган дамнингни дам дема.
Умрида хуш ўтгучи он бўлмагай.
Хотири нотинч бўлодир, жам дема.
Ишқ, Калоний, одамийлик белгиси,
Ишқи йўқни ҳеч қачон одам дема.*

Энг кучли нидо

*Муҳаббат! Қалбимни ёндира бошла,
Шундай ёндиргитжи, олсин алашга.
Мени оташ туйғу комига ташла,
Илтижо қиламан, муҳаббат, санга.*

*Майли, ишқ ўтида ёниб кул бўлсам,
Жисмимнинг бир чимдим кули муборак.
Шарафдир севги деб тулғониб ўлсам,
Фақат муҳаббатда қоврилсин юрак.*

*Беишқ дил мисоли ҳиссиз бир кесак,
Кўксимга кесакни жойлаб нетаман.
Агар севги билан биз бирга бўлсак,
Қалбимни чўғ-оташ қуёш этаман.*

*Кўксимга қуёшни жойлаб оламан,
Аъзои баданим нурга тўлади.
"Яшасин севги!" деб сурон соламан,
Бу менинг энг кучли нидом бўлади!*

ҲАЁСИЗДА ИМОН БЎЛМАС

Эй фарзандларим, инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган фазилатлардан бири ҳаё бўлиб, у ёмонликлардан қайтариб, яхшиликларга бошловчи кўзга кўринмас беқиёс қудратдир. Ҳаёсиз кишида уят ҳам, номус ҳам бўлмайди. Шу боисдан у нафсининг гапига кириб, энг разил ишларга қўл уришдан ҳам тап тортмайди. Агар ҳаёли бўлса у нафсининг устидан ҳукмронлик қилиб, унинг қабоҳат сари етакловчи даъватларини эътиборсиз қолдиради, жирканч ишлар қилишдан ор этади.

Агар ҳар бир киши шарму ҳаё йўлидан юришга қатъи аҳд қилса ва юрса ўз ҳаётини тараққиёт сари йўналтира олади. Эл аро ҳурмат ва эътибор қозонади. Одамлар унга ҳавас ва ихлос назари билан боқадилар, оромбахш суҳбатига ошиқадилар ва унга нисбатан қалбларида муҳаббат туйғуларини жўш урдирадилар.

Ҳаёли бўлинглар. Ҳаёли кишилар доимо иззатга лойиқдирлар, ҳаёсиз одамлар эса иззат ҳам, ҳурмат ҳам, эътибор ҳам тополмайдилар.

Ҳаёли одамлар барча кўзни яшнатувчи нарсаларга ҳавас билан боқадилар. Ҳаёсизларда эса ҳавас эмас, ҳасад ҳамиша таптайёр туради. Ҳаёлилар гўзаллар ҳуснига маҳлиё бўлсалар ҳам, шаҳвоний ҳирс билан боқмайдилар, зинога йўл қўймайдилар.

Ривоят. Кўршапалақдан:

— Зиё сочиб бутун оламини ёритувчи қуёшни кўришдан нега ор қиласан, бунинг боиси не? — деб сўрасалар, у:

— Бунинг боиси битта. У ҳаёдир, — деб жавоб берган экан.

Бас кўршапалакки, шунчалик ҳаёни қадрлар экан, инсон зоти унинг қули бўлса арзимадимми? Имони бут одам зоти ҳаёни бошига тож қилиб киймоғи, маънавий оламининг қуёши деб билмоғи лозим бўлади. Агар одамизот оламидан ҳаё кўтарилиб кетса, киши кишидан уялмаса, дунё остин-устун бўлиб кетиши аниқ.

Хуллас, фарзандларим, ҳаё барча ярамас иллатлардан тийдирувчи мўъжизакор восита. У инсонни жиноий йўллардан қайтариб, гуноҳ юмушлардан узоқлаштиради. Ҳаёдан юз ўгирган киши

эса бу имконлардан маҳрум бўлиб, гуноҳи азимларга ботади ва бало-қазоларга мубтало бўлиб, ҳар икки дунёсини ҳам баб-баравар адо қилади.

Абдулла Авлоний бобомиз: "Ифбатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир. Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг ифбат пардаси йиртилмас", деганлар. Ҳаргиз ҳаёдан ажралманг. Шунда энг етук, энг комил инсонлар қаторига қўшила оласиз.

*Ҳаё инсон учун олий фазилат,
Усиз шаънин босиб кетгуси иллат.
Имонсиз зотларда бўлмагай ҳаё,
Гар ҳаё бўлмаса қойим қиёмат!*

* * *

Ҳаёсизлик

*Ёғдирар бошинг узра минг бало ҳаёсизлик,
Айлагай аламларга мубтало ҳаёсизлик.
Келса ким бу оламга ибтидо дедим, аммо
Ибтидонини ҳам айлар интиҳо ҳаёсизлик.
Ҳеч кишини қуриб шўри қолмасин назардан ҳеч,
Қолдирар назардан ҳам мутлақо ҳаёсизлик.
Дейдилар ҳаёсизда бўлмагай вафо мутлоқ,
Кулфату алам, дарди бедаво ҳаёсизлик.
Бўлса гар ҳаёсиз ёр айридир садоқатдан,
Қилди қанча маъшуқни бевафо ҳаёсизлик.
"Аз бало ҳазар" дерлар, эҳтиёт бўлиб, асло
Домига кириб кетма, аждаҳо ҳаёсизлик.
Йўқ эса ҳаё инсон бошига минар шайтон,
Луч этар гуноҳларга доимо ҳаёсизлик.
Эл билан қадр-қиймат, эл билан келур омад,
Элдан ажратиб қўйгай рўдапо ҳаёсизлик.
Заррача азиз имон бирла номусинг қолмас,
Сен учун мудом бўлса ошино ҳаёсизлик.
Эй Калон, ғазал ёзсанг, ёз мудом ҳаё бирлан,
Бил, расони ҳам этгай норасо ҳаёсизлик.*

ОТА-ОНА ШАЪНИН УЛУҒЛАМОҚ – БУРЧ

Эй ишонган тоғим, яшнаган боғим бўлмиш фарзанди асилларим. Ота-она шаънин улуғлаш, фарзанд зотининг шарафли бурчи. Агар фарзандлар имонли, эътиқодли, комил инсонлар бўлишса, ота-онасининг шаънига эл олқишини ёғдиради. Бордию ноқобил, норасо бўлса, уларнинг номига доғ туширади, лаънат ёғдиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир фарзанд ўзининггина эмас, ота-онасининг шаъни учун ҳам ақли расо, оқил ва тақводор бўлмоғи шарт.

Ахир, ота-оналар фарзандига қараб "юзимизни ерга қаратма" деб дашном беришлари бежиз эмас. Агар эътибор берган бўлсангиз, одамлар боадаб болаларга қараб "Қимнинг фарзанди бўлсангиз ҳам ота-онангга раҳмат", дейди. Аксинча, ношуд қилиқлар қилаётган беор болаларга нисбатан "Сени дунёга келтирган ота-онангга лаънат", дейди. Халқимизда "Ота-онангга муносиб бўл", деб бериладиган ўғит ҳам тез-тез учрайди.

Ҳақиқий фарзанд бирор бир сабаб билан ота-онасининг шаънига доғ тушириб қўйган бўлса, уни ювишга ҳаракат қилади. Уларни эл аро обрў-эътиборларини кўтариш учун бор имкониётларини ишга солади. Бордию бирор-бир нуқсонлари бўлса ҳам, уни эларо ноғора қилиб қоқмай, пинҳон тутади.

Ривоят. Кунларнинг бирида ҳамма нарсага қодир, ҳамма нарсани сезиб, билиб тургувчи Оллоҳи Карим ўзи севган азиз бандаларидан бирига:

— Фалон жойда менга манзур бўлган бир йигит бор, бориб ўша билан танишиб, унинг кўнглини кўтарадиган гаплар айтиб кел, — дебди.

Ул азиз одам айтилган жойга бориб, ўша йигитни топибди ва унинг қай ҳаракати Оллоҳимга маъкул келган экан, — деб ғойбона кузатибди. Йигит нонвойхонадан нон, бозордан сарҳил нознеъматлар, дўкондан ароқ сотиб олибди. Шунда ул зот: "Оллоҳга манзур бўлган йигит бу эмас", — деб ортига қайтиб кетибди. Бироқ кейинги кун Оллоҳи Карим ул зотга:

— Нечун мен севган йигит билан гаплашишни ҳам лозим кўрмай қайтиб келдинг. Бор, унга яхши сўзларингни эҳсон қилиб кел, — дебди.

Ул зот тагин ўша йигитни топиб, ортидан хуфёна кузатибди. Йигит бу гал ҳам нонвойхонадан нон, бозордан сарҳил нознеъматлар, дўкондан ароқ харид қилибди. Буни кўрган ул зот

таажжубга тушиб, нахотки шу ароқ сотиб олган йигит Оллоҳнинг суйган бандаси бўлса, деган хаёлга келибди. Йигит юра-юра бир уй дарвозасини очган экан, ул зот унга етиб бориб:

— Эй Оллоҳнинг суйган бандаси, мен сен билан бир оз суҳбатлашмоқ ниятидаман. Агар рози бўлсанг уйингга таклиф қил, — дебди.

Йигит бу таклифни очиқ чеҳра билан қабул қилиб, ул зотни ичкарига олиб кирибди. Ўтиришга жой кўрсатиб дебди:

— Азиз меҳмоним, сиз бир зум ўтириб туринг, менинг ҳар куни такрорланадиган зарур юмушим бор. Иложи борича тезроқ битириб, ҳузурингизга қайтаман.

Йигит кетгач, ул зот деразадан қараб турса, у ҳовлининг кўздан панароқ жойидаги бинога кириб кетибди. Ул зот кетидан бориб қараса, йигит ўша хонада сақланаётган икки чўчқани ювиб, тараб, остини чиннию чироқ қилиб тозалабди. Сўнг уларга сотиб олган нон ва сарҳил таомларини едириб бўлиб, ҳовлига чиқибди-да, боя харид қилган ароқни бир четга тўкиб ташлабди...

Суҳбат давомида ул зот йигитдан қилган бу ишларининг сабабига қизиқиб:

— Эй Оллоҳнинг суйган бандаси! Сизнинг қилган юмушларингиз мени таажжубга солди. Унинг сабабларини айтиб беролмайсизми, — деб сўрабдилар. Шунда йигит:

— Бу ўн саккиз минг оламни яратган зот ва бир менгагина аён бўлган сир. Уни мен ҳеч кимга ошкор қилолмайман. Бинобарин, сизга ҳам айтолмайман, унинг кўпчиликка тарқалиб кетишидан кўрқаман, — деб туриб олибди. Бироқ меҳмон йигитдан қайта-қайта сўрайвергач, нўилож:

— Ундай бўлса, бу сирдан ўзингиздан бошқа одамни воқиф этмасликка сўз беринг, — дебди. Меҳмон унинг талабига рози бўлгач у:

— Мен ҳар куни ҳалол ишлаб топган маошимга чўчқаларим учун нонвойхонадан нон, бозордан ноз-неъматлар ва биров ичиб гуноҳга ботмаслиги учун дўкондан бир шиша ароқ сотиб оламан-да, уни тўкиб ташлайман, — деб жавоб берибди.

— Чўчқаларингизга бунчалик иззат-икром кўрсатишингизнинг боиси не?

— Бу икки чўчқа менинг ота-онам. Улар ароқ ичиб гуноҳ ишларга қўл урганликлари учун Оллоҳи каримнинг газабига гирифтор бўлганлар. Шу боис ҳар икковларини Худойим чўчқага

айлантириб қўйган. Мен ота-онамнинг эл-юрт орасида шаънлари булганмасин, деб бўлиб ўтган мазкур воқеани ҳеч кимга билдирмай сир сақлаб келаман.

— Сизга ҳар куни ишга бориб, ҳалол пул топиш, кейин уйга қайтиб бу юмушларни бажариш оғир кечмайдими? Лоақал уйлансангиз, мушкулларингиз бир оз бўлса-да осонлашарди, ҳар ҳолда у сизга кўмаклашарди-ку!

— Шундай қилсам ҳам бўлар эди. Бироқ сирдан хотиним огоҳ бўлиб, элга ошкор қилиб қўйишидан қўрқаман-да!

Бу гапни эшитган меҳмон мезбони нечун Оллоҳнинг севган бандасига айланганини англаб етибди ва яратган Эгамга ҳамду санолар айтибди ҳамда пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам бир ҳадиси шарифларида биз умматларига қарата "Онанг тўнғиз бўлса ҳам боғлаб қўйиб боқ", деганларини эслабди. Кейин бу ҳадиси шариф фақат оналаргагина эмас, оталарга ҳам тааллуқли деб тушунмоқ айна муддао бўлур экан, деб шукроналар келтирибди.

Шундоқ, болаларим, ота-онага муносиб бўлмоқ, уларнинг шаънларини пок сақламоқ ҳар бир фарзанднинг бурчи. Кимки ота-онасини шарафласа, уни албатта Оллоҳи карим улуғлайди. Ота-онасининг айбини очиб, ўзгалар олдида юзини ерга қаратганлар эса, ғазабга дучор бўладилар.

*Ота-онанг шаънларин пок тут,
Айлантирма кунларин тунга.
Яхшисин оширу ёмонини ют,
Тўлдирмагин дилларин хунга.*

* * *

Ота— она қадри

*Ота-она қадрини нодон ўғил қай дам билур,
Мен аминманким, алар ўлган маҳал шул дам билур.
Соғлигин қадрин йўқотгандан кейин билган каби,
Ногаҳон бошига тушган дамда қайғу, ғам билур.
Гар тириклик чоғида олмас эса олқишларин,
Сўнг пушаймонни ўзига бир умр ҳамдам билур.
Отаю она ғанимат, хизматин қилмоқ керак,
Хизматин қилган ўғилнинг қадрини олам билур.*

*Ақли бут бўлса аларнинг хурмати-чун жон билан
Қалбига қувват ҳамиша, дардига малҳам билур.
Кексайиб қолганда ҳам мехру мурувват-ла боқиб,
Оқ сочу оппоқ соқолини ҳамон кўркам билур.
Эй Калоний, бу насиҳатлар асил одам учун,
Не учунким ота-она қадрини одам билур.*

ЁШЛИК – ФИДОЙИЛИК

Эй фарзандларим, шуни билингки, ёшлик орзулар булоғи жўш урган, жасорат гуллари ҳуснини кўз-кўз қилган, бири-биридан дилрабо туйғулар мавж уриб турган бир палладир. Ёшлик куч-қувватга тўлмоқ, билим ва хунарга чанқоқликдир. Бу шундай бир фурсатки, улуғ фикрлар туғилади, агар улар рўёбга чиқса, инсон кўкларга кўтарилади.

Бас шундай экан, ёшликнинг қадрига етинг. Уни бефойда ўтказманг. Кимдаким ёшлигида улуғ ва мўтабар ишларга қўл урмаса, ҳеч бўлмаса, уни ҳалол, фойдали меҳнатга сарфламаса, гарчи ёшлиги хушчақчақ ўтган бўлса ҳам, қариган чоғида армон қилади.

Ёшлик - фидойилик. Агар вақтида лоақал ўз кексалиги учун фидойилик қилмаса, уни нафсиз ўтган деб ҳисоблаш учун ҳамма асослар етарлидир. Зеро Хиромий ҳазратлари:

«Неча дам ғанимат йигитлик чоғи,

Юз онча ғанимат тириклик чоғи», — деб бежиз айтмаганлар.

Ёшлик — ғанимат, унинг ўтиб бораётганига одатда аксарият кишилар эътибор бермайдилар. Аммо ўтиб бўлганини ҳис қилмайдиган одам йўқ, бўлмайди ҳам.

Эй фарзандларим, ёшлигингизни қадрланг. Дунёда ундан яхши, ундан қимматли, ундан гўзал ва оромбахш нарсани топиб бўлмайди.

Ёшлигингиз битмас-туганмас хазина, уни истаган нарсангизга ишлатишингиз мумкин. Сизлар уни эзгулик ишига сарф қилингларки, кейин ҳаргиз пушаймон қилмайсиз. Лекин уни ўткинчи ҳою ҳавасларга, енгил-елпи турмуш учун сарфласангиз, вақти келганида минг-минг пушаймонлар қиласиз, аммо ундан фойда бўлмайди. Ўткинчи орзу ҳаваслар, бўлар-бўлмас ури-нишлар шундай уруғлар сочадики, ундан бузуқлик ниҳоллари

униб чиқади ва ҳаётингизни бутунлай издан чиқариб, заҳри заққумга айлантиради.

Шуни эса тутингларки, ҳаёт инсон зотига ёшлик деган бебаҳо туҳфани бир марта инъом этади. У куч-қувватга тўла. Ундан фойдаланиб қолинг. У инсон ҳаётининг сўнгги йиллари учун ҳосил берадиган уруғлар қадаладиган умр баҳоридир. Бу фурсатдан унумли фойдаланиб, иложи борича кексаликда асқотадиган неъматлар уруғини экиб олишга улгуриб қолинг. Ёшликда шундай буюк ишлар қилишга улгурингки, қариганингизда фойда берсин ва унинг беҳуда ўтмаганидан қувонинг.

Донолар ўйнаб-кулиш ёшлар учун фазилат, қарияларнинг зийнати эса узлатдир, дейдилар. Дарҳақиқат, шундай. Ёшлар кўпинча ўйин-кулгуга, базм ва бошқа хурсандчилик анжуманларига ўч бўладилар. Бизнинг шароитда ёшларнинг, айниқса, улфатларнинг ўзаро гап ўйнашлари, чойхоналарда йиғилиб, ошхўрлик қилишлари кенг урф бўлган. Бундай йиғинларга ҳам ўйлашиб, уларда кимлар, қанақа мақсадда йиғилганларини билиб қўшилмоқ жоиздир. Агар билиб-билмай синашта бўлмаган гуруҳларга қўшилиб қолсангиз, ёмон оқибатлар келиб чиқиши ҳам мумкин.

Ривоят қилишларича, насаф фуқароларидан бўлмиш бир гуруҳ йигитлар базм ташкил қилишган экан. Унга ақли расо бир йигитни ҳам таклиф қилишибди. Орадан кўп ўтмай бошқа ёшгина малоҳатда маъруф, латофатда машҳур, соғлом ва самимий бир йигит ҳам мазкур базмга таклиф этилганини айтиб қолибди. Ақли расо йигит базм иштирокчилари ҳақида бир оз маълумотга эга бўлгани учун унда иштирок этишга иккиланиб турса, ҳалиги йигит келиб, уни боришга ундайверибди. Ноилож биргалашиб базмга йўл олишибди.

Базмга келгач, суврати инсон, сийрати ваҳший ҳайвон каби кишиларни кўришибди. Маълум бўлишича, базмдагилар ўтириш тугагач, шу ерда ётиб қолишар экан. Ақли расо рухсат сўраб, кетиш пайига тушиб, ҳалиги йигитга:

— Тур, менга шерик бўл, бу ерда қолма, — дебди.

Бироқ ҳар қанча қистаса ҳам кўнгли тоза ёш йигит унинг гапига кирмай нотаниш йигитлар билан қолибди. Ақли расо йигит эса хайрлашиб, тинчгина уйига етиб олибди. Лекин тонг отгач базмдаги йигитлар орасида бўлган қонли воқеани эшитиб кўнгли хуфтон бўлибди. Ярим тунда базмдагилар ҳалиги йигитга ниҳоят-

да қалтис ҳазил қилишган экан, у чидаёлмай, ёнидан пичоғини олиб, бир неча кишини ярадор қилиб ташлабди.

Бу ривоятдаги воқеадан хулоса шуки, киши ёшлигида кимлар билан улфатчилик қилишни билиши керак. Дуч келган одамлар таклиф қилишса, улар билан бирга кетавермаслиги даркор. Ёшлик йилларида хатога йўл қўйган одам унинг азобини то умрининг охиригача чекади.

*Ёшлик эрур умр баҳори,
Унда файзу унда тароват.
Кўзингни оч, эй дил шунқори,
Беҳудага ўтмасин фурсат!*

* * *

Ёшлик

*Бунча асов олов ёшлигим,
Қанча қувсам шунча қочади.
Деган сарим қайт, бебошлигим,
Кексалик кенг бағрин очади.*

*— Қочма, — дейман, — қочма, эй ёшлик,
Мени ташлаб борасан қаён?
Бас етади, бас бағритошлик,
Мурувватинг айлагин аён!*

*— Сенинг билан эдим, эй инсон,
Менинг бирла хўб шаҳсувординг.
Лек қадримга етмайин ул он,
Беҳудага ўтказивординг!*

ЯХШИЛИКНИНГ ҚУЛИ БЎЛ

Фарзандларим, агар панду ўғитларимга қулоқ солсангиз, улардан ибрат олсангиз ва амал қилсангиз доимо дилшод бўласиз, иқболингиз кулади, бир умр фаровон яшайсиз. Агар билсангиз, дунёда яхшиликдан яхши нарса йўқ. Сиз унга эга бўлинг. Бунинг учун яхшиларга қўшилинг, олиму уламолар, оқилу донолар билан ҳамсуҳбат бўлиб, улар орқали дил ойнасидан ҳирсу таъма, бахиллик ва ҳасад каби иллатларни супуриб ташлашни ўрганинг.

Шаббода гулзордан эсса, анвойи гулларнинг муаттар ҳидини келтирганидек, яхшиларга яқин борсангиз, қалбингизга гўзал фазилат ва шуш одатлар ташриф буюриб, роҳат-фароғат топасиз.

Одамларга қўлингиздан келганича яхшилик қилинг, ёмонликлардан эса жирканинг. Тилингиз беозор бўлсин. Агар ширин гапингиз бўлмаса, тилингизни бўҳтон ва гийбат билан булғашдан асранг. Қалбингизга яхшиликлардан йўл очсангиз ва ёмонликлар йўллари бекитсангиз, одамлар орасида энг яхшиларидан бўлиб қоласиз.

Бир донишманд шундай деган экан: «Яхши ишлар денгизининг говвослари шундай кишилар бўладиларки, яхши ишлар жавоҳирларини ҳусну хулқ риштасига териб, ширинзабонлик шакарини катта-кичик ошноларидан дариг тутмайдилар ва худди обиҳаёт каби барча мўъжизаларига тинчлик ва ҳаловат бахш этадилар. Қўполлик ва тундлик ниши билан ҳеч кишининг роҳат сиймосини мажруҳ қилмайдилар».

Ривоят. Анушервон меҳмондўст киши эди. Унинг ўтиришларида доимий қатнашадиган икки киши бор эди. Бир куни меҳмондорчилик авжига чиққан пайтда. Анушервоннинг талабига биноан ҳикматли гап айтишга навбат келди. Шунда ўша икки кишидан бири:

Яхшилигим қайтсин десанг сен,

Яшилик қил, яхши ўй ўйла! — деган ҳикматни айтди. Унинг бу гапидан таъсирланган иккинчиси:

Ёмонлигим қайтмасин десанг,

Ёмон бўлма, ёмон ўй қилма, — деган эди Анушервонга биринчиси айтган гап кўпроқ ёқди ва уни ўқиган кишини минг дирҳам билан мукофотлади. Иккинчисини эса беш юз дирҳам билан тақдирлади. Бундан таажжубга тушган суҳбатдошлари Анушервондан:

— Эй одил амир, буларнинг байтлари бир хил маънога эга. Нега туҳфангиз ҳар хил бўлди? — деб сўрашди. Шунда Анушервон:

— Сўзлашда тафовут катта, биринчисининг сўзи бошдан оёқ яхшилик ҳақида бўлди, иккинчисиники эса бизга ёмонликни ҳам эслатди, — деб жавоб берган экан. Умр фоний, яхшилик эса боқийдир. Яхшиликнинг эзгу йўлларида қилинган меҳнат ҳеч қачон ерда қолмайди. Тарих ҳам яхшиликни абадийликнинг олтин китобларига ўчмас қилиб ёзиб қўяди. Яхши одам ўзини ҳам,

Ўзгани ҳам ранжитмайди. Ситам қилган одамни ҳам кечира олади, билиб-билмай ёмонлик қилган кишини ёмонлаб юришдан тийилади. Энг муҳими, ёмонлик қилган одамга ҳам яхшилик қила олади. Айтишларича бир гуруҳ кишилар меҳмондорчилик чоғида Луқмони Ҳакимдан:

— Сиз бир пайтда фалон бойнинг молларини боққан чўпон эмасмисиз? — деб сўрабди.

— Ҳа, ўша чўпонман.

— Ундай бўлса шунчалик юксак мартабаларга қандай қилиб эришдингиз?

— Тўғри сўзлашдан, одамларга яхшилик қилишдан, беҳуда гапирмасликдан, омонатга хиёнат қилмасликдан, мусибат ва қийинчиликларга мардона чидашдан ва ўзимни камтар тутиб, кибру ҳавога берилмасликдан!

— Кимки шундай фазилатларга эга бўлиб, яхшилик қилаверса яхшилик кўраверади, мартабаси ҳам тобора баландлашиб бораверади. Агар одамлардан яхшилик кўраман десангиз, аввало ўзингиз уларга яхшилик қилиб қўйинг. Яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди. Арзимаган яхшиликни ҳам бировга раво кўраманми, деб иккиланманг. Яхшилик бўлса бас, каттами, кичикми эканлигини ўйлаб ҳам ўтирмай амалга ошираверинг.

Бирор кишига катта яхшилик қилсангиз ҳам, уни кичкина деб билинг, бирор киши сизга кичкина яхшилик қилса ҳам уни катта деб билинг. Қилган ўша яхшилигингизни миннат қилиб, едирганингизни заҳарга айланторманг.

Яхшиликка яхшилик таъма қилинса у яхшилик эмас, балки оддий олди-берди бўлиб қолади холос. Яхшилик беғараз, бетаъма бўлсагина чинакам яхшиликдир. Бундоқ бу бевафо оламга назар солсангиз биров нафсининг, биров ҳирсининг, бошқа бировлар яна бошқаларининг қули. Сиз яхшиликнинг қули бўлинг. Яхшилигингиз қанча кўп бўлса дўстларингиз ҳам шунча кўп бўлади. Уларга қилган яхшилигингизни яширинг, улар қилган яхшиликларини эса элга ошкор қилаверинг. Бир манбада қайд этилишича яхшиликнинг учта асоси бор. Улардан биринчиси барчага нисбатан риёсиз камтарликда, иккинчиси миннатсиз саховатда, учинчиси ҳақ талаб қилинмайдиган хизматда экан.

Луқмони Ҳаким ўз ўғлига:

— Қилган хатоларингни ўлгунингча кўз ўнгингда тут! Аммо қилган яхшиликларингни кўз олдингдан дарҳол нари эт, — деб

насиҳат қилган экан. Сизлар ҳам унинг бу насиҳатига амал қилинг, болаларим.

*Одам бўлсанг яхшиликлар ижод эт,
Қилиб яхши амаллар элни шод эт.
Ўзинг қилган яхшиликни унут, лек
Биров этса унутма, мангу ёд эт.*

* * *

Далолат бўлмаса

*Найлайн, бу кўҳна оламни ҳидоят бўлмаса,
Яхшилик қилмоқ иши ҳар лаҳза одат бўлмаса.
Инсон инсонга қадрдон, жонфизо бўлсин мудом,
Дил уйи кундек чароғондир хиёнат бўлмаса.
Мен анга кўнгил бериб жондан зиёд севмас эдим,
Кўзида шарму ҳаё номли малоҳат бўлмаса.
Ҳеч киши эл-юрти деб жонин нисор айлармиди,
Қалбида лойиқ анга бахшиши жасорат бўлмаса.
Бу жаҳон устунлари бирдай қулаб тушгай эди,
Жаннатий одамга хос меҳру мурувват бўлмаса.
Ўзгага шодлик эмас, ташвишни лозим кўрса ким,
Тонг эмас, умрида лаҳза ҳам ҳаловат бўлмаса.
Мижжа қоқмай тун бўйи ёзгай эдимму, эй Калон,
Шеврларим халқимга севгимдан далолат бўлмаса.*

ТИЛ БЕЗАГИ – ДИЛ БЕЗАГИ

Одамизот одобининг ибтидоси тилдандир. Донишмандларнинг таъкидлашларича, инсоният камолоти ва билимининг муҳташам мартабаларидан бири ростлик замирига қурилган чиройли сўзлар бўлиб, у кишига саодат дастурхонини ёзади. Юнон донишмандларининг таърифларича, тил ҳар бир ақл соҳиби фазилат хазинасининг калитидир. Ҳар бир кишининг билим миқдори ва маданияти даражаси унинг сўзлари орқали намоён бўлади.

Инсонга бир тилу икки қулоқ берилиши бежиз эмас. Бунинг сабаби у кўп эшитиб, кам гапиришга мойил бўлиши лозимлигидадир. Кўп ўйлаб оз сўзлаган одамнинг сўзи кўпинча рост ва қадрли бўлади, ўринсиз, ўйламай гапирган одамнинг гаплари эса палапартиш ва ҳақиқатга мос келмайди. Шунинг учун ўйлаб

гапиришга ўрганмоқ керак. Ўйламасдан айтилган гап кўнгилга озор етказди. Ақлли кишилар меъёрида сўзлайди. Негаки у ҳаёт қадрини англаган, илм ва маърифат зиёларини қалбига сингдирган бўлади.

Бир донишманд "Мен дилга ёқадиган сўз билан сўз ёқадиган дилни хуш кўраман. Чиндан ҳам покиза кўнгилли кишининг дили рост ва ёқимли сўздан файз топади, ёқимли рост сўз эса кишининг дилига шодлик киритади", — деб юз фоиз ҳақ гапни айтиб кетган.

Бархурдор ибн Маҳмуд шундай деган:

— Сўзлашда бесабаб ва бемавридлик калити билан такаллум кулфини очмаслик лозим. Сўз гавҳари тўғри ва аниқ бўлса-да, бемаҳал ёки бемаврид айтилса идрок бозорининг гавҳаршунослари ва қоида билувчилари назарида эътиборсиз қолади ёки эшитувчи газабини кўзгатади. Ширин сўзнинг насими мақсад кемасини мурод соҳилига етказди. Нотўғри, қўпол сўзнинг чақмоғи эса зумда сўз эгасининг фаровонлик хирмонини ёндириб, кул қилади.

Ривоят қилишларича араб ҳукмдори Нўмон ибн Мунзир чарчаб, ором олгани ариқ лабига келиб ўтирсалар вайсақи ходимларидан бири уларга яқинлашиб:

— Агар бир кишини шу ариқ қирғоғига келтириб сўйса қони қайси томонга қараб оқаркан? — дебди.

Бу бемаъни гапдан газабланган Нўмон:

— Буни сенда синаб кўриш керак! — деб уни шу ариқ лабида сўйишга буюрибди. Бемаъни, мантиқсиз, ўз мақомида ва жойида айтилмаган сўз одамнинг ўзига душман бўлади, деб шунга айтган бўлсалар керак-да!

Бошқа бир ривоятда қайд этилишича, бир пайтлар беҳуда ва бемавруд сўзлашдан кўра жим ўтирмоқлик афзал эканлиги ҳақида Рум қайсари, Ҳинд рожаси ва Чин ҳақони ўртасида мунозара бўлиб ўтган экан. Шунда улар ўзаро тортиша-тортиша охири ўзаро бир хулосага келибдилар. Яъни сўзлари турли шаклда ҳар хил бўлса ҳам маъно жиҳатидан деярли бир хил гапни айтибдилар.

Рум қайсари "Айтган баъзи сўзларимга қаттиқ надомат тортдим. Аммо айтмаган сўзларимдан ҳеч пушаймон бўлмадим" деса, Ҳинд рожаси "Сўз ўқи баён камонидан ҳали отилмаган экан, у менинг қўл остимдадир. Ёмон сўз оғиз камонидан отилиб чиқса, унга энди эгалик қилолмайман. Ҳар сўз ўқи камонидан учса,

уни қайтариб оламан дейиш хомхаёлликдир!", дебди. Шунингдек, Чин ҳақони ҳам бу икковлоннинг гапларига ҳамоҳанг гапни айтибди. У "Сўз қуши оғиз қафасида экан, унинг ихтиёри менинг оғзимдадир. Бордию у тил ошиёнасидан парвоз қилса ҳеч қачон уни тутиб бўлмайди", — дебди.

Эй фарзандларим, дунёда омон юрай, бало-қазоларга мубтало бўлмай десангиз, сергап бўлманг, зарурат туғилса гапиринг, бўлмаса сукут сақлашни ихтиёр этинг. Энг ёқимли хислат ва чиройли санъат тилни тия билишдир, дейдилар. Ёнғоқнинг ичи пуч бўлса, овози шалдираб чиқади, пистанинг ичи тўла мағиз бўлгани учун оғзини юмиб, хомуш туради. Сергаплик аёвсиз душмандир, чунки у сизнинг айтганларингизни ошкор этади, душманингизни эса жойидан қўзғатади.

Демак, сукут сақлаш пайтида сўзламоқлик ўйлаб иш тутувчилар учун ножоиздир. Аммо гапириш лозим бўлган вақтда индамай туравериш ҳам оқил кишилар наздида номувофикдир. Араб донишмандларидан бўлган Собит ибн Курра " Жисм роҳати овқатнинг озида, руҳ роҳати кам ейишда, тил роҳати кам гапиришда! Лекин сўз айтиш керак бўлган жойда жим ўтирмақ зиёнга йўл қўймоқ ва маломатга қолмоқдир", деб жуда тўғри гапни айтган.

Агар билсангиз, қилич жароҳатидан тил жароҳати оғирдир. Қилич захмидан кўп ўтмай бадан бўстони гулистонга айланиб олади ва ундан жону молга завол кам бўлади. Лекин тил жароҳати осонликча битмайди. У абадул абад қолади. Шунинг учун ҳам бир доно "оғиз ичидаги тил қин ичига яширинган қиличдир" деган экан.

Бирор жойга борганда эзмаланиб узоқ ўтириб қолманг. Мабодо ўтириш шарт бўлса фақат керакли гапларни гапиринг. Шундай қилсангиз қадру қимматингиз ошади. Кишининг фазилати тилидан билиниб туради. Сўз-ақл ўлчови. Шунинг учун ҳам тил безаги-дил безаги дейдилар-да!

*Саодат ҳам, фароғат ҳам тил билан,
Разолат ҳам, қабоҳат ҳам тил билан.
Эҳтиёт бўл, тил жиловин бўшатма,
Тилни бир эт доимо соф дил билан.*

* * *

Бўлмас сира

*Тил жиловин ушлаган одам ёмон бўлмас сира,
Қомати дол ўлмагай, ранги сомон бўлмас сира.
Бесуяк тилдан келур бошингга юз турли бало,
Бол берур боларидек тийсанг, илон бўлмас сира.
Ўзгаларни чайнама, шаънини бухуд булғама,
Тухмату иғвою бўхтон ошу нон бўлмас сира.
Дейдиларким эътибордир элга, тилга эътибор,
Тил учун безътибор кас нуктадон бўлмас сира.
Бошқа бўлса тил агар дилдан имондан ажратур,
Бир этолган тил ва дилни беимон бўлмас сира.
Турмушинг бошдан оёқ турли синовлар давридир,
Ҳеч қачон холис баҳо беимтиҳон бўлмас сира.
Эй Калоний, бу ҳаёт қонуни шундай, қил амал,
Тил жиловин тутмаган одам омон қолмас сира.*

СУДЬЯЛИК – ОДИЛЛИК

Судьялик чиндан ҳам одиллик касби. Судьянинг ҳар бир қарори, ҳукмида одиллик қарор топган бўлмоғи лозим. Буни яхшилаб англаб олинг ва мабодо улғайганингизда шу шарафли лавозимда ишлаш бахтига муяссар бўлсангиз, албатта одиллик бош шиорингиз, қарор ва ҳукмларингизнинг асоси бўлсин. Билиб қўйинг, судьянинг қўлидаги адолат тарозиси ҳеч қачон у ёки бу томонга оғмаслиги керак. Аксинча у бу лавозимга нолайиқдир. Бундай қилмиш судья деган покиза номга ўчмас доғ туширади.

Ноҳолис чиқарилган ҳар қандай ҳукм халқнинг ғазабини жўш урдиради. Одамларнинг одил деб ном олган суддан ихлосини қайтаради. Шундай бўлмаслиги учун эса ҳушёрликка даъват этувчи омиллар кўп. Сиз уларга оғишмай амал қилинг. Шундай қилсангиз бундан тўрт аср илгари бир муҳим ҳужжатни асоссиз тасдиқлаб берган германиялик нотариус ходимига ўхшаб қоласиз. Ҳўш, унга нима қилишган экан, дейсизми? Унда эшитинг:

Ўша ноҳолис нотариус ходими томонлардан бирига ён бошиб, ногўғри, сохта ҳужжатни тасдиқлаб бергани учун унинг қўли кесиб олинган экан. Шугина эмас, бу жирканч ишга қўл уришдан бошқалар кўрқсин, мазкур воқеа ҳушёрликка чорлаб турсин, деган мақсадда кесиб олинган ўша қўл мўмиёланиб, музейнинг кўзга кўринарли жойларидан бирига осиб қўйилган. Бу

кесилган қўл Германиядаги ўша музейда ҳанузгача ҳам сақланиб келинмоқда.

Ноҳолис судьяларга жазо тайинлашда худди шунга ўхшаш сенсацион ҳолатлар дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам учраб туради. Бунга Африкадаги бир қабила қўллайдиган чора мисол бўла олади. Мазкур қабиланинг қонунига кўра агар судья бирор бир айбланувчини асоссиз равишда озодликдан маҳрум этса ва у ўз тасдиғини топса, судья айбланувчига қанча муддат қамоқ жазоси берган бўлса, уни ўшанча муддат елкасида кўтариб юришга мажбур. Айбдор судья асоссиз жазолаган киши бозорга борса бозорга, тўйга борса тўйга, ҳожатхонага борса ўша жойга ҳам уни елкасида кўтариб олиб бориб, худди шундай ҳолатда қайтариб олиб келади. Бунақа антиқа жазо туридан ҳам мақсад битта. У ҳам бўлса ноҳолис иш тутувчи аҳволини одамлар кўрсин, хулоса чиқарсин ва ҳеч қачон, ҳеч бир нотариус ходими ёки судья адолатсиз ҳукм чиқаришга ботинмасин, дейиш.

Тўғри, бизнинг юртимизда ноҳолис иш тутувчи судьяларга бунақа жазолар қўлланилмайди. Бироқ ҳеч қачон жазосиз ҳам қолмайдилар. Уларга инсонпарвар Конституциямизга мувофиқ келадиган қонунларимизда мавжуд жазо турлари қўлланилади. Лекин гап шу жазодами? Энг олий жазо виждон азоби эмасми? Ундан қочиб ҳам, беркиниб ҳам бўлмайди-ку! Боз устига одамлар назаридан қолишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам мен Худога илтижо қилиб, инсон зотини бу жазога гирифтор бўлмоғидан ўзинг асра дейман. Илоҳим чин юракдан қилган бу илтижоларимни Ҳақ таоло инобатга олган бўлсин.

*Судьялик адолат тарозисудир,
Унинг паллаларин тенг тутмоқ даркор.
Одиллик инсоннинг чин орзусидир,
Бу қутлуғ орзудан воз кечмас зинҳор.*

* * *

Ҳақ билди

*Менга тухмат қилди ағёр, қози, лекин, билмади,
Билса ҳам ҳоксорлигимдан ё назарга илмади.
Нафси бад ағёр рақибнинг садқасига чўзди қўл,
Бир фақир бечорага шунданми шафқат қилмади.
Асли чин ҳаққониятни тутдилар махфий, нетай,*

*Расмият-чун бўлган ул терговда сир очилмади.
Барча бад қилмишларини ошкор этмай ғаним,
Энг муҳим дамларда ҳам ҳақ сўз сира айтилмади.
Тақдиримни бир гуруҳ кўнгли қаро ҳал айлади,
Этган шум қилмишлари олам аро ёйилмади.
Мен адолат ўқини отдим аларнинг кўксига,
Лекигин минг афсуски, кўкси тош экан, санчилмади.
Эй Калоний, шуқр этиб, тақдирга тан берсам бўлуур,
Поклигим Ҳақ билди, гарчи одамизот билмади.*

ҚАЛТИС КАСБ

Ўғлим, дунёда касблар кўп ва хилма-хил, ҳар бири ўзига хос. Уларнинг жозибаларию жилолари ҳам, оғиру енгил томонлари ҳам, қалтислиги ва мураккаблиги ҳам турли тумандир. Сен умид билан ҳуқуқшунослик касбини танлаб, ўқишга кирдинг ва диплом ҳам олдинг. Насиб қилса шу соҳада ҳали узоқ йил ишларсан ҳам. Менинг ота сифатида сенга айтадиган гапларим шуки, ҳуқуқшунослик касби ниҳоятда қалтис. Нечунким, милиция ходимлари, прокурорлар ва судьялар ҳеч қачон адашмасликлари керак Касбларига масъулият билан ёндошиб, иш кўрмасалар гуноҳи азимларга ботадилар. Негаки, уларнинг адашишлари айбланувчиларга ниҳоятда оғир бўлади. Бу касб эгаларининг айниқса кек сақлаб ёки таъмагирлик йўли билан бировларни асоссиз айблаб, жазога гирифтор қилишларини зинҳор кечириб бўлмайди.

Сир эмас, бу соҳада ишловчиларнинг айримлари калондимоғ, манмансираган бўладилар. Бундайлар ўзгалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўрнига уни оёқости қилишдан ҳам тап тортмайдилар, қасд олиш ёки ўпқонга айланган жиғилдонларининг гапига кириб бегуноҳ одамларни асоссиз жазолашдан ҳам ҳайиқ-майдилар. Натижада бу фоний дунёнинг ҳою-ҳавасларини деб у боқий дунёнинг роҳат-фароғатларидан маҳрум бўладилар. Уларда агар инсоф бўлмаса бегуноҳ кишиларни жазолайдиларгина эмас, балки ҳақиқий айбдорларни жазодан озод этиш, жилла бўлмаса қонунда кўзда тутилган жазоларни енгиллаштириб беришларини рўкач қилиб, уларнинг пулларини олишга уринадилар. Шуниси алам қиладики, улар шунчалик баднафс, қасоскор бўлсалар ҳам токи амал курсисида ўтирган эканлар, аксарият одамлар тил учида бўлса-да кўрққанларидан ёхуд у ёки бу манфаатни кўзда тутган ҳолда ҳурматини жойига қўяверадилар.

Уламоларнинг айтишларича дўзахга тушадиганлар орасида адолатсиз қозилар бисёр бўлар экан. Бунга сабаб уларнинг кўпчилиги қилган гуноҳлари учун бу дунёда жазодан асралиб қолишга ҳам чора топадилар. Бироқ охираат азобидан қочиб қутулмоқнинг чорасини тополмайдилар. Бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб, теранроқ мулоҳаза қилишга тўғри келади. Бу касб эгалари учун аиниқса таъмагирлик, порахўрлик иснод ва фожиалидир. Бундай жирканч қилмиш учун дунёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам қонуний жазо муқаррар. Бироқ охираат азоби ундан ҳам муқаррардир. Зеро пайғамбаримиз (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида "Қозининг пора олиши динсизликдир" деганлар. Буни ҳеч қачон ёддан чиқармаслик керак.

Ривоят қилишларича дунё мамлакатларининг биридаги судья прокурор айблаган ҳар қандай кишига нисбатан шафқатсиз экан. Унинг жиноятчиларга нисбатан нафрати, муросасизлиги туфайли уларнинг ўзларини оқловчи далилларини эшитишни ҳам хоҳламас экан. Айбланувчиларнинг келтирган важларини жазодан қочиб қолиш учун ўйлаб топилган баҳоналар, деб уларни инобатга олмай, шафқатсизларча ҳукм чиқараверар экан. Кунларнинг бирида навқирон бир йигитни ўз отасини ўлдирганликда айблашибди. Судья эса айбланувчининг бу жиноятни қилмаганлиги хусусидаги важларини одатига кўра эшитишни ҳам хоҳламай, уни ўлим жазосига маҳкум этибди. Ҳатто айбланувчининг жабрдийда онаси ўтиниб сўраса ҳам, фарзандининг қотил эмаслигини айтиб илтижо этса ҳам қулоқ солмабди. Ҳукм ўша пайтнинг одатига кўра омманинг кўз олдида ижро этилибди.

Фалакнинг гардишини қарангки, орадан кўп ўтмай ҳақиқий қотил топилиб, қўлга олинибди. Эл-юрт ичида юзи шувит бўлган судья виждон азобига дош беролмай, истеъфога чиқиб кетибди. Кунларнинг бирида марҳум айбланувчининг онаизори асоссиз қатл этилган ўғлининг қабрини зиёрат этишга борса, қабр устида бир даста гул тутганча қотил (уни бошқача қандай аташ мумкин?) судья турганмиш.

О бевафо дунё! Нечун жабрдийда онаизорни марҳум ўғлининг қотили билан айнан унинг қабри устида учраштирдинг? Энди улар бир-бирларининг кўзларига қандай қарайдилар? Бирини фарзанд доғи, иккинчисини виждон азоби ўртаб турган бу кимсаларнинг шундоқ ҳам шўрлари қуриб қолган эди-ку! Қалбларини эзиб, яраларини янгилашдан муддао не? Бу ҳолатни қайси тил

билан баён этиб, қайси қалам билан ёзиш мумкин? Бундан кўра тил кесилиб, қалам синиб кетса, ёниб кул бўлса яхши эмасми?

Бунақа воқеалар ўз юртимизда ҳам собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида содир бўлгани афсуслидир. Бундан бир неча йил муқаддам Қашқадарёда бир эркак киши бедарак йўқолиб қолади. Бундан хавотирга тушган умр йўлдоши ёрдам сўраб, милиция идорасига ариза беради. Аммо милиция ва прокуратура ходимлари унинг ўзини ва қариндошларини қотилликда айблаб, ҳибсга олишади ва турли усуллар билан бу айбни бўйниларига олишга мажбур қилишади. Айбсиз айбдорлар қамоқхонада азоб чекиб, асоссиз берилган жазо муддатини ўтаб турганларида бедарак йўқолган "марҳум"эр ўз оёғи билан уйига кириб келади. Маълум бўлишича у зарурат туфайли хорижга кетган экан. Ана шармандалигу, мана, иснод! Ҳуқуқ ҳимоячилари, "осойишталик посбонлари" деб аталганларнинг ҳолига вой! Бунақа прокурорни-ку халқимиз бежиз қораловчи деб атамайди. Судья ҳам малакасиз ва бағритош экан. Адвокатнинг овози қаёқда қолди?

Хуллас, ўғлим, агар суд, прокуратура ёки милицияга ишга кирадиган бўлсанг, имонингни сақла. Элнинг қаҳрига, виждонинг қийноғига, энг муҳими даҳшатли охират азобига дучор бўладиган ҳаракатлардан ўзингни тий. Зеро, сенинг ўзинг, жумладан, таъмагирларга қарши курашувчи, таъбир жоиз бўлса, уларнинг думини тугиб қўйишга йўналтирилган касб эгасисан. Инсон тақдирига енгил-елпи қарама. Одам боласи кўғирчоқ эмас, унинг ҳаёти, номус-орини топтама. Ношуд жиноятчиларга эса мавжуд қонунларга мувофиқ жазо тайинла ёки бу ўринли ишга муносиб ҳиссангни қўш. Қонун сенга дастуриламал бўлсин. Фақат унгагина риоя қилиб фаолият юрит. Қалбинг ва виждонинг амрига кулоқ тут. Инсонни асоссиз қоралаш ва асоссиз оқлашдан йироқ бўл. Айбланувчининг дил ҳасратларини эринмай тингла. Унинг яхши ва ёмон томонларини ўрганиб таҳлил эт. Шундан кейингина тўғри ва одилона хулоса чиқар. Айбланувчининг асоссиз жазоланишига ҳам, асоссиз оқланишига ҳам йўл қўйма. Жиноятга яраша жазо муқаррар бўлганидек, бегуноҳ одамларнинг ноҳақ жазога тортилишларига ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳукм қилсанг одилона, айбласанг асосли бўлсин. Зин-ҳор-базинҳор қонундан четга чиқма. У ҳамма нарсадан устивор ва ҳаммага, жумладан ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идораларнинг ходимларига ҳам баб-баравар тааллуқли эканлигини унутма.

*Инсоннинг тақдири ўйинчоқ эмас,
Қонун ҳар нарсадан устивор қурол.
Инсофли, имонли бўлгин ҳар нафас,
Ҳуқуқшунос бўлсанг шуни англаб ол.*

* * *

Ҳақиқат

*Суд тугади, ҳукм ўқилди,
Уни кутар ўлим жазоси.
Пок шаънига туҳмат тўқилди,
Фараз экан ёв муддаоси.*

*Жабрдийда тўкмас кўз ёши,
Тўкавериб айлаган адо.
Минг жазога етар бардоши,
Ўлимга ҳам бўладир ризо.*

*Фақат ожиз у ноҳақликка,
Адолат ҳеч ўлмасин дейди.
Етсам дейди мутлоқ ҳақликка,
Ҳақиқатнинг ғамини ейди.*

УЛУҒЛИКНИ АЙЛАГИН ҲАВАС

Эй фарзандларим, улуғ инсонларга ҳавас қилинг, уларнинг илму амалларидан ибрат олинг. Аммо ҳеч қачон улуғликнинг кетидан қувманг. Улуғликни излаш ва ҳамма одамлардан юқори туришни хоҳлаш инсоний фазилат эмас. Кийиниш ва ясаниш, ўзи учун дабдабали қасрлар қуриш билан обрў топишни хаёлингизга ҳам келтирмангки, у кишини эл назаридан қолдиради. Негаки, бунақа ишларнинг барчаси сохта эътибор қозонишга уринишдан бўлак нарса эмас.

Зўрма-зўраки иззат ва сохта шуҳратдан қанчалик йироқ бўлсангиз хорлик ва зорликка шунчалик яқинлашмайсиз. Арас-тунинг ёзишича "Иззат тиласанг ифбатли бўл, улуғлик тиласанг мулойим бўл, зафар тиласанг адолат йўлини тут, қадр тиласанг ростгўй бўл, нажот тиласанг сабр қил, илм ўрганмоқчи бўлсанг жидду жаҳд қил".

Маҳмуд Худобанда шундай ўгит берган:

"Улуғлик шундай кишига ярашадики, у ўз муруввати билан озод кишиларни ўзига ром этади. Рустами дoston куч ва қудрати билан душманларни яксон этди, бечораларни эса озод этди. Бир киши ундан:

— Шундай улуғ мартаба ва олий даражага қандай қилиб етишдинг?"—деб сўраганда, у: "Мен ўзимга ўзим "Эй жон, мард бўл, агар жангда ботирлик кўрсатиб ўлсанг яхши деган номинг қолади, енгсанг эл ҳурмати қозонасан, шунинг учун ўлимдан кўрқма, ўлимга ҳарис бўл", дердим" — деб жавоб берибди.

Инсоннинг ҳақиқий қадр-қиммати унинг илму одоб даражаси ва уларга қилган амалидан намоён бўлади. Шундай экан, қадр қимматли бўлай десангиз илму одоб ўрганинг. Агар тўғрисиўз, ваъдага вафодор бўлсангиз, сирларингиз сандиғини бўлар-бўлмас одамларга очавермасангиз, омонатга хиёнат этмасангиз, ҳалол луқма еб, илму одоб ўрганиш ва насиҳатни қабул қилишни ўргансангиз эл томонидан иззат ва эътибор ҳам топаверасиз.

Заҳириддин Бобур:

"Давлат учун кўнгилни зор қилма,

Иззат учун ўзингни хор қилма", — деган.

Донишмандларнинг фикрича улуғликка эришмоқ тасаввур қилиб бўлмас даражада қийин иш. Бироқ муҳтожлик ва забунликка тушиб қолиш жуда осон. Ўз нуқсонларини кўрмай, бошқа одамлардан айб изловчи кишилар ҳеч қачон улуғлик бўстонига яқинлашолмайдилар.

Улуғликка наслу насаб билан эмас, илму одоб билан эришилади. Агар илму одоб борасида юксаклик чўққисини забт эта олсангиз, одамийлик фазилатлари хиёбонига кира олсангиз халқингизнинг ўзи сизни юқори мартабаларга кўтариб кўяди. Агар шундай шарафга муяссар бўлсангиз, унга муносиб бўлинг, манманлик, кибру ҳавога берилманг. Шунинг билан киши оғир тошни ердан қийинчилик билан минг азоб чекиб кўтариб олади. Аммо уни ташлаб юбориш жуда осон. Бирор бир мартабага эришиш ҳам худди шу тош кўтаришдек машаққатли. Бироқ ундан тушиш кўтариб турган ўша тошни ташлаб юборишдек гап.

Киши улуғлик осмонига мулку давлат билан эмас, фазлу камол билан чиқа олади. Бархурдор ибн Маҳмуд шундай ёзган:

"Агар киши эҳтиром ва эътибор гавҳарини қидирувчилардан бўлса, гавҳар каби яширин бўлсин, токи уни изловчилар орзу

ғаввоси билан қўлга киритсинлар. Агар аксинча гадолар каби қўлини очиб, ўткинчиларга таъма кўзи билан боқадиган бўлса, тегирмондек саргардон айланиб, қорин тўйдириш пайида бўлса, яхшиси обрў тилашни бир чеккага йиғиштириб, тиланчилик қилгани маъқул”.

Киши ўзини улуғ деб ўз-ўзига юксак баҳо бериши нодонликдир. Маросимларда кишига "Бу ердан тур" демасликлари учун ҳар ким ўз ўрнини билиб ўтириши керак. Эл меҳрига сазовор бўлиш, эътиборини қозонишга ҳийлаю найранглар билан етишиб бўлмайди. Бунинг учун ишлаш, изланиш керак. Бу борада ғаввослардан ибрат олинг. Улар мақсадга етиш, яъни марварид топиш учун жонларини ўртаб, ўзларини денгиз остига ташлайдилар. Сизлар ҳам эл муҳаббатига сазовор бўлишдек улуғ мақсадни орзу қилсангиз, халқингиз билан ҳамнафас, ҳамроз бўлинг, унинг учун жон чекинг.

Шуни яхшилаб уқиб олинг. Агар элингиз сизга ишониб бирор бир улуғ мансабни топширса унга лойиқ бўлинг. Бордию шундай мартабага эришиб, кейин ундан маҳрум бўлган кимсага дуч келсангиз, амалдорлик чоғида қандай муомала қилган бўлсангиз ўшандай муомалани давом эттиринг. Амалдан тушди, деб уни зинҳор базинҳор камситманг.

Ривоят қилишларича бир мамлакат вазирини хато иш қилиб қўйгани учун подшоҳ амалдан туширибди. Бундан хабар топган ён-атрофидаги одамлар дарҳол ундан қоча бошлабдилар. Ҳатто энг яқин дўстлари ҳам алоқаларини узибдилар. Кунлар кетидан кунлар ўтар, аммо ҳеч ким ундан хабар олмас, ҳатто тил учидан бўлса-да, ҳол сўраб қўймас экан. У бўлса тунларни кунларга улаб дўстларини кутар, лекин ҳеч биридан дарак бўлмас экан. Ана шундай ғамнок ўтирган бир пайтида унинг қилган хатосини подшоҳ авф этиб, тагин қайта вазирлик лавозимига тайинлангани ҳақида хушxabар келибди.

Буни қарангки, уни якка қолдириб, танҳолик оловида ёққан дўстлари яна қайтиб, ундан юз ўтирган амалдорлар бош эгиб саломлар қила бошлабдилар. Бир куни танишларидан бири келиб узр сўрабди ва ўзининг арази, узоқлашишини ҳаёт ташвишларига тўнкабди. Шунда вазири аъзам:

— Нокас кишиларга молу давлатинг учун тобелик қилиш ва аҳмоқ кишиларга бахту иқболинг учун муомала қилиш одатдир. Узр сўрашининг ҳожати йўқ!, — дебди.

Абу Наср Фаробий "Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз ўзи интилаётган сўнги даражадаги бахт-саодатга эришадими", — деган. Улуғликка эришмоқ учун инсоннинг ўзи унга муносиб ва тайёр бўлмоғи шарт. Акс ҳолда у улуғлик хиёбонидан ҳеч қачон жой ололмайди. Элу юртига наф келтирадиган кишиларгина улуғликка муносиб бўла оладилар.

*Ҳою-ҳавасларга берилар эрсанг,
Улуғликни даъво айлама зинҳор.
Ўз-ўзингга юксак баҳони берсанг,
Улуғлар сафида сенга нима бор?*

* * *

Шундоқ яшагинки...

*Умр ўткинчидир, фурсат ғанимат,
Олтидан қимматдир ўтаётган он.
Ярқ этиб сўнгувчи яшинга нисбат,
Бир зумда ғойибдир танадаги жон.*

*Бас шундоқ, умрни совурма елга,
Сув бўлсанг қумгамас, боғларга оққин.
Имконинг бахш этгин қадрдон элга,
Дунёга энг зийрак кўз билан боққин.*

*Гар томчи эсанг ҳам қўшил дарёга,
Мавжланиб мавжланиб тўлқинга айлан.
Оқиб бориб охир қутлуғ маъвога
Бир шингил узумнинг бағрига жойлан.*

*Оллоҳ насиб этса нур бўлиб тарал,
Зулмат кўнгиларни айла мунаввар.
Умринг поён топиб, етганда ажал
Босган изларингдан униб чиқсин зар.*

*Шундоқ яшагинки, қолмасин армон,
Сенга ҳавас билан боқиб қолсинлар.
Номингни шарафлаб жумлаи жаҳон,
Эзгу ишларингдан баҳра олсинлар.*

МЕЗБОН БЎЛМОҚ САОДАТ

Пайгамбаримиз (с.а.в.) муборак ҳадисларидан бирида "Уйларига меҳмон кўнмайдиган кишилар ёмон одамдир" деганлар. Агар уйингизга қутлуғ қадам босиб меҳмон келса, очиқ чеҳра билан куш келибсиз, деб кутиб олсангиз уни шоҳона зиёфат қилгандек шараф топасиз. Бас, мезбонмисиз мезбонлик бурчингизни оғринмай бажаринг. Меҳмон келса "сўраб бергунча уриб бер" демай, ундан нима ейишини, кўнгли нима тусаётганини сўрашингиз хасислик аломати эмас. Негаки меҳмонингиз у ёки бу овқатдан парҳез сақлаётган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам унинг хоҳишига қараб таом тайёрланса хурсанд бўлади. Бироқ у нарса ейсизми, бу нарса ейсизми деб сўрайвериш мезбонлик одобига хилофдир. Уйингизда борини қизганмай қўйсангиз сахийлигингиздан далолат бўлаверади.

Мезбон меҳмонлари олдида одоб сақлаши, уларнинг ҳар бирини тенг эъозлаши, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишдан тўхтамаслиги яхшилик аломатидир. Мезбоннинг иложи борича ўзи меҳмонларига хизмат қилиши ҳам унга нисбатан ҳурмат белгисидир. Агар меҳмонлар озчилик бўлса улар билан бирга ўтирган маъқул. Бордию кўпчилик бўлсалар бирга ўтирмай, хизматларида бўлмоқлик фазилят.

Мезбонлик қоидаларидан яна бири меҳмоннинг ҳузурига кириб чиқаётганда, таом ейилаётганда хуштакалуф бўлишдир. Меҳмонларнинг олдида оила аъзоларини, агар бор бўлса хизматчиларини хафа қилиш, бирор ножўя иш қилиб қўйсалар ҳам танбеҳ бериш, таънаю маломат сўзларини айтиш меҳмонга нисбатан ҳурматсизлик бўлади. Зеро донишмандлар "Мезбон бўлишдаги олий иззат очиқ чеҳралик ва ширинсўзликдир" деб бежиз айтмаганлар.

Агар меҳмонлар улуғ одамлар бўлишса таомга улардан олдин қўл чўзилмайди, овқат олиб кириладиган томонга ҳадеб қарайверилмайди.

Меҳмон келишидан хабардор бўлинса у келмасидан олдин овқат еб тўйиб олинмайди. Негаки, меҳмоннинг олдига таом қўйилсаю мезбон у билан бирга ўзи ҳам емаса сиртдан қараганда ҳам хунук бўлади. Меҳмон ҳам гарчи шу таомни егиси келиб турган бўлса ҳам бир ўзи егани хижолат қилиб, емай қўйиши мумкин.

Иложи борича меҳмоннинг кўнглини олишга ҳаракат қилиш-

га, унинг қалбида муҳаббат ҳосил қилишга эришмоқ лозим. До-нишманд ота-боболаримиз меҳмонни севган мезбоннинг еми-ши бол, толейи ёр бўлади, деганлар.

Меҳмон синовдан ўтган яқин кишингиз бўлса ундан гумон-ланиш ноўриндир. Бироқ у синовдан ўтмаган ёки ижозатингиз-сиз бошқа нотаниш кишини бошлаб келган бўлса унинг дилида нима борлиги ноаён. Шу боис уни аҳли аёлингиз кириб-чиқади-ган томондан бошқа ёққа қаратиб ўтқазганингиз маъқул. Шу-нингдек, меҳмонингиз яқин дўстингиз ёки таклиф қилинмаган ҳолда келган бўлса, унга ортиқча такаллуф ва ҳашам шарт эмас. Бисотингизда тайёр нима бўлса ўшани дастурхонга қўйсангиз етади. Аммо мезбонлик қоидаларида меҳмон учун қарз олиш кўзда тутилмаган. Шунингдек, уйда егуликлари бор бўлсаю, аммо бола-чақаси усиз оч қоладиган бўлса уни меҳмонга едириб юбо-рилмайди.

Бир ривоятда қайд этилишича бир улуғ одам меҳмонга так-лиф қилинганида у:

— Менинг уч шартим бор. Агар ўшаларни бажараман десанг, таклифингни қабул қиламан, бажармасанг рад этаман. Биринчи шартим бозордан мен учун атайлаб нарса сотиб олмайсан. Ик-кинчи шартим уйингда борини атайлаб яширмасдан олдимга қўясан. Учунчи шартим шуки, аёл ва болаларинг ҳақини менга едирмайсан! — деган экан.

Одатда меҳмон келса дарҳол дастурхон ёзилиб, таом қўйила-ди. Уни куттириб қўйилмайди. Таклиф қилинган меҳмонларнинг кўпчилиги етиб келган бўлса, озчилигини кутиб ўтириш шарт эмас. Мабодо тасодифан чақирилмаган меҳмон келиб қолган бўлса, дастурхоннинг тайёр эмаслигидан хижолат чекманг. Ахи-р, "Чақирилмаган уйга келган меҳмон супурилмаган ерда ўтира-ди", — деб бежиз айтмаганлар-да!

Меҳмонларингиз орасида ёш бола бўлса, унга алоҳида эъти-бор беринг. У бир четда таомсиз қолиб кетмасин. Бир манбада ривоят қилишларича, бир хонадонга катталар билан бирга ёш бола ҳам меҳмонга борибди. Мезбон ўртага товоқда овқат қўйиб-ди. Овқат иссиқ бўлгани учун боланинг оғзи куйиб, ея олмай йиғлашга тушибди. Шунда ундан:

- Нимага йиғлаяпсан? — деб сўрашибди.
- Овқат иссиқ экан, еёлмаяпман.

Унда бир оз сабр қилиб, совишини кут.

— Сабр қилиб совушини кутишга-ку, кутаман. Аммо унгача сизлар еб тугатиб қўясизлар-да!

Эй фарзандларим, ана шундай ҳунук воқелар рўй бермаслиги учун мезбонлик қоидаларини яхшилаб ёдлаб олингиз-да, кейин унга умр бўйи амал қилинг. Шунда уйингиз ҳеч қачон меҳмонсиз қолмайди. Меҳмонсиз уй суви қуриган тегирмонга ўхшайди, меҳмонлиги уй Эса барақали уй. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида "меҳмондўст бўлмаган одамдан яхшилик кутиб бўлмайди" деганлар. Бас шундай экан, эшигингиз ҳамиша меҳмонлар учун очиқ турсин.

*Дилинг чароғондир келса гар меҳмон,
Ширин суҳбатидан ҳузур топар жон.
Қоронғу кечадир, отмас сира тонг,
Меҳмон қадам босмас ҳар бир хонадон!*

* * *

Дунё мезбон

*Меҳмонини сийлайди мезбон,
Очиқ юз-ла кутиб олади.
Бурчим дея солиб дастурхон,
Топганини тўкиб солади.*

*Аямайди борини ундан,
Хизматига эгиб турар бош.
Ўзи мамнун бўлади шундан,
Меҳмон гўё серзии қуёш.*

*Меҳмон учун фидойидир у,
Доим кулиб қувнаб туради.
Бўлса ҳамки қалбида қайғу
Шодон тусда суҳбат қуради.*

*Бу дунёга, азизим, инсон
Меҳмон бўлиб келиб кетади.
Шундоқ экан, бу дунё мезбон
Бурчин нега гоҳ унутади?*

ДЎСТИ БОРНИНГ БАХТИ ЁР

Эй азиз фарзандларим, инсон зоти борки, ўзига содиқ дўст излайди. Топса боши осмонга етади, топмаса ўзини танҳо сезади, кўнгли ўксийди. Ҳақиқий дўстлар дўстининг ёнида бўлсалар ҳам, улардан узоқда бўлсалар ҳам бир-бирларига нисбатан меҳрибон, жонкуяр бўладилар. Шодликларига ҳам, қайғую аламларига ҳам шериклик қиладилар. Дўстлиги чин қалбдан бўлган киши дўстига яхшилик қилса унутади, дўсти қилган яхшиликни эса ҳеч қачон эсдан чиқармайди. Бордию дўсти билиб-билмай бирор бир хато қилиб қўйса кечиради, муҳтожлик пайтида моддий ёрдам берган бўлса эвазига ҳеч нарса таъма қилмайди.

Дўст ачитиб, душман кулдириб гапиреди, дейдилар. Чин дўстлар бир-бирларининг ютуқларидан қувонадилар. Аммо камчилиги бўлса юзига айтадилар. Дўстинг насиҳат қилишдан бош тортса, тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қилмаса, айбингдан вақтида огоҳ этмаса ундай дўстдан узоқлашмоқ яхшиликдан далолат беради. Лекин у ёки бу айби бор дея ҳамма дўстлардан юз ўгирмоқ ҳам яхшиликка олиб келмайди. Дўстларингни кўпайтиру камайгирма.

Бироқ юзлаб дўст орттираман, деб ўзингизга битта одамнинг душман бўлишига ҳам йўл қўйма. Нечунким дўстларинг мингта бўлса ҳам кам, аммо душманинг битта бўлса ҳам кўп. Кўп бўлганда ҳам ҳаддан зиёд кўп, деб билавер.

Қадимги донишмандлардан бири шундай деб ёзган экан:

— Ёмон кишилар билан улфат бўлишдан қочгин. Одамнинг табиати ўғридир. У яхши кишилар билан суҳбатдош бўлганда яхши хислатлардан баҳраманд бўлгани каби, ёмонлар билан улфат бўлганда ҳам улардан озгина бўлса-да ёмон иллатларни ўғирлаб олади.

Дўст деган ҳеч қачон ўз дўстидан мол-мулкни қизғанмайди. Мол-дунё учун хасис ва бахил бўлган кишидан оқибатли дўст ҳам чиқмайди.

Ривоят қилишларича, бир улуғ кишининг дўсти тунда эшик қоқиб келибди. У киши ўрнидан туриб, бир халта пул, ўткир қилич олибди ва канизагига шам кўтариб бирга чиқишни тайинлабди. Эшикни очиб дўстга дебди:

— Сенинг ярим тунда келишингдан уч нарсани тахмин қилдим. Биринчи, бирор ҳодиса юз бериб, пулга муҳтож бўлдингми, деб пул олиб чиқдим. Иккинчи, душман сенга ҳужум қилдимикан деб, қилич кўтариб чиқдим. Учинчи, бирор муҳим ишинг чиқдими деб, канизагимни ҳам олиб чиқдим.

Қўрқоқ, бахил, ҳасадгўй ва нафс бандалари бўлмиш одамларни дўст тутмоқ беҳосиятдир. Қўрқоқ дадилликдан қайтаради, бахил бойликка ҳирс қўйган бўлади ва ундан ҳеч кимга наф тегмайди. Ҳасадчи бор будингдан ажралиб, кафангадо бўлишингни истайди. Нафсига қул бўлган кишилар эса ҳою ҳаваснинг асири бўлиб, нафс домидан қутулишга кучи етмайди.

Хуллас, болаларим, дўст топсангиз садоқатли, мард бўлсин. Мард одам шижоатли, саховатли, жасур бўлади. Илму одоб соҳасида ҳам ибрат кўрсата олади. Агар бахтингиз кулиб шундай фазилатларга эга бўлган дўст топсангиз, албатта ўзингиз ҳам унга муносиб бўлинг.

*Дўст топсанг садоқат бўлсин қарори,
Оғир кунларингда ташлаб қочмасин.
Қалбида бор бўлсин виждони, ори,
Пайт пойлаб сирингни ёвга очмасин.*

* * *

Улфатчилик

*Мард йигит бўлсанг ярашгай доимо улфатчилик,
Номард эрсанг гар равомас мутлақо улфатчилик.
Ҳамтовоқ бўлса агар имони бут, дил яйрагай,
Беимон бўлса юзинг айлар қаро улфатчилик.
Яхши дўстлар жам эса жонга жиолар бахш этар,
Лек ёмонлардан эса ҳеч нораво улфатчилик.
Бўлса дастурхонда пайдо маст этувчи ичкилик,
Айлагай чин дўстларингдан ҳам жудо улфатчилик.
Маст бўлиб қолгач яқин дўстлар рақибга айланур,
Минг балога айлагай сўнг мубтало улфатчилик.
Дўстларинг-ла жам бўлиб улфатчилик этгил, Калон,
Дилрабо онларни этгай бебаҳо улфатчилик*

САБР ТАГИ СОФ ОЛТИН

Эй фарзандларим, руҳ озиғи ва дил бойлиғи- сабр бўлмаганида бу оламда энг кам умр кўрувчи ҳам, энг кўп фожиаларга дучор бўлувчи ҳам инсон зоти бўлиб қолар эди. Сабр-қаноат барча оғир меҳнат ва мусибатларни, кулфату офатларни енгиш воситаси бўлиб, у инсон учун бебаҳо бойлик, битмас-туганмас роҳат-фароғат манбаи. Сабрли одам ҳеч қачон қашшоқ ва муҳтож бўлмайди.

Сабр ғазаб ва нафратни муҳаббатга, кибрни камтарликка, ёмонликни яхшиликка айлантира олувчи қудратли кучдир. Шунинг учун ҳам у одамзот учун энг фойдали ва кўнгиллارни чароғон этгувчидир. Сабрли киши бурда нонга зор бўлса ҳам, эгни юпун бўлса ҳам ҳамиша бойдир.

Сабр ақли одамлар учун бебаҳо фазилат. Бу фазилатга эга кишилар доимо зиёфатда юргандек, завқу сафо гаштини сураётгандек хотиржам яшайдилар. Чунки сабрли одам гоҳ у, гоҳ бу нарсани ўйлаб қайғу чекавермайди, фалон қўшни уни олибди, пистон қўшни буни олибди, нега мен ололмайман, деб куюнавермайди.

Сабр ана шундай серхосият ва манфаатли фазилат. Мотуридий бобомиз "Сабрни мақсадга етиш воситаси деб бил" деганлар. Буюк аллома Низомий Ганжавий эса:

*Сабр қилсанг агар сабрдан бешак,
Давлатинг кўпаяр, бунга қилма шак.
Сабрингни қилмагил суст ила малол,
Оҳиста ёр бўлар бахт ила иқбол!
Сабрни ўзингга айла-ю шиор,
Ва сабр йўлида тургил барқарор,*

— деган пурҳикмат сўзларни ёзиб қолдирганлар.

Одатда сабрли одам мусибат чоғида ва бошига бало ёмғирлари ёққанда ҳам дод-фарёд чекиб, айюҳаннос солмайди, хор-зор бўлганида ҳам бечоралиқдан ҳасрат қилмайди, Ҳақ ҳукмига рози бўлиб, пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг "Сабр-бардош Оллоҳдан, шошқалоқлик шайтондан", "Кимики шошилмай сабр, қаноат билан иш қилса, қилган иши тўғри чиқади" каби ҳадисларига мос ҳаракат йўлини тутади.

Сабрли киши барча меҳнат ва қийинчиликларни енга олади.

Бечораю қашшоқ бўлса ҳам ўзини бадавлат кишилардек тута олади. Мусибатли чоғларида ўзини хурсанд кўрсатиб, одамларга очиқ юз билан боқади. Шунинг учун ҳам у узоқ умр кўради, дўстлари ҳам кўп бўлади. Сабрсиз одамлар эса бой-бадавлат бўлсалар ҳам худди гадойга ўхшайдилар, ўзлари тўйсалар ҳам кўзлари тўймайди. Қанчалик бой бўлсалар ундан ҳам бой-бадавлат бўлиш учун юз мақомга йўрғалайдилар, тиланчилардек бош эгиб, ялиниб ёлворадиган бўладилар. Шунинг учун ҳам улар гоятда бахтсиздирлар ва кам умр кўрадилар.

Бундан келиб чиқадики, дунёдаги энг улуғ саодат ҳам, энг ёқимли лаззат ҳам сабрдир. Сабрли киши роҳат-фароғатда яшашни билан бирга, ўзга одамларга ҳам яхши муносабатда бўлади, уларни ҳам ўзи каби шодонлик гулзорида кўришни истайди. Донишмандлар "Сабрнинг меваси роҳат, камтарликнинг меваси муҳаббат" дейдилар. Сабрли киши ўзгалар бахтию бойлигини кўриб ҳасад қилмайди, маъюслик саҳросига йўл олмайди.

Сабр ейиш-ичишда ҳам кўзга ташланади. Оз-озу соз овқатланган одам касал бўлмайди, озга қаноат қилмай очкўзлик билан овқатга ружу қўйганлар эса касалликларга тез чалиниб, зое кетган ўз умрларининг уволига қоладилар.

Доноларнинг уқтиришларича қийинчилик юзага келганда дўсту душманни хабардор қилгандан кўра сабр йўлини танлаган маъқул. Негаки бундан хабардор бўлган дўстлар кўнглига ташвиш тушадилар, душманлар эса хурсанд бўлиб, қаҳқаҳа отади. Шундай бўлмаслиги учун ҳам доимо сабр билан рўй берган қийинчиликларни қандай қилиб енгиб ўтиш йўлини излаш хосиятлидир.

Ривоят қилишларича, икки дўстнинг бошига душманлари шармандали тухмат тошини отишибди. Гўёки икковлари бир бева аёлнинг номусига тажавуз қилиб, кейин уни ўлдириб, мурдасини дарёга оқизиб юборганмишлар. Оилали, бола-чақали дўстлардан бири бу шармандали тухматга чидолмай ўзини ўзи осиб ўлдириб қўйибди. Аммо иккинчиси сабр-тоқатли экан. "Тухматнинг умри қисқа, барибир бир куни ҳақиқат аён бўлади. Балки у аёл қили тирикдир. Ахир, мурдаси топилмади-ку, — деб покиза шаънининг қотиллик доғидан халос бўлишини кутибди. Эл-юртнинг маломатларига ҳам, ҳатто суд берган оғир жазога ҳам бардош бериб, сабр қилаверибди. Буни қарангки, у қотил сифатида айбланиб, узоқ муддатлик қамоқ жазосига ҳукм қилинганидан кейин орадан олти ой ўтиб, ўша ўлдирилди деган аёл тирик ҳолда

ўз уйига кириб келибди. Маълум бўлишича уни алдаб, ўзга бир мамлакатга олиб чиқиб кетишган экан. Хорижда уни ёвузлар қамаб қўйиб, кул сифатида ишлатишган экан. Миршаблар уларни кулликда асраб турганларнинг қилмишларидан воқиф бўлгач бу шўрлик аёл ҳам озодликка чиқиб, ўз уйига омон-эсон етиб келибди.

Натижада қотилликда айбланган одам оқланибди. Унга асосиз айб қўйиб жазолаганлар ҳам, туҳмат қилганлар ҳам қилмишларига яраша жазоларини олибдилар. Ноҳақ айбланган одамнинг ўзи эса кўрган моддий ва маънавий зарарини ундириб олиб, миллионерга айланибди! Бироқ бесабр дўстига гарчи шаъни оқланган бўлса ҳам бу ёруғ кунларни кўриш насиб қилмабди. Шунга айтадилар-да, сабр қилган етар муродга, деб.

*Сабру қаноатсиз киши бечорадир,
Бошига ёмғир каби ёғгай бало.
Сабру қаноатлиси фарзонадир,
Асрар уни турфа балодан Худо!*

* * *

Сабр

*Кўхна олам ичра инсон зоти-чун бордир сабр,
Ким учун бегона, лекин ким учун ёрдир сабр.
Зар қадрини билур заргар дегайлар, во ажаб,
Кимсага олий мақому кимсада хордир сабр.
Дейдилар олтин сабрнинг ости, лекин мен учун
Усти ҳам гавҳардору ёнбоши зардордир сабр.
Бесабрнинг косаси ҳаргиз оқармайдир, бироқ
Косасин оппоқ этодир кимга дилдордир сабр.
Бой бериб қўйдим онамни кўкка ўрлар оҳларим,
Лек яшаб қолдим ҳаётда, боис ҳамкордир сабр.
Бесабрлик кўчасига кирса ким бўлгай хароб,
Эй Калоний, доимо бил, дилга даркордир сабр.*

КЕНГАШЛИ ТҶЙ ТАРҚАМАС

Эй фарзандларим, насиҳатимга оғринмай ихлос ила кулоқ солинг. Билсангиз насиҳатчининг таёғи ёмон вайсақининг саломидан минг карра афзал. Бу гал сизларга маслаҳат билан иш кўришнинг афзалликлари хусусида ўғит бераман. Донишмандлар инсон боласини хом сут эмган банда, дейдилар. Бунинг боиси шуки, одам ҳар қанча ақлли бўлса ҳам янглишиши, хато қилиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир тадбирни амалга оширишдан аввал яқин кишиларингиз билан маслаҳатлашиб, кейин бир қарорга келганингиз маъқул. Қайси бир одам маслаҳатлашиб иш қилса асло пушаймон қилмайди.

Бироқ маслаҳат фойдали экан, деб дуч келган кишига қалбингиз эшигини очаверишингиз ҳам яхшиликка олиб келмайди. Айниқса мушкул воқеаларни ҳал этишда маслаҳатлашиб олмоқчи бўлсангиз, уни ўзингизга яқин, синовдан ўтган тажриба соҳибларидан олингки, уларнинг диллари ғараздан холи, зеҳнлари ўткир, ақллари юқори, фикрлари теран бўлсин. Бу борада тажрибали одамларга ёндошсангиз ҳаргиз ютқазмайсиз. Одатда тажрибали кексалар шижоатли, ғайратли ёшлардан кўра тадбиркор ва устамон бўладилар. Донишмандлар зукко одамлар билан маслаҳатлашсанг, унинг ақли сенга ҳам юқади, ундан кўп нарса ўрганасан, фақат ўз ақлингга ёндошиб иш кўрсанг хатоларга йўл қўйишинг ҳам мумкин, дейдилар. Бу маслаҳатни ҳам ёдингизда тутсангиз фойдадан холи бўлмайди.

Маслаҳат билан иш кўриш ақллилик белгисидир. Оқил одамлар ҳар бир муҳим тадбирга қўл уришдан илгари албатта тажрибали кишиларнинг мазкур масалага доир фикр-мулоҳазаларини эшитадилар ва улардан тегишли хулоса чиқариб ишга киришадилар.

Бир донишманд "Ҳар бир кишига маслаҳатдан кучли суянчиқ йўқ" деган экан. Халқимиз бу гапларга ҳамоханг "Кенгашли тўй тарқамас" деган мақолни ҳам яратган. Бу пурҳикмат сўзларга амал қилиб, маслаҳат билан иш қилувчи бўлсангиз, асло кам бўлмайсиз. Ақлли, донишманд кишиларнинг маслаҳати билан иш қилсангиз ҳамиша яхши натижаларга эришасиз.

Кимки фақат ўз билганига мағрурланиб, иш юритса йўлдан адашади. Кимки ўз ақлигагина суяниб, бошқаларнинг фикрини инobatга олмаса, бир кунмас, бир куни хатога йўл қўйиб, хорзорлик сари юз тутади. Шунингдек, имонсиз, айниқса бировлар

жонига қасд қилган қотиллар, шарм-ҳаёсиз зинокорлар, қўрқоқлар маслаҳатига қулоқ солган киши ҳам фойда кўрмайди. Бундай кишиларнинг маслаҳатлари ҳам яхшилиққа олиб келмайди. Бу ҳақда бир манбада шундай дейилади:

– Ҳар бир ақл соҳиби бўлган киши етти хил киши билан маслаҳатлашмайди. Улар нодон, душман, ҳасадчи, риёкор, қўрқоқ, молпараст ва ҳою-ҳавасга берилган кишилардир. Чунки нодон киши бефаҳмлиги туфайли хато ва ярамас маслаҳат беради. Душман эса сенинг ҳалок бўлишингни ўйлаб, маслаҳат беради. Ҳасадчи қўлингдаги молу мулкингни совурилишини истайди. Риёли киши эса сени қандай қилиб бўлса-да нимани хоҳлаётган бўлсанг, ўшани қилаверишга ундайди. Молпарастнинг фикри-зикри мол йиғиш бўлгани учун берган маслаҳати орқали бирор нарса ундириб олишга уринади. Ҳою-ҳавасга интилган нафс бандаси эса ўзининг нуқсонли ақли билан кишининг тўғри фикридан чалғитади. Шунингдек, "очнинг қорнини тўйдирмай туриб, ташнанинг чанқоғини қондирмай туриб, асир одамни озод этмай туриб, камбағалнинг ҳожатини чиқармай туриб, бирор иш юзасидан маслаҳату машварат қилма" ҳам дейдилар.

Ривоят қилишларича, бир йигитнинг отаси бевақт вафот этиб қолибди. Йигит ёш, тажрибасиз бўлганлиги учун бу мусибатдан не қилишини билмай довдираб қолибди. Шунда калондимоғ, бу оилани азалдан кўролмайдиган, фараз мақсадли бир кўшнисини унга ўзини яқин қилиб кўрсатиб шундай дебди:

– Отанг обрўли, эл таниган одам эди. Энди сен унинг обрўйини сақлаган ҳолда сўнги йўлга кузатгин. Жанозага келганларнинг ҳар бирига биттадан қийиқчанинг учига ўн-ўн беш минг сўмдан пул тугиб тарқат. Жаноза ўқиган домла, гўрков ва ғас-солдан ҳам пулингни аяма. Токи улар отангнинг руҳи покига бағишлаб дуоларини қанда қилишмасин. Ҳар пайшанбалик учун биттадан қўй сўй. Йигирма, қирқ, йилоши каби маросимларида ҳам зиқналик қилма. Анов молхонангдаги уч буқани шу уч маросим учун бағишлаб юбор. Шундай қилсанг отангнинг руҳларини шод этган бўласан!

Бу гапларни эшитган йигит:

– Отам учун ҳар қанча сарф бўлса тайёрман. Бироқ менда сиз айтгандек дабдабали маросимлар учун етадиган маблағим йўқ-ку, — деса, у:

— Ҳай-ҳай, бундоқ дема! Уят бўлади-я, уят! Эси бут фарзанд отасининг дафн маросимлари учун пулни қизганмайди.

— Ахир. мол-қўйларни-ку сўярмиз. Лекин бошқа сарфларга қаёқдан пул топаман?

— Топгин-да, бирор қариндош-уруғингдан қарз кўтар. Беришар, ахир! Агар улар беришмаса, мана, мен турибман. Ҳар қанча қарз сўрасанг топиб бераман. Пул кетса кетсин, обрў кетмасин, отангининг руҳи чирқирамасин.

Йигит кекса қўшнисининг маслаҳатига амал қилиб, дафн маросимларини дабдабали қилиб ўтказибдию, аммо бўйнигача қарзга ботиб кетибди. Оиласида ўзидан бошқа ишга яроқли одам йўқ. Бир ўзининг ишлаб топгани егулигу кийгуликка аранг етармиш. Бу кўргиликларга чидай олмаган шўрлик онаси ҳам касал бўлиб, тўшакка михланиб қолибди. Бемор онасию тўрт нафар норасида укаларини боқолмай боши қотиб турган йигитга ўлганин устига тепган қабилида иш тутиб, қарз берган қўшниси уларга қўмак бериш у ёқда турсин, берган қарзини сўраб келавериб йигит бечорани ҳоли жонига қўймасмиш. Йигит унга:

— Шошманг, ахир, ҳозирча пулим йўқлигини биласиз-ку! Сабр қилиб туринг, пул топишим билан энг аввал сиздан олган қарзларимни тўлайман, — деса ҳам қўшниси кўнмай:

— Мен сенинг қачон пул топишингни билмайман, қарз олдингми, энди тўлашинг керак, ҳозироқ тўлаб қўй, деб туриб олибди. Ҳатто "агар тўлолмасанг, уй-жойингни менинг номимга ўтказдириб бер" деб дўқ-пўписа ҳам қилаверишдан тоймабди.

Кўрдингизми, болаларим, кишининг бошига мусибат тушганида ундан ғаразли мақсадини амалга ошириш учун фойдаланиб қолмоқчи бўладиганлар ҳам учраб туради. Улардан эҳтиёт бўлинг. Шунинг учун ҳам бир киши билан эмас, кўпчилик билан кенгашинг. Лекин ўз ақлингизни ишлатиб ишга киришинг. Дўстларингиз сизнинг фойдангизни ўйлаб, душманларингиз эса зарарингизни кўзлаб маслаҳат беради. Буни ҳеч қачон унутманг.

*Маслаҳати дўстларнинг ҳикмат,
Кенгашсиз тўй тарқамас дерлар.
Бироқ ёвлар топсалар фурсат,
Маслаҳат деб бошингни ерлар.*

* * *

Дўстлар

*Меҳрибонсиз, меҳрингиз ҳар лаҳза дарё, дўстлар,
Яхши ниятли, жасоратли, мусаффо дўстлар,
Сухбатингиз ҳам ширин, кўнгилга оро, дўстлар,
Сиз туфайли барча истаклар муҳайё, дўстлар,
Текса ёстиққа бошим теппамда пайдо, дўстлар.*

*Гар ўзимни қуш десам қўш қанотимсиз менинг,
Сизга термулгим ҳамиша, коинотимсиз менинг,
Бору йўғимдир ўзингиз, бор бисотимсиз менинг,
Шухратим, шоним, ғурурим, саботимсиз менинг,
Не учун дил бўлмасин сизларга шайдо, дўстлар.*

*Кўп аҳилмиз, шу аҳиллик бир умр этсин давом,
Битта нон топсак агар тенгдан бўлиб ермиз мудом,
Ажрамасмиз умримиз кундузми, тунми ёки шом,
Этни тирноқдан жудо этмас киши, хуллас калом
Ҳамжиҳатмиз, бунда кўп хислат ва маъно, дўстлар.*

*Ёлғиз отнинг чанги чиққай, донғи чиқмас ҳеч қачон,
Ким бўлинса бўрига ем бўлғусидир бегумон,
Қўлни қўлга берса ким мушкулни айлар энсон,
Бирлашиб учсак агар бизларникидир осмон,
Мағлуб этмас ҳеч киши ҳам енга олмас, дўстлар.*

*Кимки ёлғиз, якка бўлса яккамоҳхов дейдилар,
Катта, улкан ишга кўнгли бермагай дов дейдилар,
Кўпчиликдан, лек қутилмас қочса ҳам ов дейдилар,
Кимки дўстлик риштасини узса у ёв дейдилар,
Бадфеълу бадбахт эрур ким қилса ғавғо, дўстлар,*

*Ошинолик бўлса дил тўқ, хотиринг ҳар лаҳза жам,
Ошинолик бўлса бутлик, бўлмагай рўзғорда кам,
Ошинолик бўлса ёр ҳам айлагай лутфу карам,
Ошинолик бўлса тинчлик устивор оламда ҳам,
Дер Калоний: ушбу шеърим сизга савғо, дўстлар.*

БАХИЛ БЎЛМА, ҲАСАД ҚИЛМА

Эй жигаргўшаларим, халқимизнинг "Ема, ичма, бўл бахил, бой бўлмасанг мен кафил" деган кинояли мақоли бор. Бунинг мағзини чақинг. Бой бўламан деб бахилликни шиор қилманг. Бахил киши топган мол-дунёсига жон-дили билан ёпишиб олиб, ейиш-ичиш учун ҳам сарфлашни хуш кўрмайди. Озиқ-овқатларнинг янги ва хуштаъмларини харид қилишга маблағи етса ҳам арзон деб эски ва бемазасини сотиб олади. Худди шундай либосларнинг ҳам эски-тускисини кийиб юраверади. Янгисини сотиб олиш учун пулни қизғанади. Уй-жойини таъмирлаб дилкаш ва хушхаво қилишни ҳам сарф бўлади, деб хоҳламайди. Зах ва қоронғу бўлса ҳам, деворлари нураб вайронага айланиб кетса ҳам ҳеч қандай уялмай яшайверади.

Сиз бундайлардан жирканинг. Ҳасад ва бахиллик дардига чалиниб қолишдан асранинг. Иложи борича ўзгаларга, аввало яқин одамларингизга кўмакка шошилинг. Зиқна ва ҳасадчилар эл орасида обрў қозонган эмас, аксинча шармандаи шармисор бўлиб, назардан қолган, хор-зорликка мубтало бўлган.

Мол-мулк орттирсангиз уни сарфланг, бекордан бекорга сақлаб ётманг. Уни фойдали ишларга харж қилинг. Эси паст одамларгина бойликларидан ўзлари фойдаланмайдилар. Минг азобу машаққат чекиб, бойлик йиғаверадилар. Бундай одамларни ҳиндлар киноя билан "сахий одамлар" дейишаркан. Боиси улар бойликларини ўзлари еб-ичмай, яқин кишилари, ҳатто оила аъзоларига ҳам едирмай бир куни ажал ёқаларидан тугганида етти ёт бегоналарга қолдириб кетадилар-да! Бундай бахиллар ҳақида Муҳаммад Зейний "Бахил киши мол-мулкининг қоравули ва ўзгаларга қолдирадиган мероснинг хазиначисидир", деб жуда тўғри, жуда топиб айтган.

Бу олам одамларининг энг ёмони ўз аҳли аёлига ҳам бахиллик ва қизғанчиқлик қиладиганларидир. Норасолар бора-бора бахилликлари сабаб яхшиликни кўролмайдиган, ёмонликни эса ёқтирадиган бўлиб қоладилар. Уларнинг кўзларига ҳамма ёмон бўлиб кўринаверади.

Араблар "бахиллик оловдир" дейдилар. Ҳар қандай оловни ўчириш мумкин. Бироқ бахиллик оловини ўчириб бўлмайди. У эгасини куйдириб, кул қилади. Шунинг учун ҳам бахилнинг ўз дарди ўзига етади, унинг учун дунёда роҳат йўқ, дейдилар.

Ривоят қилишларича араблар бирор кишини бахилликда айбламоқчи бўлсалар, уни Нодир бахил дейишаркан. Бу иборанинг келиб чиқишига Нодир исмли киши сабаб бўлиб, унинг тарихи қуйидагича экан:

Бани Ҳилол қавми орасида Нодир исмли киши бўлиб, у бахилликда маълум ва машҳур бўлган экан. У ҳар куни ўз туяларини суғориш учун қудуқдан сув тортиб олар, қудуқ ёнидаги ҳовузчага қуйиб суғорар ва туялардан ортганини ҳовуздан яна қайтариб олиб, далага сепиб юборар ёки ортиқча сувни ифлослатиб қўяр экан. У мен қудуқдан чиқарган сувдан бошқалар туясини суғориб олмасин деб шундай қилар экан. Нодир бахил бир кун ё икки кун эмас, ҳар куни шу одатини такрорлайверар экан. Унинг яна бир антиқа қилиғи бўлиб, туялари тезагини вақт ўтказмай тезлик билан тупроққа қориштириб ташлар экан. Чунки тезакдан бошқалар ўтин сифатида фойдаланиб қолишларини хоҳламас экан. Шунинг учун уни "Нодир бахил" дейишаркан. Ўша даврдан бошлаб ким бахил бўлса уни "Нодир бахил" дейиш одат тусига кириб қолган экан.

Эй фарзандларим, бизнинг халқимиз "бахил боғи кўкармас", дейди. Бахиллик ва ҳасад билан ҳеч ким ҳеч қачон мартаба қозона олмайди. У шундай улкан балоки, ундан фисқу фасодлар юзага келади. Шунинг учун ҳам бу дардга чалинган одамлардан йироқ юринг, юзига қарасангиз сизлар ҳам бағритош бўлиб қолишингиз мумкин. Ҳавасманд ва саховатли одамлар олижаноб бўладилар. Ўзларига нисбатан одамларда меҳру мурувват уйғота оладилар. Бахил ва ҳасадчилар эса бегоналар у ёқда турсин, ҳатто дўстларида ҳам ўзларига нисбатан нафрат оловини аланга олдирадилар.

Бахиллик ва ҳасад бедаво дард. Унга чалинган одам ўлмасдан қутулолмайди.

Муҳаммад Жабалрудийнинг ривоят қилишича Лоҳур шаҳрида бир илмли киши бўлиб, у ўтакетган хасис экан. Тийинлаб пул тўплар, лекин ҳаттоки ўзи тузукроқ ейиш учун ҳам оғринар экан. У жон берса берар экану, аммо бировга нон бермас экан. Топган олтинларини ниҳоятда пинҳон тутар, улардан айрилиб қоламанми деб доимо жонини ҳовучлаб яшар экан. Айёрликда қирқни қирқ ёрадиган шогирди бўлиб, ўз хўжайинининг олтинларидан воқиф экан. У қандай қилиб бўлмасин ўша олтинларни қўлга киритишга уринар, аммо очкўз хўжайинини алдашга ожизлик қиларкан.

Орадан йиллар ўтиб, хўжайини касалликка чалиниб қолибди.

Ўлиши муқаррарлигини билгач, олтинларини кўзи қиймагани учун бола-чақа қилишдан ҳам кечган хўжайини нима қилишини билмай қолибди. Сўнг бошқа чора тополмай йиққан олтинларини бирма-бир юта бошлабди. Ҳаммасини ютиб бўлгач жон таслим қилибди.

Унинг ўлганини эшитган одамлар йиғилиб, кўмиш чорасини кўрибдилар. Ўзаро пул тўплашиб, барча маросимларини адо этишибди. Орадан бир оз вақт ўтгач, шогирди хўжайинининг уй ва ҳовлиларини қидириб, олтинларни топа олмай боши қотиб, ўйга толибди. Ўйлай-ўйлай ниҳоят ўзича "хўжайин олтинларини ҳеч қаёққа олиб бормаган, унинг на қариндоши ва на хотини бор эди. Шундай бўлгач олтинлари уйида бўлиши керак эди. Лекин ҳамма ёқни остин-устун қилиб чиқсам ҳам топмадим. Энди нима қилиш керак? Шунча айёрлигим билан наҳотки хўжайинимнинг хазинасини топа олмасам? — дебди. У қидира -қидира топа олмагач, хўжайиним олтинларни ўзи билан қабрига олиб кетган деган хулосага келибди. Ярим тунда тўғри гўристонга бориб қабрни очиб, жасаднинг қорнини ёрибди ва ҳамма олтинларни йиғиб олибди.

Эй фарзандларим, бахиллик ва ҳасад иллатига чалинмаслик чорасини кўриб яшанг. Ҳасад бойликнинг уйини ёндирса, бахиллик иззат чаманини пайҳон қилади. Одам ҳар қанча бой-бадавлат бўлса ҳам бахил ва ҳасадгўй бўлса ҳеч қачон обрў-этибор қозонолмайди. Одамлар унга ҳурмат кўзи билан эмас, нафрат ва ғазаб кўзи билан қарайдилар. Унинг ўзи ҳам ҳеч қачон одамлардан яхшилик кутмайдиган бўлиб қолади, шод ва хушҳолликларини асло кўра олмайди, доимо ўзгалар роҳатидан азоб чекади. Шунинг учун ҳам бахил ва ҳасадчи киши қадрини йўқотади, ўзини ўзи фалокатларга дучор этади. Илоҳим сизни бу дарди бедоволардан яратган Эгамнинг ўзи асрасин!

*Ҳасад ва бахиллик мисоли қабр,
Унда на чирой бор, на зарра зиё.
Уларга дуч келиб, бўлма беқадр,
Ҳар икки дунёнгни айлама адо!*

* * *

Ҳасадгўй

Куз тўкди дарахтлар балдоқларини,
Ели тўкди шохлар япроқларини.
Совуғи чимчилар бутоқларини,
Ҳасадгўй кузга ҳам ҳасад бошлади.

Қиш келди заминни муз қоплаб олди,
Изғирин қаҳридан табиат толди.
Она табиатнинг кўрки йўқолди,
Ҳасадгўй музга ҳам ҳасад бошлади.

Юлдузнинг манглайи шўр экан ғоят,
Бошига ёғилди таъна, маломат.
Чидолмай жонидан тўйди ниҳоят,
Ҳасадгўй тузга ҳам ҳасад бошлади.

Нечунким куз ёзни йўқ қилиб кетди,
Нечунким муз кузни йўқ қилиб кетди.
Туз ҳам бир юлдузни йўқ қилиб кетди,
Ҳасадгўй шу боис ҳасад бошлади.

Ўз ўрнингни топ

Дунёда ҳар кимнинг ўз ўрни бордир,
Алининг ўрнини Вали ололмас,
Биров умр йўли бировга тордир,
Биров солган дамни биров сололмас.

Булбулдек бўлолмас қарға ҳеч сайрон,
Булбул жуссаси ҳам қарғачаликмас.
Бойўғли маскани вайрона ҳар он,
Тўтининг маскани торгина қафас.

Бас шундоқ, эй одам, мулоҳаза қил,
Ҳаётда ўз ўрнинг билиб, топиб ол.
Ўзингдан пастларни назарингга ил,
Ўзингдан юксакка ҳавас қилиб қол

ТАЪМАГИРДА ИНСОФ БЎЛМАС

Эй азиз фарзандларим, инсон орзулари ҳар қанча юксак бўлса ҳам борига қаноат қилиб яшаши керак. Акс ҳолда у одамларга таъма кўзи билан боқадиган бўлиб қолади. Бордию эришиш мушкул бўлган катта бойликларнинг изига тушса, машаққатли меҳнат қопқонига илиниб, инон-ихтиёридан маҳрум бўлади. Натижада эл назаридан қолиб, надомат ва маломат тўфонига дучор бўлади. Шунини унутмаслик керакки, таъма барча балоларни келтириб чиқарувчи ва турфа кулфатларни кўзгатувчи воситадир. Агар балиқлар одамлар ташлаган хўракка таъма назарини ташламасалар, қармоққа илиниб, ёғда қовурилмас эдилар. Одам боласи ҳам худди шундай таъмагирлик дардига чалинса хорлик ботқоғига ботиб кетади. Муҳаммад Заминдорнинг фикрларича "Қайси бир дил бўлмасин агар унда таъма тўлқини бор бўлса у доимо домга тушиш хавфида бўлади. Таъма гафлат деворининг пушти паноҳи, ботил андишалар денгизининг ғаввоси. Агар киши таъма ипига илинса бало чоҳига қулайди".

Таъмагирлик ярамас хулқ бўлиб, унга йўлиққан киши баландпарвоз орзуларини рўёбга чиқариш учун турли қабиҳликлардан ҳам қайтмайди, гуноҳ ишларга қўл уришдан ҳам чўчимайди, ҳар хил ҳийлаю найрангларни ўйлаб топади ва ҳаромхўрга айланади. У гарчи бахту саодатларга салтанату маблағ орқали эришилади деб ўйласа ҳам амалда унга ҳеч қачон эришолмай, кундан кунга муҳтожлашиб бораверади. Бойлик ҳеч қачон инсониятни ҳақиқий саодатга етказолмайди. Таъма орқали йиғилган мол-мулк таъмагирнинг ўзигагина эмас, ҳатто меросхўрлари учун ҳам беҳосият бўлиб, уларни ҳам эзгу фазилатлардан жудо қилади.

Шунинг учун ҳам киши ҳеч қачон таъмагир бўлмаслиги керак. Акс ҳолда бошига таънадан бало-қазолар ёғилаверади. Инсон ўзи таъмагирлик қилмагани устига таъмагирларга яқин юрмаслиги, улар билан мулоқотларга ҳам киришмаслиги даркор. Юсуф хос Ҳожиб бобомиз:

Таъмагир билан асло яқин бўлма,

Шубҳасиз у сенга душман бўлади, — деб сабоқ бериб кетганлар.

Муҳаммад Жабалрудийнинг ривоят қилишича бир шаҳарнинг атрофидаги далада кўйлар отари бўлиб, чўпон ўз кўйларини кўриқлаш мақсадида итини посбон қилиб тайинлабди. Ит со-

диқлик билан қўйларни қўриқлар, ҳеч бир жонзотни уларга яқинлаштирмас экан.

Кунларнинг бирида далага яқин тоғда тулки ит билан тил топишиб қолибди. Тулки итга иккиюзламачилик қилар, итнинг кўнглида эса, у билан айшу ишрат қилиш таъмаси жўш ураб экан. Ит шу таъма туфайли тулкига ҳар кун биттадан қўзи инъом қиладиган бўлибди.

Қўйларнинг камайиб бораётганини сезган чўпон бир куни ўзича: "Садоқатли итим бўлса-ю, нега бундай ҳол рўй беряпти?" деб ўйлаб пойлашга тушибди. Воқеадан хабар топгач "Ўзингдан чиққан балога қайга борай давога, тулки итни йўлдан урибди", дебди ва итидан ўч олибди. Кўрдингизми, болаларим, таъма инсонларнигина эмас, ҳатто ҳайвонларни ҳам йўлдан оздирар экан. Шунинг учун имкони борича таъма домига тушмасликка урининг.

Ҳаёсизда имон бўлмаганидек, таъмагирда инсоф бўлмайди. У шармандалиқдан ор қилмайди, ўзи қўл ураётган ишнинг ножўялигини тан олмайди, хато қилганини билмайди, ўтакетган пасткаш бўлади. Шунинг учун Бархурдор ибн Маҳмуд куйидаги гапларни ёзиб қолдирган:

Парҳезлик бўстониининг гуллари ҳидидан фаросат бурни билан ҳидлай оладиган ҳар бир киши туғён ва ёмонлик манзилларининг энг аввали бўлган ҳирс ва таъманинг тиконзор даласига азм этишни асло ихтиёр қилмасин! Ўз уйининг маъмур ва молининг сероб бўлиши учун иблис фирибига учиб, бировларнинг майшат қасрини хароб этишга уринмасин!

Шундоқ, фарзандларим, таъма бойликка бўлган муҳаббат ва нафсониятнинг маҳсули ҳамда эгрилик ва хиёнатнинг мулозими. У шундай ярамас иллатки, кишиларга хорлик ва расволик келтиради. Ундан қочмоқ сарафрозлик кўчасига кириш билан баробардир.

*Таъма назари-ла боқса дунёга,
Бундан кўра басир бўлгани маъқул.
Таъмагир беҳишда сиғмас ҳеч жога,
Унда ҳаё йўқдир, у нафсига қул!*

"Йўталмайсиз"

(Бир ашаддий порахўрнинг айтганлари)

*Келарсиз илтимос бирла, бироқ бурро "йўталмайсиз",
Мўмай пулдан қилиб киссамга мундоқ жо, "йўталмайсиз".
Ахир қарсак деган сас ҳам чиқар бирлашса икки қўл,
Қурумсоқликда оламда бўлиб танҳо "йўталмайсиз".
"Йўталсангиз, уриб хандон томоқ қирмоққа ҳозирман,
Вале сўм, рублу долларга мен ошно "йўталмайсиз".
Ўшал ошноларим бирлан кўришсам ҳимматим ошгай,
Саховатда камина шул замон якто, "йўталмайсиз".
Ҳузуримга чопиб қатнайвериб юз туфли йиртдингиз,
Ҳориб толмас одамлардан экансиз ё, "йўталмайсиз".
"Нечун виждонни кўп қийнаб "йўталгайман" деманг ҳаргиз,
Ишингиз жобажо бўлгай, сира бежо "йўталмайсиз".
"Йўталмоқдан уялманг ҳеч, "йўтал айланг, "йўтал" айланг,
Менинг кўнглим "йўталган"ларгадир шайдо, "йўталмайсиз".
Бирор кор бирла келганлар илоҳим "кўкйўтал" бўлсин,
"Йўталлардан дилим, жоним топар оро, "йўталмайсиз".
Калоний, ушбу ҳажвимнинг ўқиб маънисини чаққач,
Одамларга хитоб айлаб дегай: асло "йўталмайсиз".*

ТАОМ ЕЙИШ ОДОБИ

Эй фарзандларим, бугун сизларга донишмандларнинг таом ейиш одоби ҳақидаги ўғитларини айтиб бераман. Уларнинг айтишларича одамзот меъёридан кўп ҳам, оз ҳам овқат емагани маъқул. Шунингдек, тўқ пайтида зўрма-зўраки ва ниҳоятда оч пайтида бирданига кўп ейиши ҳам кони зарар. Таомни вақтида, яъни эҳтиёж туғилган, иштаҳа очилган пайтда ейиш талаб этилади. Шундай қилинганида кишининг саломатлигига зарар етмай, у шифокорларга мурожаат қилмайди. Абул Аббос ҳазратлари "очликдан бетоқат бўлмагунимча сира таом емадим. Шунинг учун табибга ҳеч ишим тушмади" деган эканлар.

Одамзот ейдиган овқат ҳалол ва тотли бўлса ҳам кўп еб қўймаслиги керак. Агар кўп еб қўйса киши безовталанади, ҳатто бўкиб ўлиб қолиши ҳам мумкин. Абу Жаъфар "Ошқозон ажаб аъзодирки, оч қўйган саринг тўқлиги ошади, тўйдирган саринг очлиги кўпаяди!" деганлар. Бошқа бир манбада қайд этилишича "Киши

саломатлигининг сусайишига сабаб ўз мижозига ёқмайдиган таомни ейишида бўлади. Кам овқат ейиш билан даволаниш барча овқатлардан афзалдир" дейилади.

Еб-ичиш қоидалари дастурхон атрофига ўтиришдан аввал қўл ювишдан бошланиб, овқатни еб бўлгандан кейин яна қўл ювиш билан якунланади. Агар у уй эгаси бўлса, овқатланишдан сўнгги қўл ювишни ҳаммадан кейин амалга оширади. Бунинг сабаби кечиккан ёки тасодифан келиб қолган киши билан овқат ейишни давом эттириш кераклигида. Негаки янги келган одам бир ўзи овқат егани уялмасин.

Овқат ейиш учун ўтиришда уйнинг тўрига аввало доно ва олим кишилар таклиф этиладилар. Улардан кейин ёши, илми жиҳатидан юқорида ўтирганларга яқинроқ кишиларга марҳамат қилинади. Бордию ўрта ва охириги даражада бўлган кишилар юқорига ўтиб қолган бўлсалар, уларни хушмуомилалик билан турғазиш ва ёши ҳамда илми жиҳатидан устун кишиларни юқорига ўтказиш мумкин ҳисобланади.

Дастурхон атрофида яхши кишилар ва эзгу ишлар ҳақида гаплашиб ўтириш, кўнгилни айнитадиган овқат ёки ишлар хусусида сўз очмаслик мақсадга мувофиқдир.

Меваларни ейишдан олдин уни яхшилаб ювиш керак. Чунки унга жонивор ва бошқа зарарли ҳашаротлар кўнган, чанг-чунг юққан бўлиши мумкин. Агар у ювилмай ейилса киши касалланиб қолиши мумкин.

Дастурхон атрофида ўтирганлар одамгарчилик юзасидан овқатга бир-бирларидан аввал қўл узатишдан ўзларини тийишлари, аксинча ўзлари таклиф ва илтифот юзасидан ҳаракат қилишлари лозим. Ким ёш жиҳатидан кичик бўлса ёши каттароғи овқатга қўл узатгунича сабр қилмоғи даркор. Шундай қилса ахлоқ қоидаларига мос иш қилган бўлади.

Овқатни кичик-кичик олиш, яхшилаб чайнаб ютгандан кейингина бошқа луқмага қўл узатиш керак. Одатда овқатни фақат ўз олдидан олинади, бошқалар томонга қўл чўзилмайди. Таом ейиладиган пайтда одам ўз олдига қараб ўтириши, бошқаларнинг овқат олиши ва ейишига қарамаслиги даркор. Косадан овқат ейиладиганда овозини чиқармаслиги, қошиқни идишга уриб тарақлатмаслиги керак. Овқатни иссиқ ҳолда емаслик, уни пуфлаб совутмаслик ҳам одоб белгиларидан. Чунки, пуфлаганда оғиздан тупук чиқиб кетиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас-да!

Дастурхонга тансиқ таом қўйилган бўлса-ю, оз бўлса, унга хирс билан ташланиш одобдан эмас. Тансиқ таомни илтифот юзасидан бошқаларга ҳавола этмоқ одобдандир. Оғзига солинган овқатдан суяк ёки бошқа бирор нохуш нарса чиқиб қолса унга ўзгаларнинг диққатини жалб қилмасдан, астагина бекитиб олиш яхши фазилатлардан ҳисобланади. Бошқаларнинг иштаҳасини бузадиган ҳаракатлардан тийилиш ҳам яхшилик аломатидан. Оғизга ва қўлга олган таомни қайтариб идишга солиш яхшимас.

Шунингдек, дастурхондаги таомларни ҳидламаслик ва тишлаб қўймаслик керак. Шундай ҳаракатлар қилиш керакки, ортиб қолган овқатни бошқалар кўнгли тусаб ея олсин. Киши меҳмон бўлса қўлини мезбондан олдин, мезбон бўлса меҳмондан кейин артсин. Чунки меҳмонларнинг бирортасида ейишни давом эттириш нияти бўлса уялиб тўхтатмасин. Бошқалар овқат еяётганда тиш ковлаш ҳам одобдан эмас.

Овқат еяётганда ёки чой ичаётганда оҳисталик ва эҳтиёткорлик шиор бўлсин. Токи кишилар унинг оғзи ёки халқумининг овозини эшитмасин. Киши ҳар қанча оч бўлса ҳам бири-бири билан "чиқишмайдиган" овқатларни қўшиб ейиш саломатлиги учун хавфли эканлигини эсдан чиқармаслиги шарт.

Абулбаракот Қодирийнинг ривоят қилишича бир табиб бир кишининг бир-бири билан "чиқишмайдиган" икки хил овқатни қўшиб еяётганини кўриб, унга:

— Бу икки овқатни аралаштириб ема, улар қорнингга тушгач ўзаро келишолмай жанг пайдо қилишади, — дебди.

Аммо ул киши табибнинг бу гапига парво қилмай ейишни давом эттираверибди. Эртасига эса касал бўлиб ўша табибнинг олдига борибди. Табиб унга:

— Бу икки овқатни қўшиб ема, улар қорнингда келишолмайди, деб айтган эдим-ку, — дебди.

— Йўқ, — дебди бемор. — Бу гапингиз нотўғри. Улар келишишга жуда яхши келишиб олишиб, энди мени оёқдан қулатиш ҳақида иш олиб боришяпти!

Эй фарзандларим, овқатланишнинг барча қоидаларига амал қилган одам эътибор қозонади, назардан қолмайди, кўп ва соғлом яшайди. Олимларнинг фикрича меъда қозонга ўхшайди ва у доим юрак остида қайнаб туради. Ундан чиққан ҳарорат ва буғ юракка таъсир қилиб, унда бузилишни юзага келтиради. Бошқа бир тоифа олимларнинг қайд этишларича мия гўёки бир уй бўлиб,

ақл эса уни ёритгувчи чироғдир. Меъдадан ҳосил бўлган буғ кучи мияга етгач ақл чироғининг нури пасаяди. Ҳаддан зиёд кўп ейишдан ваҳима ва касаллик кўпайиб, фаҳму фаросат пасаяди ҳам дейишади. Шундан бўлса керак, олимлар "Кўп ейиш зийраклик ва доноликни йўқотади, ақлни ёмонлик томонга ўзгартиради" деган хулосага келганлар.

Кўп ейиш тана оғирлигининг ошишига олиб келади ва баданни сушлаштиради. Натижада уйқусизлик юзага келади. Шунинг учун оқиллар "Кўп едингми, ўзингни қотган деб ҳисобла" деганлар. Бироқ кўп ейиш зарар экан деб жуда оз ейишга ҳам ҳаракат қилмаслик керак. Акс ҳолда киши ҳаддан зиёд озиб, камқувват, камқонлик касалликларига дучор бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Халқимиз "Бўш қоп тик турмайди" деб бежиз айтмаган-да! Шунинг учун ҳам ҳар бир киши шифокорлар маслаҳатига амал қилган ҳолда, ахлоқ-одоб қоидаларига мувофиқ эҳтиёжига яраша овқатланиши керак.

*Оз есанг чўпакдек озиб кетасан,
Кўп есанг семириб кетасан жуда.
Оз ёки кўп дебон, ахир, нетасан,
Меърида есанг қулайи шу-да!*

БЎЛАЖАК КЕЛИНЧАККА ЎГИТЛАР

Она қизларим, эрка қизларим, халқимиз "қиз бола бировнинг ҳасми" дейди. Чиндан ҳам шундай. Сизларни биз ота-онангиз гард юқтирмай асраб-авайлаб ўстирдик. Кези келса эркаладик, эркалигингизни кўтардик. Шу билан биргаликда келажакда оқида аёл бўлишингизни кўзлаб тарбия бердик. Қалбингизни ахлоқ-одоб, илму маърифат нурлари билан ёритдик. Энди улғайдингиз. Эртами-индинми тенгингиз топилса турмушга узатамиз. Бир кунда ўзингиз учун бутунлай нотаниш бўлган бошқа хонадонга бориб қоласиз. Шунда энг аввало қайнота-қайнонанингизни ўз ота-онангиздек билинг, ҳурматларини жойига қўйинг. Шунинг унутмангки, билимли, ҳаёли ва виждонли оилада камол топган бокира қиз бошқа хонадонга келин бўлиб тушганида ўзи тушган хонадон аъзоларига меҳр-муҳаббат қўяди, улар билан тинч ва осуда, тотли ҳаёт қуришга муяссар бўлади.

Шунинг унутмангки, қизларим, аёл зотига хос бўлган энг гўзал

ва қадрли безак иффатдир. Иффати йўқ аёл нурсиз, яланғоч бир гавдадан бошқа нарса эмас. Иффатини сақлашга уринмаган аёл ҳеч қачон муҳаббат ва илтифотга сазовор бўлмайди ва унга лойиқ ҳам кўрилмайди. Иффатли аёл гарчи камбағал бўлса-да, маънавий жиҳатдан бадавлатдир. Иффатсиз аёллар қанчалик бадавлат бўлмасин, эл назарида фақир ва беҳурмат ҳисобланадилар. Бўйнига тақилган маржон, қўл ва кўкракларига тақилган олтину гавҳарлар, сандиқ тўла пуллар билан ҳам иффатни сотиб олиб бўлмайди. Иффат шундай зўр бойликки, унинг ҳаргиз баҳоси йўқ. Иффатнинг нақадар буюк фазилатларга эга эканлигини унинг таркибига кирган поклик, қаноат, очиқ юзлилик, саховат ва шошмаслик каби фазилатларидан ҳам билса бўлади.

Шуни ҳаргиз унутмангки, эр билан тинч-тотув яшашнинг муҳим шартларидан яна бири эрни ўзига ром қилиш учун ҳамиша ўз баданини озода тутиши, либосларини ҳамиша покиза қилиб юриши, сочларини тартибга солиб, уларга оро бериб юриши лозим. Шу ўринда бир оқила аёлнинг ўз қизини куёвга узатаётганида айтган гапларини келтириб ўтиш фойдадан холи эмас. У ўз қизига шундай насиҳат қилган экан:

— Эй қизим, сен ўз ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш бир хонадонга тушмоқдасан. Сен у хонадонда ўзингни ер каби камтарин тутсанг, улар осмон каби олижаноб бўладилар. Осмон шифоли ёмғири билан ерни кўқартиргани каби улар ҳам ўз меҳру шафқатлари билан сени хушнуд этадилар. Бордию сен у хонадонда канизак бўлсанг, улар сенга кул бўлишади.

Қизим, эрингдан кучи етмайдиган ва сотиб олишга қурби етмайдиган нарсаларни талаб қилма. Агар шундай қилсанг, орадаги тотувлик йўқолади, турли жанжаллар келиб чиқади. Ўзингга хушбўй нарсалар билан оро бер, нохуш ҳидлардан сақлан. Рўзғор тутишда ҳам покизалик ҳамиша йўлдошинг бўлсин. Ўзингни аччиқ, пичинг сўзларни айтишдан тий. Тилингни ширин қил. Эринг сендан фақат юмшоқ ва ширин сўзларнигина эшитсин. Ярашмайдиган, эски либосларда ёки юзларингга оро бермаган ва сочларингни тартибга солмаган ҳолда унинг олдида ўтирма.

Оқила аёллар ҳамиша садоқатли эрларининг кўмақдоши бўладилар. Эрларининг сўзларини ҳеч вақт ерда қолдирмайдилар. Унга менсимасдан қарамайдилар, ҳар бир ишда қўллаб-қувватлайдилар. Аммо оқила аёл эрига итоат қилиши керак экан деб, эр бошлаган ҳар хил қабиҳ йўлларга юравермасликлари, аксинча

уни ёмон ва қабиҳ жинойтга олиб борадиган йўллардан қайтаришлари керак.

Бадхулқ ва беъмани эрга учраган аёлнинг асосий вазифаси шундан иборатки, у бор кучини сарфлаб, эрининг нотўғри йўлдан кетаётганини тушунтириши, унга насиҳат қилиши, барча чоратадбирларни қўллаганда ҳам эрининг тузалишига ишончи қолмагач, ундан кўнгил узиши, қутулиш йўлини қидириши керак.

Тажрибалардан маълум бўлишича, чиройли хулққа эга бўлган аёлларнинг эрлари ҳам шундай хулққа эга бўладилар. Аксинча ёмон хулқли аёлларнинг эрлари ҳам худди уларнинг ўзларига ўхшаб ёмон хулқли бўлиб, уларда ёвузлик хислатлари пайдо бўлиб, бошқалар билан ҳам кўпол муомалада бўладилар.

Оилавий масалада эр билан хотин ўртасида тотувлик, маслаҳатлашиб иш тутиш бўлмаса, бундай оила азоб ва машаққат масканига айланади. Натижада бундай оиладан лаззат юз ўгиради, роҳат қочади, тинчлик ва осойишталик йўқолади. Оила аъзолари ўртасида уриш ва жанжал чиқмаслигининг олдини олиш аёлларнинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Эр билан муроса ва мадора йўлини тутиш учун аёлларга қуйидаги икки нарсага оғишмай амал қилиш зарур бўлади:

Биринчиси, эрнинг табиатини, мижозини ва хулқини билиш, шунга қараб муомала қилиш, масалан, эр нимадан кўпроқ хурсанд бўлса, ўшани қилишга уриниш, қандай нарса гашини келтирса, уни қилмасликка уриниш зарур. Эрнинг ҳаракатларини билиш ва унга асосланиб иш юритиш тотувликни келтириб чиқарадиган омиллардандир. Иккинчиси, вафодор, садоқатли ва ишбилармон аёллар ҳақидаги ҳикоя, шеър ва достонларни кўп ўқиши, хулқсиз ва беҳаё аёлларнинг қилмишлари ва унинг оқибатида турли хил балоларга гирифтор бўлганликлари тўғрисидаги воқеалардан ибрат ва хулоса чиқара олишлари керак бўлади.

Энг яхши аёллар шундай аёлларки, соғлом фарзандлар туғиб, уларни боодоб қилиб тарбиялайдилар. Эрларининг майдачуйда иллатларини баҳона қилиб, жанжал чиқаравермай, у билан муроса қилиб яшайдилар. Эрлари нимани совға қилса уни камситмай, юқори баҳолаб, очик чеҳра билан қабул қиладилар, миннатдорчилик изҳор этадилар. Ҳар доим эрларининг кўнглини олиб, унинг муҳаббат қушини табассум ва эзгу ишлари билан сайд этадилар. Айниқса эрларининг топганини асрававайлаб, сирларини сақлайдилар. Агар аёлга бахт мададкор бўлиб,

ҳар томонлама камолотга етган бўлса у эрини бошига тож деб билиб, унинг билан ўтказилган айёмларни бамисоли жаннатда ўтган дамларга тенглаштира арзийди.

Энг яхши хотин оилада исрофгарчиликка йўл қўймайди. Тўқчилик ва бараканинг сабабчисига айланади. Кўркам хулқи билан эрини ёшартиради, унга тик қараб гапирмайди. Аксинча у исрофгар, бадхулқ бўлса эрини кафангадо қилади. Шунга айтадилар-да "эрни эр қилдиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин" деб.

Иш қилсангиз тартибли, озода ва тўлақонли қилинг. Ҳеч қачон чала ва ифлос иш қилманг. Уй супурсангиз, чангитманг, чаласини кетингиздан биров келиб супурмасин. Идиш ювсангиз озода ювинг, токи унда овқат еган одамнинг кўнгли тортиб ейдиган бўлсин. Овқат пишириш, дастурхон тузаш каби юмушларни бажариш чоғида аввало ўзингиз озода бўлинг. Айрим бадахлоқ келинларга ўхшаб таомларга қўлингизни тикманг. Чўмич ёки қошиқ билан сузинг ва тартибга солинг. Ошхонада ишлаётган пайтингизда аксирсангиз, бурун артсангиз дарҳол қўлингизни қайта ювиб олишга эринманг. Акс ҳолда сиз пиширган овқатни бошқаларнинг кўнгли тортмайдиган бўлиб қолади.

Хотинларнинг ақли, эс-хушлиси ҳаёли ва ор-номусли бўлиб, ўз эрининг газаб отига минганини кўрса сабр қилади, унинг газаб оловини баттар аланга олдирмай, ўзини тутиб туради. Эрининг жаҳлини табассуми ва чиройли муомаласи билан юмшатишга ҳаркат қилади. Ёстикдоши ҳовуридан тушгандан кейин, унинг ноҳақ эканлигини мулойимлик билан тушунтиради. Оилада бўладиган ҳар хил гапларни турли ерларда гапириб юриши ҳам икки ўртадаги муҳаббат гулларининг сўнишига олиб келади. Муносиб аёл ҳеч қачон эри устидан ҳеч кимга, ҳатто ўз ота-онасига ҳам шикоят қилмайди. Мана шунақа фазилатларга эга бўлган аёлга уйланган эркак ҳақиқий бахтиёр эркак ҳисобланади.

Муиниддин Жувайнийнинг ривоят қилишича араб қабиласидан бўлган Ҳадя Аддий хотинини жонидан ортиқ севганидан ўз ҳаётини усиз тасаввур қила олмас экан. Бир куни у касалликка чалиниб қилибди-ю, ўлим элчиси яқинлашганини ҳис қилибди ва сеvimли хотинига:

– Мен ҳаётимдан умидимни уздим, умр куёшим ботиб бормоқда. Аммо битта катта армон билан кетаётirman. У ҳам бўлса сендан айрилиб қолиш армони. Айт-чи, мен ўлгандан кейин сен нима қилмоқчисан, шуни билмоқчиман.

Чинакамига садоқатли бўлган хотини эрининг уни қандай кучли севишини билар эди. У эрининг рашк оловида ёниб, чекаётган азобини ҳис қилибди. Эрим мендан кейин бошқа эрга чиқимга чидай олмаяпти, деб ўйлаб, ўша ондаёқ пичоқни олиб чиқиб, бурнини кесиб ташлабди.

Илоҳим, қизларим, кўшганингиз билан қўша қариб, ували-жували бўлинглар. Сизларни яратган Эгамнинг ўзи паноҳида асрасин!

*Қиз бола бировнинг ҳасми дейдилар,
Кимнинг ҳасми бўлсанг, ўшаникисан.
Ўшалар авайлаб ғаминг ейдилар,
Ўшаларга бағишла қизим, жону тан!*

* * *

Қиз бировнинг ҳасмидир.

*Эрка ўсган бўлса қиз эрга итоат қилмагай,
Кўпга ўрганган эса озга қаноат қилмагай,
Нафсини бад этгани ҳаргиз хижолат қилмагай,
Камтаринликни ўзига бир фазилат қилмагай,
Одам авлодига хос ахлоқни одат қилмагай.*

*Онасин кўр, сўнг қизин ол, эй йигитлар сарвари,
Не учунким онасидир қизни(нг) доим раҳбари,
Онасига ўхшагай одатда қизларнинг бари,
Онаси нобон эса ундан ҳамиша юр нари,
Ҳеч киши бу нухсани севмоқни ният қилмагай.*

*Қиз бировнинг ҳасмидир, у бир куни келин бўлур,
Гар асил келин эса қалби қувончларга тўлур,
Бўлмаса одоби, лекин ҳеч очилмасдан сўлур,
Ҳайдалиб эрин уйидан, кўп маломатга қолур,
Хушқилиқ бўлса, бироқ ҳеч ким маломат қилмагай.*

*Қиз бола бўлсин ҳаёлию саришта доимо,
Ҳам латофатли, нафосатли, мудом ақли расо,
Қай юмушга урса қўл этсин назокат-ла бажо,
Унга ёт бўлсин дағаллик, бўлсин у нозик адо,
Бўлмаса нозик адо ҳаргиз ҳаловат қилмагай.*

*Шаънини пок сақласин, юқтирмасин доғ ҳеч қачон,
Меҳрибон бўлсин, садоқатли ҳамиша жонажон,
Жонажон бўлса анга бўлсин фидо минг карра жон,
Ул учун бахшида бўлсин бор бисот, бор хонумон,
Бундайн қиз бахтига ҳеч ким хиёнат қилмагай.*

ИЧИНГДАГИ СИРИНГ ЎЗИНГНИКИ, ТАШҚАРИ ЧИҚСА ДУШМАН

Азиз фарзандларим, бу дунёда у ёки бу даражада сири йўқ одам бўлмайди. Ҳамма одамнинг ҳам ўзига хос сир-асрори бўлади. Бироқ уни бировлар сақлай олади, бировлар эса йўқ. Сақлай олганларнинг сирлари мисоли хазинадир. Сақлай олмаганларники эса ўз бошларига бало бўлиб ёғилади. Шунинг учун ҳам ўз сирини сақлай олмайдиган одамни энг ожиз одам дейишади.

Агар киши ўз сирини ўзи асрай олмаса, уни ҳеч қандай дўст сақлай олмайди. Душман билмасин деб яшириб юрган сирингиз бўлса уни ҳеч кимга айтманг. Дўст деганингиз бир куни душманга айланиб қолиши ҳам мумкин.

Киши сирларини айниқса макру ҳийлали аёлга, балоғат ёшига етмаган болага, тентакка, бировга тобе бўлган одамга ва синалмаган дўстга ошкор этмаслиги керак. Абдулбаракот Қодирийнинг тавсифича енгилтак, макр соҳиби бўлган аёлга сирини айтган кишининг иши гўё оловга пахта ташлаб, унга "куйма" деб буюрган билан баробар. Болага сир айтган кишининг иши эса сувга кўза ташлаб унга "ҳўл бўлма" деб бақирганга ўхшайди. Тентакка сир айтган кишининг иши гўё ниҳоятда оч қолган мушукка гўшт ташлаб, унга "ема" деган билан тенг. Бировга тасодиф туфайли қарам ва тобе бўлиб қолганга сир айтган кишининг қилмиши мисоли ит олдиға суяк ташлаб, "ғажима" деб илтимос қилиш кабидир. Ва ниҳоят синалмаган дўстга сир айтиш сузишни билмаган кишининг ўзини дарёга отиб "мени фарқ бўлишдан қутқар" деганининг ўзгинасидир.

Шуни унутмангки, сир сақлаш бировга сир айтиб пушаймон бўлишдан минг карра осон ва афзалдир. Бироқ кўп кишилар сирларини сақлай олмаганликлари туфайли ҳалокатга дучор бўладилар. Сир сақлашда эҳтиёт чорасини кўриш керак. Хусусан ноумид дўстлардан ва сиздан кўркувда яшаётган душманларингиздан сирингизни эҳтиёт қилинг.

Бировларнинг сирини сизга айтиб, ишончингизни қозонганларга ҳам сирингизни дастурхон қилманг. Ўзгалар сирини ошкор қилган одам сизнинг сирингизни ҳам бошқаларга ошкор қилишдан тоймайди.

Хожа Самандар Термизийнинг ривоят қилишича бир подшоҳ рикобдорлик вазифасини бажарувчи мулозимига қараб:

— Бир сирим бор, аёнларимдан ҳеч кимга айтишга кўнглим бўлмапти, уни сенга айтмоқчиман, — деган экан, рикобдор унга:

— Жоним таним ичра бор экан пинҳон,

Сирингиз жон ичра яширин мудом, — деб жавоб берибди. Подшоҳ унга:

— Акамдан хафаман, унинг зарари менга етмай туриб, вужудининг тиконини мамлакат чаманидан юлиб ташламоқчиман, — дебди.

Рикобдор аҳвол саҳифасига бевафолик рақамини чекиб, унинг акаси олдига борибди ва бўлган воқеадан уни огоҳ этибди. Натижада ака подшоҳнинг ғазаб тиғига учрамасидан бурун вақтида керакли чора-тадбирни кўриб, қочиб қутилибди.

Орадан бир қанча муддат ўтгач, подшоҳ ўлибди ва ўрнига акаси тахтга ўтирибди. Унинг биринчи фармони рикобдорни ўлдириш ҳақида бўлибди. Шундай қилиб бировнинг сирини бировга етказган рикобдор маломат ўқиға нишон бўлибди ва кўрнамаклик қусри унинг ҳаётига тамға бўлиб босилибди.

Ўттиз икки тиш орасидан чиқишга муваффақ бўлган сир маҳаллага тарқалади, дейдилар-ку. Сирингиз ҳамиша ўз ичингизда экан, у сизнинг асирингиз, ташқарига чиқса сиз унга асир бўласиз. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг "Икки кишининг бирга ўтириб қилган суҳбатидаги гаплари омонатдир. Суҳбатдошинг сирини фош қилиш ҳаромдир" деган ҳадислари бор. Унга оғишмай амал қилиб, ўз сирингизни бировга айтманг, бировнинг сиридан хабардор бўлсангиз уни ҳам ўз сирларингиз каби қалбингизда асранг. Виждонли одамнинг қалби сирлар хазинаси бўлиши керак.

Ўзининг сирларин сақлай олмаган,

Бировнинг сирларин сақласин қандай.

Сир сақлаш ишида ҳаргиз толмаган

Одамнинг турмуши шириндир қантдай!

* * *

Сирларим қалбимда қолди

*Сирларим қалбимда, назмим ошкор айлайди деб,
Ошкор этса рақиблар хору зор айлайди деб.
Хору зор бўлмай дебон дил сирларим тутдим ниҳон,
Кўрқаман қалбим маконин тангу тор айлайди деб.
Сиғмайин асрорларим қалбим ёрилса ногаҳон,
Айлағум уммид сиримни эл шиор айлайди деб.
Эл шиор айлар ва лекин ёқмагай ағёрима,
Дил чўчир, маккор рақиб жойим мозор айлайди деб.
Эй Калоний, дилда борим тўкмадим ашъорима,
Ошкор этсам рақиблар хору зор айлайди деб.*

ҒИЙБАТ КУЛФАТ КЕЛТИРАДИ

Эй фарзандларим, савоб ишлар беҳисоб бўлганидек, гуноҳ ишлар ҳам сероб. Улардан бири ғийбатдир. Пайгамбаримиз (с. а. в.) бир ҳадиси шарифларида унга "Ғийбат- биродаринг ёқтирмайдиган сўзлар билан у тўғрида гапиришдир" деб лўндагина қилиб таъриф бериб қўйганлар.

Аслида ҳам ғийбат инсонга хос бўлган қабих иллатлардан биридир. У оз бўлса ҳам етказадиган зарари уммонча. Бирор кишининг, айниқса яқин кишиларнинг орқасидан гапириш, айбини топиш, ёмонлаш, бола-чақаси, аҳли аёли, хулқи, бойлиги ва бошқалар ҳақида бетаъсир гапларни гапиришнинг барчаси ғийбат ҳисобланади.

Ғийбатчиларнинг гапларига қулоқ солманг, иложи борича улардан йироқ юринг, суҳбатларидан қочинг. Бирортаси олдингизга келиб, бировни ғийбат қилса, уни рост айтяпти, деб ўйламанг. Аксинча уни бу феълидан қайтаринг. Чунки у сизни ҳам бошқа бирор жойда бошқа одамларга ёмонлаб, устингиздан ғийбат қилиши аниқ.

Ривоят қилишларича Адҳам исмли киши бир донишманд хузурига келиб:

— Менинг уйимда меҳмон бўлган одам сизнинг ҳақингизда тўқима ғийбат гапларни айтди, — дебди.

Донишманд унинг гапини диққат билан эшитгач ўша ғийбатчи одамни чақиртириб, Адҳамнинг олдида сўроқ қилибди. Ғийбатчи кўрққанидан айтган гапларидан тонибди. Шунда донишманд унга:

— Қачонгача одам гўшти билан нонни қўшиб ейсан, — дебдилар. Кейин Адҳамга қараб:

— Агар сенда имон ва адолат бўлганида эди, ғийбатчининг сўзига қулоқ солиб ўтирмай, уни уйингдан ҳайдаб чиқарган бўлардинг, — дебдилар-да, ҳар икковларини ҳам ҳузурларидан ҳайдаб юборибдилар.

Бошқа бир ривоятда қайд этилишича, Ҳасан Басрийга:

— Бир киши сени ғийбат қилди! — деб айтадилар. Ҳасан дарҳол ғийбат қилган кишига бир товоқ хурмо юборади. У киши хурмони олгач, ўша онда Ҳасаннинг олдига келибди ва:

— Мен сизни ғийбат қилган эдим. Сиз менга хурмо юборибсиз. Бу мурувватингизнинг сабаби нима? — деб сўрабди. Шунда Ҳасан унга:

— Сен менинг камчиликларимдан огоҳ қилиб, яхшилик юборган экансан, мен ҳам бунинг эвазига хурмо юбордим, — деб жавоб берибди.

Бундан маълум бўладики, ғийбат ғийбат қилинувчи учун тўғри йўл кўрсатиши ҳам мумкин, аммо ғийбат қилувчига зарар келтириши аниқ. Агар биров сизни ғийбат қилиб бирор бир хатойингизни гапирса, дарҳол уни тузатишга киришинг. Аммо ўзингиз ғийбат қилманг ва ғийбатчилар билан бирга ўтирманг. Агар бирга ўтирсангиз сизни ҳам ғийбатчиликда айблашса ўзингиздан хафа бўлинг. Энг кўрқинчли ғийбатга шундай одам лойиқки, у ўзи танийдиган одамлар орасида ўзини ўзи таъриф этади.

Энг даҳшатли ғийбатчи шундай одамки, бирор ерда эшитган тухматдан иборат гапни дарҳол бошқаларга айтиб одамлар орасида фитна кўзғатади. Поқдил киши бировдан эшитган уйдирмани бошқаларга айтмайди. Агар ғийбатчига вақтида зарба беролмаса ҳам лоақал сукут йўлини танлайди. Бордию унинг ўзига биров ғийбат гап айтса, уни бундай бемаъ依ликдан қайтаради. Бир олимнинг айтишича "Энг ёвуз ва ярамас одам шундай одамки, у ўзгаларнинг айбини топишга интилади, ғийбат қилиб, дўстларни бир-биридан жудо қилади".

Дарҳақиқат, ғийбатчилар кишилар ўртасидаги меҳрибонлик ва дўстлик ўғриларибди. Ўғрилар мол ўғирласа, улар кишилар ўртасидаги дўстликни, қалбларидаги меҳр-муҳаббатни, тинчликни ўғирлаб, ўрнига низо ва адоват уруғларини экадилар. Сизлар уларни иложи борича фош этинг, қилмишларининг гуноҳи азим эканлигини тушунтиринг. Ўзингиз эса кишилардан айб эмас, фазилат излашни одат қилинг.

*Бировларни айлама ғийбат,
Измагагин ҳеч қачон нуқсон.
Ақлинг бўлса қидир фазилат,
Фазилатдан ҳузур топар жон!*

* * *

Иғвогарлар

*Иғвогарлар бир кун йиғилиб олиб,
Ўзаро суҳбатни авж олдирдилар.
Бир-бирларин роса ҳайратга солиб,
Бир-бирларин роса лол қолдирдилар.*

*Биринчиси деди: — Маҳаллам қиззор,
Совчи юзин кўрмас бирор хонадон.
Нечунким тенг ярмин деганман бемор.
Тенг ярмин деганман энгилтак шайтон”.*

*Иккинчиси деди: — Маҳаллам нотинч,
Уруш майдонига айланган гўё.
Ҳеч кимни яшашга қўймагайман тинч,
Кучин кўрсатмоқда мен қилган иғво.*

*Учинчиси деди кўксига уриб:
”Маҳалламда ҳозир якка ҳокимман.
Ҳамманинг устидан хат ёзавериб,
Кўчириворганман, қаранг, мен кимман”*

*Тўртинчиси деди: — ”Сизларга ўхшаб,
Майда-чуйда ишга ҳеч урмайман қўл.
Менинг иғвойимдан бошлиғим қақшаб,
Собиққа айланди, кўз ёшлари кўл.*

*Бешинчиси деди: Кўчамдан додхоҳ
Ўтиб қолса кўргум дарҳол улгуриб.
Унга назар солган бўлса ҳам Оллоҳ
Кўлим муштга айланар чўнтакда туриб”.*

ЗУЛМ ҚИЛГАН ЗУЛМ КЎРАДИ

Фарзандларим, Ҳазрат Навоий:

"Ҳар кимки бир кўнгли бузуғни хотирин шод айлагай,

Онча борки, Каъба вайрон бўлса обод айлагай"

— деганлар. Инсон доимо бир-бирига яхшилик қилиши, бошига бирор кулфат тушганида дарҳол мадад қўлини чўзиши, унинг дардига малҳам бўлиш чорасини кўриши керак. Ҳеч қачон кўнглини оғритмаслиги, зулм қилмаслиги даркор. Меҳр-муруватлилик- фазилат, жабру ситамлилик — иллат. Меҳр кўрсатган меҳр кўриб, жабр қилган жабрга мубтало бўлади. Бу ҳақда Низомий Ганжавий шундай мисол келтирган:

Йўлда қараб турсам бир қуш ногаҳон,

Чумолини чўқиб, қилди чалажон.

Ҳануз тумшуғидан тушмасдан сайди,

Ўзи ҳам ўзга қуш зарбини еди!

Халқимиз золимнинг зулми ўзини йиқитади, шундай экан, чумолига ҳам озор берма, дейди. Сизлар, эй фарзандларим, ўзингиздан ожизларга шафқат кўзи билан, ўзингиздан кучлиларга ақл билан боқинг. Кучсизгина эсган шамол ҳам нозик гиёҳларга бўрон бўлиб туюлади, дейдилар. Жавоб қайтаришдан ожиз бўлган одамга мушт ўқталманг. Кимки бировнинг пайини қирқса, ўзиники ҳам қирқилади.

Хожа Самандар Термизийнинг ривоят қилишича ўтмишда золим бир киши бўлиб, зироат ва тижорат аҳлининг молига чангалини урган эди. Халқ уни дуойи бад қилиб, шаънига нафрат оғзини очди. Мазкур золим бир куни қўлига бургут олиб, овга чиқди. Овдан қайтиб келгач, қуйидаги мазмунда хабар тарқатди:

Одамларга зулм қилган ва ситам тигини урган кўлимни бутунлай тийдим. Халқпарварлик йўлида ўзимни собитқадам айладим. Умидим шулки, бугундан эътиборан ҳеч қандай золимнинг зулми ҳеч бир одамнинг уйига етиб бормади. Ҳеч қандай ситамкорнинг қўли ҳеч қандай ожизнинг эшигини топмайди!

Бу хабардан халқ қайтадан жонланибди ва бечораларнинг умид чаманида мурод гиёҳи бу башоратдан гул очибди.

Бу подшоҳнинг одиллиги охири шу даражага етибдики, натижада кўзичоқ шер кўксидан сут эмадиган, қўй ўз сути билан шер оғзини ювадиган, дашт қушлари дарё қушларининг ини ёнига ин қурадиган, гозлар эса бургут билан сирдошга айлана-

диган бўлибди. Золимнинг яқинларидан бири муносиб пайт топган вақтида подшоҳнинг бу ҳатти-ҳаракатларининг боисидан савол очиб, унинг феъли тубдан яхшилик томонга ўзгарганлигини сўрашга журъат этди. Шунда подшоҳ унга:

— Овда юрганимда қаёқдандир бир ит келиб, тулкининг оёғини тишлаб синдирди, йўлдан ўтиб кетаётган бир йўловчи эса тош билан уриб итнинг оёғини синдирди. Қилмишига яраша юз бераётган бу воқеаларни кўриб ўзимга келдим”.

Бундан хулоса шуки, фарзандларим, агар сизлар бировга зулм қилсангиз, ўзингиз ҳам зулм этувчига рўбарў келасиз ва зулмининг зарбини ейсиз. Ҳеч кимга зулм қилманг. Бир донишманддан:

— Қандай одам жазога лойиқ, — деб сўрасалар, у:

— Ҳеч қандай инсонга жазо лойиқ эмас. Жазога лойиқ нарсалар ваҳший ҳайвонлар, одамларга зиён етказувчи илон, чаён каби газандалардир. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларнинг вужудида дарранда ва газандаларнинг феъли бўлади. Бундай кишилар зарарларига қараб жазоланадилар. Шу тариқадаги кишиларни ҳатто одам дейишга тил бормаиди. Улар инсонликка нолайиқдирлар, — деган экан.

Баъзилар инсонга бойлик илинжида зулм қиладилар. Зулмлари ўғирлик, босқинчилик, тан жароҳати етказиш, ҳатто қотиллик кўринишларида бўлади. Лекин зулм туфайли топган бойликлари уларнинг ўзларига ҳеч қачон яхшилик олиб келмайди, аксинча қашшоқлик, хору зорликка мубтало этади. Пошшоҳўжа ҳазратларининг қайд этишларича “Қай хазинага зулмнинг бир ақчаси кирса ул хазинани йиқмай қўймайди”.

Бойлик илинжида бировларга зулм қилувчилар энг даҳшатли жазоларга лойиқ, улар ҳеч қутилмаганда ўз-ўзидан ҳам турли бало-қазоларга гирифтор бўлиб кетадилар. Донолар: “Ўзгаларга жабр зар қидирувчи -ўзига ўзи озор қидирувчи” деб бежиз айтмаганлар.

Очкўзнинг кўзига янтоқ ҳам гул бўлиб кўринар экан. Улар ўлим ҳақ эканини биладилар. Бироқ бировга зулм қилиб бўлсада бойлик йиғишга уринаверадилар. Нимани, қандай ўмарсам ўзимники бўлади, деб ўйлайдилар. Бундайларнинг қалби темирдан ясалган ғунчага ўхшайди. Бу ғунчани эса ҳеч қандай баҳор насими ҳам очолмайди. Шундай экан, бунақа жонсиз қалб эгалари ўликларга ўхшайдилар. Ўликлар ҳаётнинг лаззатларидан баҳраманд бўлолмайдилар.

Зулмининг катта-кичиги бўлмайди. Ножўя ҳитти-ҳаракатлар, ёки нохуш сўзлар билан бировларнинг кўнглини оғритиш ҳам зулмга киради. Сизлар ҳамиша одамларга ширин кайфият бахш этувчи, шодлик улашувчи бўлинг, эй фарзандларим.

*Зулм қилган зулмдан ўлар,
Меҳр кўрсат, меҳр кўрасан.
Ҳар бир ишнинг жавоби бўлар.
Нима эксанг шуни ўрасан!*

* * *

МЕНГА ЗУЛМИНГ ҚИЛМА КЎП

*Эй дилоро, менга зулминг қилма кўп,
Зулм тиғи бирла бағрим тилма кўп.
Кипригинг саф-саф тизик, тиғи камон.
Қошларинг ёй мислидир, қайрилма кўп
Ҳажри дардинг бирла этдинг бунча хор.
Хор дилимга тиғ бўлиб санчилма кўп.
Мен сенга ошиқ эрурман беқиёс,
Таънадан бўйнимга маржон илма кўп.
Ишқ тўла бағримни очдим, қочмагил,
Мен қолиб ағёр томон интилма кўп.
Ёр висолин йўли олисмас, Калон,
Айрилиқнинг остида янчилма кўп.*

ЭНГ КУЧЛИ ОДАМ

Эй азиз фарзандларим, кишини пушаймон оловида куйдириб кул қиладиган иллатлардан бири ғазабдир. Абдулла Авлоний "Ғазабнинг аввали жиннилик, охири надоматдир" деб бежиз айтмаганлар. Агар афсус ва надомат чекмай десангиз Хожа Самандар Термизийнинг "Ғазаб отини сабот жиломи билан қайсарлик йўлидан қайтар! Ҳар қандай шубҳа зимистониши ақл нури билан равшан эт," деб берган ўғитларига амал қилинг. Мабоодо бирор киши билан дўстлашмоқни ихтиёр этсангиз ҳам уни бирор машаққат пайтида синаб кўринг. Агар ғазабини боса олмаса дўстлашинг, боса олмаса ундан йироқлашганини маъқул.

Шуни унутмангки, ғазаб келганида ўзини боса оладиган одам

дунёда энг кучли одамлар қаторида туради. Бир донишманднинг тавсифича ғазаб шайтоний олов шуъласи. У бир дарахтдирки, пушаймондан бўлак мева бермайди. Шу боисдан ҳам ақл-фаросатли кишилар ғазаб ўтини сабр суви билан ўчиришга муваффақ бўладилар, жаҳл луқмасини эса ичларига ютишга эришадилар.

Ғазабни сўндирадиган воситалардан бири мулойимликдир. Мулойим киши ғазаб ўтини босиқликнинг шифобахш суви билангина қалбидан чиқара олади, жавобнинг юмшоғи ғазабни ўчиради, сўзнинг қаттиғи эса қўзғатади.

Абулбаракот Ҳазратлари ғазаб ҳақида шундай ривоятни ёзганлар:

Ардашер ўтмишнинг доно кишиларидан бири эди. У ўз ходимиغا учта хат ёзишни буюрди. Сўнг унга деди:

— Эй ходим, агар менинг юзимда ғазаб туғёини кўрсанг, бирор нарса устида қатъи ҳукм чиқармасимдан аввал хатлардан биринчисини менга кўрсат. Шунда ҳам ғазабим босилмаса, иккинчи хатни кўрсат. Шундан кейин ҳам таскин тополмаганимни сезсанг учинчисини кўрсат.

Айтишларича биринчи хатнинг мазмуни шундай экан:

"Шошилма, иродангни ғазаб қўлига асир қилиб топширма, шошган киши доимо афсус қилиб кейинчалик пушаймонлик азобини тортишга мажбур бўлади". Иккинчи хатда "Давлат қўлимда деб ўзингдан ожизларга жазо бераверма, куни келиб, замонлар ўзгарса, улар ҳам сен қандай муомила қилган бўлсанг ўшандай муомила қиладилар" деб ёзилган экан. Учинчи хатда эса "Эй ғазабланаётган киши шошиб ҳукм чиқарма, ғазабингни босиб, инсоф юзасидан иш кўр" деган гаплар қайд этилган экан.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида "Кимки ўз ғазабини қайтарса, Оллоҳ таоло ундан ўз азобини қайтаради" деганлар. Бас шундай экан, ғазаб келганида уни қайтара олгувчи бўлинглар. Шунини унутмангки, ғазаб ёмонликка дуч келганда пайдо бўлади. Яхшилик эса уни йўқотади. Шу боисдан ҳам ҳамиша яхшиликни равон ва текис йўлидан оғишмай юраверинг, болаларим. Бу йўл сизларни ҳеч шубҳасиз бахту толенинг энг нурли манзилларига олиб боради.

Пушаймон захрини ютмайин десанг,

Ғазабни жиловла, ақлни ишлат!

Жаҳлнинг ғазабкор зарбини есанг,

Бошингга ёғилар фитнаю кулфат.

* * *

АСРА ХУДОЙИМ

*Менга қаҳр билан боқади ағёр,
Йўлимга чоҳ, ғовлар қазади беор,
Фафлатда қолмай деб тунларим бедор,
Асоссиз ғазабдан асра Худойим.*

*Арпасини хом-пом ўрмаб эдим-ку,
Осмоққа ип арқон ўрмаб эдим-ку,
Бирор ноўрин гап сўрмаб эдим-ку,
Асоссиз қаҳрдан асра Худойим.*

*Нега кийиб олди тўнин тескари,
Заҳрини сочади кун ўтган сари,
Чақмоқчи бўлади мисоли ари,
Асоссиз зулмдан асра Худойим.*

*Найлай, бошим қотди ёв қилмишидан,
Ноўрин орттирган ғам-ташвишидан,
Жаҳолат сезаман ҳар бир ишидан,
Асоссиз ситамдан асра Худойим.*

*Ёв хавфи нақд бўлиб қолди, нетайин,
Соғ-омон қолмоқ-чун не иш этайин,
Калоний, бош олиб қайга кетайин,
Асоссиз қасосдан асра Худойим.*

РОСТГҲЙЛИК – ФАЗИЛАТ, ЁЛҒОНЧИЛИК – ИЛЛАТ

Кишини улуғлик ва эътибор гулзорининг сўлим ва оромбахш бўлишида ростгўйлик фазилатидан чиққан шифобахш сувнинг аҳамияти беқиёс бўлади. Агар кишининг лафзи рост-гўйлик безаклари билан жилोलаниб турса у одамларнинг ҳурматини қозонади, илтифотига сазовор бўлади. Бундай фазилатга эга одамни халқи суйиб, юксак мартабаларга кўтаради. Натижада унинг кадр-қиммати ортади, сўзлаган сўзлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёлғончи одамлар эса бу фазилат ва эътиборларга ҳеч қачон сазовор бўлолмайдн, ундан одамлар нафратланиб, иложи бори-

ча узоқроқ юришга ҳаракат қиладилар. Аслида ёлғончи ўзини ёлғон сўзлари билан ўзгаларнинг обрўйини тўкмоқчи, эзгу манфаатларига путур етказмоқчи бўлади. Лекин амалда унинг бу қилмиши ўзининг обрў-эътиборини тўкиб, яксон қилади.

Имон-эътиқодли кишилар ҳар доим кўрган-билган нарсалари ҳақида таваккалига оғзиларига келган гапларни гапиравермайдилар. Одамлар билан мулоқотда ниҳоятда эҳтиёт бўлмоқ, ёлғон ва рост сўзларнинг фарқига бормоқ лозим. Хушомадгўйлик ёки атайлаб ғараз мақсадда айтилган ширин ёлғон билан аччиқ бўлса-да ҳақиқатни ажрата билиб, ақл тарозусидан ўтказган ҳолда мушоҳада этиш кўп яхши натижаларга олиб келади, сўнги пушаймон билан тугайдиган ишлардан асраб қолади.

Эзгу мақсадли, қалби пок, нияти соф бўлган одам ростлик ва дўстлик қондасини ҳақиқатпарастликнинг дебочаси деб билиб, имкони борича унга амал қилишни ўзига мақсад қилиб олади ва ҳар бир ишда ростликни ўзига саодат хазинасининг калити деб билади. Зеро ҳар ким ростлик йўлини ихтиёр айласа, сўзига ёлғон аралаштирмаса унга то абад зафар ёр бўлади.

Эй фарзандларим, айниқса улуғ мартабали амалдор кишилар ёнида бўлсангиз ҳамиша ҳақиқатни гапиринг, хушомад тарзида бўлса-да ёлғон аралаштирманг. Негаки, ул зотларнинг амру фармонларига сизнинг оғзингиздан чиққан сўзлар таъсир этиши ва бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ривоят қилишларича, қадим замонда подшоҳ хизматчиларидан бири ўзини садоқатли киши қилиб кўрсатиш ниятида сарой аҳли орасида бир киши подшоҳни ҳақорат қилганлиги ҳақида ёлғон гапни гапирибди. Бу гап подшоҳга етиб боргач у ғазаб отига миниб ўша бегуноҳ одамни ўлдиртириб юборибди.

Ёлғон ва бўҳтон кишининг ахлоқий жиҳатдан тубанлиги натижасида келиб чиқади. Ёлғончилар ақлан баркамол, виждонан ҳалол одамлар ҳақида турли-туман бемаъни, бетаъсир гапларни тўқиб чиқаришдан ор қилмайдилар ва бу қилмишлари билан одамлар орасига нифоқ соладилар.

Ёлғон сўзловчилар кўпинча бўҳтон тўқишга ҳам устаси фаранг бўладилар. Уларнинг ёлғонлари билан бўҳтонларининг фарқи шундаки, ёлғонлари кўпинча ўз ишлари ҳақида бўлса, бўҳтонлари бошқалар ҳақидаги ёлғонлардан иборат бўлади. Бундай одамлар кишиларнинг ор-номусига, касбу корига дахл-дор бўлган бемаъни сўзларни тарқатиш билан кўпчиликнинг ғазаб ва на-

фратига дучор бўладилар. Ёлгон ва бўҳтонларининг сири очил-
гач, қилмишлари учун жазога лойиқ деб топиладилар . Сизлар,
фанзандларим, бундай номақбул феъллардан сақланиш учун
қўлингиздан келган барча ишни қилинг.

Виждонли одамлар ёлгончи бўлиб яшагандан кўра, рост сўзлаб
ўлмоқни афзал кўрадилар. Донишмандлардан бири:

— Ёлгончиликдан сақлан, чунки ёлгончилик фитна-фасодга
олиб боради, Ростлик йўлини танлаки, у сени эзгуликнинг дил-
рабо хиёбонлари сари етаклайди, — деган гапни айтиб кетган.

Шуни билингки, ёлгончиликка муккасидан кетган одам, ўзга-
ларни ҳам ёлгончи деб гумон қилади. Бировлар ҳақида бўлмағур
гапларни айтиб юргани етмаганидек, сизнинг гапларингизни ҳам
остин-устун қилиб, ўзгаларга етказади.

Яна шуниси даҳшатлики, ёлгончилар ўз сўзларига ўзгаларни
ишонтирмоқ учун ёлгондан қасам ичишдан ҳам уялмайдилар ва
бунинг оқибатида шармандаи шармисор бўладилар. Ҳазрат
Навоий:

"Ҳар кимки сўзи ёлгон, ёлғони зоҳир бўлғоч уёлгон" деб жуда
тўғри гапни айтганлар.

Фарзандларим, агар сизлар ёлгончилик балосига дучор бўлмай-
ин десангиз, ўзингизда ростгўйлик фазилатини намоён қилинг.
Айтган гапингиз ҳамиша рост бўлсин ва ваъдангизга вафо ай-
лашга одат этиб, эл орасида қаддингизни ғоз тутинг. Машойих-
лар ёлгон сўзлашни бекорга душман ортгиришдир деганлар.
Ёлгончига яқинлашманг, агар яқинлашсангиз сизни ҳам ёлгон-
чи дейдилар. Негаки, ёлгончиларнинг дўстлари ҳам ёлгончи бўла-
дилар-да!

Ёлгончи кишиларни баъзи донишмандлар ўликка ўхшатади-
лар. Бунинг боиси ўликлар гапирмайдилар. Тирик кишининг фа-
зилати унинг нутқиладир. Тирик одам ёлгон сўзлайвергани учун
сўзларига ҳеч ким қулоқ солмайдиган бўлиб қолади. Шундай
бўлгач унинг ўликдан нима фарқи қолади.

Ёлгончилик барча гуноҳларнинг боши ҳисобланади. Ёлгончи
ўз орзусига етишиш учун ёлгондан иборат сўзларни тўқийди,
уни рост деб исботлаш учун керак бўлса қасам ҳам ичади, қасам
билан ёлгонини ёпмоқчи бўлади-да! Бордию бирор киши унинг
ёлгончилигини фош этса, уни ўзига душман деб билади. Натижада
икки ўртада адоват содир бўлиб, у хунук оқибатларни келтириб
чиқаради.

Арасту "Ростлик йўлида ўлиш ёлғончи бўлиб, узоқ яшашдан афзал" деган экан. Донишманднинг бу ҳикматли сўзлари сизларга умр бўйи шиор бўлиб қолсин.

*Ёлғонни гар айласанг одат,
Бир умрга қолгунг назардан.
Ростгўйликда кўндир фазилат,
Шаънинг безар бебаҳо зардан!*

* * *

АЛДАМЧИЛИК

*Ошиқ аҳлига ярашмас мутлақо алдамчилик,
Айлагай ҳижронга мутлоқ мубтало алдамчилик.
Алдаса ошиғу маъшуқ бир-бирин ишиқ ўртанар,
Ўзаро севгига қўйгай интиҳо алдамчилик.
Ҳар киши чин дил билан севса агар ҳақ сўзлагай,
Ёрнинг гул васлидан этгай жудо алдамчилик.
Дейдилар алдаб севилгандан қочар толе қуши,
Толейин қучмоқчи касга нораво алдамчилик.
Алдамоқ ўз ёрени мудҳиш хиёнатдан ёмон,
Не учунким, дил уйин этгай қаро алдамчилик.
Эй Калоний, кимки севса доимо чин сўзласин,
Айлагай севгини бир зумда адо алдамчилик.*

ДАНГАСАГА ИШ ЁҚМАС, БАХТ— ИҚБОЛ КУЛИБ БОҚМАС

Эй фарзандларим, бир донишманд меҳнатсиз турмушни ўғирлик деган экан. Дарҳақиқат шундай. Инсон ўз ризқини ҳар доим ҳалол меҳнати эвазига топиб ейиши керак. Ишламай тишлашга хомтаъма бўлиш гуноҳи азимлардан ҳисобланади. Кимки яхши яшайман, бахти-саодатли бўламан деса меҳнатни севиши, ундан қочмаслиги даркор. Бу ҳақда Хожа Самандар Термизий шундай деган:

"Азизим, ҳар ким бирор ишнинг талабида қадам босса, бу ишнинг қийинчиликларига чидаши керак. Мақсад каъбаси сари йўлга чиққан одам, заҳмат саҳросидан чўчимаслиги лозим. То талаб оёғи ранжу меҳнат тикони билан мажруҳ бўлмас экан,

висол қўли мақсад гулини теролмайди. Кишида кучли интилиш бўлмагунча муродининг офтоби машриқ умиди уфқидан нур сочиб чиқмайди. Ранж чекмасдан туриб, ганж эшигини очиш мумкин эмас. Демак, мақсадга етишмоқ учун тинимсиз саъй-ҳаракат қилмоқ керак”.

Шундоқ фарзандларим, бу дунёда меҳнатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Кимки меҳнат қилса роҳат кўради, меҳнатсиз бойлик, бойликсиз фароғат йўқ. Бой бўлмоқ учун эса ғайрат қилиш, ишлаш керак бўлади. Бир ишбилармон кишидан сўрабдилар:

— Ночор ва ожиз киши қандай пайдо бўлади?

— Бундай кишилар албатта дангаса, ялқов бўладилар. Улар оилани боқишда, нарса топишда сусткашлик қиладилар. Ғайрати кам, ҳиммати паст дангаса кишилар хотинларининг ёнидан чиқмай, уйда ўтираверадилар.

Бундай ҳунарсиз дангаса ва ишёқмас кишилар билан улфатчилик қилманг, уларнинг таъсири сизга ҳам уради. Дангасаларнинг доимий фикр-ўйи ишламасдан катта еб, яхши кийиш бўлади. Улар беҳуда сўзлашни, вақтларини хуш ўтказишни, танларини семиртиришни ўйлаб чарчамайдилар.

Луқмони ҳаким ўз ўғлига шундай деган экан:

— Эй ўғлим, ялқовлик кўчасига кирма, кўнглингни тор қилма. Чунки кимда ялқовлик ва бесабрлик бўлса, у ҳеч қачон бахтга эришолмайди.

Киши нимага эришмоқни муддао этса, ўз меҳнати билан етишиши керак, ўзгалар ҳисобидан эмас. Ўзгалардан таъма билан нарса тиламоқ кишини танбалликка олиб келади, иззат ва обрўйини кетказди. Охири кишини бахтсизлик кўчасига олиб кириб, шармандаи шармисор қилади, эл назаридан қолдиради. Дангаса ва пасткаш кишилар билан улфат бўлишнинг натижаси шунақа бўлади. Демак, сизлар қулоғингизга қуйиб олингки, паст ҳимматли кишилар ва ҳасис табиатлидан узоқлашиш йўлини қидиришингиз керак бўлади, улар билан яқинлик қилманг, уларнинг таъсири сизга ҳам уради.

Агар одам ўз меҳнати ва машаққат чекишлари жараёнида гарчи у инсонларнинг энг ақллиси ва зийраги бўлса ҳам ҳаммиша хурсандчиликни орзу қилиб, севинч келтирадиган нарсаларга мойил бўлади ва таъма эвазига эришиладиган нарсалардан тортинади. Ялқовликни одат қилиб, ишламай қашшоқлашган кишилар-

ни барча ёмон кўради, дўстлари ҳам ундан узоқлашади, аҳли аёлию болалари ҳам менсимай кўяди.

Дангасалик касалига чалинган инсон ҳар доим хору-зор бўлади. Унга ҳеч қачон муваффақият ёр бўлган эмас, бўлмайди ҳам. Дангасага ёзда:

— Эшикни оч, десанг, у:

— Ташқари совуқ, — дейди.

Дангасалар кўпинча умрларини уйқу билан ўтказадилар. Ваҳоланки, одамнинг тунда ухлагач, кундузи ҳам яна ухлаши унинг умр онларини исроф қилишидир. Донолар эса "молу дунёнг кетса кетсин, аммо вақтинг кетмасин" дейишади. Худди шундай доно халқимиз ҳам "Вақтинг кетди — нақдинг кетди", "Вақт пулдан қиммат" дейди.

Вақтни бекор ўтказиш нодонликдир. Бекор юргандан кўра бекор ишла, деган мақол ҳам бежиз айтилмайди. Эринчоқлик ва ялқовлик кишини яхши ишлар қилишдан қайтаради, ғайратни йўқотади, касбу кор билан шуғулланишдан қолдиради. Баъзи дангаса кишилар ғайрат қилиш ва ҳаракатни кучайтириш ўрнига оғир кунга тушиб қолганда ҳам кўлларини қовуштириб, айбни тақдирга тўнкаб тураверадилар. Донишмандлар дангасалар билан дўстлашиш у ёқда турсин, ҳатто улардан маслаҳат ҳам сўрамасликни уқтирадилар. Чунки улар аҳволни ўз қаричлари билан ўлчаб, ўзларининг ялқовлик нуқтаи назарларидан келиб чиқиб маслаҳат берадилар.

Фарзандларим, дангасаларни ишёқмас ҳам дейдилар. Уларнинг айримлари ҳатто ҳар қандай ҳаракатни ўзлари учун зарар деб биладилар. Улар кўп ётиш хасталик келтиришини, унга берилган одамлар оз яшашини ҳам инобатга олмайдилар.

Яна шу ҳам эътиборингизда бўлсинки, дангасалар, маишатхўрлар кечаси шароб ичиб, кундузи ухлашни ҳам хуш кўрадилар ва бу билан ўз хонумонларини вайрон қиладилар. Вақтни бекор ўтказиш қип-қизил аҳмоқликдир. Молу дунёни қайта топиш мумкин, аммо беҳуда ўтиб кетган вақтни ортга қайтариб бўлмайди. Шунинг учун ҳам умрнинг олтинга тенг бўлган ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш, уни ҳаргиз бекор ўтиб кетишига йўл қўймаслик керак. Умр онларидан иложи борица хайри ишларни кўпроқ бажариб олиш учун ҳаракатни бир дақиқа ҳам сусайтириб бўлмайди. Ғайрат-шижоат ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин. Нимаики еб-ичсангиз, нимаики, кийсангиз доимо ҳалолидан

бўлсин. Ўзгалар ҳақиға хиёнат қилманг. Абдибек Шерозий "Жигаринг қонини нон қилиб е, аммо текин нон учун бировларнинг эшигида ит каби изғиб юрма" деган ғоят ибратли гапни айтиб кетган.

Айниқса юқори лавозимларни эгаллаган вазифаси юксак одамларнинг заҳматлари ҳам амалларига яраша бисёр бўлади. Давр талабига ҳамиша ҳозиржавоблик билан заҳмат чекмаган одам хушбахт бўлолмайди. Ҳар кимки ғайрат камарини астойидил боғлаб меҳнат қилса, ҳеч қачон пушаймонлик азобини тортмайди. Шундай яшангларки, фарзандларим, ўз ризқи-рўзингизни ўзингиз топиб еб, ўзгаларга ҳам кўмак беринг, меҳнатдан қочманг, дангасалик ботқоғига ботманг.

*Фаниматдир умр онлари,
Сустлашма ҳеч, ғайратинг тошсин.
Дангасанинг ҳаром нонлари,
Қадринг ҳалол меҳнатдан ошсин!*

* * *

Бу дунё

*Меҳнат қилинг, азизлар, меҳнат учун бу дунё,
Ғайрат қилинг тинимсиз, ғайрат учун бу дунё.
Меҳру саховатингиз толега йўллагувчи,
Ҳиммат қилинг ҳамиша, ҳиммат учун бу дунё.
Нафсни тийиб, имонни мангуға сақламоққа
Оламдаги ягона фурсат учун бу дунё.
Ғафлатда қолманг асло, эзгу юмуш қилишга,
Хоҳиш топиб, қиёссиз қудрат учун бу дунё.
Тақдирда не ёзилган барин кўриб бўлингач,
Жон-танни топширишга журъат учун бу дунё.
Оллоҳ берган умрни яшаб бўлиб, Калоний,
Жаннатга йўл олишга рухсат учун бу дунё.*

ҲИММАТ ҚИЛГАН ҲУРМАТ ТОПАДИ

Эй фарзандларим, инсонга фазилат бахш этувчи воситалардан бири ҳимматдир. Ҳимматли киши доимо қадрли бўлади, иззат, эътибор қозонади. Унинг қалбидан душманлик ва адоват қочган, муҳаббатнинг гўзал гуллари чаман бўлиб очилган бўлади.

Бир донишманднинг таърифича "Сахий одам мисдан ясалган кўзага ўхшайди. У тез тайёрланади-ю, аммо узоққа етади. Очкўз киши эса муҳаббатдан йироқ, қалбида эса адовату душманлик изғиринлари эсиб турган бўлади. Очкўз киши мисоли сопол идиш. Уни яшаш қийин бўлади-ю, лекин тез синади. "

Сахий одам биров сўрамай туриб олдиндан ихтиёрий ҳиммат кўрсатади. Унинг саховатли феъли таҳсинга лойиқ бўлиб, қалбию шаънига сайқал берувчи безакдир. Шунинг учун ҳам ҳимматли кишиларнинг дўстлари ҳам мўл бўлади.

Олийҳиммат ва соҳибдавлат кишилар яхши хулқ ва чиройли одат билан каттаю кичикни ўз муҳаббати домига тортади, дўстлик уруғини кўнгил хиёбонларига экади, азизлар ва улуглар йўлига ибрат кўзи билан боқади, қариндош-уруғлар ҳақини имкон борича адо этади, дўстларини қўлидан келганича ҳурматлайди, ўлиб кетган ёру биродарларини яхшилик хазиналари билан сийлайди.

Бир донодан сўрабдилар:

— Кишининг барча хунарларини йўққа чиқарадиган нарса нима?

— Бахиллик!

— Кишининг барча айбларини беркитадиган нарса нима?

— Сахийлик!

Бир манбада "Одамнинг етуги сахийсидир. Сахийлик унга ша- раф келтиради", дейилади. Бошқа бир манбада эса "Олий-ҳиммат киши Хумо қушига ўхшайди, паст ҳиммат киши эса қузғун кабидир, ўлаксалар унинг емиши бўлади" деган сўзларни ҳам ўқиганман. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам сахийлик фазилатига юксак баҳо бериб, "Сахийлик бимисоли жаннатнинг дарахтларидан биридир. Унинг шохлари дунёга осилиб туради. Кимки шохларидан бирини тутиб олса, у жаннатга бошлаб боради", "Кишининг саховати унинг динидир, муруввати ақли,насаби эса хулқидир", Одамлар билан муросаю мадорага киришиш ҳам садақа ҳисобланади", "Сахий кишининг таоми шифодир" деган ҳадисларни айтганлар.

Ҳиммат инсонни инсон қиладиган яхшиликларнинг гултожидир. Ҳиммат қилган киши гарчи у ўз саховатини бетаъма, холисанлиллоҳ этган бўлса ҳам, унинг бу яхшилиги жавобсиз қолмайди. Ахир, яхшиликка яхшилик қайтиши муқаррар-ку! Буни қуйидаги ривоятда баён қилинган воқеалар ҳам тасдиқлайди:

Айтишларича бир мамлакат чегарачилари орасида ақли расо аскар бўлиб, у уволдан қўрқар ва ҳар куни постдаги шериклари овқатланиб бўлишгач қолган таомларни йиғиштириб муҳтож жониворлар есин деб омборхона ортидаги дарахт остига ташлаб келар экан. Бироқ уни қайси жонивор еганини кўрмаган экан. Кунлардан бирида у яна кечки овқатдан ортиб қолганини ўша жойга ташлаб келибди. Кейин ҳамма сафдошлари ухлаб қолгач, ярим кечада ўша овқатларни қайси жонивор еб кетаётганини билиш мақсадида пост ётоқхонасидан ташқарига чиқибди ва секин-аста юриб, ўша дарахт остига борибди. Қараса овқатни иккита ғоятда катта илон еб турганмиш. Аскар уларни кўриб ортига қараб қочиб қолмоқчи бўлибди, лекин илонлардан бири сапчиб уни ўраб олибди. Аскар бола қўрққанидан шу заҳотиёқ ҳушидан кетибди. Бир пайт ҳушига келиб қараса у дарахтзорлар остидаги буталар орасида ётганмиш. Ўрнидан туриб дарҳол шериклари ётган ётоқхонага шошибди. Қараса барча сафдошлари ўлиб ётибди! Маълум бўлишича тунда душманлар ҳужум қилиб, уларнинг барини отиб кетган, бу фожиани олдиндан билган илонлар эса ҳар куни овқат бериб турган йигитни душман ҳужумидан асраб қолган эканлар.

Во ажабо, деб ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. Наҳотки, ҳиммат кўрсатган инсонга ҳатто илонлар ҳам яхшилик қилса-я! Балки яхши гап билан илон инидан чиқар деганлари ҳам шундандир.

Бу ўғитларимдан келиб чиқиб, ҳиммат камарини маҳкам боғланг, қалбингиз хиёбонига сахийлик ва мурувват гулларини экинг. Бироқ сахийлик ва мурувватингиз ўзингиз ҳалол ишлаб топган маблағингиз ҳисобидан бўлсин. Ўғри-ю талончи, поражур каби текинхўрларнинг ўзгалар маблағи ҳисобидан қилган ҳимматлари ҳақиқий ҳиммат эмас. Сизлар доимо ҳимматингизни киримингизга қараб қилинг. Чунки ёнингиздаги пулингизнинг барини бирданига совуриб юборсангиз, кейин нима ҳисобидан саховат кўрсатасиз. Шунинг учун ҳам кўрпангга қараб оёқ узат нақлига амал қилинг. Яъни имкониятингиз даражасида саховатли бўлинг. Бировларга тақлид қилган ҳолда аъли аёлингиз, бола-

чақаларингиз, ота-онангизни оч ва юпун қолдириб саховат қилиш фазилят эмас. Қарз олиб, унинг ҳисобидан қилинган сахийлик ҳам сахийлик эмас. Бировларнинг молидан олиб бош-қаларга едириш савоб эмас, гуноҳдир.

*Ҳиммат инсон учун олий фазилят,
Унга эга бўлсанг, омад бўлур ёр.
Саховатинг билан топарсан иззат,
Ҳаётинг йўллари бўлур шуъладор!*

* * *

Ҳимматинг

*Кўксими тоғ этди, эй шўҳи дилоро, ҳимматинг,
Мисли кўклам бунча кўркам, бунча зебо ҳимматинг.
Шунчалар шод айладингким кўкка бошим етказиб,
Дилгинам бағрига ишқим айлади жо ҳимматинг.
Мен нечун фахр этмайин оламга доврўғлар солиб,
Эл дили лол бўлди этганда томошо ҳимматинг.
Кўзларингдан ўрғилай, шоним ўзинг, жоним ўзинг,
Ҳар қатида мингта ҳикмат, мингта маъно ҳимматинг.
Дилда ҳис-туйғуларим ҳам жўш уриб кетди, нетай,
Меҳри борму, сеҳри борму, билмадим ё ҳимматинг.
Тонг эмас, мадҳинг ёзиб оламга тарқатсам, Калон,
Беқиёсдир, бебаҳодир, қадри тилло ҳимматинг.*

МАНМАНЛИКНИНГ ОХИРИ ВОЙ

Эй фарзандларим, Мотуридий бобомиз "Эл назаридан қолай десанг такаббур бўл" деганлар. Дарҳақиқат шундай. Кимки ўзини ўзгалардан юқори тутса, уни халқ ҳам, Оллоҳ ҳам суймайди. Кибру манманликдан узоқ юрмаган одам хор-зор бўлиб, қадрү хурматидан айрилади.

Инсон зоти борки, унга менсимаслик назари билан қарасангиз ўзингизни беҳурмат қиласиз. Қаршингизда турган киши нақадар ожиз бўлиб кўринса ҳам, унга ҳеч қачон ҳақорат кўзи билан қараманг. Балки унинг ташқи кўриниши аянчли бўлса ҳам, вужуди одамийлик фазилятлари билан лиммо-лим тўлган бўлиши мумкин.

Ўзгаларни менсимай, ўзига юқори баҳо бериш аввало кишининг ўзига завоёл еткази. Ҳақиқий одам бўлай десангиз такаббур бўлмангки ўз шаънингизу жонингизни ўзингиз хавф-хатарга қўясиз.

Эл ичида одамларнинг энг камсуқуми бўлинг. Шуни яхшилаб уқиб олингларки, сизларни кўролмайдиган, қалбида хусумати бор одамлар ёлғондан шаънингизга мадху сано ўқийдилар ва бу билан манманлик сари етаклайдилар. Уларнинг нияти сизларни худди ичи ҳаво билан тўлдирилган шардек баландга кўтариб, оёғингизни ердан узиб қўйишдир. Шунинг учун ҳам бировлар сизни ўзингизда йўқ фазилатлар билан мақтаса ҳаргиз ишонманг. Негаки у мақтов эмас, аксинча хавф-хатар, яъни устингиздан кулишдир. Бугун сизни йўқ сифатлар билан мақтаган бундай одам эртага худди шундай сифатлар билан ўзгаларга ёмонлашга ҳам қодир. Шуни унутмангки, кишининг вафот этганидан кейин мақталиши, унинг иккинчи ҳаёти, аммо тириклик чоғида ёмонланиши ўлим билан баробар.

Одамзотнинг керилишга берилиши, ўзгаларни менсимаслигининг нақадар зарарли эканлигини Анушервоннинг ўғли Ҳурмушнинг Ахвост вилояти ҳокими билан қилган куйидаги суҳбатларида анча батафсил қайд қилинган:

Ҳурмуш деди:

— Сенда ягона бир айбдан бошқа ҳеч айб кўрмадим. Аммо ўша мен кўрган биргина айб, бошқа яна ўнта айбни орқасидан эргаштириб юради.

Ҳоким деди:

— У қандай айб экан? Орқасидан эргаштириб юрадиганлари қайсилар?

— Ҳурмуш деди:

— Ўша айб керилиш ва ўзини катта олишдир. Унга эргашадиган айбларининг, биринчиси, менсимаслик бўлиб, унинг оқибати халқ нафратига йўлиқиш билан тугайди. Иккинчиси, одамларни тафтиш ва тадқиқ қилиб, уларга дашном берган ҳолда ўзи эса касб-хунарнинг бирортасига ҳам эга бўлмаслик. Учунчиси, ўқишдан ор қилиш, бунинг натижаси илму адабдан бебаҳра қолиш. Тўртинчиси, ўтиришда барчадан ўзини устун ва доно деб билиш, бунинг натижаси ўзига душман орттириш ва обрўйини тўкиш. Бешинчиси, манманлик туфайли чегарадан чиқиш, баландроқ амални хоҳлаб қолиш, натижаси хору зор бўлиб, ўз

мансабидан ҳам ажралиш. Олтинчиси, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилмаслик, беморлардан ҳол сўрамаслик ва шунга ўхшаш нарсалардан кўз юмиш. Еттинчиси, одамларга хавф солиш, уларни масҳара қилиш, натижаси беқадр бўлиш. Саккизинчиси, маслаҳатсиз иш тутиш, натижаси хижолат чекиб, надомат тортиш. Тўққизинчиси, одамлар мени улуғ фаҳмлайди, деб ўйлаш ва гумон қилиш. Ўнинчиси, фозил ва комил кишиларга кулоқ солмай, ҳақорат кўзи билан қараш, натижаси уларнинг назаридан қолиш".

Кўрдингизми, фарзандларим, такаббурликка берилиш, ўзини юқори тутиб, ўзгаларга менсимаслик назари билан қараш қанчалик хунук оқибатларга олиб келар экан. Шунинг учун ҳам сизлар қанчалик юқорига кўтарилишни орзу қилсангиз, шунчалик камтар, камсуқум бўлинг. Киши ўзини қанчалик юксакка отса ҳам юқорида ўз ўзидан туриб қолмайди, қайтиб ерга тушади. Аммо уни эл улуғласа, уни ўзи кўтариб туради, ерга қайтариб туширмайди.

У ёки бу ютуғидан манманликка берилиш доимо ёмон оқибатларга олиб келган, лекин ҳеч қачон фойда бермаган. Киши қанчалик ўзига юқори баҳо бермасин, барибир оддий инсонлигича қолади. Ахир "Хом сут эмган банда" деган ибора бежиз тўқилмаган-да!

Ривоят қилишларича бир подшоҳ ўз мол-мулкининг кўплигидан фахрланиб, илм аҳлини менсимамай қўйган, ўз ихтиёрича иш тутиб, фисқу фужурга берилган экан. Бир куни у бориға қаноат қилиб, камтарлик йўлини тутган доноға дуч келиб қолибди ва унга:

— Эй доно, нимани хоҳласанг тила, сўровингни муҳайё қиламан! — дебди.

— Шундай қилки, — дебди доно, — ажал ҳеч қачон бошимга соя солмасин!

— Бу иш менинг қўлимдан келмайди.

— Бўлмаса, — дебди доно, — қарилик мавсуми кетиб, ёшлик айёми қайтиб келсин!

— Бу иш ҳам қўлимдан келмайди!

— Ундай бўлса орамизда фарқ йўқ экан-ку, — дебди доно шунда.

— Мен қилолмайдиган ишни сен ҳам қилолмас экансан, аммо сенда мол-давлат кўп бўлгани учун, кибр отига миниб, манманликка берилгансан. Мен эса топганимға қаноат қилиб, ҳеч кимға ялинмайман, демак, мен ҳам ўзим учун подшоҳман!

Эй фарзандларим, сизлар ҳам мазкур ривоятдаги доно каби ўзингизга ўзингиз подшоҳ бўлинг. Лекин ўзгаларга ҳеч қачон қу сифатида қараманг, ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил, деганлар.

*Амалдор бўлсанг ҳам, бўлсанг ҳамки бой,
Гар сахий бўлсанг ҳам мисли Хотамтой.
Осмондаман дея қилма хомхаёл,
Сен замин фарзанди, осмонда йўқ жой!*

* * *

Бўлма манман

*Бўлма манман, кўкка ўрлаб кетмасин ҳаргиз димоғ,
Кетса ўрлаб, дил юзини қоплагай доғ узра доғ,
Ўзгалардан ҳеч ўзин тутмас баланд кас бўлса соғ,
Кўчасидан ўтма манманликни, доим юр узоқ,
Камтарин бўл, эл дилини айлагин ҳар лаҳза чоғ.*

*Бир шамол бирлан йиқилгай кўкка бўй чўзган экин,
Сен узоқроққа борурсан, шошмасанг, юрсанг секин,
Доимо ниятни пок тут, сақлама қалбингда кин,
Сўзлама ортиқча, ҳатто болни(нг) ҳам ози ширин,
Камтарин бўл, эл дилини айлагин ҳар лаҳза чоғ.*

*Сув бўлиб боғларга оққин, яшнасин гулзорлар,
Ошмагин ҳаддингдан асло, тошмасин анҳорлар,
Қилмишингдан эл-улус ҳеч чекмасин озорлар,
Ўзгани эрмас ўзин хорлагай дилозорлар,
Камтарин бўл, эл дилини айлагин ҳар лаҳза чоғ.*

*Эй Калон, меҳринг бериб, халқинг учун хизматда бўл,
Мадҳига шеърлар ёзиб, олқиш олу ҳурматда бўл,
Кўргизиб чексиз садоқатлар мудом иззатда бўл,
Етказиб ҳар лаҳза наф хизматда бўл, ҳимматда бўл,
Камтарин бўл, эл дилини айлагин ҳар лаҳза чоғ.*

МУЛОҚОТДА ҲАМ ТЕНГЛИК КЕРАК

Эй фарзандларим, инсон ўз тенги билан мулоқотда бўлгани маъкул. Агар унинг диди дидига, дунёқараши дунёқарашига мос бўлса бундан-да аъло! Уларнинг гаплари гапларига мос келиб, мулоқотларидан завқ-шавқ оладилар, диллари яйрайди. Аксинча бир-бирларига номувофиқ бўлсалар фикрлари қарама-қарши бўлиб, кўнгилларининг оинаси хира тортади. Ўзаро келишмовчилик пайдо бўлади. Натижада икки ўртада низо келиб чиқиб, ҳатто жанжалга айланиб кетиши ҳам ҳечгапмас.

Абдурахмон Жомий ҳазратлари ривоят қилишларича бир дарвеш подшоҳ билан тез-тез кўришиб, ёқимли суҳбатлар қуриб турар экан. Кунларнинг бирида у подшоҳнинг пешонасида маломат изларини сезиб қолибди ва унинг сабабини ўзининг тез-тез кўришишидан деб билиб, улуғ ҳукмдор ҳузурига келишдан ўзини тийибди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, подшоҳ уни йўл устида учратиб қолиб:

— Эй дарвеш, не сабабдан мен билан алоқани уздинг? — деб сўраган экан, дарвеш:

— Бориш-келишдан қадамимни узишимнинг боиси шуки, менинг ҳузурингизга тез-тез боришимдан чеҳрангизда малол аломатларини пайқадим. Шундан кейин бу малолдан кўра "нега келмай кўйдинг? — деган саволни эшитишни маъкул кўрдим ва уни афзал деб тушундим, — деб жавоб берибди.

Дарвешнинг бу гапи подшоҳга ҳам маъкул келгани аниқ. Шундай экан, оддий киши амалдорлар, мулкдорлар ёки олимлар билан мулоқотга киришмаслиги, улар ҳузурига зарурий сабабсиз тез-тез боравериши яхшилик билан тугамайди. Нафсиламбрини айтганда ҳам амалдор ўзига тобе билан, мулкдор камбағал, олим оми билан юзма-юз мулоқотга киришаверишидан наф бўлмайди. Суҳбат жараёнида бири боғдан келса, иккинчиси тоғдан келади. Аксарият пайтларда бир-бирини тушунолмайди. Шундай бўлиши ҳам табиий. Ахир, бўзчи билганини тўқийди-да!

Масалан, физик олимнинг мураккаб илмий ибораларини бу фандан бутунлай беҳабар оддий деҳқон қаёқдан тушунсин. Қолаверса унга физика фанининг муракаб сир-асрорларининг қизиғи ҳам йўқ. Шунингдек, деҳқоннинг касбига оид фикр-мулоҳазалари нақадар тўғри бўлса ҳам физик олим учун аҳамиятли эмас. Бас шундай экан, уларнинг бир-бирлари билан қилган мулоқотлари ҳар икки томон учун ҳам самара бермайди. Агар деҳқон

деҳқон билан, олим олим билан учрашиб, мулоқотга киришса бундан ҳар икки томон ҳам манфаат кўради, бир-бирининг билим даражасини оширади, дунёқарашини кенгайтиради. Шундай экан, киши ўзидан улуғларга сирачдек ёпишиб олиб, қимматли вақтини зое кетказмаслиги керак. Бироқ уларнинг доно фикрлари, кашфиётларидан иложи бориचा баҳраманд бўлмоқларида хосият кўп бўлади.

*Донолар сўзларин ҳикмати бисёр,
Жон билан тингламоқ кони самардир.
Қимматли вақтларин олма лек зинҳор,
Аларнинг қиёси шамсу қамардир.*

Ҳикмат керак

*Эса танҳолик дилингни яхши бир улфат керак,
Яхши улфат бирла бўлгувчи ширин суҳбат керак.
Одам одам тафтини олгай деганлар ҳақ эрур,
Очғали дил қулфини энг аввало журъат керак.
Дейдилар ширин сўзинг қалблар учун жон озиғи,
Дилда пиштиб, тилга чиққувчи гўзал ҳиммат керак.
Ўзганинг шодликларин бирга баҳам кўрмоқ- шараф,
Дардига ҳамдард бўлиб турмоққа ҳам қудрат керак.
Қарс чиқар деб икки қўлдан аҳли доно айтадир,
Ўзаро ҳурмат керак ҳам ўзаро иззат керак.
Доимо шарму ҳаё имонидан одам зотин,
Бас экан шундоқ, кўнгиллар мулки-чун иффат керак.
Эй Калоний, сўзни терганлик билан бўлмас ғазал,
Этғали ашъор ани ҳар байтига ҳикмат керак.*

АМАЛ ИНСОН БИЛАН ШАРАФЛИ

Шундоқ фарзандларим, ҳар қандай амал катта-кичиклигидан қатъи назар, инсонга ҳеч қачон ўз-ўзидан шараф бермайди. Аксинча инсон амални шарафнинг бетимсол гуллари билан безашга қодир. Агар халқ ишониб у ёки бу кишига бирор амални топширса, демак, ундан оғирларини енгил, мушкулларини осон қилишини кутади. Шундай экан, амалдор уни амал курсисига ўтказганларнинг хизматкори, уларнинг орзуларини рўёбга чи-

қариши шарт. Бунинг учун эса у оқил ва доно, ташкилотчи ва тадбиркор бўлиши керак. Қўл остидагиларнинг манфаатларини ҳимоя этиши, уларга оқилона раҳбарлик қилиб, фаровонлик хиёбонлари сари бошлаб бормоғи талаб этилади. Шу маънода амалдорларни чинакамига халқ хизматкорлари дейишга тўла асос бор.

Абдурахмон Жомий ҳазратларининг ривоят қилишларича шоҳ Искандар бир билимдон кишини баланд лавозимдан озод қилиб, анча паст ишга тайинлабди. Ул киши эса бундан хафа бўлмай, топширилган ишни сидқидилдан бажараверибди. Кунлардан бирида Искандар уни ҳузурига чақириб:

— Қалай, янги лавозиминг маъқулми, — деб сўрабди. Шунда ул билимдон киши:

— Подшоҳимнинг умрлари узун бўлсин. Одатда одам амал билан эмас, амал инсон билан шарафли бўлади. Фикри ожизимча ҳар бир ишда у қандай бўлишидан қатъи назар хуштабиатлик, адолат ва инсоф билан ишлаш керак. Шундай қилинганда инсонга эгаллаб турган лавозими шараф келтирадди, — деб жавоб берибди. Билимдон кишининг бу гапи шоҳга маъқул келибди ва уни яна илгариги лавозимига қайта тайинлабди.

Амалдор амалидан фойдаланиб бойлик орттириш йўлини танламаслиги керак. Зеро унинг учун ўша амалнинг юмушлари ҳам етиб ортади. Агар у бошқа ишларга берилиб кетса, ҳатто айримларини эгаллаб олса халқ назаридан қолади. Ривоят қилишларича, Хурмуз ибн Шопурнинг бир вазири унга мактуб йўллабди. Шопур жаноблари уни очиб ўқиса вазир "Денгиз савдогарлари оламжаҳон марварид келтирмишлар, мен уни юз минг динорга сиз учун сотиб олдим. Аммо эшитишимга қараганда Сиз жаноби олийлари буни истамасмишсиз. Агар чиндан ҳам шундай бўлса уни фалон савдогарга яна юз минг динор фойдасига сотиш мумкин" деб ёзилган экан.

Хурмуз вазирнинг бу мактубига дарҳол шундай жавоб ёзибди:

"Авалло юз минг устига юз минг динорнинг бизнинг назаримизда нима қадри бор. Қолаверса агар биз савдогарлик қилсак, подшоҳликни ким қилади ва савдогарлар нима билан шуғулланадилар"

Бундан келиб чиқадики, кимки у ёқи бу даражадаги амални орзу қилса аввало шунга яраша билимдон бўлиши, оқилона иш юритиш санъатини пухта эгаллаши, одамларни ўз ортидан эргаштира олиши, бошқа касб эгаларининг "нонини яримта"

қилишга ўрганмаслиги даркор. Шу фазилатларга эга бўлганидан кейин эса у ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан юқори қўймаслиги, аксинча қўл остидагилар учун хизмат қилиши, уларни ҳимоя қилиш учун ҳамиша посбон бўлиши лозим. Шундагина у эгаллаб турган лавозим дарвозасини халқ очиб кира оладиган бўладилар, идорасини эса ўзлари учун нажот қалъаси деб, унга ҳавас билан боқадилар, керак бўлса кўкракларини қалқон қилиб, уни ҳимоя этишга шай бўлишади.

*Шараф бермас амал ҳеч қачон,
Шарафлайди лек уни инсон.
Дейди амал хизмат усули,
Бўлса кимки оқил, билимдон.*

* * *

Тилак

*Керак эмас молу мулк, амал,
Ҳою ҳавас эмас йўдошим.
То ёқамдан тутмасдан ажал,
Соқит этай гуноҳдан бошим.*

*Озод ҳаёт беқиёс лаззат,
Нурин сочиб турса бас қуёш.
Табиатда қанча малоҳат,
Олган билан завқ бўлмас адош.*

*Зилол суву мусаффо ҳаво
Бағишлайди роҳату лаззат.
Майсазорга боқмоқ ҳам даво,
Тарк этмасин фаҳму фаросат.*

*Тугён урсин қалбда туйғулар,
Ҳис этмоқлик шавқини туяй.
Ҳамроҳ бўлсин шодон кулгулар,
Инсонликни ўрнига қўяй.*

*Қайғулига бўлай қайғудош,
Бахтиёрга қилайин ҳавас.
Синовларга бера олай дош,
Қалбда ихом жўшиб турса бас.*

УЛУҒЛАРНИНГ МЕҲРИНИ ҚОЗОН

Эй фарзандларим, қудратли, улуғ одамларни ҳурмат қилинг, эзгу амалларинг билан уларнинг меҳрини қозонинг. Нечунким, эл назарига тушган кишилардан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Бас уларни халқ шундай улуғлик даражасига кўтарибдими, демак, унда бир эмас, кўп хосият бор. Одатда юксак мартабаларга эришган одамларда эзгу фазилатлар сероб бўлади. Сиз улардан ибрат олинг, ҳавас қилинг. Бироқ бўлар-бўлмастга қимматли вақтларини олманг, беҳудага бошларини қотирманг. Аксинча ҳар дақиқаси олтинга тенг бўлган умр онларининг янада самарали, хосиятли ишларга сарф бўлиши учун қўлингиздан келса кўмаклашинг. Шундай қилсангиз ўзингизга ҳам, уларга ҳам, энг муҳими жонажон халқимизга ҳам яхши бўлади.

Абдураҳмон Жомий ҳазратларининг ривоят қилишларича, бир чумчуқ ўз уйини ташлаб, лайлак уясининг бир четига кириб олибди. Шунда ундан:

— Эй чумчуқ, сенинг ўзингдан кўра анча қудратли бўлган лайлак билан қандай алоқанг борки, шу кичкинагина тананг билан шундай катта қушга қўшничиликни ўзингга муносиб кўриб, унга яқинлашишга ҳаракат қиласан? — деб сўрабдилар.

— Мен ҳам буни тушунаман, деб жавоб берибди чумчуқ. — Бу қудратли қуш билан ўзимни тенглаштиролмаслигим аниқ. Бироқ унга яқинлашимнинг боиси шуки, мен ҳар йили бола очаман. Уларни меҳр бериб, жигар қоним билан парвариш қиламан. Лекин қўшним қудратли илон бўлганлиги учун ҳам у ҳужум қилиб, жигаргўшаларимни еб қўяверади. Шунинг учун ҳам бу йил унинг жабридан узоқлашиш мақсадида бу улуғ қуш ҳузурига яқинлашдим. Умидим шуки, зора у ҳолимга ачинсаю, ҳар йили болаларимни еб тугатаётган ваҳший илоннинг ўзи унга емиш бўлса.

Кўрдингизми, фарзандларим, чумчуқ ўзидан қудратли лайлакнинг ҳаётига ҳеч қандай зарар етказмаган ҳолда унга яқинлашиб, ўз душманлари озоридан халос бўлмоқчи. Сизлар ҳам қудратли одамларнинг эътиборига тушиб, паноҳида бўлсангиз кам бўлмайсиз. Уларнинг куч-қудрати бор экан, яқин-атрофларига дилозор, илонтабиат одамлар ўралашмайди. Демакки, улар осойишта муҳитни яратадилар. Бундай муҳитда эса адолатсизлик бўлмайди, доимо ҳақ қарор топади.

Қаерда куч-қудрат бўлса гар шоён,
Жаҳолат ул жойда бўлмас намоён.
Доимо кучлидан паноҳ истайди,
Ўзида кучи йўқ ҳар битта инсон!

* * *

Эргашидим

Ақлидан ақллар ўрганиб, донога эргашидим,
Эсам ҳам бир томчи, жисмим қўшиб дарёга эргашидим,
Диёнатли, садоқатли, асил ошнога эргашидим,
Бўлай сайронлар деб булбулигўёга эргашидим,
Кўёшу ойга ҳам ёғду сочар сиймога эргашидим.

Ҳаёт уммонида ғоввос бўлиб дурлар териб юрдим,
Кўнгилларни ёритсин деб мудом нурлар териб юрдим,
Шафоат боғидан энг тотли ангурлар¹ териб юрдим,
Элимга тухфа деб покиза унсурлар териб юрдим,
Бўлиб шайдо юракдан менга ҳам шайдога эргашидим.

Тингладим жоним бидан ақли расолар суҳбатин,
Мағзини чақдим эринмай бебаҳолар ҳикматин,
Бир умр ўтғум қадр айлаб алар ҳимматларин,
Олмайин беҳудага меҳригиё фурсатларин,
Қоронғу тун эсам ҳамки, ёруғ дунёга эргашидим.

Менга ҳимматни кўрсатган қадрдонларга минг шонлар,
Эгиб бошим, этай таъзим, ҳамиша, ҳар нафас онлар,
Узай деб қарзларим тинмай чекиб юрмоқдаман жонлар,
Сўзим қатъи эрур, албат ишонсинлар ғазалхонлар,
Ғазал ёзмоқда энг машҳур, Калон, аълога эргашидим.

¹ Ангурлар - узумлар.

САВДО: ҲАЛОЛЛИК БАРАҚА КАЛИТИ

Азиз фарзандларим! Одатда кишилар ҳаётий зарурат туфайли савдо-сотик билан шуғулланадилар. Биров сотади, бошқа биров олади. Бу олди-сотди муомаласида ҳар икки томоннинг ўзига хос ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчлари бўлади. Оллоҳнинг каломи Куръони шарифнинг "Нисо" сурасида "Эй мўминлар, молларингизни ўрталарингизда ноҳақ йўллар билан емангиз. Балки, ўзаро розилик билан бўлган савдо-сотик орқали мол-дунё касб қилингиз", дейилган. Динимиз таълимотига кўра у ёки бу молини сотаётган одам, аввало, унинг айбини харидорга айтиб сотиши шарт. Агар тарози ё бошқа ўлчов воситаси билан сотаётган бўлса, ҳеч қачон бу ўлчовда хиёнат қилмаслиги керак. Олувчи ҳам, ўлчовдан кўпроқ қилиб олишни ёки кўпайтириб беришни талаб қилмаслиги даркор.

Машҳур муҳаддис Имоми Муслим ривоят қилган бир ҳадиси шарифда шундай сўзлар бор:

"Кунлардан бир куни Пайғамбаримиз (с.а.в.) бозорда буғдой сотаётган кишининг олдида тўхтаб, қўллари қопдаги буғдойнинг ичига тиқиб кўрдилар. Шунда қўллари нам бўлиб чиқди. Сотувчига қараб:

— Бу нимаси?, — дедилар.

— Ёмғир теккан эди, ё Расулulloҳ! — деб баҳона қилган бўлди сотувчи.

Унинг бу гапидан таажжубга тушган Пайғамбаримиз сотувчига: "Ёмғир теккан бўлса, нега уни ташқарисига чиқариб қўймай, ичига кўмиб қўйдинг? Ахир, одамлар молингни яхши-ёмонлигини билиб, ундан кейин харид қилсинлар-да! Кимки бизни алдаса, у биздан эмас, яъни мусулмонлардан эмас", — деб танбеҳ бердилар.

Сотувда ўлчов ҳаққоний бўлиши керак. Тарози ё метрдан уриб қолишга уриниш ноинсофликдир. Савдолашишда сотувчи ҳам, олувчи ҳам фақат ўз манфаатини эмас, балки шеригига ҳам иложи борича ён босиши керак. Бу деганимиз сотувчи харидорга имкон қадар қўшиб бериши, харидор эса иложи борича сотувчига қолдиришга уриниши керак. Шундай қилинганида савдода барақа бўлади. Бу ҳақда Куръони Каримда шундай дейилган:

"...Ўлчовда уриб қолувчилар...шундай кишиларки, одамлардан ўлчаб ва тортиб олганда тўлиқ ўлчаб ҳамда тортиб оладилар ва одамларга ўлчаб ва тортиб берганда камайтириб берадилар.

Улар ўлгандан сўнг қайта тирилишларини билмайдиларми? Улуғ бир кунда инсонлар Раббиси ҳузурида тик турадилар".

Ривоят қилишларича қадим замонда бир одил подшо бўлиб, у бўш вақтларида фақирона кийиниб, халқ ичига кириб, унинг ҳолидан хабардор бўлиб юрар экан. Бир куни у шунақа фақирона кийиниб бугдой бозорини айланганида бир савдогарни кўрибди. Унинг бозори чаққон, ўзи ўта хушмуомала, икки юзидан нур ёғилиб турганмиш. Яқинроқ бориб бундоқ қараса тарозисининг палласи олтинданмиш. Подшоҳ ҳайрон бўлиб савдогардан:

- Бугдой неча пул? – деб сўрабди.
- Бир тангаю чорак, – деб жавоб берибди савдогар.
- Бугдойни қаердан ва қанчадан олгансиз?
- Жуда олисдан бир тангадан сотиб олиб келганман.

Подшоҳ нарироққа бориб бошқа бир савдогарга кўзи тушибди. Унга ҳам яқинроқ бориб кузатса унинг тарозисининг паллалари ошқовоқдан ясалган экан. Негадир бу савдогарнинг олдида харидори йўқ. Шунинг учун ҳам у хомуш, қовоқлари солинган ҳолда пашша кўриб ўтирганмиш. Подшоҳ бу савдогардан ҳам:

– Бугдойнинг баҳоси қанчадан, – деб сўраган экан, у истаристамас ҳолда:

- Икки тангадан, – деб жавоб берибди.
- Унда бу бу

ғдойни ўзингиз қанчадан олгансиз? – деб яна сўраган экан, савдогар:

– Бир ярим тангаданга, анча олис жойдан, – деб ёлғон жавоб қилибди.

Эртасига иккала савдогарни ўз қасрига олдириб келибди ва биринчи савдогардан бир кунда қанча бугдой сотишини сўраган экан, у ҳалоллик билан ўртача ўн минг килограммдан сотишини, бож солиғини ўз вақтида тўлашини айтибди. Подшоҳ иккинчи савдогарга ҳам шу саволларни берса у бир кунда атига 20-25 килограммдан бугдой сота олишини ва тушган фойда тирикчилигидан ортмаслигини айтибди.

Подшоҳ кулиб биринчи савдогарни бир йиллик бождан озод этибди ва ўша бозорга савдогарбоши этиб тайинлабди. Иккинчи савдогарга эса ёлғон гапиргани учун танбеҳ бериб, бундан буён очкўзлик билан катта фойдани кўзлаб ёлғон гапирмасликни тайинлабди ва биринчи савдогардан ўрнак олишни буюрибди.

Қиссадан ҳисса шуки, фарзандларим, сизлар ҳам юртимизда

юқоридаги ривоятда баён қилинган тарозусининг палласи олтиндан бўлган савдогар каби қўли очиқ, ҳалол савдогарларнинг кўпайишига ўз ҳиссангизни қўшинг. Агар ўзларингиз бевосита савдога қўл урсаларингиз инсофли, диёнатли, ўзгалар ҳақиға хиёнат қилмайдиган бўлинглар. Ҳеч қачон мўмай фойдани кўзлаб очкўзлик ботқоғига ботманглар. Қайси бирларинг ўзга юртлардан халқимиз учун зарур бўлган у бу молни олиб келиб сотсаларинг ҳеч қачон ўлчовда харидор ҳақиға хиёнат қилманглар. Нарх-навони белгилашда ҳам ҳаддан ташқари кўп фойдани кўзлаб, меъёрдан ошиқ баҳода сотманглар. Уламоларнинг айтишларига қараганда хориждан халқ эҳтиёжи учун зарур нарсаларни олиб келиб инсоф билан сотиш тинимсиз ибодат қилиш билан баробар бўлар экан. Бироқ кимки мўмай фойдани кўзлаб ўз юртида камёб молларни ўзга юртларга олиб бориб сотса, у гуноҳи азимга ботар экан. Сизлар бундай гуноҳларга ҳеч қачон ботманг.

*Савдода адолат тарози бўлсин,
Тарозидан урар ноинсоф одам.
Ҳалол фойданг билан ҳамёнинг тўлсин,
Ўзгалар ҳақини юлмагин болам.*

* * *

Тижорат ниқоб

*Аларнинг мақсади бўлди тижорат,
Диллари маҳлиё савдо мавжига.
Тижорат ниқобдир, нияти ғорат,
Бир-бирин алдамоқ чиқар авжига.*

*Энидан ҳам урар бўйидан уриб,
Касби сеҳргарми ва ё фирибгар.
Киссангни шилади бақрайиб туриб,
Ёққангдан олади шартта баччағар.*

*Ёлғонлар тўқишда устаси фаранг,
Ўтмас матоҳини пуллаб олади.
Асаблари тори тортилган таранг,
Ғинг десанг бошингга солиб қолади.*

*Диёнати-товар, иймони пулдир,
Ҳиммат, саховатдан ўгирган юзни.
Мулку давлат учун ҳокисор қулдир,
Бенарвон уради кўкда юлдузни.*

*Бир сўмнинг устида думбалоқ ошар,
Ҳатто қайтим олмоқ ўлимдан қийин.
Дунё бозорларин тўзғитиворар,
Унинг-чун инсофнинг қадри бир тийин.*

*Дерлар: аччиқ қовуннинг уруғи бисёр,
Алардан қўлларин ювмоқда башар.
Қалбида на номус, на заррача ор,
Кундан кун қутуриб ҳаддидан ошар.*

*Эй Калон, инсоф сўр бу балоларга,
Ебтўймас очкўзу очофатларга.
Қулоқ тутиб доим сен доноларга,
Ҳеч қачон зор бўлма бу офатларга.*

Куйиб ўлтирмангиз

(Хориждан турли товарлар олиб келиб сотувчи тадбиркорларга)

*Нокерак молни улусга ҳеч қачон келтурмангиз,
Нокерак мол келтириб ташвиш саройин қурмангиз.
Келтириб даркор товар эл эҳтиёжин қондиринг,
Янглишиб бу йўлда тошларга бошингиз урмангиз,
Муддати ўтган яроқсиз озиқ-овқат оғудир,
Элга оғу келтириб қўлни гуноҳга урмангиз.
Пул топиб, уйлар қуриг, мошин олиб, яйраб мининг,
Бўзни атлас айлагум деб, лек бўёқлар сурмангиз.
Бирга олган нарсани ўн бирга олганман дебон,
Элни алдаб, ақчасин олмоққа ҳеч улгурмангиз.
Ҳийлаи аъмолингиз фош айласа шоир Калон,
Сўнгра чангаллаб бошингизни куйиб ўлтурмангиз.*

ОЧКЎЗДАН БАРАКА ҚОЧАДИ

Азиз фарзандларим, бу фоний дунёда инсон учун очкўзликдан кўра зарарли иллат йўқ. Кимки нафс қутқусига учиб, очкўз бўлса ўз бошига ўзи етади ва охиратда ҳам дўзах азобига гирифтор бўлади. Охиратини ўйлаган, дўзах азобидан қўрққан одам ҳеч қачон очкўзликка берилиб гуноҳи азимларга ботмайди. Шу ўринда куйидаги ривоят ниҳоятда ибратли:

Қадим замонда икки ака-ука яшаган экан. Акаси ниҳоятда бой-бадавлат, аммо ниҳоятда хасис, укаси эса камбағал, лекин жуда сахий ва одил экан. Укасининг бир парча ери ва бир сигири бўлиб, ўзи ва бир фарзанди билан шулар ҳисобига кун кечирар экан. Бой-бадавлатлигидан мағрур акаси эса қизғанчиқлигидан бойлигимга шерик бўлади, деб ҳатто уйланмаган ҳам экан.

Бир куни укасининг хотини сигирини энди соғиб бўлган экан, боласи йиғлаб қолибди. Шошилиб бола томон югурибди. Болани овутиб бўлиб сут соғилган челақ томанга қараб юрибди. Яқинроқ келиб қараса, челақдаги сутни бир каттақон илон ичаётган эмиш.

Яқин атрофда ишлаётган эри ҳам илонни кўриб, хотинига "челақка яқинлама" деган ишорани қилибди. Эр-хотин бу ҳолга лол қолиб, бироз кузатиб туришса илон сутни ичиб бўлиб, экинзор томон судралиб кетибди. Аёл челақни олиш учун бориб қараса, челақ тагида бир дона олтин танга турганмиш. Эр-хотин қувона-қувона олтинни олишибди. Эртасига улар тагин сут соғилган челақни ўша жойга қўйиб, кузатишибди. Яна илон келиб, сутни ичибди ва тагин бир дона олтин танга қолдириб кетибди. Бу ҳол ҳар куни такрорланаверибди. Шундай қилиб, камбағал ука тез кунда бойиб кетибди. Буни кўрган ака ҳасад ўтида ёнганидан ўз ёғига ўзи қоврила бошлабди. Ниҳоят укасига ўзининг қондошлигини, жонқуярлигини рўқач қилиб, бу сирни билиб олибди-да, кейин ўзининг разил режасини амалга оширишга киришибди.

Кунларнинг бирида аёл сутни соғиб, челақни илоннинг йўлига қолдириб кетган пайтини пойлаб туриб укаси ва келинини узоқроқ жойга авраб жўнатибди-ю, ўзи челақ томон шошибди. Қараса сутни илон мириқиб ичаётган экан, қўлидаги болта билан уни уриб иккига бўлиб ташламоқчи бўлибди. Аммо илон чап бериб қолибди. Бироқ шунда ҳам болта унинг думини кесиб кетибди. Бундан дарғазаб бўлган илон бир сакраб акани чақиб ўлдириб, узилиб кетган бир парча думини қолдирганча ғорига жўнабди.

Деҳқон йигит келиб қараса акаси ўлиб ётган, ёнида эса илоннинг бир парча думи узилиб ётганмиш. Буни кўрган ука хотини билан биргаликда мулоҳаза қилиб, воқеани англаб етибди ва йиғлай-йиғлай акани кўмиб келибди.

Бироқ орадан бир неча ой ўтса ҳамки илондан дарак бўлмапти. Шунда ука уни қидира-қидира бир ғордан топибди:

— Эй илон, — депти у, — биз дўст эдик-ку. Нега уйимизга бормай қўйдинг?

— Эй инсон, — деб жавоб берибди илон, — биз ҳақиқатан ҳам дўст эдик. — Сен оқкўнгил, сахий инсонсан, сен берган сутинга, мен берган олтинимга рози эдим. Эндиликда сенда аканг фи роқи, менда думим алами бор. Сенга душманлигим йўқ. Акангнинг очкўзлиги ўз бошига етди ва бизни дўстлигимизга ҳам нуқта қўйди.

Илон шундай дея хомуш ҳолда ғорига кириб кетибди. Ука ҳам дўстидан ажралганидан хафа ҳолда маъюс бўлиб уйига қайтибди.

Кўрдингизми, фарзандларим, хасис ва қурумсоқ аканинг очкўзлиги ўз бошига етибди. Ҳаётда бунақа воқеалар у ёки бу кўри нишларда учраб туради. Сизлар улардан хулоса чиқариб, ҳеч қачон очкўзлик иллатига дучор бўлманглар. Доимо кенг феълли, сабр қаноатли, Оллоҳнинг берган неъматларига у қанча ва қандай бўлишидан қатъи назар шукр этггучи бўлинглар. Агар қўли очиқ, серҳиммат бўлсангизлар ҳеч қачон қашшоқлик дардидан азоб чекмайсиз. Шунини билингки, қайси оилада ҳалоллик, аҳиллик ҳукмрон бўлса, борига қаноат қилинса, ўша оиладан қут-барака ҳам ҳеч қачон аримайди.

*Очкўзларда бўлмас меҳр, оқибат,
Барака ҳам улардан қочиб кетади.
Аларга элимнинг нафрати қат-қат,
Алар ўз бошларига ўзи етади!*

* * *

Ҳайвонга ўхшаркан

(Бир тавбасига таянган баднафсининг дийдиёси)

*Бу нафс номли бало, дўстлар, чуқур ўпқонга ўхшаркан,
Ютаркан, лекигин тўлмас, деманг тўлғонга ўхшаркан.
Унинг йўлига юрмоқлик нуқул офатни ёғдирди,
Илиндим домига билмай, ажаб, қопқонга ўхшаркан.
Бировлар луқмасин қўрқмай ўмардим, ямламай ютдим,
Ҳаром ютган жиғилдоним заҳар ютғонга ўхшаркан.
Киши бўлса агар нафсин ғуломи, мисли ҳар доим
Имон, виждонини чангу қурум босғонга ўхшаркан.
Очофатлик қилиб икки юзим бўлди қаро, найлай,
Ки нафсин айтганин қилғон кўнгиш қумғонга ўхшаркан.
Ҳалол ишлаб, ҳалол нонин топиб юрғонга омад ёр,
Ҳаром топғон кишин бахти кетиб қолғонга ўхшаркан.
Фазилатдир, Калоний, нафсни тиймоқлик одамзотга,
Ўзин нафсин тиёлмас кас ҳаром ҳайвонга ўхшаркан*

ЁМОН ХОТИН ЖОН ОФАТИ

Ўғлим, ўзингга жуфти ҳалол танлашда Пайғамбаримиз (с. а. в.) нинг "Аёл киши диёнати учун, мол-дунёси ёки насл-насаби, ёхуд хусни жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин, барака топгур" деган ҳадиси шарифларига риоя қил. Диёнатли аёл эрига садоқатли бўлади. Унинг айбини яшириб, фазилатларини ошириб оиласининг обрў-эътиборини сақлайди.

Ривоят қилишларича қадим замонда бир йигит бўлган экан. У улғайиб, вояга етгач отаси уйлантириб қўймоқчи бўлибди. Аммо йигит кўнмапти. Чунки у эркаклик жиҳатидан заиф экан. Бундан беҳабар ота уни барибир мажбурлаб бир имонли қизга уйлантириб қўйибди.

Тўю томошалар ўтиб, куёв ва келин қовушадиган кеча йигит қизга ёрилибди:

— Эй маҳбубам, мени кечиринг, сизни бахтиёр этолмайман, — деб ўзининг айбини ошкор этибди ва қизга хоҳлаган пайтида кетишини, айбни ўзига олишини айтибди. Бироқ диёнатли қиз:

— Энди ўртамизда никоҳ ўқилиб бўлди. Мен сизнинг жуфти ҳалолингизман. Шундай экан, орамизда ҳеч қандай сир бўлиши

мумкин эмас. Сизнинг сирингиз менинг ҳам сирим. Эрининг сирини ошкор қилган хотиннинг икки дунёда юзи ёруғ бўлмайди. У турли азоб уқубатларга гирифтор бўлиши муқаррар. Шунинг учун ҳам мен сизнинг сирингизни ошкор этиб, шарманда этолмайман, — дебди.

Орадан йиллар ўтибди. Аёлнинг шаънига туғмас деган тамға босилса ҳамки, у эрининг айбини ошкор қилмабди. Бироқ набира кўриш, бобо бўлиш орзусида бўлган йигитнинг отаси бир куни ўғлини чақириб:

— Қачонгача бу туғмас аёл билан умринг зое ўтади. Бўлди, энди етар. Ажрашасан. Сени бошқа аёлга уйлантираман, — деб туриб олибди. Йигит қийин аҳволда қолиб, ўз-ўзини ея бошлабди. Бу ҳолни сезган хотини:

— Бегим, сўнгги пайтларда кайфиятингиз бузилган. Бир нарсадан хафасиз, сабабини айтинг, — деб туриб олибди.

Йигит ноилож бўлаётган гапни айтибди. Шунда аёл кўзларига жиққа ёш олиб:

— Майли, мен розиман. Аммо бир илтимосим бор. Мен бу уйдан чиқиб кетганимдан кейин орадан қирқ кун ўтгачгина уйланасиз, — деб шарт кўйибди. Йигит рози бўлиб, отасига:

— Мен энди қирқ кунлик чиллага ўтираман. Ҳеч ким халақит бермасин. Бир уйда кўчага чиқмай, Оллоҳга ибодат қиламан. Шундан кейингина уйланаман, — дебди.

Ҳаш-паш дегунча қирқ кун ҳам ўтибди. Йигитни уйлантиришибди. Лекин у баттар изтиробга тушибди. Бир томондан ноҳақ хўрланган садоқатли хотинига ачиниб ўртанса, иккинчи томондан ўзининг аҳволи кўпчиликка маълум бўлиб қолишидан кўрқиб йиғлар экан. Айниқса янги хотини билан қўшилолмаган куни оху фарёд чекибди. Ниҳоят чидолмай захар ичиб, беҳуш бўлиб йиқилибди.

Шунда мўъжиза рўй берибди. Қирқ кундан бери ўз уйида Оллоҳга ёлвориб, эрини шарманда бўлишдан асрашни сўраётган биринчи хотинининг дуолари мустажоб бўлиб, йигит ичган захар шифога айланибди. Яъни кўпдан бери заиф бўлган йигитга Оллоҳ эркаклик қувватини ато этиб, уни шармандалиқдан халос этибди.

Эртаси куни одатга кўра янги келинни ота-онасининг уйига "чорлар"га олиб боришган экан, тасодифан йўлда ҳалокат рўй бериб, у вафот этибди. Марҳумнинг маросимлари ўтгач, ота-тагин ўғлини ҳузурига чақириб:

— Ўғлим, пешонангда бу ҳам бор экан. Майли, тақдирга тан бер. Мен сени тагин уйлантириб қўяман, — дебди. Шунда йигит кўлдан бери ўзини қийнаб келаётган дарду аламларини ошкор этибди ва олдинги хотинининг матонати ҳақида отасига тўлқинланиб гапириб берибди.

Бу гапларни эшитган ота дарҳол ўша жасоратли келинининг уйига ошиқиб, уни олиб келибди-да, пешонасидан ўпиб:

— Эй она қизим, агар инсонни тавоф қилиш буюрилганида эди, мен сени тавоф қилган, босган ҳар бир қадамнинг гардини кўзларимга тутиё қилган бўлур эдим, — дебди.

Шундай қилиб, эрининг сирини ошкор қилмаган, жаннати бу аёл севган эри билан бир умр бахтли-саодатли ҳаёт кечириб, ували-жували бўлиб кетибди.

Эй ўғлим, агар мана шу ривоятдаги каби оқила, имонли аёлга уйлансанг у ўзининг чиройли хулқу одоби билан сени бахтиёр қилади. Бундай аёл фақат танмахраминггина бўлиб қолмай, болаларингнинг онаси, уларнинг оқила ва доно тарбиячиси ҳамдир.

Бироқ, минг афсуски, баъзи нодонлар қизнинг садоқатига қараб эмас, ота-онасининг мол-мулкига қараб уйланишади ва бир умр миннат балосига дучор бўладилар. Бошқа бировлари эса хусни жамолига маҳлиё бўлиб, бунинг орқасидан қанча-қанча фитна-фасодларга рўбарў келадилар. Агар дину диёнатли, ҳалол аёлга уйланганларнинг умри роҳат-фароғатда ўтса, гафлат босиб, диёнатсиз, жанжалкашларига уйланиб қолганларининг ҳаётлари заҳри-заҳқумга айланади. Ёмон хотиндан ўлиб қутилмасалар, тирикликча қутилолмай, дўзах азобини чекадилар. Бу ҳақда бир эртакнамо ривоят бор. Кел, яхшиси уни ҳам айтиб бера қолай.

Ривоят қилишларича қадим замонда бир деҳқон йигит Жамила деган ўтакетган имонсиз, дангасаю урушқоқ аёлга уйланиб кўйиб умри заҳарга айланибди. Шунча уринса ҳам унинг зуғумларига бардош топа олмай, охири ундан бира-тўла қутилиб қўя қолмоқчи бўлибди. Жанжалкаш аёлини алдаб, бир чўлга олиб бориб, чуқур қудуққа ташлаб юборибди. Бироқ орадан бир неча кун ўтгач барибир унга ачиниб, қутқариб олиш учун қудуққа арқон туширибди. Бир пайт қараса, арқонга бир аждарҳо ўралиб чиқаётганмиш. Қўрққанидан арқонни кўйиб юбормоқчи бўлиб турса аждарҳо тилга кириб:

— Эй инсон, мени қутқар, бу яхшилигингни ҳеч қачон унут-

майман, — деб ёлворибди. Деҳқон йигитнинг раҳми келиб уни кутқариб олибди. Аждарҳо қудуқдан чиқиши билан:

— Мен қирқ йилдан бери шу қудуқда яшардим. Бундан бир неча кун олдин бир аёл келиб тушдию, шўримни қуритди. Азбаройи худо, ўлимимга рози қилди, — дебдию орқасига қарамай қочиб қолибди.

Орадан бир неча йил ўтгач шаҳар четида бир аждарҳо пайдо бўлиб, учраган одамни тириклайин ютаётганмиш, деган ваҳимали хабар тарқалибди. Йигит шаҳар четига чиқиб қараса бир гордан ўша аждарҳонинг овози эшитилибди:

— Эй йигит, мен сени танидим. Сен мени жанжалкаш аёлдан кутқарган ўша одамсан. Агар танимаганимда аллақачон сени ҳам ямламай ютиб юборган бўлуру эдим.

Йигит шаҳарга қайтиб келса подшоҳнинг жарчилари:

— Эй халойиқ, кимки шаҳар четидаги аждарҳони ўлдирса ёки ҳайдаб юборса подшоҳимиз ярим давлатлари ва қизларини бериш ҳақида фармони олий эълон қилдилар, — деб жар солиб юрганмиш.

Бу хабарни эшитган йигит дарҳол подшоҳнинг олдига бориб:

— Эй адолатли шоҳ, менинг ўша аждарҳони ҳайдаб юбора оладиган қуролим бор. Бунинг учун менга битта учқур от ва қамчи берсангиз кифоя, дебди. Подшоҳ дарҳол унинг айтганини муҳайё қилдирибди. Йигит учқур отни миниб гор яқинига борибди-да, овозининг бориचा:

— Жамила қудуқдан чиқибди, деб бақирибди.

Буни эшитган аждарҳо жон ҳолатда гордан чиқиб, боши оққан томонга қараб қочиб кетибди.

Йигит шаҳарга қайтгач уни оломон катта тантаналар билан кутиб олибди. Подшоҳ ҳам ўз сўзининг устидан чиқиб, унга ярим давлатини бериб, ўзига куёв қилиб олибди.

Ана шунақа ўғлим. Ёмон хотин жон офати. Илоҳим яратган Эгам сени бунақа офатга ҳеч қачон дучор этмасин.

Жуфтингни танлашда шошилма, болам,

Имон, эътиқодли, оқила бўлсин.

Шундай аёллар-ла файзлидир олам,

Илоҳим умрбод толейи кулсин!

* * *

Армон бўлмаса

(Бир таяннос хотиннинг дийдиёси).

Найлайин ишқинг агар киссангда ҳамён бўлмаса,
Пул деган олиймақом улгуржи бир кон бўлмаса.
Дейдилар эрса қуруқ қошиқ оғизни йиртадир,
Севгидан не наф бўлур, турмуш фаровон бўлмаса.
Ҳеч қачон ёстиқдошинг бўлмоқни хоҳиш айламам,
Ихтиёрингда агар бир катта дўкон бўлмаса.
Катта тишлаб, катта еб юрмоқ дилимда муддао,
Не учун турмуш қурай бу ишга имкон бўлмаса.
Битта тирноғим бўятмоқликка юз доллар керак,
Қандайин юзни оқартгум менда пулжон бўлмаса.
Кир ювиш, овқат пиширмоқлик менинг корим эмас,
Еб, ичиб ялло қилай, ваъдангда ёлғон бўлмаса.
Лаб бўяш, қошни теришликка керак хизматчилар,
Розиман, бу ишга инсон бўлса, филмон бўлмаса.
Эй Калоний, мен сенинг ишқинг қабул этгум, қачон
Барча орзумга етишсам, дилда армон бўлмаса.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҲАМ ИБОДАТ

Фарзандларим, инсон дунёга келибдими, фаровон яшаш ис- тагида бўлади. Бироқ орзу қилинадиган фаровон ҳаёт ғойибдан келмайди. Уни инсоннинг ўзи ҳаракат қилиб қўлга киритади.

Ривоят. Пайғамбаримиз (с. а. в.) бир катта шаҳардан ўтиб ке- таётсалар бир йигит саҳобаларга мурожаат қилиб, ул зоти боба- ракот билан учраштиришни илтижо қилибди.

Саҳобалар унинг илтижосини пайғамбаримизга етказишибди. Йигит байтулмолдан эҳсон қилишларини сўрабди. Шунда жаноб пайғамбаримиз ундан:

— Эй йигит, тану жонинг соғми? Оёқ-қўлинг бутунми? — деб сўрабдилар.

— Ҳа, соғман, оёқ-қўлим ҳам бутун. Лекин тирикчилик бора- сида азият чекапман.

— Наҳотки ҳеч нарсанг бўлмаса?

— Оллоҳим менга бор-йўғи битта палос насиб этган. Қишда орасига кириб, ёзда остимга ташлаб ётаман.

Унда шу палосингнинг ихтиёрини менга бериб тур.

Йигит рози бўлибди. Пайғамбаримиз палосни "кимошиди" савдосида ўн тангага соттирибдилар ва беш тангага арра ва болга, қолган беш тангага егулик олдириб берибдилар ва дебдилар:

— Ўтин йиғиб келиб сот, тушган пулнинг ярмини қорнингга ишлат, қолганини эса йиғиб, бир ойдан кейин ҳузуримга кел.

Йигит ҳар куни эрталабдан қош қорайгунга қадар, баъзан тун бўйи ҳам саҳродан ўтин йиғиб, қуёшнинг тиғи остида йиққан ўтинини арқон билан боғлаб елкасида шаҳарга олиб келиб сота бошлабди. Бир ойда 200 танга тўплаб, пайғамбаримизга учрабди. Пайғамбаримиз ўринларидан туриб, йигитни қучиб ҳурмат қилибдилар ва олдиларида турган саҳобаларига дебдилар:

— Ҳар қандай кишининг етти мучали соғ, меҳнатга лаёқати бор бўла туриб, дангасалиги оқибатида садақа сўраб тирикчилик қилса, яратган Эгамнинг тавқи лаънатида қолур, пешонасида дўзахнинг муҳри босилур. Бу лаънат фақат дўзах ўти билангина ўчур.

Эй азиз саҳобаларим! Эшитинг, ёзиб олинг ва етказинг. Ўз пушти камаримиздан бўлган фарзандларимиз ризқи учун ҳалол меҳнат билан машғул бўлиш ҳам ибодатдир. Нафақат бу дунёни, у дунёни ҳам ўйлангиз.

Худди шундай. Инсон учун тоат-ибодат нақадар зарур бўлмасин, меҳнатдан тийилиш нотўғри бўлади. Шу ўринда узоқ ўтмишда яшаб ўтган икки дўст воқеасини айтиб ўтишим фойдадан холи бўлмайди.

Икки дўст йигирма йил бир мадрасада таҳсил олиб, етук олим бўлишибди. Уларнинг бири ўқиган илмига амал қилиш йўлида, тарки дунё қилиб, бир ғорга кириб, фақат ибодат билан машғул бўлибди. Иккинчиси эса, ўз она қишлоғига бориб, ўқиган илмига амал қилиб, оила қуриб, бола-чақа орттирибди ва ҳалол меҳнати билан тирикчилигини ўтказа бошлабди.

Шу тарзда орадан йигирма беш йил ўтибди. Ғорда фақат ибодат билан машғул бўлган кишини Оллоҳ таоло паррандалару даррандаларнинг тилини тушунадиган улуг даражага етказибди. Бир куни қулоғига ғор оғзида турган икки қушнинг бир-бири билан гаплашиб тургани чалиниб қолибди. Эътибор билан тингласа бир қуш иккинчисига:

— Мана шу ғорда яшаётган одамнинг йигирма йиллик қалин дўсти яқинда вафот этди, — деяётганмиш.

Буни эшитган ҳалиги зоҳид киши дўстига дуои фотиҳа қилиш учун қишлоғига йўл олибди.

Қишлоққа кириб борса, ўша ерда юрган барча жониворлар паррандаю даррандалар дўсти барпо этган боғнинг неъматларидан еб, унинг ҳаққига дуо қилишаётганмиш. Дўстининг уйига кириб борса, унинг етти ўгли номоз ўқиб,отасини дуо қилиб турган экан. Шунда у одам ўйлаб-ўйлаб дебди:

— Ҳа, дўстим менга нисбатан ҳақ йўлни тугган экан. Мана, ундан шунча нарса қолибди. Солиҳ фарзанд, хайрли ишлар барчаси унга ўлимидан кейин ҳам савоб йўллаб турибди. Мен-чи, мен одамлар учун нима яхшилик қилдим? Фақат ўзимни ўйлادим, ўзим учун ибодат қилдим. Бунинг эвазига бу дунёда улуғ даражага эришдим. Лекин ўлимимдан кейин мендан ҳеч нарса қолмас экан. Бирор бир фойдали иш, бирор бир зурриёд бўлганида эди, у мени дуо қилиб турарди. Мен бу дунёдан кўз юмсам, барча номаи аъмолим ҳам ўзим билан бирга кетаркан. Дўстимнинг эса, бу дунёси ҳам, у дунёси ҳам обод бўлибди.

Бундан англашиладики, фарзандларим, агар ҳеч кимга муҳтож бўлмайин, ўзим, аҳли аёлим, фарзандларим фаровон турмуш кечирсин, охиратим обод бўлсин десангиз меҳнат қилинг. Тадбиркорлик билан, изланиб, ақлни ишлатиб ҳалол меҳнат қилсангиз ҳеч қачон хор-зор бўлмайсиз ва табиийки, турмушингиз ҳам фаровон бўлади.

*Инсон яшай деса агар фаровон,
Ҳалол ишламоқдан қочмасин зинҳор.
Меҳнатдан қочмаса одамзот, унинг
Имони бут бўлур, қабри шуъладор.*

* * *

Шу жаҳонда

*Пок бўлса юрак равзаи ризвон шу жаҳонда,
Чин ҳуру парилар ила ғилмон шу жаҳонда.
Ихлос ила меҳнатга белин боғласа инсон,
Жаннатдагидек боғу гулистон шу жаҳонда.
Ҳар икки жаҳон жонга саодатли, ҳузурли,
Инсонга агар дўст эса инсон шу жаҳонда.
Жаннат эшигин катта очар ҳуру парилар,
Бу бахтга, бироқ етгани имкон шу жаҳонда.
Жонини фидо қилса киши халқу Ватанга,*

*Шухрат, шарафу боз яна зўр шон шу жаҳонда.
Оллоҳга суюк банда бўлиб қолса ажаб йўқ,
Гар бўлса агар қалбида имон шу жаҳонда.
Дунёни фано мулки дея айлама афсус,
Чиқмоққа бақо мулкига нарвон шу жаҳонда.
Илҳоми жўшиб ёзса, Калоний, агар ашвор,
Энг яхши ғазал, достону девон шу жаҳонда.*

ШУКР ҚИЛГАН МУРОДГА ЕТАР

Фарзандларим, ҳеч қачон бесабр, беқаноат, ношукур бўлманг. Худонинг озми-кўпми берган нози-наъматига, кўрсатган кунига шукр қилиб яшанг. Негаки, шукрда ҳикмат кўп.

Ривоят. Ўтган қадим замонда бир шоҳнинг яккаю ягона қизи, кўзининг оку қораси бедаво дардга йўлиқиб, тўшакка миҳланиб қолибди. Унга қарамаган табиб, қилинмаган муолижа қолмабди. Лекин қиз тузалмабди. Бир куни узоқ юртдан машхур табиб келиб беморни кўрибди-да, шоҳга:

— Шоҳим. қизингизнинг шифоси шуки, доимо Оллоҳдан розиман, кўрсатган кунига шукр деб юрадиган кишини топиб, унинг либосини қизингизга кийдирсангиз, у дарҳол тузалади, — дебди.

Бу гапдан қувончи ичига сиғмай қолган шоҳ мулозимларини чақириб:

— Дарҳол табиб айтган кишини топиб, унинг либосини олиб келинглар, — деб буюрибди:

Мулозимлар бир ой мабайнида, бутун юртни кезиб, одамлар билан суҳбатлашиб, биронта ҳам табиб айтгандек кишини топа олмабдилар.

Шундан сўнг, шоҳ мулозимларига янада қатъи қилиб:

— Агар уч кунда табиб айтган одамнинг либосини олиб келмасаларинг, барчангизни жаллод қўлига топшираман, — дебди.

Аёнлар яна чор атрофга зир югуришибди. Суриштириб-суриштириб, ниҳоят бир чўлу биёбонда, чайла ичида яшаётган кишининг хабарини топишибди. Бориб кўришса, ичкаридан:

— Оллоҳим, берган неъматингга розиман, кўрсатган кунингга шукр, — деган овоз эшитилибди. Аёнлар чайла олдига бориб, ўша кишига илтижо қилишибди:

— Эй Оллоҳдан рози инсон! Бизга либосингни бер, биз уни шоҳга олиб бориб бериб, бошимизни ўлимдан сақлаб қолайлик.

Шунда ичкаридан овоз келибди:

— Эй яхшилар, менда либос тугул яланғоч баданимни ёпадиган бирор эски мато ҳам йўқ. Авратимни одамлардан яшириш учун мана шу чайлага кириб олганман-ку!

Мулозимлар унинг гапига ишонмай, дарғазаб бўлиб, чайлани бузиб ичкарига киришибди. Қарашса у ерда чинданам қип-яланғоч, соч-соқоли ўсган хароботий бир киши бурчакда гужанак бўлиб ўтирган экан. Тилидан эса Оллоҳга шукрона айтиш тушмасмиш.

Ҳафсалалари пир бўлган шоҳ мулозимлари ўлимларига рози бўлиб, саройга қайтибдилар ва бўлган воқеани шоҳга айтиб берибдилар. Шунда шоҳ:

— Э воҳ! Ҳаттоки эгнига кийишга либоси йўқ, ўта бечораҳол бир банда Оллоҳнинг кўрсатган куни учун шукрона айтиб турсаю, мен шунча бойлик, тахт, салтанатга эга бўла туриб, оллоҳ таолонинг бир қизимга берган қутлуғ дарди учун ношукрлик қилсам-а, — дея сукутга чўмибди. Аммо шу пайт "Дадажон" дея янграган кўнғироқдай овоз уни ҳушёр тортирибди. Қараса, бир неча кунлардан бери бемажол ётган қизи ўрнидан туриб, соппасоғ юрган эмиш.

Фарзандларим, кийишга устибоши ҳам йўқ, қип-яланғоч одамнинг кўрган кунидан нолимай, оллоҳга шукрона келтирганини кўрган подшоҳ ҳам ўзининг ношукрлигидан пушаймон бўлиб, Оллоҳга шукрона келтирган экан мушқули осон бўлиб, яккаю ягона қизи дарддан фориғ бўлибди. Сизлар ҳам шукроналик билан яшасангиз ҳаминиша мушқулларингиз осон бўлади.

Агар бирор етишмовчиликдан қийналсангиз дарҳол нолаю фиғон этмай, атрофингизга боқинг. Шунда ўзингиздан кўра ночорларни кўриб, ўз аҳволингизга шукр қиласиз. Умуман ақли расо одам ҳеч қачон ношукр бўлмайди. Доимо шукр қилади.

Ривоят қилишларича бир фозил киши инсон зотининг бажариши шарт бўлган амаллари ҳақида маъруза қилиб, ношуд бўлмасликка, ҳаминиша яратган зотга шукрона келтириб туришга даъват этиб, Оллоҳга ҳатто жонзотлару гиёҳлар ҳам шукрда бўлишларини айтибди. Шунда дилида имони суст, омироқ бир киши:

— Э, нималар деяпсиз, ахир мол ҳам шукр қиладими? — деб сўраган экан, фозил киши:

— Ҳа, мол "Эй Оллоҳим, мени мол қилиб яратдинг, гўштим, сутим ҳалол, кишиларга насиб қияпти. Шу орқали элга нафим тегяпти, мени ит қилиб яратмаганингга шукр", дейди.

Ҳалиги киши яна сўрабди:

— Унда ит, нима деб шукр қилади?

— Эй Оллоҳим, мени ит қилиб яратдинг. Ризқимни одамлар орқали бериб турибсан. Инсонлар мени кўриб жирканмайдилар. Тўнғиз қилиб яратганингга нима қилардим, дейди.

— Ие, бундан келиб чиқадики, энг жирканч махлуқ тўнғиз экан-да! Шундай бўлгач, унинг шукр қилмаслиги аниқми?

— Йўқ, у ҳам Оллоҳга "тўнғиз қилиб яратганингга шукр. Гийбатчи, тухматчи, ичи қора, ёмонлик уруғини сочувчи мунофиқ одам қилиб яратмадинг. Шундай қилганингга бу дунёда ҳам-манинг нафрат ва ғазабига учрардим, у дунёда эса дўзах оловида куярдим", деб шукр қилади.

Шукр қилмоқнинг хосияти ҳақида гап кетганида қуйидаги ривоятни ҳам билиб қўйган яхши. Унда қайд этилишича Султон исмли бир имон-этиқодли киши Яратганга шукрона қилувчилардан экан. Кунлардан бирида бемор бўлиб қолган биродарини зиёрат қилмоқ учун уйда қолган бор-йўғи иккитагина нонни олиб йўлга чиқибди. Бироқ бир оз юргач тўсатдан тошга қоқилиб йиқилиб тушибди. Шунда у дарҳол ўрнидан туриб:

— Эй Оллоҳ, ўзингга шукр! Қариб-қартайсам ҳам ўз оёғим билан юрибман. Йиқилсам ҳам шикаст етмади, — деб юришни давом этибди. Буни қарангки, у кўп юрмай яна йиқилибди. Ўрнидан туриб бир оз ўзини ўнглаб олгач тагин:

— Ё Оллоҳ, ўзингга шукр! Иккиинчи бор йиқилсам ҳам шикаст етмади, тиззам шилинди-ю, лекин синмади, — дебди.

Шу пайт кутилмаганда у кишининг рўпарасида юзига ниқоб тутган, бақувват бир йигит пайдо бўлибди. У ярим тун бўлганлиги учун қўлида чироқ кўтариб олган экан. Дарҳол йиқилган кишига ёрдамлашиб, унинг қўлидан етаклаб юра бошлабди. Йўловчи мўлжаллаган манзилига етиб олгач, йигитни дуо қилиш учун фотиҳага қўл очибди. Шунда йигит:

— Ҳай-ҳай ота, мени дуо қилиб оввора бўлманг, барибир тегмайди, чунки мен шайтонман, — дебди.

— Ие, — дебди ота. — Агар шайтон бўлсанг, нега менга яхши-

лик қилдинг? Ахир, сенинг аъмолинг бандаларга ёмонлик-ку! — дебди. Бу гапни эшитган шайтон:

— Эй қария, ҳақиқатан ҳам биз шайтонлардан яхшилик кутиб бўлмайдим. Бироқ сиз ўзингиз оч бўла туриб, ана шу иккита нонни хаста ва муҳтож биродарингиз учун олиб кетаётганингизни кўрган Оллоҳ фаришталарга "қаранг, анави бандам бир беморнинг кўнглини обод айлагани кетяпти", дея сизга муҳаббат назари билан боқди. Мен эса бундан ёниб кетдим. Сиз биринчи бор йиқилганингизда дарҳол унга шукрона келтирдигиз. Шунда Оллоҳ:

— Шу бандамнинг барча гуноҳларидан кечдим. Умрининг охиригача гуноҳ қилса ҳам ёзманглар, — деб амр қилди.

Мен бундан баттар ғазабга келдим. Сиз иккинчи бор йиқилиб, яна шукр қилдингиз. Буни кўрган Оллоҳ яна:

— Шу бандамнинг етти пушти қилган гуноҳларидан кечдим. Унга жаннатдан шундай жой тайёрлангларки ҳатто авлиёлар ҳавас қилсин, — деб амр қилди.

Табиийки, мен бундан баттар тутақиб кетдим. Шошиб сизни манзилингизга етказишга ошиқдим. Йўқса яна бир марта йиқилиб, шукр келтирсангиз, Оллоҳ бутун бошли шаҳар аҳлининг гуноҳини кечиби юбориши мумкин эди-да!

Шайтондан бу гапларни эшитиб ғазабланган ота уни ҳайдаб юборибди.

Шундоқ, фарзандларим, Оллоҳга муҳаббат ва шукроналик қалбларимизни ҳеч қачон тарк этмасин. Инсон бўлиш ғоят масъулиятли. Одам боласи агар бирор жойда нотўғри амал ёки зулм бўлаётганини кўрса қўлидан келганича уни тўхтатиши керак. Агар қўлидан келмаса лоақал оғзаки бўлса ҳам таъсир ўтказиши, ўзи шундай нотўғри иш ёки зулм эгаси бўлмаётганига шукр қилиши даркор.

*Борига қаноат имондан нишон,
Ношукрдан қуту барака қочар.
Беҳуда нолимай излансанг, ишон,
Оллоҳ сенга омад йўлини очар.*

* * *

Энди мен...

*Ўткинчи дунёдан гапирма менга,
Гапирсанг ҳақликдан бошлагин сўзни.
Агар баён этсам муддаом сенга,
Фонийдан бутунлай юмганман кўзни.*

*Вафосиз фанони, ахир, нетаман,
Беҳуда қотирмам шўрлик бошимни.
Ҳақ учун жонимни фидо этаман,
Кўздан оқизаман тинмай ёшимни.*

*Энди мен туну кун Ҳаққа боқаман,
Кўзларим ниҳоят мошдек очилган.
Ҳақиқат нурида эриб оқаман,
Шукр, шууримга зиё сочилган.*

ЭР— ХОТИННИНГ УРУШИ

Халқимизда эр-хотин кўш ҳўкиз деган мақол бор. Чиндан ҳам шундай. Эру хотин бир тану бир жон бўлиб рўзгор аравасини тортиб, хонадонига қут-барака киритади. Аксинча эр бир томону хотин ўзга томон бўлса бу оиладан қут-барака қочиб, унинг ўрнини қашшоқлик эгаллайди. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Аҳил, тотув, бир ёқадан бош чиқариб яшаётган оила аъзоларининг турмуши лаззатли, ҳавас қилса арзигулик бўлиши табиий. Лекин сержанжал, ноаҳил оилада файз ҳам барака ҳам бўлмайди. Бу ҳол кўпинча оиланинг бузилишига сабаб бўлади. Шундай бўлмаслиги учун энг аввало эр-хотин аҳил бўлиб, оиланинг бошқа аъзоларига намуна бўлиши керак.

Бироқ ҳаёт мураккаб, баъзан гарчи атайлаб бўлмаса-да эр-хотин орасида ҳам у ёки бу даражада келишмовчилик содир бўлиб туради. Агар шундай ҳолат рўй бериб қолса у эр-хотиннинг уруши, дока рўмолнинг қуриши тарзида тезда якун топиши керак. Бунинг учун эса бири газаб отига минганида иккинчиси босиқ бўлиши, тасодифан пайдо бўлган учқунга керосин сепиб, уни аланга олдириб юбормаслиги керак.

Ривоят. Бир хотин эридан шикоят қилиб, донишманднинг олдига бориб:

— Эрим бўлар-бўлмасга мени ураверади, — деб арз қилган экан, донишманд:

— Қачон эринг сени урмоқчи бўлса, мана шу тошни дарҳол тилинг остига ташлаб ол, — деб маслаҳат берибди.

Хотин уйига қайтиб боргач, эри нимадандир дарғазаб бўлиб, уни калтакламоқчи бўлибди. Шунда хотин донишманд берган хосиятли тошни тилининг тагига ташлаб, оғзини маҳкам юмганича қимир этмай тураверибди. Хотини гап қайтармай, сукут сақлаб турганини кўрган эр шаҳдидан тушиб, кўчага чиқиб кетибди. Қайтиб келганида уни хотини гўё ҳеч нарса рўй бермагандек хотиржамгина ширин сўзлар билан кутиб олибди.

Бошқа бир ривоятда қайд этилишича бир оилада тез-тез жанжал бўлиб турар, эр-хотинни мурасага келтириши жуда қийин кечар экан. Эр хотиндан, хотин эса эрдан тинимсиз нолир экан. Кунларнинг бирида хотин улуғ табибнинг олдига бориб, эридан роса ҳасрат қилибди ва кучли заҳар тайёрлаб беришини сўрабди.

— Табиб заҳарни нима қиласан, — деб сўраган экан, аёл:

— Эримга ичираман. Шояд шу йўл билан ундан қутулсам, — дебди.

Донишманд табиб бир оз сукут сақлаб турибди-ю, кейин ичкари уйига кириб кетиб бир косада бир суюклик олиб чиқиб хотинга бериб:

— Қизим, қачон эрингиз жанжал бошласа шу суюкликдан оғзингизга солиб олинг. У сизнинг оғзингиз орқали, нерв толаларингизга ўтиб, ҳаво орқали эрингизнинг асаб торларини чертади. Невр толаларида пайдо бўлган тебранма чоғида эрингиз газабкор ҳолатда бўлса унга жуда кучли таъсир этади. Агар бу ҳол беш ўн марта такрорланса, эрингиз тахминан йигирма кунларда жон таслим қилади. Натижада сиз ҳам ундан осонгина қутилиб кўя қоласиз, — дебди.

Аёл хурсанд бўлиб табиб ҳузуридан чиқиб кетибди. Орадан ўн кун ўтиб у тагин табиб ҳузурига келиб, унинг оёғи остига йиқилиб:

— Чўрингиз бўлай табиб. Эримнинг ўлмаслигини истайман. Уни сиз берган суюкликнинг шу пайтгача қилган таъсиридан кутқа-ринг, — деб йиғлабди.

— Ие, — дебди табиб. — Энди бунинг иложи йўқ. Эрим жанжалқаш, бадфеъл уни ўлдиришга ёрдам беринг, деб ўзинг илтимос қилиб келган эдинг-ку.

— Оҳ, табибжон, эрим бутунлай ўзгариб, жанжал қилмай

қўйди. Муросамиз жуда яхши бўлиб кетди. Мен унинг бунчалик яхшилигини билмаган эканман. Агар ўлиш шарт бўлса майли, мен ўлай, лекин эрим ўлмаслиги керак. Ўзингиз айтинг, шундоқ эримни ўлдириб, кейин қандай яшайман, виждон азобига бардош беролмайман-ку.

— Табиб кулиб дебди:

— Қизим, мен табибман. Касбим одамларни даволаш, ўлдириш эмас. Сенга берганим инсонни ўлдирувчи заҳарли модда эмас, ҳеч қандай зарари бўлмаган оддий суюқлик эди. Сен уни оғзингга солишинг билан гапиролмай қолдинг. Мана энди тушунгандирсан, эрнинг жаҳли чиққанида хотин жим турса, бо-сиқлик қилса ҳар қандай жанжалнинг ҳам олди олинишини!

— Ҳа, табибжон тушундим,- энди эримдан ҳеч қачон калтак емасам керак. Бунинг учун сизга катта раҳмат, — деб хотин у билан хайрлашибди.

Шуни билингки, азиз фарзандларим, оилада эр подшоҳ, хотин унинг вазиридир. Подшоҳи одил, вазири ҳалол ва ақлли оила ҳамиша обод ва бекаму кўст бўлади. Лекин аксинча бўлса иш анча ғовлаб кутилмаган кўнгилсизликларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бунга қадимда эмас, яқинда рўй берган бир воқеа мисол бўла олади.

Бир йигит ва бир қиз ўзаро севишиб турмуш қуришибди. Тўйдан кейин ҳар икковлари ҳам ўз тақдирдан мамнун, бахтли-саодатли бўлиб яшай бошлашибди. Кунлар кетидан кунлар ўтиб, рўзғор ташвишлари сабаб бўлиб, улар орасида баъзан келишмовчиликлар пайдо бўла бошлабди.

Кунларнинг бирида куёв ишдан қайтаётиб, анчадан бери кўришмай юрган эски улфатларига рўбарў келиб қолибди. Улар чойхонага кириб, бироз ширингина суҳбатлашмоқчи бўлишибди. Чойхонага киргач эса улфатлар ичкилик ҳам олиб келишган экан, йигитни ҳам ҳоли жонига қўймай ичиришибди. Ичкилик ичмайдиган бу йигитга сабил қолгурнинг озгинаси ҳам таъсир қилиб, кўзлари қизариб, бир аҳволда уйига кириб борибди. Буни кўрган хотин жаҳл отига минибди. Жағининг қулфи очилиб кетиб вайсайверибди, вайсайверибди. Ҳатто эрини сенлашгача бориб етибди.

Натижада йигитнинг ҳам жаҳли чиқиб, ароқнинг таъсирида хотинига қўл кўтарибди. Бундан аёл баттар дарғазаб бўлибди. Жанжал урушга айланиб, хотин яхшигина калтакланибди. Дод-вой-

ини эшитган кўшнилар уларни ажратиб қўйишмаса, аҳвол бундан ҳам баттар бўлиши мумкин экан.

Уйига аразлаб кетиб қолган келин аламини ота-онасидан олибди. Ота дарғазаб, онанинг оғзи қарғишда. Куёв бечорани у гўрдан олиб бу гўрга тиқиб туришса, келиннинг қаратэчи акаси келиб қолибди. Синглисининг аҳволини кўриб тутақиб кетиб:

— Ҳали сен менинг синглимга қўл кўтарадиган бўлдингми! Энди мен сенга муштлашиш қанақалигини кўрсатиб қўяман, — деб куёвнининг уйига борса йигитнинг кайфи ҳали тарқаб улгурмаган экан. Буни кўрибдию, баттар тутақиб кетиб уни роса дўппослаб хуморидан чиқибди.

Арзимас сабабдан чиққан жанжал шу даражада якун топибди. Эртасига куёв ўзига келиб қилган ишдан пушаймон бўлибди. Келин ҳам жаҳлидан тушганидан кейин масалани вазминлик билан ҳал этмагани учун пушаймон ея бошлабди.

Йигит бечора хотинини соғиниб, кечирим сўраб бораё деса, *уни қаратэчи акасидан кўрқибди. Келин ҳам эрининг уйига қайтгиси келар, бироқ гурури йўл қуймас эмиш Шу тарзда орадан бир эмас, икки ой ўтибди. Ўртага маҳалла оқсоқоллари тушиб келин куёвни яраштириб қўйишибди.*

Кечкурун ишдан қайтган қаратэчи ака қараса синглиси уйда йўқ. Ота-онасидан сўраса улар эрининг уйига кетганлигини айтишибди. Бундан ака хавотирга тушиб:

— Энди куёв мендан еган калтакларининг аламини синглимдан олса-я, — деб кўрқиб кетиб унинг уйига бориб секин деразадан кузатса ичкарида бир-бирига ташна икки қалб бўлиб ўтган воқеани унутган, апоқ-чапоқ. Ногоҳ синглисининг товуши эшитилибди. Кулоқ солса у эрига қараб:

— Асалим, елкангизда чандиқ йўқ эди-ку. У қаердан пайдо бўлди, — деб сўраган экан:

— Эҳ, гўзалим, — дебди куёв, — Ўша куни мен нодоннинг кайфим тарқамай туриб қаратэчи акангиз келиб роса ўласи қилиб калтаклади. Елкамдаги чандиқ ўшандан қолди. Сизга бўлган муҳаббатим туфайли милисага арз қилмадим, — деб жавоб берибди.

— Вой, — дебди келин, — сизни шунчалик урдими? Урмай қўли синсин унинг. Милисага айтиб бир таъзирини бериб қўйдирмасам бўлмайди. Ҳе, ўша қаратэчи акамни ҳам....

Бу гапларни эшитган ака ўз кулоқларига ишонмай, эру хотиннинг ўртасига тушганидан пушаймон қила-қила уйига қайтибди.

Аёл киши эркакнинг чап қовурғасидан олинган деб бежиз айтишмаган, фарзандларим. У сал эгрироқ, тўғрилайман деб оввора бўлманг, синдириб қўясиз. Мулойим гапириб мураса йўлини изланг. Шунда аёлингиздан содиқроқ ва вафодорроқ инсонни тополмайсиз.

*Эр-хотин бир жону бир тандир гўё,
Бир эрур орзую армонлари ҳам.
Агар севгилари бўлмаса рўё,
Яшарлар бахтиёр, тинч ва хотиржам.*

Аразладингиз

*Айтинг, нечун, нигорим, ногоҳ аразладингиз,
Биз ҳам бўлиб қолайлик огоҳ, аразладингиз.
Билмам, на бўлди сизга, ағёрни шодлатурсиз,
Бир неча ойки, жоним, гоҳ-гоҳ аразладингиз.
Бир лаҳза айрилишга тоқат топай қаёқдан,
Бўлмай нечун умрбод ҳамроҳ, аразладингиз.
Қай бир гапим дилингиз оғритдими ва ёким,
Мен бир ғуломингиздан, подшоҳ, аразладингиз.
Ўксик дилим паришон, девона мисли ҳолим,
Қалбимни яшинатувчи дилхоҳ, аразладингиз.
Беркиндими булутнинг ортига ё қуёшим,
Чекдим-ку нола, афғон, ғам, оҳ, аразладингиз.
Не қиларимни билмай ўртанаман, Калоний,
Айтинг, ахир нечундан, эй моҳ, аразладингиз?*

САДАҚА – РАДДИ БАЛО

Халқимиз садақа-радди бало, деб бежиз айтмаган. Ўзгаларга ҳадя бериш, мурувват қилиш, раҳм-шафқат кўрсатиш кабилар садақанинг турли шакллари бўлиши мумкин. Одатда ўзгаларга меҳр кўрсатиш, ўзаро оқибатли бўлиш кишининг руҳини кўтаради, дардлардан фориг этади.

Ривоят. Исо алайҳиссалом замонларида бир безори бўлган экан. У ҳаммага озор берар, текканга тегиб, тегмаганга тош отар, йўлтўсарлик қилар экан. У бир куни тоққа чиқиб кетибди. Фурсатдан фойдаланган халойиқ Исо алайҳиссаломнинг олдиларига бориб:

– Биз бандаларнинг жонимизга теккан бу безорини дуоибад қилинг, зора ундан қутулсак, – деб илтижо қилишган экан, ул зот:

– Эй раббим, бандаларингнинг жонига теккан бу бадбахтни балога гирифтор қил, – деб дуои бад қилибдилар.

Бу пайтда тоғда юрган безорига бир бечораҳол ғариб дуч келиб:

– Эй яхши одам, ниҳоятда очман. Агар нонинг бўлса, бирор бурда садақа қил, – деб зорланибди.

Шунда безорининг тош кўнгли эриб кетибди. Чунки уни шу пайтгача ҳеч ким яхши одам демаган экан-да! Тўрвасидаги учта нондан биттасини олиб, дарҳол тиланчига берибди. Бундан хурсанд бўлган ғариб кўзларига ёш олиб:

– Оллоҳ таоло сени бало-қазолардан асраб, аввалу охирда қилган гуноҳларингни ўзи мағфират айласин, – дебди.

Бу ширин гапни эшитган безори янада эриб кетиб тўрвасидаги иккинчи нонни ҳам ниҳоятда оч қолган ғарибга бериб юборибди. Тиланчининг шодлиги ичига сиғмай яна:

– Оллоҳ таоло сенга инсофу тавфиқ ато этиб, жаннатидан жой берсин, – деб дуо қилибди.

Бу дуодан қалби тўлқинланиб кетган безори тўрвасидаги учинчи нонни ҳам ғарибга узатган экан, кўнгли у илгари ҳеч қачон туймаган ғоят ёқимли ҳис-туйғуларга тўлиб кетибди. Қаёқлардан келган нурдан қалби чароғон бўлибди. Бундан хурсанд бўлган безори бир олам қувонч билан қишлоғига кириб борибди. Ҳамқишлоқлари "пайғамбаримизнинг дуоибадлари сабаб энди бу безоридан қутулдик" деб хурсанд бўлиб туришса қаршиларидан у тагин пайдо бўлиб қолибди. Бундан ҳайратга тушган халойиқ Пайғамбар томон югуришибди:

– Эй ҳазрати Исо, Сиз дуоибад қилган безорига жин ҳам урмабди-ку, – дейишибди ташвиш билан.

Шунда Исо алайҳиссалом безорини ҳузурларига чақиртирибдилар. Безори бир саватни кўтарганча етиб келибди. Исо алайҳиссалом унга саватнинг устини очишни буюрибдилар. Йиғилган оломон не кўз билан кўрсинки, унинг ичида бир катта илон занжирбанд ҳолда ғужанак бўлиб ётганмиш. Исо алайҳиссалом:

– Эй илон, нега бу саватда занжирбанд бўлиб ётибсан, – деб сўраган эканлар, у:

– Мен фариштаман. Сиз безорини дуоибад қилдингиз. Мен эса Худонининг амри билан илонга айланиб, уни чақиб ўлди-

ришга чоғландим. Бироқ шу пайтда бир оч-наҳор ғариб безоридан садақа учун нон сўради. Безори ҳеч оғринмай унга сўраган садақасини берди. Натижада оч-ноҳор ғариб уни дуо қилган эди, дуоסי Оллоҳ таолога етиб бориб, мустажоб бўлди. Мен эса занжирбанд бўлиб қолдим, — деб жавоб берибди.

Кўрдингизми, фарзандларим, бир ғариб бечорага очиқ кўнгил билан қилинган садақа ҳатто Исо алайҳиссаломнинг ҳам дуоибадларини қайтариб, ўз хосиятини кўрсатибди. Садақани радди бало, деб шунга айтадилар-да! Сизлар ҳам кенгфеъл, мурувватли бўлинг, ғариб, бева-бечораларга садақа бериб туришни унутманг. Шундай қилсангиз у бошингизга тушишга шайланиб турган бало қазоларни даф этиб туради.

*Садақа чиндан ҳам радди балодир,
Серҳиммат одамга толе ёр бўлур.
Эҳсон минг-минг турли дардга даводир,
Кўнгил ул туфайли нурларга тўлур.*

* * *

Илдам келур

*Бад ниятли одам эрсанг ўз бошингга ғам келур,
Ғам кетидан ғам келиб, сўнгида мотам ҳам келур.
Бўл саховатли, мурувватли-ю, бўлгил оқ кўнгил,
Ғар қурумсоқ кас эсанг икки кўзингга нам келур.
Ўзганинг кўнглига заҳмат етказар бўлсанг агар
Бирлашиб офат ва нафрат баббаробар жам келур.
Яхшилик деб дил жароҳат топса ҳам ҳеч ранжима,
Не учунким эзгулик бор дилга малҳам ҳам келур.
Яхшиликка яхшилик қайтмоғи олам қонуни,
Лек ёмонликка ёмонлик ҳам мудом ҳар дам келур.
Келса меҳмон яхши кутгил, хонадонинг файз олур,
Одамий бор хонадонга хушқадам одам келур.
Эй Калоний, дилни этгил беғубору бекибор,
Ғар кўнгил покиза эрса завқу шавқ илдам келур.*

БОЙЛИКНИНГ САВОЛ– ЖАВОБИ БОР

Эй фарзандларим, инсон борки, бой-бадавлат бўлсам, фаровон яшасам, ҳеч кимга, ҳеч қачон муҳтож бўлмасам, дейди. Бу яхши. Лекин ҳаддан ташқари кўп бойлик илинжида ўзини ўтгаю чўгга уриб, умрини азоб-уқубатда ўтказиб юбориш ҳам гуноҳ ишлар тоифасига киради. Негаки, инсон дунёда азоб уқубат учун эмас, иложи борича Оллоҳ бандалари учун муҳайё этган нозинематлардан баҳраманд бўлиб, роҳат-фароғатда яшаш учун қилиши лозим. Лекин топган бойлиги ҳалол бўлиши керак. Ҳаромдан топилган ҳар қандай бойликнинг азоби бор. Агар бойлик ҳаром йўл билан топилган бўлса бу дунёда ҳам ҳеч кимга буюрмагани устига унинг учун охиратда ҳам азобланади. Шунинг учун ҳам инсон ҳалол топиб, ҳалол ейиши, аҳли аёлига, фарзандларига ҳам ҳалол насиба едириши керак. Бу жиҳатдан олганда қуйидаги ривоят ниҳоятда ибратли:

Ривоят қилишларича бир кишининг уч ўғли бор экан. У ўлимидан олдин фарзандларига васият қилиб шундай дебди:

– Ўғилларим, мендан сизларга икки хум олтин мерос қоляпти. Шундан биттасини уччалангиз тенг бўлиб олинглар. Иккинчисини эса мен қабрга қўйилганимдан сўнг, мен билан бир кеча гўрда ётиб чиққан одамга берасизлар. Бунинг учун ўшандай одамни олдиндан топиб, тайинлаб қўйинглар.

Ўғиллар отадан мерос қолган икки хум олтиннинг биттасини ўзлари бўлиб олишибди. Лекин иккинчи хум олтинни мурда билан бир кеча ётиб чиқиб олишга рози одамга топширишга анча қийналишибди. Ниҳоят чўлда елкасига бир қулоч арқонни ташлаб, ўтин териб юрган бир қашшоқ кишига ялина-ялина кўндиришибди.

Ўтинчи бир хум олтин эвазига қоп-қоронғу лаҳадда, мурда ёнида кўрқув билан ётса, бир пайт Мункар-накир келиб, ўлик қолиб уни сўроққа тутиб кетибди:

– Эй тирик мурда, елкангдаги арқонни қаердан олгансан? – деб дағдаға қилибди.

– Йўлдан топиб олгандим, – дебди ўтинчи кўрқувдан дир-дир титраб.

– Нега уни ўз эгасига қайтармадинг?

– Эгасини қидириб юрмай, ўзимга ола қолдим. Кечиринглар...

— Энди вақт ўтди. Тавбани қабрга тушмасдан олдин қилишинг керак эди!

Мункар-накир шундай дея ўтинчини гурзиси билан бир урган экан, у тариқдай сочилиб кетибди.

Бир оздан кейин ўтинчи ўз ҳолига қайтгач Мункар-накир яна:

— Арқонни қаердан олдинг? — деб сўраб гурзиси билан ўтинчини бошига тагин уриб майда-майда қилиб ташлабди. Шу йўсинда эрталабгача Мункар-накир ўтинчини уриб майдалаб, тагин тирилтираверибди. Тонг отиб, олам ёриша бошлаганида мархум отанинг ўғиллари келиб, уни қабрдан чиқариб олибдилар. Аммо ўтинчи қабрдан чиқиши билан орқа олдига қарамай қоча бошлабди. Шунда ўғиллар:

— Эй ўтинчи, нега қочяпсан, ахир, бир хум олтинни олмайсанми? — дейишса, у:

— Эй азизлар, ахир, савол-жавобда бир қулоч арқоннинг ҳисоб китобини қилолмай, ит азобини тортдим-ку, бу олтинларнинг жавобини қандай қилиб бераман, — дебди ва ортига ҳам қарамай қочишни давом эттирибди.

Ана шунақа, фарзандларим. Бу дунёда топилган ҳар қандай бойликнинг охиратда ҳисоб-китоби бор. Шундай экан, бойлик истасангиз охиратдаги савол-жавобига ёруғ юз билан жавоб бера оладиган бўлинг. Акс ҳолда бир хум олтин илинжида бир кеча қабрда тунаб чиққан ўтинчининг кунини кўришингизга тўғри келади. Илоҳим яратган Эгам сизларга инсофу тавфиқ ато этиб, ҳаром бойликка ружу қўйишдан асрасин.

*Бойликка интилиб яшангиз, майли,
Негаки, бойликдан ҳаёт фаровон.
Лекигин ҳаром мулк топганлар хайли
Азобин чекарлар чиққанида жон.*

* * *

Токи имон топмайин

*Токи иймон топмайин ҳеч ким бадавлат бўлмагай,
Гар бадавлатман деса ҳаргиз ҳақиқат бўлмагай.
Соҳиби иймон эса андан бадавлат йўқ сира,
Беиймон бўлса, бироқ ақлан саломат бўлмагай.*

*Бўлса ҳам олтинлари, кумушлари, гавҳарлари,
Ул қурумсоқ кимсада бир зарра ҳиммат бўлмагай.
Унда виждон бўлмаса дину диёнат на қилур,
Ори йўқ, инсофи йўқ касда адолат бўлмагай.
Раҳму шафқат бўлса ёт қалбида қаҳри жўш урар,
Унда инсоф на қилур, меҳру мурувват бўлмагай.
Бағрикенг, хушхулқ одамнинг чеҳрасидан нур ёғар,
Феъли тор бўлса агар унда ҳидоят бўлмагай.
Доимо иззат топар, ҳурмат топар ҳақ сўзлаган,
Бўлса ёлғончи анинг сўзида қиймат бўлмагай.
Ким жасур бўлса, шижоатли, фидоятли бўлур,
Серҳадик, қўрқоқ кишиларда жасорат бўлмагай.
Эй Калоний, дилдаги иймон билан ёзмас эсанг,
Ёзганинг кучсиз бўлур, ҳаргиз бақувват бўлмагай.*

ИЛМ ОЛГАН ДОНО БЎЛУР

Оллоҳ таоло бошқа жонзотлардан фарқли ўлароқ инсонга илм олиш имконини берган. Бундан иложи борича унумли фойдаланиш керак. Илмли одам доно бўлади. Илмсиз одам нодонлик ва жоҳиллик ботқоғига тойиб кетишга мойил бўлади. Тўғри, баъзи-лар фарзандларига:

— Ўқиб менга тоғ тўнтариб берармидинг, ўқимасдан ҳам кўп пул топиб, яхши яшаш мумкин, — деб уларни ўқишдан ихсосларини қолдирадилар. Бундай қилмаслик керак. Агар ёшлар ўқимаса, илм олмаса, бу уларни турли қинғир йўлларга бошловчиларга қўл келади. Улар ўзларининг қабиҳ мақсадларига эришиш учун онги ривожланмаган, билимсиз ёшлардан фойдаланиб, уларни адою тамом қиладилар. Қолаверса, фарзандлари илмсиз халқнинг ҳеч қачон косаси оқармайди.

Ҳар бир халқнинг келажаги албатта унинг ёшлари қўлида. Ёшлар шу халқнинг тараққиёт даражасини белгилайди ва таъминлайди. Фан-техниканинг, фаровон ҳаётнинг таъминланиши ҳам шу илмли ёшларга боғлиқ. Лекин очиқ эътироф этиш керак, ҳамма ёшлар ҳам бир меъёрда олим ёки шоир, бастакор бўлавермайди. Бунинг учун унга алоҳида иқтидор керак бўлади. Бундай иқтидорни эса Оллоҳ таоло ҳаммага ҳам беравермайди.

Аммо нима бўлганда ҳам ўқиганнинг ақли ўқимаганникига

нисбатан анча юқори бўлади. Ўқиган одам оқ-қоранинг фарқига етади, фаҳм-фаросатда ҳам юқори туради. Шундай экан, у ҳаётда қоқилмай, ўз бахт-саодатига эришади. Шайтон васвасасига учиб, қинғир йўлларга юриб кетмайди. Шу ўринда бир ўқиган одам ўқимаган саводсиз одамдан устун туриши ҳақидаги ривоятни айтиб берсам, билдирган фикрларимнинг таъсири ошади, деб ўйлайман.

Бир куни шайтон инсон қиёфасига кириб ярим тунда ўқимишли кишининг эшигини қоқибди. Ўқиган одам эшикни очиши билан шайтон унга:

— Мен Хизрман, тила тилагингни, — дебди. Шунда ўқимишли кишининг жаҳли чиқиб:

— Э...э, сен қандай қилиб Хизр бўлишинг мумкин. Ахир, Хизр алайҳиссалом шундай бемаҳалда бировни уйқусидан уйғотиб, безовта қиладими? Сен шайтонсан, Хизр эмас, йўқол, деб уни ҳайдаб юборибди.

Ўқимишли одамни алдаб бўлмаслигига ақли етган шайтон бир оми одамнинг уйига бориб эшигини қоқиб:

— Мен Хизрман, тила тилагингни, — дебди.

Бу гапни эшитган оми суюнганидан унинг оёғига йиқилиб, илтижо қила бошлабди:

— Менга бир дунё бойлик ато қилинг, кейин шунга ярашадиган жаннатдаги хуру парилар каби дилрабо хотин муҳайё этинг. Менинг хотиним анча қариб, қолган. Уни кўргани кўзим йўқ. Агар ваъда берсангиз ҳозироқ унинг олдига кириб талоқ қиламан.

— Сен ниҳоятда ақлли одам экансан, — дебди шайтон. — Инсон деган бу дунёга роҳат-фароғат учун келади. Нима қиласан у қари кампирни, ҳозироқ жавобини бериб юбор-да, тайёргарлигингни кўр. Эрта тонгда дўконга чиқиб бир олам ароқ олиб келиб қўй. Мен сенга жаннатдаги каби хурлиқони уйингга киритганимдан кейин, у билан маза қилиб ҳам ароқ, ҳам висол гаштини сурасан. Бойликнинг эса ғамини ема. Ҳаммасини ўзим етказиб тураман.

Шайтон шундай дея ўқимаган оми одамни чув туширганидан мамнун бўлиб ортига қайтаркан, ўзига ўзи шундай дебди:

— Мана, омининг аҳволи, энди у ҳам шу пайтгача садоқат қилиб яшаган жуфти ҳалолидан ажралади, ҳам не-не азоблар билан йиққан пулига ароқ сотиб олади. Бироқ жаннатдаги каби хурлиқо уй-

ига қадам ранжида қилавермагач, ўша ароқларни ичиб, телбага айланади ва эл-юрт назаридан қолиб, гуноҳи азимга ботади!

Юртимиз - дунёга танилган олиму фузалолар юрти. Бу юртдан Навоий, Улуғбек, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Бобур, Мотуридий каби бутун дунёни ўз илмий салоҳияти билан ҳайратга солган буюк инсонлар чиққан. Шундай экан, ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш керак. Фарзандларга илм, ҳунар ўргатиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Илмли кишилар ҳар доим эл орасида ҳурматга лойиқ бўлиб, алоҳида эъзозланганлар ва бундан кейин ҳам эъзозланаверадилар. Шундай экан, илм олишга ёшлиқдан ҳаракат қилиш шарт. Ҳар бир киши ёшлик даврини ғанимат билиб, келажакда нафақат ўзининг, балки халқининг ҳам манфаатини ўйлаб ўқишга, билим олишга ҳаракат қилмоғи лозим. . Пайғамбаримиз (с. а. в.) ҳам "Илм саҳрода дўст, ҳаёт чорраҳаларида таянч, ёлғиз дамларда йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мадаккор, одамлар орасида зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир" деб бежиз айтмаганлар. Бу улуғ зотнинг мазкур ҳадисларига амал қилган одам ҳеч қачон ютқазмайди.

*Илм тун пайти мисоли ойдир,
Кундузи гўёки қуёшга ўхшар.
Умр оқиб ўтар мисоли сойдир,
Уни ҳар доимо илму фан безар.*

* * *

Билмайди фаннинг қадрини

*Бесавод, жоҳил одам билмайди фаннинг қадрини,
Қар одам қайдан билур ширин суханнинг қадрини.
Мурда сезмас ҳеч вақони, чунки у бежон эрур,
Билмағай эғнидаги оппоқ кафаннинг қадрини.
Дин, диёнатли одам шаънин шарафлайдир, бироқ
Ори йўқ, номуси йўқ сезмайди шаъннинг қадрини.
Ҳидни сезмас мушку анбар бўйларини пайқамас,
Қайданам билсин басир ғунчадаҳаннинг қадрини.
Гул ва гулзор қадрини билгай чаманда андалиб,
Лек бойўғли билмағай зебо чаманнинг қадрини.
Ўзлигин қадрини билмас бўлса у одам, Калон,
Билмағай, билмайди ҳаргиз сан ва маннинг қадрини.*

Дарҳақиқат шундай. Бу оламда қанча-қанча ношуд йигитлар ақли расо қизга уйланиб, бахтли-саодатли бўлиб кетган. Аксинча, ҳар томонлама етук, обрў-эътиборли йигитлар ношуд аёлга уйланиб қолиб, расвойи оламга айланган ва умрлари хор-зорликда ўтган.

Ўғлим, агар бу дунёда азизу муҳтарам бўлай десанг, уйланишда шошилмай, имон-эътиқодли, фаҳми-фаросатли аёлни топ. У келажакда сенинг улуғлик даражасига кўтарилишингда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ривоят. Қадим замонда бир киши илм ва доноликда шу даражага етибдики, ҳатто кундуз куни ҳам юлдузларни кўра оладиган бўлибди. Бунга сабаб хотинининг ниҳоят даражада покиза, саранжом-саришталиги экан. Бу фаҳму фаросатда етук аёл эрига жуда яхши муносабатда бўлар, уни вақтида ювиб-тараб, кийим-кечакларини озода тутар, тозаликка ҳаддан ташқари риоя қилар экан. Бир куни эри унга мақтаниб дебди:

— Эй хотин, қанча фахрлансанг, мағрурлансанг арзийди. Негаки мендек авлиёсифат эринг бор. Қара, мен кундуз куни ҳам юлдузларни кўра оладиган даражага етганман.

— Ҳа, дадаси, бунинг ҳаммаси орасталигим ва сизни покиза парвариш қилишим туфайли, — дебди хотини мамнунлик билан.

— Э қўй-е, ақли паст хотин, — дея жеркиб берибди эр. — Қандай қилиб сен туфайли бўлсин, ахир? Ўзимнинг ақл-заковатим туфайли шу даражага етдим-ку!

Бундан қаттиқ ранжиган хотин шу кундан эътиборан эрини яхши парвариш қилмай қўйибди. Орадан кўп ўтмай эрининг кўзлари хиралашиб, энди кундуз тугул, кечаси ҳам юлдуз кўра олмайдиган, ҳатто тўғри йўлни ҳам тополмайдиган бўлиб қолибди. Шундан кейин у хотинидан узр сўраб, қилган хизматига, садоқатига тан берибди.

Ўз уйингдаги танмаҳрамингга қанчалик меҳр кўрсатсанг шунча яхши. Бироқ кўчадаги аёлларга муносабатда эҳтиёт бўл. Улар орасида шундайлари ҳам борки, ўз макру ҳийлалари билан сени адою тамом қилишлари ҳеч гап эмас. Ахир, аёл кишининг макри минг туяга юк бўлади, деб бежиз айтишмаган-да. Бу жиҳатдан қуйидаги ривоятни билиб қўйсанг фойдадан холи бўлмайди:

Узоқ мамлакатда бир содда меҳнаткаш деҳқон ўтган экан. У

доим "Оллоҳим! Мени сув балосидан ва ўт балосидан ўзинг асра!" деб илтижо қилар экан. Бир куни унинг бу гапини эшитган хотини озроқ ҳазиллашиб:

— Эй содда эр! Худога илтижо қилганингизда "хотин балосидан ҳам асрагин" деб кўшиб кўйинг, — дебди. Шунда эр:

— Хотинда бало нима қилади, унинг турган-битгани роҳатку, — дебди. Эридан бу гапни эшитган хотин мийғида кулиб кўйибди ва эртасига эри кўш ҳайдайдиган ерга уч-тўртта балиқ кўмиб кўйибди.

Дехқон кўш ҳайдаб, ўша жойга келганида омоч тагидан яп-янги балиқлар чиқибди. У бундан жуда таажжубланибди, ҳам кувонибди. Шошиб хотинига бўлган воқеани айтиб, балиқни тушликка қовуришни буюрибди.

Бироқ тушлик пайти ўтиб кун кеч бўлса ҳамки, балиқдан дарак бўлмабди. Дехқон роса чарчаб, оч қолиб уйига қайтиб борса хотини қошига ўсма кўйиб ўтирганмиш. Дехқоннинг роса жаҳли чиқиб:

— Эй ақли паст хотин, шунчалик ҳам бағритош бўласанми? Мен оч ҳолимда ишлайвериб, адо бўлдим-ку. Сен ўсма кўйиш билан овворасан-а, Ахир, сенга шудгордан топилган балиқни бериб, тушликка қовуриб кел, дегандим-ку, — деб бақирибди. Хотин ўзини эрининг бу гапига ҳайрон бўлган қилиб кўрсатиб:

— Қанақа балиқ, ҳеч маҳал сувсиз шудгордан ҳам балиқ чиқадими?

— Э нималар деб валдираяпсан, хотин. Ахир, омочнинг тагидан чиққан балиқни ўз қўлларим билан сенга топширдим-ку, — деб уни ура кетибди. Хотин додлай бошлабди. Тез оради додвойни эшитган кўшнилар чиқиб келишиб хотиндан:

— Нима гап, нега эрингиз сизни шунчалик додлатиб калтак-лаяпти, — деб сўрашса, хотин:

— Э бунинг сабабини асло сўраманглар. Эрим баъзида шунақа телба бўлиб қоляпти. Нима деяётганини ва нима қилаётганини ўзи ҳам билмайди. Ишонмасангиз ўзидан сўранг, — дебди.

Эридан сўрашса у содда деҳқон эмасми, бўлган воқеани бошдан оёқ оқизмай-томизмай айтиб берибди. Бу гапни эшитган кўшнилар роса кулишибди ва хотиннинг гапи ростлигига ишонишибди. Ахир, ер ҳайдаётганда сувсиз ердан балиқлар чиқишига ким ҳам ишонарди.

Бироз ўтгач хотин:

— Кўшнилар кўп ташвиш чекманглар. Эрим бир оздан кейин

ўзига келиб қолади. Ҳозирча унинг оёқ-қўлини боғлаб кетинглар, — дебди.

Табиийки, эр бунга рози бўлмабди. Шунда қўшнилари уни роса калтаклаб, сўнг хотин айтгандек қилиб қўл-оёғини боғлаб, шундай телба киши билан яшаб келаётгани учун аёлга раҳматлар айтиб чиқиб кетишибди. Улар кетгач хотин роса қаҳ-қаҳ отиб қулиб:

— Эй содда эрим, қандай бўлар экан, хотин балоси? — деб сўраган экан, эр:

— Эй Худо, сув балоси узоқда, ўт балоси ҳам узоқда, шундоқ ёнимда бўлган хотин балосидан ўзинг асра, — деб илтижо қилибди. Шунда хотини унга:

— Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қора ер қиладиган ҳам хотин эканлигига энди ишондингизми? — деб ундан бу қилмиши учун кечирим сўрабди.

Ана шунақа. Эркаклар биз оилада бошмиз, деб қанчалик мақтаниб юрмасинлар, ана шу бошни кўтариб турган бўйин аёл эканлигини баъзан тан олмайдилар. Бўйин на фақат бошни кўтариб туради, балки уни у ёқ, бу ёққа буриб, айлантириб ҳам туради. Бунисига чидаш мумкин. Аммо бу бўйин бошни ерга қаратиб қўйиши ҳам мумкин-ку. Бунисидан Худонинг ўзи асрасин.

Саодат эрини эр қилса хотин.

Қабоҳат эрини ер қилса хотин.

Сотса ҳам эр киши бор-буд бисотин

Бир умрга тотсин саодат тотин.

* * *

Нурдан чизинг

*Эй мусаввир, севгилимнинг сурагин нурдан чизинг,
Кўзларин гавҳардану оқ тишларин дурдан чизинг.
Қошларини кўрса ким гарчи қаламқош дер, бироқ
Ўхшатолмайди қалам, тиллоий машҳурдан чизинг.
Киприги саф-саф бўлиб қош-кўзга посбонлик қилур,
Сочини сунбулмисол хуш бўйли унсурдан чизинг.
Лаблари лавдан гўзал, қирмиз юзи нақш олмадек,
Қалбини чўғдан чизинг, ёнмоқда энг зўрдан чизинг.
Эй Калон, у-бу билан чизмоқни таклиф этмайин,
Не билан чизганда ҳам Оллоҳга манзурдан чизинг.*

АЁЛЛАР МАКРИ

Эй ўғлим! Бу оламда агар имонли, оқила аёл билан севиб севилсанг хонадонинг жаннат каби оромбахш бўлади, умринг роҳат-фароҳатда ўтади. Эрталаб ишга кетсанг кечки пайт то қайтадиган вақт бўлгунича ҳам уйингни соғиниб қоласан Аммо бевафо, беҳаё хотинга йўлиқсанг, билиб қўй, ўз уйинг бами-соли дўзахга айланади. Умид билан бир ёстиққа бош қўйган танмахрамининг макру ҳийлалари бутунлай адою тамом қилади.

Энди, ўғлим, сенга бунақа маккор аёлларнинг кишини ҳайратга соладиган макру ҳийлалари ҳақидаги ривоятни айтиб бераман. Эшит:

Узоқ ўтмиш замонда бир олим хотинларнинг макри ҳақида китоб ёзиб, эркакларни улар алдамайдиган қилмоқчи бўлибди ва ўттиз йил хотинлар макри ҳақида ишлаб, беш томли китоб ёзибди. Китобни тугатиш олдида шамол туриб, унинг бир неча варақларини учириб, қўшнининг уйига туширибди.

Олим уларни олиб келиш учун қўшнининг эшигини қоқибди. Ичкаридан аёл кишининг "кираверинг" деган овози эшитилибди. Олим ичкарига кириб қараса, қўшнининг хотини кулиб, шамол учириб туширган варақларни ўқиб ўтирганмиш.

Аёл бу қўшнисини шундай ҳурмат билан кутиб олибдики, олим ҳайратдан ёқа ушлаб қолибди. Кейин у мулоимлик билан:

— Ҳозир эрим ҳам кириб келиб қоладилар. Сизни шундоқ чиқариб юборсам жуда хафа бўладилар. Келинг, уйга кириб бир оз ўтириб туринг, деб уни кўндирибди-да, тезда дастурхон ёзиб, чой дамлаб, бироздан кейин эса ош дамлаб сузиб келибди. Олим қўшнисининг бу мулозаматларидан таъсирланиб, қандай қилиб эри уйида йўқ аёл билан танҳо ўтириб қолганини ўзи ҳам билмай қолибди. Олим энди кетай деса, аёл:

— Тагин бир оз ўтира туринг, ҳозир эрим келиб қоладилар, деб уни кўндираверибди.

Ниҳоят олим кетмоқчи бўлиб турса, кўча эшик таққиллаб қолибди. Шунда хотин:

— Вой, шўрим, мен билмай кўча эшикни ичкарисидан қулфлаб қўйган эканман. Энди эрим мени сиз билан танҳо кўрса нима бўлади. Худо асрасин, ҳар иккимизни ҳам ўлдириб қўяди. Вой-

дод, шарманда бўлдим-ку! Энди нима қиламан, — дебди кўча эшик ортида турган эри эшитмайдиган овозда.

Аёлнинг бу гапларидан олим ҳам эс-хушини йўқотиб, довдираб қолибди. Шунда хотин:

— Келинг, кўшни, энди бошқа чорамиз йўқ, тезда мана бу сандиққа кириб, — дебди.

Олим бечора нима қилишини билмай сандиққа кирибди. Аёлнинг устига бир неча кўрпачаларни тахлаб ташлабди. Кейин бориб эшикни очса, эри уйга кириб, эшикни вақтида очмагани учун хотинини сўкибди. Хотини эса:

— Эҳ, эржон, кўшнимизни биз яхши одам десак, у хотинбоз бало экан. Қаранг, сизнинг бу ерда йўқлигингизни биллиб, уйимизга бостириб кирди ва мени зўрламоқчи бўлди. Шарманда бўлмайлик, деб мен уни алдаб олиб ўтирибман, — дебди. Табиийки, бу гапни эшитган эрнинг кўзи қонга тўлиб:

— Қани у, қаерда, — деб сўрабди. Аёл сандиққа ишора қилибди. Эр жаҳл билан сандиқ устидаги кўрпачаларни олиб ота бошлабди. Хотин эса қаҳ-қаҳ отиб кулаверибди. Эр:

— Ҳа, сенга нима бўлди, хотин? Нега ўзингдан ўзинг куляпсан? — деб сўраган экан, у:

— Эҳ, эржон, шунчалик ҳам содда бўладими одам деган. Шу гапимга ишондингизми? Кўшнимиз ниҳоятда обрў-эътиборли олим бўла туриб шунақа шармандали ишга қўл урармиди? Мен шунчаки, сиз билан бир ҳазиллашдим-да, — дебди. Бу гапни эшитган эр жаҳлидан тушиб:

— Шунчалик қалтис ҳазил қилгани қандай ботиндинг, нодон хотин, дея ўзи отиб ташлаган кўрпачаларни қайтадан сандиқ устига йиғиб қўйибди. Кейин икковлон ошни еб бўлишгач, эр даласига чиқиб кетибди.

Эр кетгач, хотин сандиқни очиб олимга:

— Энди чиқинг. Ўттиз йил нимани ўргандингиз? Биз аёлларнинг макримизни ёзиб тугатиш учун бир эмас, бир неча умр ҳам етмайди, — дебди.

Олим сандиқдан бир амаллаб қалтираб чиқибди-ю, зорланган ҳолда аёллар макрини ҳали пухта ўрганмай туриб, асар ёзганидан пушаймон қилибди ва бундан буён бу ҳақда сира ҳам ёзмасликка сўз берибди.

Кўрдингми, ўғлим, ўша олим ўттиз йиллик умрини бағиш-

лаб ҳам аёллар макрини ўргана олмай, шундоққина ён қўшни-сининг тузоғига илиниб ўтирибди. Шундай экан, аёллар макри ана шунақа кўп ва хилма-хил. Агар ниҳоятда ҳушёр бўлмасанг, уларнинг макрига дучор бўлиб шармандаи шармисор бўлишинг ҳеч гап эмас. Илоҳим сени, ўғлим, аёллар макридан яратган Эгамнинг ўзи асрасин!

*Аёл садоқати чексиз уммондир,
Ҳар қанча кўрсатсанг меҳр шунча кам.
Бироқ маккорининг макри бепоён,
Ундан қутулмайсан ҳатто ўлсанг ҳам*

* * *

Қолмади

*Бошима ёр солмаган оламда кулфат қолмади,
Жабридан тўйдим, ёронлар, зарра тоқат қолмади.
Менга ҳажрин айлади тақдим, рақибга васлини,
Бундан ортиқ бу жаҳонда ҳеч жаҳолат қолмади.
Билмадим, шўрлик бошимда не балолар бор экан,
Дилгинамни эзмаган фурқатда ғурбат қолмади.
Чекмасанг жон қайда жонон дер эдилар, воажаб,
Ишқ туфайли чекмаган қайғу машаққат қолмади.
Сангидилдан лаҳза-лаҳа меҳрибонликлар сўраб,
Хаста кўнглим қилмаган арзу шикоят қолмади.
Қалбида менга аталган севгисидан йўқ нишон,
Лоақал тилнинг учуда ҳам ҳамият қолмади.
Бераҳм ёр жабридан этгил халос, эй Тангри деб,
Ёлвориб мен қилмаган тоат-ибодат қолмади.
Ошиқ бўлмоқдан мурод ҳосил бўлолмас, бу аниқ,
Воз кечишга севгилимдан, оҳ, жасорат қолмади.
Кечалар ҳижронда йиғлаб, излама дардкаш, Калон,
Сенга дилбар шеърдан ортиқ бошқа улфат қолмади*

ДУО ОЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Фарзандларим, инсон боласи учун дуо олмоқдан кўра ша-рафлироқ иш йўқ. Ақли-хуши жойида бўлган одамлар доимо дуо олиш илинжида яшайдилар ва иложи борича бунга эришадилар. Негаки дуо олган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Аксинча ҳар икки дунёси ҳам обод бўлади.

Шу ўринда дуо олишга муштоқ ҳабаш ҳақидаги ибратли ри-воятни айтиб бераман.

Бу ривоятда қайд этилишича бағдодлик улуғлардан бири жума намози олдидан маъруза қилиб турсалар жамоат орасидан бир бечораҳол гадо ўрнидан туриб, унга мурожаат қилибди:

— Мен тўрт дирҳамга жуда муҳтож бўлиб қолдим. Ана шу пул-ни шу куни жамоадан олиб берсангиз.

Шунда ул зот жамоага қарата:

— Эй халойиқ, ким мана шу гадога тўрт дирҳам садақа қилса, биз бутун жамоа бўлиб, бугунги жума кунида унинг ҳақиға дуо қиламиз, — дебдилар.

"Бутун жамоа бўлиб дуо қиламиз" деган гапни эшитган би-ровнинг кули бўлмиш ҳабаш дарҳол ўрнидан туриб:

— Менинг бор-йўқ бойлигим кўпдан бери йиғиб юрган тўрт дирҳамим бор. Шунини муҳтож гадога бераман, — дебди. — Лекин бир шартим бор, — дея сўзини давом этибди ҳабаш. Сизлар ме-нинг куликдан озод бўлишимни, яҳудий хўжайиним ислом динини қабул қилишини, ўзим бадавлат бўлишимни ва мен билан хўжайинимнинг барча гуноҳларини Оллоҳ таоло мағфи-рат этишини сўраб дуо қиласизлар.

Шунда жума намозига йиғилган тумонат одам ҳабаш ҳақиға дуо қилишибди.

Бундан ҳабаш ўзида йўқ шод бўлиб жума намозидан қайтаёт-са, эшик олдида уни хўжайини кутиб турган экан. Хўжайини ундан жума намози пайтида қандай гаплар бўлганини сўрабди. Ҳабаш бўлган воқеани батафсил гапириб бергач, яҳудий хўжай-ини калима келтириб Исломни қабул қилибди. Ҳабашни эса кул-ликдан озод этибди ва унга мол-мулкининг ярмини инъом этибди.

Кўрдингизми, фарзандларим, дуонинг хосияти нақадар юқори. Айниқса жамоанинг, ота-онанинг, устознинг дуоси тез вожиб бўлади.

Бошқа ривоятда айтилишича бир устоз шогирдига дебди:

— Эй шогирдим, бугундан бошлаб мукамал уста бўлдинг,

Энди ўзинг танла, мана бир ҳовуч олтин. Олтинни оласанми ёки дуо қилайми? Халқимизда "Устоз отангдек улуг" деган нақл бор. Шу боис менинг дуойим ҳам ота дуоси каби мустажоб бўлгай, иншаоллоҳ.

Олтинни кўрган шогирднинг кўзи қамашиб, юрагига гулгула тушибди.

— Олтинни берақолинг, устоз, — дебди у ўйлаб ҳам ўтирмай.

Устоз бир ҳовуч олтинни шогирдига берибди. Шогирд мамнун ҳолда уни қийиғига ўраб, белига маҳкам боғлаган ҳолда узоқ сафарга йўл олибди. Бир шаҳарга етиб борганида тиллоларни аста сарф қила бошлабди. Орадан кўп вақт ўтмай фалокат рўй бериб, шаҳарни душманлар қамал қилибди. Чор атрофда қаҳатчилик бошланибди. Шогирд бир ҳовуч олтинни чангаллаганича турли томонларга емиш ахтариб югурар эмиш. Лекин бундан бирор бир наф чиқмабди. Ниҳоят очликдан силласи қуриб, йиқилибди. Шунда унинг қуришган лаблари аста шивирлабди:

— Олтин-кумуш тош экан, арпа-буғдой ош экан.

Шогирд шундай дея жон берибди. Ана шунинг учун ҳам халқимиз "олтин олма, дуо ол" дейди-да. Бироқ, фарзандларим, бирор хайрли ишни бажарсангизу бунинг эвазига ҳожатманд сизни ошкора дуо қилмаса, ундан сира ранжиманг. Негаки, ҳар қандай дуога лойиқ ишнинг ортида дуоси мавжуд. Бошқача қилиб айтганда ошкора дуодан кўра пинҳона дуо аъло ва у тез ижобат бўлади.

Ривоят қилишларича ўтмишда Асад исмли камбағал, лекин софдил ва ҳалол йигит ўтган экан. У бир куни ўз бахтини излаб, йўлга тушибди. Бир жойга бориб чарчаб дам олмоққа ўтирган экан, кимдир тушириб қолдирган халтага кўзи тушибди. Очиб қараса, ичи тўла олтин экан.

— Эй Оллоҳ, — дебди йигит. — Энди бу халта эгасини қандай топаману унга қандай қилиб бу олтинни қайтараман?

Асад шу ерда халта эгасини кутиб қолибди.

Халта савдогарлар бошлиғиники экан. У Маккатуллога ўтаётиб халтасини шу ерда тушириб қолдирган экан. Бир қанча юрганидан кейин эсига тушиб-ю, лекин карвондан қолиб кетмаслик учун ортига қайтишни лозим кўрмай, "Оллоҳнинг ўзига омонат, олтинни ҳалол йўл билан йиққан эдим, Оллоҳ хоҳласа ўрнида туради", — деб йўлини давом эттирган экан.

Савдогар Маккатуллони зиёрат қилиб қайтибди ва халтасини қолдирган жойда Асадни кўрибди. Асад:

— Оллоҳга шукр, келдингиз. Мана олтинингиз. Омонатингизни бир неча кундан бери шу ерда пойлаб ўтирган эдим, хайрият қутулдим, — дебди.

Савдогар олтинини олиб лабини пичирлатиб ўз йўлида равона бўлибди. Асад ҳайрон бўлиб:

— Ия, бу савдогар қанақа одам экан, дуо қилиш у ёқда турсин, лоақал раҳмат ҳам айтмади-я, деб унинг ортидан юра бошлабди. Карвонга етиб келибди. Савдогар қараса Асад ортидан эрғашиб келяпти. Аста йигитга қараб майин табассум қилиб:

— Эй йигит, сиз ҳалол одамга ўхшайсиз, менга хизматкор бўлмайсизми? — деб сўраган экан, Асад рози бўлибди.

Вақтлар ўтибди. Асад энди Мулла Асадбой деб аталадиган, савдогарнинг суюкли қизига уйланган, икки ўғил ва бир қизли етук одам бўлибди.

Бир куни савдогар оғир касал бўлиб қолибди ва Асадни чақиртириб дебди:

— Эй ўғлим, мендан рози бўлинг, қизим ва набираларимни сизга, ўзингизни Оллоҳга топширдим. Бутун молу дунёйим сизга ҳалол бўлсин, меросхўрим сиздай ҳалол инсон бўлганига Оллоҳга шукр, — дебди.

Асад бир дақиқа сукут сақлаб:

— Отажон, бир нарса сўрасам майлими? — деган экан, савдогар:

— Хўш, нима экан, ўша сўровингиз, айтаверинг, — дебди.

— Мен, — дебди Асад. — Сиздан жуда кўп нарса ўргандим. Фақат бир нарсага ақлим ожизлик қияпти. Нимага сиз шундай олийжаноб одам бўла туриб, ўшанда олтин тўла халтангизни бир неча кун пойлаб ётиб, қайтарганимда дуо қилиш у ёқда турсин, ҳатто бир оғиз раҳмат ҳам демадингиз.

— Эй ўғлим, — дебди савдогар. — Шунинг биланги, дуо лойиқ одамга у пинҳона чин юракдан қилинса унинг ижобати яқин бўлади, деб ўшанда мен сизни пинҳона "Эй Оллоҳ, йигит шундай ҳалол бўлса уни менга меросхўр қил, — деб дуо қилдим. Орқамдан карвонга етиб келибсиз, хурсанд бўлдим. Дуойим ижобат бўлганини ва сизни ҳақиқий Оллоҳдан тилаган йигит эканингизни билиб қизимга муносиб кўрдим. Оллоҳга шукр, менинг бойлигим ҳалол қўлда қоладиган бўлди.

Хулоса шуки, фарзандларим, киши қилган эзгу амаллари учун дуони талаб қилиб олмайди. Ҳар қандай савоб ишнинг ортида

унинг эзгу дуолари табиий равишда мавжуд бўлади ва у албатта ўз самарасини беради. Шундай экан, ҳеч кимдан дуо талаб қилмай, савоб ишларни чин кўнгилдан бажараверинглар. Савоб иш қилиш кунига беш вақт намоз ўқиган каби такрорланиб турадиган ибодатдир.

*Дуода хосият беҳисоб эрур,
Уни териб олгин, ўтмасин фурсат.
Дуо вужудингга бағишлагай нур,
Ҳаётингга ато этар фароғат.*

* * *

Олий муддао

*Кошки ақли расо десалар,
Қалби тўла зиё десалар.
Қўлларини очиб ҳаққимга
Кеча-кундуз дуо десалар.*

*Эзгулик бу мисоли қуёш,
Қуёш нури дилга бўлсин жо.
Юртга фидо елкам узра бош,
Элга хизмат олий муддао.*

ЎЗ РИЗҚИНГНИ ЎЗИНГ ТОП

Ҳар ким ўз ризқини ўзи ейди. Лекин ўша ризқи ғойибдан ўз-ўзидан тушмайди. Уни ҳалол йўл билан топиб ейди киши. Ўзгалар ризқи эса унинг учун ҳаром. Шу боис ҳам ўзгалар ризқига ҳеч қачон кўз олайтириш мумкин эмас.

Бироқ ҳаром билан ҳалолнинг фарқига етмайдиган айрим ношудлар осон йўллар билан бировлар мулкини ўзлаштириб олмақчи бўладилар ва гуноҳи азимларга ботиб, эл-юрт назаридан қоладилар. Ана шундай ўзгалар ризқини олишга уринган бир гадо ҳақидаги ривоят ибратлидир.

Унда қайд этилишича қадим замонда ўта инсофли, ҳалол, ҳусн бобида ҳавас қилгудай, давлати етти авлодга етадиган бир савдогарзода ўтган экан. У умрини тижоратда ўтказаркан. Бир куни савдо билан Бағдодга бориб, ўша жойлик гадо қизга ошиқ

бўлиб қолибди. Савдогар дил изҳорини билдирибди. Шунда қиз ихтиёри отасида эканлигини айтибди. Қизнинг отаси Бағдоддаги гадолар сардори экан. Савдогарзода унга учрабди ва қизининг қўлини сўраб, қанча бойлик керак бўлса беришга тайёрлигини билдирибди.

Гадолар бошлиғи савдогарзодадан ўз молидан қанча фоиз фойда олишини сўрабди. Савдогарзода ўн-ўн беш фоизлигини айтибди. Шунда гадолар бошлиғи савдогарзодани масхаралаб:

— Эй йигит! Сен нодонга қиз берармидим? Шаҳарма шаҳар кезиб шу арзимас фойдани оларкансан. Кел, мен сенга ўзининг осон пул топиш йўлимни кўрсатай, — дебди ва савдогарзоданинг қўлидаги узугининг нархини сўрабди.

— Бу узугимнинг баҳоси, — дебди савдогарзода. — Битта соғлом, болали туянинг қайматига баробар.

— Яхши, — дебди гадолар бошлиғи. — Уни менга бер. Эртага айтган жойимдан оласан.

Гадо жума куни катта масжидга бориб роса жамоат йиғилган пайтда имомга баланд овоз билан мурожаат қилиб:

— Эй имом! Мен ушбу шаҳарнинг фақир гадосиман. Умрим ночорликда ўтди, лекин ҳалол яшадим. Мана бу узукни уч кун олдин топиб олдим. Айтишларича жуда қиммат турармиш. Лекин менга ҳаром мулк керак эмас. Аммо мен ҳам ўғилларимни уйлантиришим, қизларимни эрга беришим даркор. Шаҳрингиз фуқароларига айтсангиз, масжид дарвозаси олдига рўмол ёзсам, баҳоли қудрат хайр қилишса, — дебди ва узукни эгаси топилса топшириш учун имомга берибди.

Бу гапларни эшитган масжиддагилар жуда таъсирланиб кетиб, гадонинг ҳалоллигига қойил қолишибди ва намоздан кейин ҳаммалари унинг белбоғига сахийлик билан пул ташлайверишибди. Шундай қилиб гадой бир зумда жуда кўп пул йиғиб олибди.

Кечки пайт савдогарзоданинг ҳузурига бориб пулларни кўрсатиб дебди:

— Эй савдогарзода! Мана кўр. Сен сафар машаққатларида қийналиб қийналиб, керак бўлганида жон бериб, жон олиб ўн-ўн беш фоиз фойда кўрадиган бўлсанг, мен ҳеч қийналмай, бир кунда шунча пул топдим. Энди сен мана бу пулдан олиб масжидга бор. Имомга учраб суюнчисини бергин-да, узугингни қай-

тариб ол ва бизга кўшил. Шунда қизимни сенга бераман. Бу гапни эшитган савдогарзода тутақиб:

— Эй алдоқчи! Бутун авлод-аждодим ҳаққи-ҳурмати мен сен нобакорнинг қизидан ҳам, қимматбахо узугимдан ҳам воз кечдим. Ота-боболарим ҳалол савдогар эдилар, мени ҳам ҳалол овқат билан боқдилар. Мен ҳам ҳалол оиладан уйланиб, Оллоҳ фарзанд берса уларни ҳалол таом билан боқсам дейман, — деб ўз молларини йиғибди-да, шаҳардан жўнаб кетибди.

Мана шунақа, азиз фарзандларим. Одатда бир қозон ҳалол таомга бир томчи ҳаром кўшилса барча таом ҳаром бўлади. Шундай экан, ўз ризқингизни ҳамиша ҳалол топиб енг. Шундай қилсангиз келажагингиз порлоқ бўлади.

*Эй фарзандим, ризқинг мўл бўлсин,
Ризқ инсоннинг умрини безар.
Ўз ризқингни егин, ош бўлсин,
Ўзга ризқдан айлагин ҳазар!*

* * *

Ҳавойи маслаҳат

*Ҳавойи маслаҳат бермагин
Саховат сўра деб бойлардан.
Сояга қучоғинг кермагин,
Тошингни теравер сойлардан.*

*Бойлардан саховат сўргунча
Меҳнатга ураман ўзимни.
Тиланиб муҳтож кун кўргунча
Боқийга юмаман кўзимни.*

*Менда ҳам топмоққа ҳалол нон
Жуфт оёқ, жуфт билак, ахир, бор.
Аларни ишлатсам бегумон
Бўлмасман ҳеч қачон хору зор!*

БОЙЛИКНИ АҚЛ БИЛАН САРФЛА

Фарзандларим, бой бўлишни орзу қилмаган одам бўлмаса керак. Бироқ унга ҳамма ҳам эга бўлавермайди. Илоҳим, сизлар унга эга бўлинг. Бой бўлинг, бадавлат бўлинг.

Лекин, азиз фарзандларим, бойликка эга бўлгач, унга ақл билан муносабатда бўлинг. Худойи таоло ато этган мол-мулкни сарфлашда фаросатли бўлинг. Ҳар бир сарфланган пулнинг ҳисобкитоби, охиратда савол-жавоби бор. Уни эзгу ишларга харж қилмоқ зарур. Шундай қилсангиз, барака топасиз, мол-мулkingиз янада ортиб боради. Эзгулик учун сарфлаган маблағингиз бу дунёингизни ҳам, охиратингизни ҳам обод қилади.

Ривоят қилишларича улуғ пайғамбар Мусо алайҳиссалом Худо билан сўзлашиш бахтига муяссар бўлган эканлар. Кунларнинг бирида ул зот Худо билан гаплашиш учун Тур тоғига кетаётсалар бир чўпон йўллариани тўсиб:

– Эй Мусо, менга Оллоҳдан мол-дунё сўраб беринг, – деб илтимос қилибди.

Мусо алайҳиссалом:

– Сенга мол-дунё бу ёлғончи бевафо дунё учунми ёки у боқий дунё учунми, – деб сўрабдилар. Чўпон:

– Мен у дунёда мол-дунёни нима қиламан, шу дунёда берсин, – дебди.

Мусо алайҳиссалом бу сўздан анча оғринибдилар. Лекин бениҳоя қудрат эгасидан чўпонга бу дунё учун мол-дунё сўраб беришга ваъда қилиб, ўз йўлларида давом этибдилар.

Оллоҳ ҳузурига бориб Чўпоннинг тилагини ҳам айтибдилар. Оллоҳ ўз элчиси Мусонинг сўровини инobatга олиб чўпонга мўлкўл мол-дунё ато этибди. Чўпон бойиб кетибди.

Бироқ ҳар нарсанинг ҳам чеки бўлганидек, вақт ўтиши билан чўпоннинг ҳам умри поёнига етиб, қазо қилибди. Бу хабарни эшитган Мусо алайҳиссалом фоний дунё молига алданган чўпонга ачинибдилар.

Шу пайт Оллоҳдан "Эй Мусо, менинг севган бандам чўпон қазо қилди. Тез бориб жанозасига ўзингиз имомликка ўтинг ва ҳурмат бажо қилинг" деган ваҳий нозил бўлибди. Мусо алайҳиссалом ҳайрон бўлиб:

– Эй Оллоҳим, чўпон бу дунёни сўраган эди-ку?, – деган эканлар, Оллоҳ:

– Тўғри, эй Мусо, лекин чўпон мен берган бойликдан тўғри фойдаланди, мен ҳаром қилган жой ва нарсаларга пул сарфламади. Эҳсонни кўпайтирди, манманлик отига минмади, ўзининг асли кимлигини бир дақиқа бўлса-да унутмади. Ҳеч кимга ичи қоралик қилмади ва ўз амаллари билан жаннатни ўша мен борган бойлик билан ўзи топиб, ҳар икки дунёсини обод қилди. Энди унинг учун саккиз жаннатнинг барча эшиклари очиқ, чўпон хоҳлаганидан кираверади. Эй Мусо, чўпоннинг бу иши ҳамма бандаларимга ўрнак бўлсин. Мен айримларга амал, бойлик бериб, баъзи бир кишиларни ожиз, нотавон, муҳтож қилиб, баъзи бирларини паҳлавон қилиб, баъзиларини касалванд қилиб синаб кўраман, чўпон менинг синовимдан яхши ўтди, дебди.

Кўрдингизми, фарзандларим. Мол-мулкни билиб сарфлаган одамни Оллоҳнинг ўзи қўллайди. Сизларга ҳам худди Оллоҳ суйган ўша чўпон каби бой-бадавлат бўлиб, ҳар икки дунёнгизни тенг обод қилиш бахтига сазовор бўлиш насиб этсин.

*Пулни топиш эмасдир онсон,
Билиб сарфлаш ундан-да мушкул.
Икки дунё роҳат топар жон
Ўз ўрнида ишлатилса ул.*

* * *

Йўқликка сингиганлар жойи

*Эй кўнгил, боққил, бу манзил ўтган инсонлар жойи,
Кўзлари тупроққа тўлган, жисми бежонлар жойи,
Алп йигитлар, ёш келинлар, чолу жононлар жойи,
Беақл, нодон, ақлли-ю билимдонлар жойи,
Бебақо тахтга ўтирган шоҳу султонлар жойи.*

*Бунда тенглик барқарор, шоҳми, гадоми, барибир,
Ишчими, деҳқон, зиёли, зўр даҳоми, барибир,
Ақлу ҳушда норасоми ё расоми, барибир,
Танлари оқми, қизилми ё қорами барибир,
Орзули, армонли ўтган шонли, бешонлар жойи.*

*Барининг мулки ягона, биргина оппоқ кафан,
Тил чириб кетган, тишу сўнгах эрур танҳо даҳан,
Баъзисининг устида гул, баъзисида ўт, тикан,
Баъзисининг устида гул ҳам, тикан ҳам унмаган,
Айлаган афғону фарёд, кўнгли вайронлар жойи.*

*Бунда орзу қилмагайлар, бунда армон қилмагай,
Бир-бирини ранжитиб, бағри-дилини қон қилмагай,
Тухмату, иғво ёзиб шаънига бўҳтон қилмагай,
Айламас ёлғонни рости, рости ёлғон қилмагай,
Дастидан ҳеч нарса келмас, мулки ҳижронлар жойи.*

*Келмайин бу жойга яйраб жавлон урганлар эшит,
Ўзгаларнинг ҳақларин еб, айшни сурганлар эшит,
Тушса ҳам отдан ҳамон эгарда турганлар эшит,
Ўлмоғини ўйламай гафлатда юрганлар эшит,
Умри поёнига етган аҳли нодонлар жойи.*

*Эй Калоний, ким эсанг ҳам ошма ҳаддиндан ҳечам,
Шошма ҳаргиз, етти ўйлаб сўнгра босил бир қадам,
Зиқна бўлма, меҳрибон бўл, бўл ҳамшиша бокарам,
Ушбу дунё бевафодир, сўнги поёнсиз адам,
Бу ҳудуд йўқликка синган барча ўлғонлар жойи.*

ДУШМАННИ ДЎСТ ҚИЛ

Киши сердўст бўлса улар орасида хотиржам яйраб яшайди. Душманлари кўп бўлганда эса хавфу хатарда, ташвиш билан кун кечиради. Шундай экан, дўстларингиз кўп бўлсин. Душманларингизни эса бор имконингизни ишга солиб, дўстга айлантириб олинг. Шундай қилсангиз бу фоний дунёда хотиржам, осойишта ва фаровон ҳаёт кечирасизлар.

Эй суюкли фарзандларим, ҳақиқий комил инсон ҳеч қачон дўстини душман қилмайди, аксинча душманини дўст қилади.

Ривоят. Ўтмишда Одилхон деган одил подшоҳ бўлиб, у одилликда, сахийликда тенги йўқ инсон экан. Бу подшоҳнинг икки ўғли бўлиб, иккиси ҳам замонасининг паҳлавони, аммо каттаси баджаҳл, урушқоқ, кичиги эса унинг тамоман акси, яъни, чу-

қур фикрлайдиган, одил ва раҳмдил экан. Вақтлар ўтиб тинч ва օсойишта кунлар ортда қолибди. Икки ёндаги давлатлар қўшин тўплаётгани ва Одилхоннинг мамлакатига ҳужум қилмоқчи эканлиги тўғрисида маълумот келибди. Натижада Одилхон тезда лашкар тўплабди. Катта ўғлини бир лак аскар билан ўзига яқинроқ давлатга душманни ўз уясида янчмоқ учун жўнатибди. Кичик ўғлини узоқроқ ва кучлироқ давлатга юборибди. Унинг мақсади катта ўғил душманни енгиб келса, укасига ёрдамга жўнатиш экан. Орадан бир ой ўтиб, кичик ўғил ҳеч қандай талофотсиз қайтиб келиб отасига таъзим бажо айлаб:

— Отажон, мен урушгани борган мамлакат подшоҳи ўта одил ва танги экан, — дебди. — У менга дўст, сизга ўғил қатори ўғил бўлди. Мен аввало уруш ўрнига низони тинчлик йўли билан ҳал қилишни таклиф қилдим. Биз икки томонга қўшинимизни саф тортириб майдон ўртасида учрашдик ва узоқ суҳбатлашдик ва уруш майдонидан қиёматлик дўст бўлиб қайтдик. Подшоҳ барча лашкарларимизни меҳмон қилиб, совға-саломлар берди. Энг яхши томони қон тўкилмади, биз ҳар қандай вазиятда ҳам бир-бири-мизга ёрдам қўлини чўзишга келишдик, — дебди.

Бу ўғлидан кўнгли тинчиган подшоҳ катта ўғлини ҳам интизорлик ва хавотирлик билан кута бошлабди. Орадан кўп ўтмай у ҳам катта талофотлар эвазига зафар билан қайтиб келибди. Ота ҳузурига хурсанд ҳолда кириб, ғалаба билан табриклабди. Кейин қўшни мамлакатни култепага айлантирганини, халқини кул қилиб ҳайдаб келганини айтибди.

Подшоҳ ҳар икки ўғлининг зафар билан келганидан кейин улардан қайси бирига ўз тахтини ишониб топшириши учун аъёнларини чақириб маслаҳатлашибди. Аъёнлар душманни дўст қилиб қайтган кичик ўғилни тахтга муносиб, деб маслаҳат берибдилар. Подшоҳнинг ўзи ҳам шу фикрда экан. Кичик ўғилни тахтга ўтқазибди.

Шундоқ, фарзандларим, душманни дўстга айлантириш оқил ва донолар иши. Сизлар ҳам худди шу подшоҳнинг кичик ўғли каби душманларни доимо дўстга айлантириш бахтига сазовор бўлингизлар.

*Душманлар озайса унча ё мунча,
Дўстларингни(нг) сони ошади шунча.
Душманни дўст этмоқ илинжида юр.
Бир умр тинмайин токи ўлгунча.*

* * *

Бенаво айлар сени

Тутма дўст номардни, толейи қаро айлар сени,
Куйдириб ношуд бутун қалби яро айлар сени.
Сўзига мос келмагай қилган юмуши, бесубут
Ошиноман деб туриб ноошино айлар сени.
Юқтириб нуқсонларин, обрўнг тўкиб олам аро,
Гар расодирсан, билиб қўй, норасо айлар сени.
Ҳеч қачон аҳдида содиқ турмагай, ул беқарор
Келса дуч итни урарга бир асо айлар сени.
Яшнаган умринг баҳорин куз этиб, зор қақшатиб,
Тўлдириб ғам-ғуссаларга бесафо айлар сени.
Кўндириб бад хоҳишига, тўғри йўлдан четлатиб
Элу юрт олдида охир шармисор айлар сени.
Гар илинсанг, эй Калон, номард кишин қармоғига,
Сернаво қалбли эсанг ҳам бенаво айлар сени.

* * *

Душманга айланган дўст

Айни ёз фаслида қалбимда қишдир,
Ич-ичи совуқдан музга айланган.
Бу не ғусса эрур, бу қандай ташвиш,
Дўстим душман бўлиб, ўчга шайланган.

Бошимни урайин қай остонага,
Заҳарли мор бўлди олтин балиғим.
Ҳаётим ўхшайди бир ғамхонага,
Дўстимга ёқмади қай бир қилиғим.

Наҳотки биттага камайди дўстим,
Биттага кўпайди душманим, наҳот.
Наҳотки шунчалар кўп ками-кўстим,
Наҳотки дўстимни йўқотдим, ҳайхот!

Душманим душмандир, бу дилга аён,
Дўстимни душман деб қандай биламан.
Душманга айланган дўст ҳаддан ёмон,
Унга, айтинг, нетиб ёвлик қиламан?

ОНА ДУОСИ

Жаноб пайғамбаримиз (с.а.в.) мазлумларнинг, мусофирларнинг ва ота-онанинг дуолари энг тез мустажоб бўладиган дуолар эканлигини таъкидлаганлар. Дарҳақиқат шундай. Гап она дуоси ҳақида борар экан, бу дуонинг ниҳоятда серхосиятлигини алоҳида уқтириб ўтишимиз лозим бўлади. Шунинг учун ҳам онанинг розилигини олиш, бебаҳо дуоларига эга бўлиш ҳар бир фарзанднинг шарафли бурчидир.

Ривоят қилишларича пайғамбаримизнинг ҳузурларига бир киши келиб:

— Ё Расулulloҳ, менинг кекса ва нотавон онам бор. Ўзлари юра олмайдилар. Елкамда кўтариб, барча ҳожатларига олиб бораман. Қани айтинг-чи, шу хизматларим билан ул муҳтарама зотнинг ҳақларини адо этган, фарзандлик бурчимни бажарган бўламми? — деб сўраган экан:

Йўқ, — дебдилар пайғамбаримиз Расули акрам (с.а.в.). — Бу хизматинг сени ороминг учун онангнинг бедор ўтказган бир кечасига ҳам арзимайди. Чунки, онанг сени мурғаклик чоғингда ноқ, авайлаб-асраб, кўтариб катта қилган. Улғайиб ўсишингни истаб, сенга умр тилаган. Сен бўлсанг, ҳозирда онангни кўтариб юриб, бу машаққатдан қачон қутиламан, — деб ўйлайсан.

Онанинг фарзандга қилган меҳнатлари уни дунёга келтириш ва камолга етказиш учун чеккан заҳматларининг чеки йўқ. Фарзанд онанинг ана шу меҳнатлари, тортган азоб-уқубатлари, берган оқ сутини оқлаши керак. Бунинг учун эса уни эъзозлаши, парвариш қилиши, ғамхўрлик кўрсатиб, дуоларини олиши шарт.

Она дуоси кишини бало-қазолардан асраб, руҳини тетик қилади, қувват бахш этади. Бироқ дарахт ва ўсимликларга қуёшнинг бир икки кунлик нури камлик қилганидек, фарзанд учун ҳам онанинг бир икки дуоси етарли эмас. Она дуосини тўхтовсиз мунтазам олиб туриш лозим. Бунга эришганлар ҳеч қачон хор бўлмайди, эл-юрт назаридан қолмай, обрў эътибор топади.

Бир ривоятда айтилишича буюк кушонийлар давлати саркардаси Паҳлавон Шукриоллоҳ паҳлавонлиги билан элларга дoston бўлиб, жангга совут-дубулғасиз, қалқонсиз, қўлида қилич билан кирар ва доимо ғалаба қилар экан.

Бир куни у темирчининг олдига бориб, ўзига қалқон, совут буюртирибди. Навбатдаги жангда паҳлавоннинг қалқон ва совут билан кўрганлар ундан:

— Эй паҳлавон саркарда, бу ҳолда ҳеч қачон жангга кирмаган эдингиз, — деб сўрашибди. Шунда саркарда пешонасини ушлаб бир хўрсиниб:

— Жангларда онамнинг дуолари менга қалқон ва совут, ўқ ўтказмас дубулға бўлиб турар эди. Яқинда онам вафот этдилар. Энди мени дуо қилиб турадиган онам йўқ, — дебди кўз ёшини тўкиб.

Азиз фарзандларим, ҳар бирингизнинг ютугингиз онангизнинг дуоларидандир. У сизларни ҳар хил офатлардан асраб туради. Онангизнинг дуоларини иложи борича кўпроқ олишга ҳаракат қилинг.

Она дуосининг хосияти ҳақида яна бир ривоят бор. Унда айтилишича, Иброҳим халилуллоҳ ўз ўғиллари Исмоилни Оллоҳ амри билан ювинтириб ва чиройли кийинтириб қурбонлик учун Арофат тоғига йўл оладилар. Ул зот фарзандларини тоғ томон бошлаб кетаётганларида Исмоилнинг оналари Оллоҳга:

— Эй Оллоҳим, омонат фарзандимни сенга топширдим. Ўғлимни ўзинг асрагин, — деб илтижо қиладилар.

Онаизорнинг бу дуолари ижобат бўлиб, пичоқ тошни кесади-ю, ammo Исмоилнинг бўғзига ботмайди. Ҳаттоки изи ҳам тушмайди.

Она дуоси ана шунақа кучли қудратга эга. Уни ғанимат билиб, иложи борича кўпроқ олиб қолишга ҳаракат қилинг, азиз фарзандларим.

*Она фарзанд учун гўёки офтоб,
Дуолари ёруғ нурлари унинг.
Хизматларин этсанг оласан савоб,
Дуолари билан ёруғдир кунинг.*

* * *

Онажон

*Айтиб беринг, онажон,
Мени нега туғдингиз?
Ташлаб кетиб ўша он
Нафасимни бўғдингиз.*

*Ҳа, бўғилдим ўша тун
Сиз жон таслим қилганда.
Айладингиз дилим хун,
Туғилмасдим билганда.*

Фарзанд бўлиб, онажон,
Меҳрингизга тўймадим.
Пойингизга ҳеч қачон
Тош бошимни қўймадим.

Мен ёш эдим, кетдингиз
Дилни ғамга тўлдириб.
Онажоним, нетдингиз
Мени бевақт сўлдириб.

Соғинаман, онажон,
Кўзимда ёш қалқийди.
Сизга меҳрим бир жаҳон,
Юрагимда балқийди.

"Ўғлим" деган сўзни сал
Эшитсам қани эди.
Сизга келган бу ажал
Бир умр мени еди.

Сиз ўлгунча осмон
Қулаб тушса соз эди.
Сиз ўлгунча бор жаҳон
Тугаб битса оз эди.

Кўз олдимда туну кун
Тобутингиз намоён.
Юрак-бағрим бўлур хун,
Ўртанада танда жон.

Етим кўнгли яримдир,
Ўксиб ўксиб яшайди.
Бўлса ҳам тиши ўткир,
Ошни ярим ошайди.

Аммо муҳтарам она
Руҳи уни қўллайди.
Юксакларга мардона
Юргин дея йўллайди.

Ғойибона пешонам
Силаб туринг, онажон.
Бахт-иқболим ҳар бир дам
Тилаб туринг, онажон.

Туш кўрибман. Ногаҳон
Сиз келдингиз қошимга.
Дедингизким: "Болажон
Сен ёш қўшгин ёшимга.

Мен ёш кетдим. Эй болам,
Келди тез умр шоми.
Узоқ яша кўрма гам,
Сен ҳаётим давоми.

Орзуларим ижроси
Энди сенга боғлиқдир.
Онажонинг дуоси
Узоқ умр, соғлиқдир".

Кўзим очдим, тонг экан,
Қалбим тонгдек ёришди.
Орзуйимиз бирмикан,
Бир-бирига қоришди.

Қандай қадам ташласам
Кўриб, билиб туринг сиз.
Ногаҳонда адашсам
Йўл кўрсатиб туринг сиз.

Сиз бошлаган ишларни
Оғмай давом этказай.
Ёз, куз, баҳор, қишларни
Самарали ўтказай.

Нетай, иложим қанча,
Сиз учун ҳам яшайман.
Режаларим бор анча,
Бажармоқликка шайман.

Дуо қилинг, онажон,
Жўшаверсин илҳомим.
Қозонганим шараф-шон
Сизга бўлсин илоҳим.

Сизга савоб йиғай деб
Шаҳдам қадам ташлайман.
Қабрингизга бериб зеб,
Кўзларимни ёшлайман.

Умрингизнинг давомин,
Онажон, пок сақлайман.
Берган сутингиз ҳақи
Эзгуликни ёқлайман.

Калонийни сиз дуо
Қилиб туринг, онажон.
Эзгуликка доимо
Бошлаб юринг, онажон.

Кундан кунга кун ўтиб,
Мен ҳам қайтиш қиларман.
Ажал ёқамдан тутиб,
Кетишимни биларман.

Ўлим деган рўдапо
Келиши аниқ экан.
Фоний экан бу дунё,
Англаб етиб бўлдим ман.

Ёруғ юз-ла илоҳим,
Кўришайлик жаннатда.
Гар хоҳласа Худойим,
Кўришамиз албатта.

Онажоним, алвидо!
Кўришгунча хайр энди.
Алвидо, боз алвидо,
Кўришгунча хайр энди.

УЗОҚ КЕТДИ

Ота-она фарзанднинг бахти, саодати. Улар бор экан бахтимиз бутун, кўнглимиз тинч, турмушимизда фаровонлик, хотиржамлик муҳайё. Илоҳим ҳеч кимни яратган Эгам ота-онасидан бевақт жудо қилмасин. Яқин ўтмишда ота-онасининг бағрида шод-хуррам, давлатида фаровон ҳаёт кечириб, бахтиёр яшаб турган бир йигитнинг ота-онаси бевақт вафот этибдию, ундан омад юз ўғирибди. Шунда юрак-бағри гирён бўлган йигит ота-онасининг қадрига етиб, унинг дуоларини кумсаб шундай деб нола қилибди:

*Ўтиб боқийга фонийдан, онам мендан узоқ кетди,
Тополмай ҳажрига тоқат, отам мендан узоқ кетди.
Онам бирлан отам қилган дуодан бахтиёр эрдим,
Дуосиз қолганимдан сўнг қарам мендан узоқ кетди.
У дам омад кулиб, доим саодат эрди йўлдошим,
Бошим қай тошга урсамкин, у дам мендан узоқ кетди.
Бошимга турли офатлар балодек ёғди осмондан,
Чидолмам унга, найлайким, чидам мендан узоқ кетди.
Қўлимда мулку давлатдан паноҳим бор эди бисёр,
Вафо этмай, бўлибдир кул, у ҳам мендан узоқ кетди.
Калоний, не сабаб, билмам, дилим бўм-бўшу илҳомсиз,
Ёзолмам ҳеч вақо энди, қалам мендан узоқ кетди.*

ВАЪДАНГА ВАФО ҚИЛ

Фарзандларим, бировга ваъда бердингизми, уни албатта бажаринг. Бажаролмасангиз ваъда берманг, вақтида узрингизни айтинг. Негаки ваъдага вафо мардларнинг иши. Вафосизлик эса номард қилмиши. Ваъдани беришга бериб қўйиб, кейин уни бажармайдиган кишиларнинг эл орасида обрў-эътибори қолмайди. Дўстлари орасида ҳам ўзаро ишонч йўқолиб, бора-бора у ҳаммадан ажралиб, яккамаххов бўлиб қолади. Ваъдага вафо қилмоқнинг юксак намунаси қуйидаги ривоятда ўз ифодасини топган:

Ҳазрати Умар халифалик даврларида ул зотнинг ҳузурларига икки ака-ука бир арабий кишини судраб келибди ва ундан оталарининг хунини олиб беришни талаб қилибди.

Ҳазрати Умар арабий киши юзида ҳеч қандай жоҳиллик ёки муғомбирликни кўрмай:

— Наҳот сиз бул йигитларнинг отасини ўлдирган бўлсангиз. Бу қандай содир бўлди, — деб сўрабдилар.

— Эй халифаи раҳмон, — дебди бояги киши. — Мен асли деҳқонман, деҳқончилигим билан кун кўраман. Ҳар жума кун ибтидои ғибрат мевалардан шаҳарга олиб бориб сотаман. Бугун ҳам шундай қилдим, меваларимни сотиб бўлиб, жума намозига таҳорат олиш учун отимни бир дарахтга боғладим. Бахтга қарши отим ечилиб кетиб, мана шу мени олиб келган йигитларнинг боғи деворидан осилиб турган дарахт шохларини ея бошлади. Шунда боғбон бобо жаҳл билан бир катта тошни олиб отимнинг бошига урибди, жонивор бир кишнаб жон берди.

Мен алам билан ул тошни боғ ичига отдим. Тасодифни қарангки, тош боғбон бобо бошига тегиб, у ҳам жон таслим қилди. Мана кўриб турганингиздай бу йигитлар оталари хунини талаб қилиб туришибди. Шариат тарозиси кўлингизда, сиз нима буюрсангиз мен розиман.

Шу пайт Ҳазрати Умарнинг муборак кўзларига ёш келибди ва шундай дебдилар:

— Эй арабий, бу Оллоҳнинг иродаси, агар бу йигитлар оталари хуни учун молу дунёга кўнсалар бор бойлигимни бериб сени қутқарар эдим. Афсуски улар қонга қон сўрашяпти. Сенга ёрдам қилишга имкон йўқдир. Фақат ўлимнинг олдидан охириги тилагингни айт.

Арабий дебди:

— Менинг икки норасида фарзандим бор. Оналари вафот этган. Балоғатга етмаган болаларимни қариндошларимга топшириб келай. Менга қуёш ботгунча рухсат берингиз.

— Майли, ўлими олдидан охириги илтимосини бажарайлик, аммо арабий қайтмаса, унда отам хунини кимдан оламиз? Бунга ким кафил бўлади? — деб сўрашибди йигитлар.

Шунда деҳқон кўзига қараб турган ҳазрати Билол ўринларидан туриб кафил бўлибдилар. Йигитлар деҳқонни озод этибдилар. Деҳқон кун ботгунча қайтаман, деб қафасдан чиққан қушдай ўз уйи томон чопиб кетибди. Қолган саҳобалар мўмин кишиларнинг ваъдаларига содиқлиги тўғрисида сўзлашиб турибдилар. Қуёш ботиб шомга азон чақирилибди. Саҳобалар шом намозини адо қилишибди. Бироқ арабийдан дарак бўлмабди.

Ҳамма ҳайрон, ҳамма лол. Шунда ака-укалар:

— Эй Умар, энди нима қиламиз. Деҳқон келмади-ку. Рухсат этинг. Биз деҳқонга кафил бўлган кишини ўлдириб қасос оламиз.

— Билол устидаги либосларини ечиб, деҳқон учун ўлимга тай-

ёрман, дебдилар. Шунда қибла томондан чанг кўринибди. Ҳаманинг кўзи ўша томонга тикилибди. Деҳқон шундай тезлик билан чопиб келардики, чанг худди икки от оёғи тагидан чиқаётгандек кўринарди.

Шунда ҳазрати Умар дедилар:

— Кўринглар, деҳқоннинг югуриб келишини, у ўз ваъдасига мардлик билан вафо қилмоқда. Аҳдига содиқ киши ҳақиқий мард мўминдир. Ҳамма соҳобалар дуо қилиб, мард, мўмин-мусулмон киши шундай бўлиши керак, деб ташаккур айтишибди.

Деҳқон йигит келиб:

— Эй Умари одил, — мен озроқ кеч қолдим, ўғилларим йиглаб юрагимни эзиб юбордилар. Энди улар ҳақиқий етимдирлар, уларнинг Оллоҳдан бошқа меҳрибонлари қолмади, — дебди.

Умар разиаллоху анху ака-укаларга дедилар:

— Мана, деҳқон етиб келди, ҳукми қандай ижро этишни хоҳлайсизлар?

Шунда ака-укалар:

— Биз дунёда ваъдасига содиқ кишининг биттага камайишини хоҳламаймиз. Бу кишини совға-саломлар билан ўз қишлоғига жўнатамиз. Отамизнинг ўлимлари Оллоҳнинг иродаси экан, биз энди тушундик, имонли, мард киши шунчалик ваъдасига содиқ бўлар экан, — дейишибди.

Ҳазрати Умар Билолга қараб:

— Эй Билол, нима учун кўзингга ёш олдинг? Ўлимдан кўрқдингми? дедилар.

Ҳабаший Билол айтдилар:

— Мен ўлимдан кўрқиб йиғлаганим йўқ, мўмин киши ваъдасига содиқлик қилганидан, ислом динининг обрўи тўкилмаганидан кўзимга ёш келди.

Азиз фарзандларим, кўрдингизми, ваъдага вафо қилишнинг чинамак бир намунасини. Сизлар ҳам худди шу деҳқон йигит, ҳабаший Билол каби ҳамиша ваъдангизга вафо қилинг. Аҳдингизда содиқ туринг. Дўстларингиз, қом-қариндошларингиз, эл-юртингизга берган ваъдангизга бир умр содиқ бўлиб қолинг.

*Бировга ваъдани бердингми, бажар,
Элинг раҳмат айтиб, олқишлар сани.
Ваъдани берсангу бажармасанг гар,
Нафратин олурсан, афсус, ҳаммани!*

* * *

Ваъдабоз бўлма

*Ваъдани бердингми, айлагин вафо,
Айтилган сўз, ахир, отилган ўқдир.
Ваъда бермоқликдан недир муддао,
Агар замиридан ҳақиқат йўқдир.*

*Ваъдага вафосиз касдир субутсиз,
Бебурд эканингни айлама ошкор.
Ваъдабоз жасаддир, совуқ, тобутсиз,
Ваъдангни бажаргин, гарчи у душвор.*

*Ваъда мисли қарз эрур, бўлмагин қарздор,
Бўйнинггача қарзга ботиб кетмагин.
Ёлғон ваъда бериб бўлмагин мурдор,
Виждонингни пулга сотиб кетмагин.*

ТУШ КЎРСАНГ ЯХШИЛИККА ЙЎЙ

Инсон инсон-да! Уйқусида гоҳ ундай, гоҳ бундай туш кўради. Уйғонгач, нега бунақа туш кўрдим-а, бу нимадан далолат беради, деб унинг таъбири ҳақида ўйлаб қолади. Бундай пайтларда кўпчилик таъбирчиларга мурожаат қилади. Таъбирчилар эса уларнинг кўрган тушлари тафсилотини эшитиб бўлгач, унинг мазмунига қараб гоҳ яхшиликка, гоҳ ёмонликка йўйишади.

Хўш, аслида-чи? Аслида ҳар қандай тушни ҳам яхшиликка йўйиш хосиятли бўлади. Ривоят қилишларича қадим замонда яшаб ўтган бир улуғ мунажжим таъбирчининг таъбири доим тўғри чиқар, натижада унинг обрў-эътибори кун сайин ортиб бораверар экан.

Кунлардан бирида бир киши ўта ҳовлиққан, хафа бўлган ҳолда унинг ҳузурига келиб, шундай дебди:

— Тақсир, айтинг, тушимда бурнимдан қон келди, бунинг таъбири нима бўлади? Мунажжим бироз ўйлаб туриб:

— Сиздан давлат кетар экан. Тижорат ишларингизни бир оз тўхтатиб тулинг, — дебди.

Эртаси куни яна бир киши хурсанд ҳолда келиб:

— Тақсир, тушимда бурнимдан топ-тоза қип-қизил қон келди. Бунинг таъбири нима бўлади? — деб сўраган экан, таъбирчи:

— Ўғлим, ишингиз бароридан келади. Сизга давлат илаки-шибди. Тижорат ишларингизни кўпайтиринг, — деб жавоб берибди.

Йигит хурсанд бўлиб чиқиб кетгач, таъбирчининг шогирдлари хайрон бўлиб:

— Устоз, буни қандай тушунса бўлади? Бир хил тушга икки хил таъбир айтдингиз. Ё кейинги мижоз сизга кўпроқ эҳсон бердими? — деб сўрашибди.

— Йўқ, — дебди устоз таъбирчи шогирдларининг бу гапига кулиб. — Туш таъбирини аввало одамнинг ўзи беради. Биринчи одам кўрган тушини ёмонликка йўйиб, ниҳоятда кўрққан ҳолда ҳузуримга кириб келди. Энди бу кайфиятда унинг иши юришмайди. У тушининг таъбирини ўйлайверганидан паришонхотир бўлиб қолади. Кўрққанидан нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, турли хатоларга йўл қўяди. Иккинчиси эса кўрган тушини яхшиликка йўйган ҳолда хурсанд бўлиб келди. Шунинг учун ҳам унинг асаби жойида, кайфияти ҳам ёмон бўлмайди. Яхши кайфият билан, шод-хуррам юрган кишининг эса иши доимо олға силжийди. Мен уларнинг ана шу ҳолатларига қараб, тушларининг бўлажак таъбирини айтдим. Агар сўзимга ишонмасангизлар, тез кунда мен айтганлар нақадар тўғрилигига ўзларингиз гувоҳ бўласизлар.

Шундоқ, фарзандларим, мабодо туш кўрсангиз у қандай бўлишидан қатъи назар, яхшиликка йўйиб, кайфиятингизни ҳеч ҳам бузмаган ҳолда ўз ишингизни давом эттиравеинг. Кишига ишонч, яхши кайфият мададкор бўлса у доимо ғалаба қозонаверади.

*Туш туш-да, кирмайди нелар,
Таъбирини ўйлаб бўлмагин диққат.
Яхшиликка йўйсанг яхшилик келар,
Ёмонликка йўйсанг келадир кулфат.*

* * *

Ҳангома

Баъзан хўб жунундир дунё юмуши,
Ўнг бўлиб кўринар баъзилар туши.
Билмам, қай гўшага учган эс-хуши,
Мендан таъма қилиб турса ўлайми?

Мен дейман: тушингни сувга айт, жўра,
Ҳали хом экансан, пишмаган ғўра.
Бориб тез тезак тер сен бундан кўра,
Емаган сомсага мен пул тўлайми?

Ул дейди ундоғу мен дейман бундоқ,
Бу қандай муаммо, бу қандай жумбоқ?
Ё телба дунёнинг ишими шундоқ,
Бир мажнун осийга малай бўлайми?

Мен унинг арпасин хом ўрмаганман,
Ва ё қарз ҳавола ҳам сўрмаганман.
Ҳатто танишиб ҳам улгурмаганман,
Бас шундоқ, йиғлайми ёки кулайми?

Агар айтаверсам можаро узоқ,
Менга ул ит эмган қўйибди тузоқ.
Бу турфа ҳангома тугагани чоқ,
Ҳажвимга тағин бир ҳажв улайми?

КўП ХОТИНЛИЛИК ТЎҒРИМИ?

Бир улуғ киши ўз маърузасида жаннатда икки хотин олиб, уларни тўла ва тенг рози қилган эр учун ажратилаган жойни ҳозиргача ҳеч ким эгаллай олмаётгани ҳақида афсус билан тўлқинланиб гапирган экан, ўта бой-бадавлат бир одам:

— Мен ўша жойни эгаллайман, икки хотинлик учун нимаики шарт қўйилган бўлса барчасини бажара оламан, — деб кўпчилик ичида сўз берибди ва бир вақтда икки хотин олибди. Кейин уларнинг ҳар икковларини бекаму кўст ушлабди. Муомала бир хил, уст-бош, уй-жой, хуллас, ҳамма нарсани бир хил муҳайё этибди. Бундан ҳар икки хотин ҳам хурсанд. Орадан бир неча йил ўтибди.

Буни қарангки, тасодиф рўй бериб ҳар икки хотин бир кунда вафот этибди. Бундан эр жуда қайғурибди. Иккаласига бир хил кафан, бир хил тобут ва бир жойдан қабр қаздирибди. Аммо уйдан тобутни олиб чиқиш учун дарбоза битта экан. Улар олдинкейин чиқмасин, деб тобутни ҳам тенг олиб чиқиш учун зудлик билан яна бир дарбоза очдириб, ҳар иккала тобутни тенг, бир вақтда уйдан олиб чиқибди. Ниҳоят у:

— Ҳамма амалларни бир пайтда, бир хил бажардим, энди жаннатдаги ўша жой меники, деб хотиржам бўлибди. Бироқ ўша куни тунда туш кўрибди. Тушида катта хотини кўлини бигиз қилиб эрига:

— Ҳа, эржон, кичик хотин ширин бўлар экан-да! У кишининг тобутларини янги дарбозадан чиқардингиз. Менинг тобутимни эса эскисидан, мен бундан норозиман, деб турганмиш. Ҳайрон бўлиб, кичик хотинига қараса у ҳам кўлини пахса қилиб:

— Нега мени қабрга олдин кўйдирдингиз, бундан тезроқ қутулай дегандирсизда-а? Шу ҳам инсофданми? — деяётганмиш.

Эрталаб уйқусидан уйғониб икки хотинлилик шартларини бажараман деган бу бойвачча кишининг ҳафсаласи пир бўлибди ва жаннатдаги муборак жойдан умидини узибди.

Хулоса шуки, икки хотинлик одамнинг ҳар икки дунёда ҳам ором топиши қийин. Бу жиҳатдан қуйидаги ривоят ибратли:

Бир ўртаҳол йигит ҳаммомга кириб роса маза қилиб ювиниб турса, бир одам хурсанд ҳолда Худога шукр деб устидан илиқ сув қуяётган эмиш. Содда йигит ҳайрон бўлиб:

— Биродар жуда хурсандсиз. Бунинг сабаби нимада? — деб сўраса, у:

— Ака, менда хотин иккита, — деб жавоб берибди.

Шунда йигит икки хотинли одамга маза экан-да, деб ўйлабди ва унга ҳаваси келиб, у ҳам иккинчи хотин олибди. Шундан сўнг томоша бошланибди. Ҳар куни уйда жанжал, тўполон. Тиним йўқ. Кўшнилари безор. Орадан олти ой ўтибди. Бўғирсоқдай йигит чўпдай озиб кетибди. Бечора қачон кулгани-ю, қачон хурсанд бўлганини ҳам эслай олмайдиган даражага етибди. Кунлардан бир куни яна ўша ҳаммомга кирса аввалги одам ювинаётганмиш. Содда йигит унга ўдағайлаб:

— Сен ўша куни мени нега алдадинг? Гапингга ишониб иккинчи хотинни ҳам олган эдим, бошим жанжалдан чиқмай қолди. Ҳатто ўлимимга ҳам рози бўладиган даражага етдим. Ҳолимга маймунлар йиғлаётир, — деган экан, у киши:

— Э шунақами, ўша куни сиз мени нотўғри тушунган экан-сиз-да! Икки хотинлигим сабабли тинчим йўқ. Қочарга жой тополмай қоламан. Ҳатто ҳаммомга тушишга фурсатим етмайди. Не бахтки, ўша куни Худо ёрлақаб ҳаммомга тушишга имкон топган эдим ва шундай осуда жойга эришганимдан хурсандчилигим ичимга сиғмай эркаклар ҳаммоми борлигидан яйраб, шукроналик билдираётгандим, — деб жавоб берибди.

Ҳақиқатда ҳам, фарзандларим, икки ёки ундан ортиқ хотин олиш шартларини бажаришнинг, айниқса, ҳозирги пайтда сира ҳам иложи йўқ. Шундай экан, бу иложи йўқ нарсага эришаман, деб овораю сарсон бўлманг. Яхшиси, тинчгина, ўз севган ягона аёлингиз билан тинч-тотув яшашнинг гаштини суринг.

*Қўш хотин олганнинг уйи жаҳаннам,
Оловин ёқади ҳар икки хотин.
Бир солиҳа хотин олу, демай кам,
Жаннатой деб ата табаррук номин.*

* * *

Ошиқ-маъшук

*Ошиқ маъшук, эй қодир Худо,
Қўша қариб ўтсин оламдан.
Бир-биридан этмагил жудо,
Ўртанмасин қайғу, аламдан.*

*Пайванд бўлсин дилига дили,
Йўлларига толе пойандоз.
Нурли бўлсин қутлуғ манзили,
Бир-биридан бўлмасин ҳеч оз.*

*Висол нурун сочсин баробар,
Ҳижрон туни дилин эзмасин.
Тенгдан олгин жон олсанг агар,
Айрилиқни зинҳор сезмасин.*

ОДИЛЛИК – АМАЛЛАР ШОҲИ

Бу дунёда одилликдан кўра афзалроқ саодатни ҳеч қайси раҳбар топмаган, бундан кейин ҳам тополмайди. Шунинг учун ҳам уни барча яхши амалларнинг шоҳи дейишади.

Ривоят қилишларича қадимда бир подшоҳ бўлиб, унинг одиллиги, саҳийлиги, раҳмдиллиги инсонни тонг қолдиргудай экан. Бу одил подшоҳ кечалари шаҳарларни айланиб юриб, халқ тинчлигини сақлар, кундузи бозорларни айланиб халқ турмуши билан танишаркан. Халқ тинч, юрт ободлигидан кўнгли хотиржам бўлар экан. Шунинг учун ҳам бошқа бирор бир мамлакат бу юртга ҳужум қилишдан чўчир экан. Чунки одил подшоҳ душманга қарши бутун халқни оёққа тургазар, аскарлари ҳам юрт озодлиги учун жонларини ҳеч аямас экан-да! Подшоҳнинг одиллиги сабаб мамлакатда тинчлик, осойишталик ҳукмрон бўлиб, халқ фаровон турмуш кечирай экан.

Кунлардан бир кун подшоҳ бундоқ ойнага қараса, сочлари оппоқ рангга бўялиб, бирорта ҳам қораси қолмабди. Эҳ, дебди, – подшоҳ афсус билан ва босиб ўтган умр йўлларига бир-бир назар ташлабди. Ҳа, у кўплаб боғ-роғлар яратибди, кўприклар, ариқлар қаздирибди-ю, фақат бирор марта бўлса ҳам ҳаж сафарига боришга вақт тополмабди. Шунини ўйлаб қаттиқ пушаймон чекибди ва вазирини чақиртириб:

– Эй вазирим, сен менинг энг яқин дўстим, маслаҳатгўйимсан, бундоқ ўйлаб қарасам ёшимиз шунчага етибди-ю, бирор марта ҳам ҳаж сафарига боришга вақт ажратолмабмиз, – дебди.

Шоҳдан бу гапни эшитган вазир ундан узр сўраб:

– Менинг маҳалламда Зокир исмли бир киши бор. У жуда олим ва жаҳонгашта. Шу кунгача йигирма беш марта ҳажга борган. Агар лозим топсангиз ўша киши билан суҳбатлашиб кўрсак, шояд бирор бир ҳаж сафарини бизнинг бошқа бирор бир амалимизга алмаштира, – дебди.

Подшоҳ ўша кишини ҳузурига чақиртириб:

– Эй Оллоҳ севган банда, агар кўнглингга олмасанг, бир илтимосим бор. Мен шу ёшгача давлат ишлари билан банд бўлиб, бирор марта ҳам ҳаж сафарига бора олмадим. Агар ҳажга кетиб қолсам, амалдорларим халққа зулм ўтказиб кўяди, ёки бошқа бирор бир давлат бу юрт эгасиз қолди деб ҳужум қилиб қолиши-

дан қўрқдим. Лозим топсанг сен ўзингни йигирма беш бор қилган ҳажингдан бирортасини менга берсанг, мен ҳам сенга хоҳлаганингча бойлик берсам, — дебди.

Подшоҳдан бу гапни эшитган ул киши бироз ўйлаб турибдида, кейин:

— Эй адолатли подшоҳим, бир марта ҳаж сафарини бажо айлаш ва ҳаж амалларини бажариш фарздир. Майли, мен ўзимга биринчи бор қилган фарз ҳаж амалимни қолдириб, шундан кейинги йигирма тўрт бор қилган нафл ҳажимни сизга берай, сиз менга бир кунлик одиллик билан қилган подшоҳлигингиз савобини беринг, шунга мен розиман, — дебди.

Подшоҳ ўйлаб туриб натижасини кейинга қолдирибди ва уламоларини йиғиб шу масалада маслаҳат сўрабди. Уламолар ўзаро кенгашиб бир кунлик одиллик билан қилинган подшоҳликнинг савоби йигирма тўрт марта қилинган нафл ҳаж савобидан минг-минг маротаба улуғ-ку, деган қарорга келибдилар.

Мана, одиллик билан қилинган подшоҳликнинг қадри, баҳоси! Сизлар ҳам, фарзандларим, бундан ибрат олинг ва худди шу подшоҳ каби одил бўлинг. Лекин ҳамма ҳам подшоҳ бўлавермайди. Негаки бир мамлакатда миллионлаб одам яшаса, уларга битта подшоҳ бўлади. Аммо вазирлик, у ёки бу корхонага бошлиқ бўлиш каби лавозимлар сероб. Уларнинг қай бирини ҳақ таоло сизларга муносиб кўрса ўзингизга, албатта, одилликни касб қилиб олинг. Ҳеч қачон қўл остингизда ишловчиларга жабр, зулм қилувчи бўлманг. Аксинча уларнинг кексаларини ўз отанангиз, ундан кейингиларини ака ва опангиз, тенгдошларингизни эса ўзингиз, кичикларини ука ва сингилларингиз билан тенг кўриб, улар билан бир хилда эъзозланг. Шундай қилсангиз обрў-эътиборингиз ошиб, барака топасиз, охиратингиз ҳам муқаррар обод бўлади.

*Одиллик амаллар подшоҳи эрур,
Ундан сочилади жон, қалбларга нур.
Агарда одиллик шиоринг бўлса
Ҳар икки дунёда топарсан хузур.*

* * *

Адолат қилмадингиз-ку

(Ношудлиги туфайли ҳайдалган собиқ раҳбарга)

*Миниб мансаб отига ҳеч адолат қилмадингиз-ку,
Ки масъуллар ишин ҳаргиз назорат қилмадингиз-ку.
"Сенга давр келди, сур бегим" деган гапни шиор айлаб,
Ҳалолликка асосланган сиёсат қилмадингиз-ку.
Мудом сут бирла кирган, жон билан чиққай деб айтурлар.
Бу раҳбарлик ишида тарки одат қилмадингиз-ку.
Ўзингизга қуриб осмонўпар кўп қасру кошона,
Бироқ иш аҳлига битта иморат қилмадингиз-ку.
Нуқул давлатни мулкин "хомталош" қилса очофатлар,
"Чўтал" олдингизу, зарра маломат қилмадингиз-ку.
Синиб бир йилдаёқ корхона бўлди банкрот, аммо
Бу ҳолат-чун дилингиздан надомат қилмадингиз-ку.
Тиқиб беш қўлни оғизга, даҳанни йиртивордингиз, лек
Ҳудо берган ҳалол ризққа қаноат қилмадингиз-ку.
Бу кун қўлга тушибдирсиз, емоқнинг қусмоғи бордир,
Бутун қилмиш-қидирмишдан хижолат қилмадингиз-ку.
Калоний дер: сира наф йўқ, кейин қилган пушаймондан,
Этилган кўп жиноятдан ҳикоят қилмадингиз-ку.*

БОЛА ЛОЙ, ОТА— ОНА КУЛОЛ

Фарзандларим, бир хил ердан ҳар хил деҳқон ҳар хил ҳосил ундиради. Ерга яхши ишлов бериб, эккан экинини яхши парвариш қилган деҳқон баракали ва ширин-шакар маҳсулот олади. Ишнинг кўзини билмаган, дангасаю лоқайди эса кам ва маза-матрасиз ҳосил ундиради. Бу бор гап. Фарзанд ҳам худди шундай. Гўдакни ота-она ҳомилалик чоғидан бошлаб яхши парвариш қилишса, уни авайлаб тарбиялашса, ташқаридан бўладиган зарарли таъсирлардан асрай олишса, қалбини маърифат нурлари билан чароғон этишса бола улғайгач ҳар томонлама етук, комил инсон бўлади. Аксинча у ҳам жисмонан, ҳам маънан носоғлом бўлиб шаклланади.

Ривоят. Ҳорун ар— Рашид халқ ҳаётини ўрганиш учун фақирона кийиниб ҳайвон бозорини айланиб юрсалар, бир қассоб бир қўйнинг баҳосини сўрабди. Сотувчи йигирма танга деганини эшитиб, қассоб:

— Қўйнингнинг ўн тўрт кило гўшти, тўрт кило ёғи бор. Унинг нархи ўн беш танга холос, — дебди ва қўйни олмай кетибди.

Ҳорун ар-Рашид навқарларидан бирига қўйни сотиб олишни, иккинчисига қассоб ортидан боришни буюрибди. Бозордан қайтгач, ўша қўйни сўйишибди ва қассоб айтган миқдорда гўшту ёғ чиққанини кўришибди. Қассобни чақиртириб келишибди ва унга яна икки кўчқорни кўрсатиб, унда қанча гўшт ва ёғ борлигини сўрашибди. Кўчқорлар сўйилганида яна қассоб айтганча бўлиб чиқибди. Шунда Ҳорун ар-Рашид унга қойил қолиб, дунёвий ва диний илмлардан савол бериб кўрибди. Бироқ, афсуски, қассобнинг бу соҳаларда калласи бўм-бўш экан. Шунда Ҳорун ар-Рашид унга:

— Эй қассобзода! Наҳотки ҳаётни фақат қассобликдан иборат деб тушунсанг. Қани сенда ватан ва халқингга муҳаббатинг? Наҳотки ҳаром ва ҳалолнинг фарқига бормасанг, — дея қассобни шунча зеҳни, фаҳми бўла туриб, ё дунёвий, ё диний илм олмагани, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормагани учун бошқаларга ибрат тариқасида жума куни дорга осишни буюрибди. Ҳамма бу ҳукмдан рози бўлиб, подшоҳнинг одиллигини олқишлабди.

Эртаси куни подшоҳ ҳузурига икки ёш йигитча кириб келибди. Подшоҳ уларнинг хулқу-ахлоқини кўриб:

— Фарзандинг бўлса, шундай бўлсин, — деб юборибди.

Йигитлар подшоҳдан гапиришга изн сўрашибди ва руҳсат олгач шундай дейишибди:

— Эй адолатли шоҳаншоҳ! Аввало бизнинг бир қошиқ қонимиздан кечинг. Биз ўлимга маҳкум этилган ўша қассобнинг ўғилларимиз. Отамиздан сўралган саволларни биздан сўрасангиз.

Подшоҳ болаларни узоқ саволга тутиб, улардаги илмий етукликка қойил қолиб, илмий мажлис ўтказибди ва:

— Сизларга тасанно, лекин отангизга чиқарилган ҳукм ҳаммага маъқул келган. У кўпчиликка ибрат бўлади, — дебди.

Шунда қассобнинг катта ўғли:

— Эй муҳтарам жамоа! Бола-лой, ота-она кулол. Бола онадан ўғри, қотил ёки алдоқчи бўлиб туғилмайди. Уни тарбияловчи ота-она ва ташқи муҳит. Отамизга чиқарилган ҳукмни отамизга эмас, унинг отасига чиқариш керак эди. Отамиз ўзи илмсиз бўлса ҳам, бизни шунчалик илмли, маърифатли бўлишимизга шароит яратди. Отамиз таҳсинга лойиқдир.

Подшоҳ узоқ сукут сақлаб, кейин:

— Эй вазир, сен энди истеъфога чиқ. Шу бола менга вазир бўлсин. Эй жаллод! Қассобни олиб кел, устига зарбоп тўн ёп, бу элга ибрат бўлсин. Чунки бизнинг келажагимиз — фарзандлари-

миз. Бола тарбиялашдаги олийжаноблиги учун қассоб шунга сазовор. Қассобнинг отаси тирик бўлса, олиб келинг, ўлган бўлса, гўри устига ўттиз дарра уринг. Чунки шу қасоб ҳам ёшлигида ўта истъдодли бўлган. Отаси эса унга қассобчиликдан бош-қа нарса-ни ўргатмаган, — дебди.

Хулоса шуки, фарзандларим, бола тарбиясига энг авало ота-она масъул. Агар улар бола тарбиясига оид ўз бурчларини яхши бажарсалар, фарзандлари эл-юртига содиқ, асил инсонлар бўлиб вояга етади. Сизлар бу гаплардан сабоқ чиқариб, фарзандларингизни мустақил Ўзбекистонимизга муносиб, илм-маърифатли, комил инсонлар бўлиб вояга етказиш учун бор имкониятингизни ишга солинг.

*Болани ёшликдан этсанг тарбият,
Улғайса қалб уйи нурга тўлади.
Бепарволик қилиб, ўтказсанг фурсат,
Боламас, у мудҳиш бало бўлади.*

* * *

Ота васияти

*Ташвиш билан ўтди отам кунлари,
Елкасида оғир эл-юртнинг юки.
Фарзандларга ўғит бериб тунлари,
Дерди: "Тўқилмасин элнинг бир туки.*

*Элнинг омонлиги ҳузури жондир,
Юртнинг гўзаллиги дилиннга безак.
Ўзбек ўзига бек, ўзига хондир,
Нурли ҳурлигини асрамоқ керак.*

*Элинг хур бўлмаса эркин нафас йўқ,
Донолар дейдилар: "Элинг тинч-сен тинч".
Иморат мустаҳкам бўлса кўнгила тўқ,
Бақувват бўлса бас девордаги синч".*

*Ота васияти фарзанд учун бурч,
Бурчни адо этар ақли бут фарзанд.
Кўзимга сепгандек бўлар аччиқ мурч,
Ота ўғитига берар бўлсам панд.*

*Она юртим! Хурлигинг кўзимга зиё,
Зиёсиз оламни кўраман қандай?
Хурлигинг-чун бўлсин минг жоним фидо,
Асраб-авайлайман мудом жон-тандай!*

ҲАРОМ ҲАЛОК ҚИЛАДИ

Фарзандларим, шуни билингки, ҳаром луқма ҳеч қачон инсонга юқмайди. Аксинча кишини ич-ичидан кемириб, охири ҳалок қилади.

Ривоят. Қадим замонда Абдусалом деган бир ҳалол киши ўтган экан. Унинг яккаю-ягона фарзанди бўлиб, у боласини жуда яхши кўрар, еру кўкка ишонмас экан. Кунлар, йиллар ўтиб бола паҳлавон йигит бўлибди. Бир куни у отасига маслаҳат солибди:

— Эй ота, энди мен нима касб танлай?

— Эй ўғлим, бўйнидан боғланган ит овга ярамас, деган гап бор. Энди сен бир ҳунар ёки касбни ўзинг танла ва шунга меҳр қўй.

Энг яхши касб ўғирлик бўлса керак.

— Майли, ўғлим, ўғирлик бўлса ўғирлик-да! Бугун қўшни-мизнинг қўйини ўғирлаб чиқ.

Ўғли ярим тунда қўшнининг уйига писиб кириб, осонгина битта катта қўйни ўғирлаб чиқибди. Отаси хурсанд бўлибди ва:

— Ўғлим, зўр иш қилдинг, энди иккимиз ўзимизни тежаймиз ва бир ҳафта шу қўйни мазза қилиб еймиз, — дебди.

Хуллас, улар бир ҳафта мазза қилиб маишат қилишибди. Қўйни еб бўлгач, ўзларини тортишибди. Қарашса ўғил уч килога озиб кетибди. Ота эса тўрт килога семирибди. Ўғил ҳайрон бўлиб отасига қарабди. Ота кулиб:

— Эй нодон ўғил. Билиб қўй, сен ўғирлаган қўйларнинг пулини мен қўшни билан келишиб олдиндан тўлаб қўйган эдим. Шунинг учун ҳам мен хотиржам семирдим. Сен эсанг, қўшни қўйини ўғирлаганимни билиб қолмасмикан, деб ташвишда яшадинг. Натижада, еганинг ўзингга юқмади, бундан кейин ҳам ҳеч қачон юқмайди. У бора-бора ич-ичингдан кемириб, сени ҳалок қилади. Кел, яхшиси вақтида эс-ҳушингни йиғиб ол-да, бошқа ҳалол касб танла. Шунда у дунёинг ҳам, бу дунёинг ҳам обод бўлади. Ҳалоллик жаннат меваси, ҳаром эса дўзах кулфатидир, — дебди.

Ҳалоллик ҳақидаги мана бу ривоят ҳам ибратли:

Икки ака-ука бўлган экан. Каттасининг исми Хизр, кичигиники эса Илёс бўлиб, улар ўта ҳалол, ўз нафсларининг ҳоқони эканлар. Хизр уч фарзандли, Илёс ҳали балоғат ёшида экан.

Ака-ука баҳорда адирга буғдой сепишибди. У пишгач ўриб, хирмон қилиб, иккига бўлишибди. Аммо қоронғу тушиб, буғдойни пойлаб ётадиган бўлишибди. Аввал Хизр пойлаб, бедор бўлибди. Илёс эса роса чарчаб, ширин уйқуга кетибди. Кеча сокин. Хизр ўйлаб туриб "укам билан тенг меҳнат қилдик, буғдойни ҳам баробар тақсимладик. Аммо укамга кўпроқ тегса, у уйланиб, ўзини тиклаб оларди", дея буғдойнинг ярмидан кўпроғини укасининг улушига қўшиб қўйибди. Кечанинг иккинчи ярми ўтибди. Хизр қилган ишидан хурсанд, укасини уйғотибди-да, ўзи ширин уйқуга кетибди.

Илёс бедор. Ўйлаб кўриб:

— Мен сўққабошман, акам бола-чақали. Буғдой унга кўпроқ тегиши керак эди, деб ўз улушидан ярмидан кўпроғини акасининг улушига ташлаб қўйибди.

Тонг отибди. Ака-ука қилган ишларидан хурсанд, улушларини уйларига таший бошлашибди. Қоронғу тушгунча ташишибди, лекин хирмондаги буғдой камайиш ўрнига кўпаярмиш. Негаки, ака-укаларнинг ҳалол ва меҳр-оқибатлилиги учун Оллоҳ хирмонларига барака берган экан-да.

Улар Оллоҳга ҳамду санолар айтишибди, ортган буғдойларини халққа эҳсон қилиб тарқатишибди.

Ҳа, азиз фарзандларим, мол-дунё, уй-жой топилади. Лекин ака-укаларнинг ораларидаги меҳр-оқибат йўқолса ёмон бўлади. Ривоятдаги ака-укаларнинг ҳалолликлари, меҳр-оқибатлиликлари, уларга бахт-саодат келтирибди. Сизлар ҳам худди шу ака-укалар каби ҳалол, меҳр-оқибатли бўлинглар.

*Кимки бўлса имонли агар
Ҳаром-ҳалол фарқин билади.
Ҳаром луқма мисоли заҳар,
Секин-аста ҳалок қилади.*

* * *

Ким имонли бўлса

*Ким имонли бўлса нафсига итоат қилмагай,
Ўзгалар мулкига қўл чўзмоқни одат қилмагай,
Ҳеч қачон бегона бойликларни ғорат қилмагай,
Ул ҳалол ишлаб яшар, ҳаргиз жинойят қилмагай,
Беймон бўлса агар борга қаноат қилмагай.*

*Бас, ҳалол еб, ичса одам толейи албат қулар,
Тақдирининг риштасига порлоқ истиқбол улар,
Гар ҳаром луқма еса толейининг қасри қулар,
Шармисорликлар сабабли эл аро расво бўлар,
Ким ҳалол еркан ҳаромхўрларни улфат қилмагай.*

*Ишлаган тишлайди деб ул ўзни меҳнатга урар,
Покиза ризқин топишликка доим улгурар,
Яхши еб, яхши кийиб ўз қандини яйраб урар,
Тўй қилар, тўйлар қилар, қошонадек уйлар қураб,
Умрининг маъносидан ҳеч ҳам хижолат қилмагай.*

*Арзимас ашённи деб жон, тандан айрилмас киши,
Бераҳм жононни деб ғилмондан айрилмас киши,
Бевафо бойликни деб имондан айрилмас киши,
Жаннатий бўлмоқ учун имкондан айрилмас киши,
Гар диёнатли эса ҳеч ким маломат қилмагай.*

*Элу юрт ҳисобидан бойликни орзу этса ким,
Бефаросат, беҳаё, ақли аларнинг калта, ним,
Бундайин нокас одам рўзғорини бут кўрмадим,
Эй Калоний, от ҳажв ўқини анга, турма жим,
Анга ўқ отмас киши қалбида роҳат қилмагай.*

ОИЛА БАХТИ ИНОҚЛИКДА

Фарзандларим, ҳар қандай оиланинг бахти иноқликда. Агар тинчлик, хотиржамлик, тотувлик барқарор, оила аъзолари ўзаро меҳр-оқибатли бўлмаса бу оилада бахт-саодат ҳам, файз-барака ҳам бўлмайди. Бундай оила тарқалиб кетади. Шунинг учун ҳам ашаддий душманлар энг аввало рақибининг оиласидаги иноқликни йўқотиш билан ундан қасд олишга уринади.

Ривоят қилишларича Ота шайтон кунларнинг бирида болаларини йиғиб:

— Болаларим, сизларни бу ерга йиғишимдан мақсад барчангизни синовдан ўтказиш. Ҳаммангиз ҳозирданоқ хоҳлаган тарафингизга бориб одам зотига қўлингиздан келганича ёмонлик қилинг. Агар қайси бирингиз энг катта ёмонликни қилолсангиз, ўшанингизга тож кийдираман, — дебди.

Шайтонваччалар оталаридан муҳлат олиб турли томонларга қараб тарқалишибди ва бир ой юриб одамларга қўлларидан келганича ёмонлик қилиб қайтишибди. Ота шайтон биринчи бўлиб катта шайтонваччадан сўрабди:

— Хўш, ўғлим, одамзотга нима ёмонлик қилолдинг?

— Мен бир одамни алдаб бўккунича ароқ ичирдим. У маст бўлиб қолиб, ўз дўстини чавақлаб ўлдирди.

Ота шайтон иккинчи ўғлидан сўрабди:

— Сен нима қилолдинг?

— Мен икки тижоратчининг ўртасига нифоқ солдим, улар роса муштлашишди.

Шайтон гапни охиригача ҳам эшитишни хоҳламай учинчи ўғлини сўроққа тутибди.

— Мен, — дебди учинчи ўғил, — эр-хотинни уриштириб қўйдим. Оила бузилди. Уч фарзанд тирик етим бўлиб қолди. Натижада қариндош-уруғлар юз кўришмас бўлиб кетишди. Фарзандларининг ҳаётдан кўнгли совуди, энди уларнинг тарбиясига ҳам путур етади...

Учинчи ўғилнинг бу гаплари ота шайтонни қувонтириб юборибди. Унинг баҳри-дили очилиб:

— О мана бу бошқа гап. Яша ўғлим, — дебди ва оловдан бўлган тожни унинг бошига кийгизибди.

Шунақа фарзандларим, оила одамзотнинг энг асосий бойлиги. Агар унга путур етса одам зотининг иши юришмайди. Ахлоқ-одоби бузилади, тинчлиги йўқолади. Оқибатда ҳар хил балоларга гирифтор бўлаверади. Бунинг инсониятнинг асосий душмани бўлмиш шайтонлар жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам ривоятдаги ота шайтон учинчи ўғлига тож кийдирган-да!

Гап оила тотувлиги ҳақида кетганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, болалар ёшлигида оиланинг иноқлиги асосан ота-онага боғлиқ бўлади. Лекин улар улғайиб уйланишгач, бу тотувликнинг тақдири кўпинча келинлар қўлига ўтади. Агар улар иймон-эъти-

қодли, инсофли бўлишса оилани янада жипслаштирадилар. Бироқ, Худо асрасин, худбин, бейймон бўлсалар, уни бутунлай тарқатибгина қолмай, ҳатто ака-укаю опа-сингилларни бир-бирларига душманга ҳам айлантириб юборишлари эҳтимолдан холи эмас.

Шу ўринда ўтмишда эмас, яқин кунлар ичида содир бўлган бир воқеани айтиб ўтсам фойдадан холи бўлмас.

Вилоятларнинг бирида беш ака-ука бир ҳовлида жуда аҳил яшар, шундан уларга ҳамма ҳавас назари билан боқар экан. Кунларнинг бирида катта ака хотинига мақтаниб:

— Қара, хотин, биз ака-укалар қандай аҳил яшаймиз. Ота-онамиз бизни яхши тарбия қилганлар-да, деган экан, унга жавобан хотини шундай дебди:

— Тўғри, сиз ака-укалар яхши тарбия олгансизлар. Лекин бу аҳиллигингиз кўп жиҳатдан биз келинларга боғлиқ. Чунки қайнонамиз, яъни сизларнинг онангиз биз келинларга бу ҳақда кўп яхши гапларни айтиб, аҳилликка чорлаганлар ва мени ўринларига она қилиб сайлаб кетганлар. Оллоҳ раҳмат қилсин, қайнонамизнинг тарбиялари, васиятлари сабаб биз келинлар аҳилмиз, билингки, шу туфайлидан сиз ака-укалар ҳам иноқсиз. Агар биз келинларнинг орамизга шайтон ораласа, ўша кундан бошлаб сиз ака-укаларнинг орангизга ҳам нифоқ тушади.

Хотинидан бу гапларни эшитган ака:

— Бу гапинг нотўғри. Агар биз ака-укалар аҳил бўлсак, сиз хотинларнинг қўлингиздан ҳеч нарса келмайди, — дебди. Хотин эрининг бу гапига кулиб қўя қолибди. Аммо эртаси куни овсинларини чақириб:

— Бир енгил ҳазил қилмаймизми? Чунки, ака-укалар оиладаги ўрнимизни камситишяпти, — дебди ва уларни кўндирибди.

Шу куни ака-укалар бир қўйни сўйиб, сергўшт деб унинг орқа сонини катта аканинг уйига киритиб юборишибди. Шунда ака:

— Қара, хотин, укаларим доим мени ҳурмат қилиб сергўшт жойини беришади, ажойиб укаларим бор-да, — деб мақтанган экан, хотини қошини бир чимириб:

— Ҳа, шундай. Акамнинг иши орқага кетсин деб ҳар доим орқа оёғини беришади, укаларингизнинг нияти аллақачоноқ бузилиб бўлган, — дебди.

Хотинининг бу гапидан таажжубга тушган эр:

— Эй хотин, бундай дема дебди-ю, лекин юраги ғаш бўлиб қолибди. Овсинларнинг ҳар бири шунақа майда-чуйда ишлардан

тескари қийиқлар чиқаравериб ака-укаларни тез кунда юз кўрмас даражасига етказиб қўйишига бир баҳя қолибди.

Бир куни катта ака чуқур уҳ тортиб:

— Эй хотин, нимагадир укаларимнинг юраклари кундан кунга тор бўлиб кетяпти. Бунақа шароитда улар билан бир ҳовлида яшаб бўлмайди. Бошқа уй қилиб, бу ердан чиқиб кетмасак бўлмайди, — дебди қатъи оҳангда.

Эридан бу гапни эшитган хотин:

— Эҳ, эржон, аввало мени кечиринг. Шуларнинг ҳаммасини мен ўйлаб топиб, овсинларим билан маслаҳатлашиб қилдик. Чунки, оилада асосий ролни биз келинлар ўйнаймиз. Келинг, эртадан яна биз ўз оиласига вафодор, унинг аҳиллигини таъминлашга жонқуяр келинларга айланамиз. Тез кунда сиз ака-укалар ҳам худди илгаригидек, тотув бўлиб кетасизлар. Фақат билиб қўйинглар. Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин. Хотин қанча пасткаш, молпараст бўлса, эрни шунчалик хароб қилиб, унинг ака-укаларию, опа-сингилларидан ҳам айиради, — дебди.

Дарҳақиқат шундай. Ёмон хотиннинг оилани тўзғитувчи шайтондан фарқи йўқ. Шунинг учун ҳам аввало, қизнинг онаси, кейин қайнонаси, қолаверса эрнинг ўзи ҳам келинларга оила тотувлиги барака манбаи, бахт-саодат омили эканлигини вақтида таъсирчан воситалар билан тушунтириб бориши керак. Зеро халқимиз "оиланг тинч, сен тинч" деб бежиз айтмаган.

*Оиланинг бахти тотувлик билан,
Барака келтирар меҳру оқибат.
Гар нифоқ солсалар бахиллик билан
Жаладек ёғилур кулфату офат.*

* * *

Ноаҳил оилада

*Ноаҳил оилада бўлмас адоватдан бўлак,
Бир-бирини алдашу мудҳиш хиёнатдан бўлак.
Гар адоват ҳам хиёнат бор экан оилада,
Диллари не ҳам топар қонли маломатдан бўлак.
Ўзаро ҳурмат ва иззат қайда дейсиз, водариғ!
Бўлмагай бу уйда ғийбат, кек, ҳақоратдан бўлак.
Уйда зиндон, кўчада хандон бўлодир барчаси,*

*Хонадонда учрамас, ҳаргиз жаҳолатдан бўлак.
Кўчада майхўрлигу айшу маишат авжида,
Тарзидир турмушларин фаҳму фаросатдан бўлак.
Бундайин оилага нафрат билан боқмоқ зарур,
Тақдиридан не топиб бўлмай қабохатдан бўлак.
Эй Калоний, бул ғазалнинг маънисидан сўзласам,
Бўлмагай турмушлари ҳақда ҳикоятдан бўлак.*

УСТОЗИНИ ХОР ҚИЛГАН ХОР БЎЛУР

Фарзандларим, ҳаётда бир ҳарф ёки бир сўз ўргатган киши ҳам улуғланиб, унинг ҳурмати жойига қўйилиши керак.

Ривоят қилишларича Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳи бир кекса чўпон кишига ниҳоятда тавозе билан салом бериб, ҳурмат ила таъзим бажо қилибдилар. Буни кўрган кишилар:

— Эй, пирим, сиз шундай улуғ олим бўла туриб, бир оддий чўпонга бунчалик ҳурмат кўрсатяпсиз, бунинг боиси недур, — деб сўрабдилар.

Имоми Аъзам дебдилар:

— Бу киши устоз.

— Бу киши оддий чўпон бўла туриб сиздек улуғ олимга қандай қилиб устозлик қилиши мумкин?

— Кунларнинг бирида, — деб гап бошлабдилар устоз. — Халққа маъруза қилаётганимда бир киши савол бериб:

— Кучукнинг балоғатга етганини қандай билиш мумкин, — деб сўраб қолди. Мен бу саволга жавоб беришга ожиз эдим. Халққа бунинг жавобини кейинроқ айтишга ваъда қилиб, кутубхона томон паришон жўнадим. Шунда шу кекса чўпон йўлимни тўсиб чиқиб:

— Болам, мулзам бўлманг, кучук боласининг балоғатга етиб, ит бўлгани оёғини кўтариб сийишидан билинади, — деди.

Бу ҳаёт, фарзандларим, дунё сирларини, илм дарёсини ҳеч ким тагига етган эмас, етолмайди ҳам. Лекин интилган, бундан кейин ҳам интилаверади. Бу йўлда кимдир устоз бўлади, кимдир эса шоғирд. Шундай экан, устозни эъзозлаш керак. Устозини ҳурмат қилган кишининг эса доимо иши юришиб, унга бахту иқбол ўзининг мунаввар шуълаларини сочаверади. Аксинча устозини менсимай, унга нисбатан шоғирдлик бурчини бажармаган инсонлар охир-оқибат хор бўлади.

Ривоят. Луқмони ҳаким ўз ҳалолликлари ва камтарликлари ҳамда Оллоҳ юқтирган кучли истеъдодлари билан халққа танилиб, ҳакиму табиблар пирига айланган эканлар. Бу улуг инсоннинг бир неча шогирдлари бўлиб, улар ичида Абу Толиб исмлиси барча шогирдларига халифа экан.

Кунлар ўтиб Абу Толиб манманлик отига миниб, шайтонга ошно бўлибди. Ҳатто ўзини шу даражага етказган устозини ҳам менсимай қўйибди. У ҳамма жойда мақтанар, устозидан ўзиб кетганини кўз-кўз қилар экан. Бу гапларни устози Луқмони ҳакимга ҳам бир неча бор етказишибди. Лекин устоз оҳиста табассум қилар ва "тўғри, шогирдим мендан ўтиб кетди, мен бундан фахрланаман", деб қўя қолар эканлар.

Кунлардан бир куни подшоҳ мажлисида Абу Толиб яна мақтаниб турса, бу ерга чақирилган Луқмони ҳаким ҳам келиб қолибдилар. Лекин шунда ҳам шогирд устозини менсимай, мақтанаверибди. Илм аҳли мажлисини тинглаб турган шоҳ Луқмони ҳакимга юз буриб дебди:

— Эй Ҳаким, сизни ўлимдан бошқа дардга даво топган инсон деб билар эдик. Наҳотки шогирдингиз сиздан устун бўлса?

— Тўғри, шогирдим қанча униб ўсса мен шунча хурсандман, чунки бу менинг мевам.

Шоҳ:

— Йўқ, биз буни амалда кўришни хоҳлаймиз. Иккингиз бир-бирингизга қарши заҳар тайёрланг. Ким уни ичиб тирик қолса ўшани кучли деб тан оламиз, — деб туриб олибди.

Луқмони ҳаким сукут сақлабдилар, лекин шогирд дарров рози бўлибди ва уч кунга муҳлат сўрабди. Мажлис уч кундан кейин йиғилиш шарти билан тарқалибди.

Шогирд уч кунда шундай бир заҳар тайёрлабдики, унинг бир томчисига фил ҳам бардош бера олмас экан.

Луқмони ҳаким ҳам шу заҳарга қарши дори тайёрлаб, битта катта одам сиғадиган хумга сут тўлдириб, тўртта қулга кўтартириб, мажлисга келибдилар.

Шогирд ўзини намоёниш этиб тайёрлаган заҳарининг бир томчисини ерга тўкибди. Заҳар қайнаб бир газ чуқурликка кириб кетибди. Буни кўрган Луқмони ҳакимнинг душманлари хурсанд бўлишибди.

Луқмони ҳаким хотиржам ҳолда ечиниб, мазкур заҳарга қарши тайёрланган дориларини ичиб, устидан шогирдлари тайёрлаган

заҳарнинг ҳаммасини ичибдилар ва сут ичига тушибдилар. Заҳар таъсиридан хумдаги сут яшил тусга кирибди. Шу заҳоти бошқа содиқ шогирдлари Луқмони ҳакимни кўтариб уйларига жўнашибди.

Эртасига мажлис яна йиғилиб Луқмони ҳакимнинг уйидан хабар кутишибди. Шу пайт сал ранги саргайган Луқмони ҳаким мажлисга етиб келибдилар. Ҳамма эсанкираб қолибди. Чунки шундай кучли заҳар ичиб тирик қолишига ҳеч ким ишонмаган экан-да!

Мажлис аҳли Луқмони ҳакимни тирик қолгани билан табриклашибди. Подшоҳ ҳам бу илмли табибга қойил қолиб, энди шогирдига қарши заҳар тайёрлашни буюрибди. Шунда Луқмони ҳаким шоҳга ва мажлис аҳлига:

— Майли, мен енгилдим, шогирдимга заҳар тайёрламайман, — дебдилар.

Устозидан бу гапни кутмаган шогирд:

— Йўқ, заҳар тайёрланг, эҳтимол мен тирик қоларман, унда жанг яна давом этади, — деб туриб олибди.

Луқмони ҳаким шогирднинг бу гапига жавобан:

— Ундай бўлса заҳар қирқ кунда тайёр бўлади, — дебдилар.

Шоҳ ҳам, мажлис аҳли ҳам рози бўлибди ва қирқ кундан кейин йиғилишга келишиб тарқалишибди. Луқмони Ҳаким тўртта мардикор ёллабдилар. Шогирд яшайдиган уйнинг орқасидаги ҳовлини ижарага олиб, мардикорларга кўчага чиқмасликни, уларнинг иккисига тонгдан қоронғугача худди бир нарса янчаётгандай бўш қопни навбат билан уриб туришни, қолган иккитасига қоронғудан тонггача шу ишни такрорлашни буюрибдилар. Бу ҳол қирқ кунгача давом этибди.

Бечора шогирд қирқ кунгача устоз қандай заҳар тайёрлаётганини билолмай, ваҳима билан кечалари ухлолмай, озиб чўпдай бўлиб, зўрға юриб мажлисга кириб борибди.

Луқмони ҳаким кудуқдан тиниқ сув олиб бир чиройли кўзачага қўйиб, дабдаба билан бошқа шогирдларига кўтартириб, мажлисга келибдилар. Оёғида зўрға турган шогирдга раҳмлари келибди ва юпун, оч, хароб ҳолатда шогирдликка келгани, ўз зеҳни билан устозини қувонтирганлари эсларига тушиб, кўзларига ёш олибдилар. Кейин шогирд Абу Толибга:

— Эҳтимол заҳарни ичмассан, — дебдилар. Абу Толиб эса ранги оқариб, қони қочиб кўзачадаги заҳар ўрнидаги оддий сувдан икки қултум ичибди-да, секин уни қўйиб жони узилибди.

Бу ҳолга гувоҳ бўлиб турган мажлис аҳли нафрат билан Луқмони Ҳакимга:

— Наҳотки, шундай ёш йигитни ўлдириб юборсанг, — дейишибди.

Шунда Луқмони ҳаким кўзачадаги оддий сув эканини айтиб, ундан бир неча кишига бир қултумдан ичириб кўрибдилар. Кейин шогирлари заҳардан эмас, манманликдан қурбон бўлганини изоҳлаб берибдилар. Мажлис аҳли яна кўзадаги сувдан ичиб кўриб, луқмони Ҳакимга қойил қолишибди.

Шундоқ, фарзандларим, устоз ҳар доим ота-она қаторида турувчи улуг зот. Ота-она ва устоз дуоси эса ҳар доим ижобат бўлади. Шунинг учун ҳам устозни эъзозлаб, унинг дуосини олмоқ нақадар чиройли.

*Устозга меҳрингни эт мудом уммон,
Ҳурмат бажо этиб, айлагин таъзим.
Анинг дил уйини айласанг ошён,
Ўз дилинг нурларга тўладир лим-лим.*

* * *

Биринчи ўқитувчимга

*Илк бор қўйганимда мактабга қадам,
Кучоқ очиб илиқ кутиб олдингиз.
Сеҳр оғушида маст эдим у дам,
Қалбимга мўъжизий сеҳр солдингиз.*

*Ассалом сўзидан бошлаб сабоқни,
Алифбени тўлиқ олдирдингиз ёд.
Ялқовлик айласам чўзиб қулоқни,
Дедингиз: "Комил бўл, чиқаргин савод!"*

*Ўқиш ва ёзишни ўргатмоқ учун,
Не-не азобларни чекиб ўтдингиз.
Гоҳида дилингиз этганимда хун,
Кўлга "указка"ни маҳкам тутдингиз.*

*Дедингиз: "Ўқишга қўймасанг меҳр
Бошингга ураман шу таёқ билан".
Яхшига муҳаббат, ёмонга қаҳр
Шунда пайдо бўлди менда дафъатан.*

*Сиз азиз инсонсиз, тонгдек мусаффо,
Онамдек мўътабар, онамдек суюк.
Сиздек устозларни асрасин Худо,
Сиз улуг инсонсиз, буюксиз, буюк!*

САХОВАТ ШАРОФАТИ

Фарзандларим, инсон зоти зиқна бўлмаслиги, бағри кенг, саховатли бўлиши керак. Зиқна одамдан файз-барака қочади. Сахий, серҳиммат одамдан эса қут-барака аримайди.

Ривоят қилишларича Абу Хорис исмли бир ўртаҳол деҳқон ўтган экан. Кунлардан бир куни унинг олдига ўта хароб, оч ҳолатда бир мусофир аёл гўдагини кўтариб келибди ва уйида бир кеча тунаш ва озроқ таом беришини сўраб зорланибди.

Абу Хорис аёлнинг кийимига, хароб ҳолатига қараб рад этибди. Шунда аёл:

— Оллоҳ ҳурмати, мен ночорман. Оллоҳдан ўзга ғамхўрим ҳам, бошқа бирор бир меҳрибоним ҳам йўқ, — дея яна ёлворибди. Бу ҳолатни кўриб турган Аббос исмли қўшни йигит:

— Эй мусофир аёл, Оллоҳ ҳурмати учун бўлса, уйим тўри сеники, менинг меҳмоним бўла қол, — деб уни уйига бошлаб кетибди.

Шу куни Абу Хорис туш кўрибди. Тушида ажойиб боғ, унинг тўрида эса гўзал қаср қурилаётган эмиш. Шунда у:

— Бу қаср кимники, бунча чиройли, — деб сўрабди.

Шу пайт қаср қурилишига бошчилик қилиб турган бир нуруний:

— Бу қаср Оллоҳга ва унинг Расулига имон келтирган содиқ қулларига, — деб жавоб берибди. Шунда Абу Хорис:

— Мен ҳам Оллоҳ ва унинг Расулига имон келтирганман-ку, деган экан, қария:

— Агар чиндан ҳам шундай бўлса нега мусофир аёл ва унинг гўдагига мурувват кўрсатмадинг, — дебди-ю ишини давом этти-раверибди.

Абу Хорис чўчиб уйғониб, қўшнисининг олдига чиқиб:

— Дўстим, меҳмонларингни менга берсанг, мен ҳам уларга бирор кун мезбонлик қилсам, — деган экан, у:

— Эҳ қўшнижон, кечикдингиз, улар кетиб бўлишди-ку, —

дебди. Лекин бугун тунда сиз кўрган тушни мен ҳам кўрдим. Энди минг афсус қилсангиз ҳам уни ортига қайтаролмайсиз, — деб уйига кириб кетибди.

Шунақа фарзандларим, Оллоҳ наздида минг тўқ одамга қирқ кунлаб зиёфат бергандан кўра бир ғариб, оч муҳтож кишига бир бурда нон берган афзал. Оллоҳ ғарибу шикаста кўнгиллардадир. Улардан меҳру саховатингизни аяманг. Агар Оллоҳга яқин бўламан десангиз ҳақиқий муҳтож кишини топиб, унга пинҳона саховат кўрсатинг. Бундайларга бир бурда нон бермоқнинг савоби бир олам. Кўнгли кенг, меҳр-оқибатли кишиларга офат ҳам кўрқинчли эмас, чунки уларни яратган Эгамнинг ўзи паноҳида асрайди.

*Ким бўлса кенгфеъл ҳам саховатли,
Кут-барака тинмай келаверади.
Бир умр бўлади бахт-саодатли,
Оллоҳнинг раҳмати елаверади!*

* * *

Саховат айласа

*Ким ғарибларнинг уйига бир саховат айласа,
Тонг эмас Оллоҳ ани ғоят бадавлат айласа.
Не учунким бирни берганга Худойим минг берар,
Ул топар милён тағин юз бирни ҳиммат айласа.
Айрилиб бор хонумонидан гадога айланур,
Ким бировнинг мулкига чанг солса, ғорат айласа.
Ошинолар жонфизо бўлгай, этиб меҳрин бажо,
Дўстларига жон фидоликка жасорат айласа.
Авалло ўз қадрини билмоққа ўрганмоқ керак,
Ўзгаларнинг қадрига етмоқни ният айласа.
Бўлмагай ноҳақ жазоларга ҳаргиз мубтало,
Доимо одил бўлиб, ҳар дам адолат айласа.
Қалбини покиза ишқ нури билан этсин чароғ,
Эй Калоний, ким ғазал ёзмоқни одат айласа.*

ҒАМХҰРЛИК – ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Эй фарзандларим, қўлингиздан келганича муҳтожларга ёрдам беринг, меҳрли, ғамхўр, бағрикенг бўлинг.

Ривоят қилишларича Мусо пайғамбар Оллоҳ билан гаплаша оладиган улуғ киши бўлган эканлар. Кунлардан бир куни улар Оллоҳ билан гаплашгани Тур тоғига кетаётиб, йўлда бир маҳлуққа дуч келибдилар. Яқинроқ бориб қарасалар у қора дев экан. Дев Мусо пайғамбарни таниб:

– Эй Мусо! Мен шу саҳрода Оллоҳнинг берган ризқига шукр қилиб яшаяпман. Бўш вақтимда ибодат қиламан. Оллоҳдан сўраб кўр-чи, мен жаннатиманми ё дўзахи, – дебди.

Мусо алайҳиссалом Оллоҳ билан мулоқот сўнгида унга девнинг сўровини айтибдилар Шунда Оллоҳ:

– Эй Мусо! У девга айт, ибодат қилган бўлса ўзи учун қилган. Унга жой дўзахдадир, – деб жавоб берибди.

Мусо пайғамбар қайтаётиб девга бўлган воқеани айтибдилар. Шунда Оллоҳнинг жавобини эшитган дев:

– Эй Мусо! Энди бир дуо қил, менинг гавдам шундай катта бўлсинки, ўзимдан бошқа ҳеч ким дўзахга сиғмасин. У ерда ҳар қанча азоб бўлса барчасини бир ўзим тортай. Мендан кейин ҳеч бир банда дўзахга тушмасин ва азобига дучор бўлмасин, – деб илтижо қилибди.

Шунда Оллоҳдан Мусога шундай ваҳий келибди:

– Эй Мусо! Девга айт, шу олийжаноблиги ва жўмардлиги учун жаннатнинг тўри уники.

Шундоқ, фарзандларим, Оллоҳ ғамхўр бандаларига ҳамиша ғамхўрдир. Сизлар ҳам бу ҳақиқатни дилингизга жо қилиб, ҳамиша ўзгаларга ғамхўр бўлинг. Ғамхўрлик инсон учун энг олий фазилатдир.

*Ғамхўр одамларга толе боқади,
Оллоҳ мурувати тинмай оқади.
Қаҳрга муносиб кимки бағритош,
Дўзах оловида ўзин ёқади.*

* * *

Етгазгил

*Худойим, бандаларни эл учун хизматга етказгил,
Халос эт зиқналикдан, беғараз ҳимматга етказгил,
Саховат этгани мангу улуғ қудратга етказгил,
Имоним деб нисор этмоққа жон журъатга етказгил,
Агар жонин фидо этса ўзинг жаннатга етказгил.*

*Ҳаёт инсон учун бир бор синовларга берилгандир,
Синовлардан ўтиб олмоққа имконлар терилгандир,
Биров англаб буни ҳушёр, биров лоқайд, керилгандир,
Биров шаънига раҳматни, биров лаънатни илгандир,
Мудом раҳмат олувчи бебаҳо улфатга етказгил.*

*Йироқ тутгил жафокордан, йироқ тутгил дилозордан,
Садоқат аҳлини қўлла, жудо этма вафодордан,
Ҳазар қилдир, ҳазар қилдир текинхўр, ўғри, беордан,
Шифойингни дариг тутма ҳамиша аҳли бемордан,
Фаросатли этиб, қалбин тўла ҳикматга етказгил.*

*Бировнинг давлати бисёр, увол, исрофга қўл ургай,
Бировнинг ҳеч вақоси йўқ, оч наҳор ҳолда ўлтиргай,
Биров меҳнат қилиб, бошқа бировлар кайфини сургай.
Ўзинг айт, камбағал аҳли нечун хор-зор бўлиб юргай,
Бериб бойингга инсоф, қашишоқинг давлатга етказгил.*

*Калоний, сенга этдим чин юракдан муддаоимни,
Ўзинг қодир, бажо айла менинг бу илтижойимни.
Ўзинг авф этгучидирсан, кечир этган хатойимни,
Бу дунёдан ўтар бўлсам беҳиштан айла жойимни,
Қалам бердинг менга, энди гўзал санъатга етказгил.*

ОЛЛОҲ СЕВАДИГАН БАНДА

Фарзандларим! Илмли одамни нафақат одамларнинг ўзи, балки уларни яратган Оллоҳ ҳам севиб, ардоқлайди. Шундай экан, илм олиб Оллоҳнинг севган бандасига айланиш учун бор имкониятингизни ишга солинг. Буюк бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино ана шундай Оллоҳ севган бандалардан бўлган эканлар.

Ривоят қилишларича ул зот ниҳоятда тақводор, ҳалол табиб бўлган эканлар. Одатларига кўра аёл кишини даволашда унинг юзига қарамас, баданига қўл тегизмас эканлар. Мабодо аёл киши ҳузурларига даво истаб келиб қолса, уни олиб келган киши аёл билагидан ипга боғлаб, ипнинг бир учини Ибн Сино жанобларига олиб келиб тутқазар, ул жаноб ипнинг титрашига қараб туриб ҳам унинг юрак уришини сезиб, шунга асосан ташхис кўяр ва даволар эканлар. Бу улуғ зотга Оллоҳ ана шундай кучли истеъдод ато этган экан.

Сино бобомиз ҳузурларига келган одамни албатта ҳожатини чиқариб жўнатар эканлар. Муҳтож одамга пул, дори -дармон бериб, кўнглини кўтарар эканлар. Аммо шунга қарамай ўша даврларда ҳам ичи қора, ғаламис одамлар бўлиб, улар бу бағри кенг инсонга нисбатан ҳам турли тухмат ва маломат тошларини отиб туришар экан.

Бир кун иана шунақа одамлар кўчада кетаётсалар йўл четида бир она ит ниҳоятда оч ва беморлигидан хароб бўлиб, туклари тўкилган ҳолда ётиб қолганини кўриб қолибдилар ва шу бечора итни масхаралаб, устидан роса кулишибди. Кейин улар орасидаги Носир исмли биттаси:

— Келинлар, шу итни Ибн Синога олиб бориб роса масхара қиламиз, — дебди.

Биродарларининг бу гапи уларнинг ҳаммаларига маъқул келибди. Ўзаро келишиб, иккиталари итнинг олдинги икки оёғидан кўтариб, устига ҳижоб ёпиб, Ибн Синога олиб боришибди. Олдинги оёғидан ипга боғлаб, унинг учини Сино бобога тутқазишибди.

Бечора она итнинг ҳуришга ҳам мажоли йўқ, ҳижоб ичида ҳам жимгина ётганмиш. Ибн Сино ипнинг учидан ушлаб, титрашига қараб унинг итлигини дарҳол сезибдилар ва келтирганларга қараб:

— Бу киши кимнинг заифалари? — дебдилар.

Носир нима дейишини билмай, довдираб қолибди ва ноилож меники, дебди. Бу гапни эшитган Ибн Сино:

— Агар бу бемор сизнинг заифангиз бўлсалар, хотиржам бўлинг, ул киши соппа-соғлар. Фақат ниҳоятда оч қолганларидан шу даражада хароб ҳолга тушиб қолганлар. Агар вақтида яхши парвариш қилиб, қатиқ, сут каби шифобахш озуқалардан бериб турсангиз тезда соғайиб, баданларига яна қайтадан жун чиқиб, ҳожатингизга ярайдиган бўлиб қоладилар. Агар Оллоҳ мени адаш-

тирма ган бўлса, беморнинг қоринларида ҳам беш ёки олтита ўзлари га ўхшаган болалари бор, — дебдилар.

Шу кундан бошлаб Носир мазкур ҳазили учун "итнинг эри"- деган лақабга эга бўлибди.

Кўрдингизми, фарзандларим, Сино бобонинг илмий салоҳиятлари шу даражада юқори бўлганлиги учун ҳам масхара қилишга келган нодонларнинг ўзларини шу куйга солиб, шармандаи шармисор этиб жўнатибдилар. Шундай экан, сизлар ҳам илм олинг, илмли одам ҳеч қачон хор бўлмайди ва ҳеч қачон нодонлар хайлига масхара ҳам бўлмайди.

*Илмга ташналик имондан дарак,
Ўқиб илмли бўл, гар эрсанг одам.
Илмли ҳамма вақт, ҳар жойда керак,
Илмли одамни қўллар Оллоҳ ҳам.*

* * *

Ярамайсан

(Бир шўрлик отанинг ноқобил фарзандига деганлари)

*Бўлмоққа, болам, оқилу доно, ярамайсан,
Мактабда ўқиб бўлгани мулло, ярмайсан.
Бас шундоқ экан, касбу ҳунар нега керакмас,
Бир ишни тутишликка-да асло ярамайсан.
Лул берса агар сен соғуриш устасидирсан,
Топмоққа, бироқ мол ила дунё ярамайсан.
Дайдиб юрасан кечаю кундуз демайин, воҳ,
Босган қадаминг ҳам жуда бежо, ярамайсан.
Бир қанча суюқ ошналаринг тушиди қамоққа,
Қолдинг-ку ўзинг яккаю танҳо, ярамайсан.
Хўблар била юрмоққа нечун кўп қиласан ор?
Зукколар ила бўлгани ошно ярамайсан.
Босган қадаминг бунча бўлур кони разолат,
Эзгулик ишин қилгани пайдо ярамайсан.
Кўлда сигарет, ёнда ароқ, антиқа уст-бош,
Токай бўласан элга томошо, ярамайсан.
Эс-хушни йиғиб ол-да, ахир, мисли Калоний,
Йўқса бўладирсан роса расво, ярамайсан.*

ГУНОҲ ҚИЛСАНГ ЮВИШГА ШОШИЛ

Фарзандларим! Ҳеч қачон гуноҳ ишга қўл урманг. Бироқ инсон инсон-да! Мабодо билиб-билмай бирор бир гуноҳ ишни қилиб қўйсангиз ҳеч қачон тушкунликка тушманг. Аксинча ўша бир гуноҳингизни ювиш учун юзлаб, иложи бўлса минглаб савоб ишни бажаришга шошилинг. Агар астоҳидил тавба қилсангиз, бундан кейин фақат эзгу юмушларгагина қўл урсангиз, Оллоҳ авф этгувчидир. У сизни ҳам кечирса ажаб эмас.

Ривоят қилишларича қадим замонда ўз ҳаётини қароқчилик билан ўтказган бир гуноҳкор саҳройи банда яшаган экан. У бутун умрини ўғирлик, талончилик, майхўрлик билан ўтказган экан. Бир куни ойнага қараса, соч-соқоли оқариб, кексалик фаслининг ҳиди уриб қолибди. Шунда у ўлимини, охиратини ўйлаб кўрқиб кетибди.

Умр бўйи қилган гуноҳ ишларининг оқибатини тасаввур қилиб, даҳшатга тушибди. Қўл урган гуноҳлари жуда кўплиги боис улар учун тавба қилиб улгуришга ҳам вақти кам қолганлигини ўйлаб боши қотибди ва дод-фарёд сола бошлабди. Шу пайт ёнидан ўтиб кетаётган бир нуроний унинг дод-фарёдини эшитиб қолибди ва яқинроқ келиб бунинг боисини сўрабди. Шунда қароқчи:

— Отахон, сиз кўпни кўрган донишманд одамга ўхшайсиз, айтинг-чи, менинг шунча қилган гуноҳларимни Оллоҳ кечирармикан? — деб сўраган экан, нуроний:

— Эй ўғлим, кўзларингдан афсус-надомат ёшлари оқаётганини кўриб турибман. Оллоҳ кечирмайдиган гуноҳ йўқ. Ноумид шайтон, дейдилар. Агар тавбанг астойдил бўлса, сенинг ҳам гуноҳларингни кечиради, — деб ҳассасини ерга бир урган экан, у жойдан булоқ отилиб чиқибди. Нуроний отахон қароқчига шу булоқни кўрсатиб дебди:

— Мана шу булоқ сувига деҳқончилик ва боғбонлик қилгин ва саҳродан ўтган ҳар бир мусофирнинг дардига малҳам бўлгин. Сенга рўбарў келган бирор бир одам, мурувватингсиз кетмасин. Қўлинг меҳнатда, қалбинг Оллоҳда бўлсин. Мана шу мен ерга суқиб қўйган ҳасса кўкарса, демак, сенинг барча гуноҳларинг кечирилган бўлади.

Қароқчи отахоннинг бу гапларидан ғоят таъсирланибди ва дарҳол у айтганча ишга киришибди. Меҳнатдан қўллари қавариб кетса ҳам ҳам ишлайверибди. Орадан ойлар, кетидан йиллар ўтибди. Собиқ қароқчи манзил қилган жой обод масканга айланиб-

ди. Ўтган карвон тўхтаб ҳордиқ чиқарадиган, ширин мевалар ва деҳқончилик маҳсулотларидан еб, унинг яратувчиси ҳақиға дуолар қилишадиган бўлишибди.

Бироқ орадан яна етти йил ўтса ҳамки, ҳасса кўкармабди. Натижада собиқ қароқчи умидсизликка туша бошлабди. Бир куни қилган гуноҳларини бирма-бир яна эслаб йиғлаб ўтирса, бир отлиқ киши ёнидан ўта бошлабди. Шунда у одатига кўра:

– Тақсир, кулингиз бўлай, бир нафас меҳмоним бўлинг, отингиз ҳам бир оз дам олсин, – дебди. Бироқ мусофир бунинг учун миннатдорчилик билдириш ўрнига:

– Эй нодон, йўлимдан қоч, сендақа ялангоёқлардан ор қиламан. Менинг назаримда сенинг бир итчалик ҳам қадринг йўқ. Билиб қўй, сен саҳродаги бир бедаво махлуқсан. Яхшиси, йўлимдан қоч, аксинча қиличим билан бир уриб, иккига бўлиб ташлайман, – деб ўшқирибди.

Аммо шунда ҳам уни меҳмон қилмоқчи бўлган саҳройи таъзим билан:

– Тақсир, майли, сиз нима десангиз шу бўлсин. Лекин лоақал икки дона қовун берай, саҳрода чанқагандирсиз, ҳузуримдан қуруқ кетманг, – деб ёлворибди.

Аммо отлиқ унинг гапларига эътибор ҳам бермай, қамчиси билан савалай кетибди. Бу хўрликка чидолмаган собиқ қароқчининг ҳафсаласи пир бўлиб, яна ўша эски қаҳри жўш уриб кетибди ва бир сакраб отлиқни ерга йиқитибди-да, кўксига қараб бор кучи билан тепган экан, у бир зумда ўлиб қолибди.

Савобга ташна бу одам бир оз ҳовридан тушгач, қилиб қўйган ишидан пушаймон еб:

– Эҳ, нима қилиб қўйдим. Энди умидим бутунлай сўнадиган бўлди-ку, – деб нола қилаверибди. Бир пайт бундоқ ёнига қараса нуроний ерга суқиб кетган ҳасса кўкара бошлаганмиш. Шунда у:

– Э воҳ, бу не ҳол? Шунча савоб иш қилганимда кўкармаган бу оғоч, наҳотки бировни ўлдириб қўйсам кўкарса-я, деб таажжубга тушибди. Шу пайт тагин ўша нуроний қаршисида пайдо бўлиб:

– Эй ўғлим, Оллоҳнинг синовидан ўтдинг, сен ўлдирган инсон халқнинг ашаддий душмани эди. Агар у шу кетишида манзилига етиб борганида икки давлат ўртасида уруш келиб чиқар ва минг-минглаб бегуноҳ одамлар қирилиб, қанча-қанча болалар етим, аёллар бева бўлиб қолар эди. Сен уни ўлдириб, ниятига яраша жазосини бердинг.

Бу гапдан боши осмонга етган саҳройи:

— Отахон, менга шунча яхшилик қилдингиз, энди айтинг-чи асли сиз кимсиз? — деб сўраган экан, нуроний:

— Мен Хизрман, — деб жавоб берибди ва бир зумда кўздан ғойиб бўлибди.

Ана шундай, фарзандларим. Гуноҳ қилган одам уни ювишни ҳам билиши ва бу ишни ҳеч қачон кечиктирмаслиги керак. Агар гуноҳни қилишга қилиб бўлдим, уни ювиш қочиб кетмас, деб лоқайдлик қилса, ўша бир гуноҳининг устига яна бошқа гуноҳлар келиб қўшилаверади. Натижада одам, бу дунёда эл-юрт назаридан қолиб, халқнинг ғазабига дучор бўлса, у дунёда эса бу гуноҳлари учун дўзах азобини чекиши муқаррар. Бу фоний дунёда фақат эзгу ишларга қўл урмоқ, яхшилик уруғларинигина эймоқ даркор. Не-чунким инсон зотидан бу фоний дунёда фақат яхшилик қолади. Бас шундай экан, яхши одамларга яхшилик қилаверинглар.

Гуноҳ ишга урма ҳаргиз қўлингни,

Ҳар икки дунёинг куйиб кетади.

Савоб иш нурафшон этар йўлингни,

Савоб олган муродга албат етади!

* * *

Из қолдиргин яхшига яхши

Умр ўтар хоҳла, хохлама,

Хоҳи оҳла, хоҳи оҳлама.

Хоҳ кўтоҳла, хоҳ кўтоҳлама,

Из қолдиргин яхшига яхши.

Ҳаёт мисли тез оқар дарё,

Гоҳ жо оқар, гоҳида бежо.

Шамшод қаддинг бўлмасидан ё

Из қолдиргин яхшига яхши.

Яшамоққа бир бор келур кас,

Ғаниматдир олган ҳар нафас.

Ширинми у ва ёким абас

Из қолдиргин яхшига яхши.

Сув юзида хазондек оқма,

Юрагингни армонда ёқма.

*Хоҳ ортга боқ, хоҳласанг боқма,
Из қолдиргин яхшига яхши.*

*Инсонмисан, инсондек яша,
Ёшинг яшаб, ошингни оша.
Қайга боргунг шоша-ю шоша,
Из қолдиргин яхшига яхши.*

ҲАМ ЭНГ ШИРИН, ҲАМ ЭНГ АЧЧИҚ

Фарзандларим, тил инсоннинг ҳажман кичик, аммо масъулият ва вазифаси жиҳатидан муҳим аҳамият касб этадиган аъзосидир. Уни дунёдаги энг ширин ҳам, энг аччиқ ҳам дейишади. Негаки, киши бошига бало-қазоларни ёғдирувчи ҳам, унга бахт-саодат бахш этувчи ҳам тилдир. Шунинг учун ҳам тилингизга эҳтиёт бўлинг. Вақти келганида уни тийинг, керак бўлганида бурро қилинг.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) "Кимки, Оллоҳ таолога ва охират кунига имон келтирган бўлса, фақат яхши нарсаларни гапирсин ёки жим турсин" деганлар. Бул муҳтарам зотнинг тил ва қалбнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги ҳадислари ҳам ғоят ибратлидир. У бу ҳақда "Банданинг имони тўғри бўлмайди, токи унинг қалби тўғри бўлмагунча. Шунингдек, қалби тўғри бўлмайди, токи унинг тили тўғри бўлмагунча" деганлар.

Агар кимнинг қалби покиза, нияти соф бўлса, унинг тилидан бол томиб, ширин гаплар чиқади. Ахир, халқимиз "Яхши топиб гапиради, ёмон қопиб" деб бежиз айтмаган-да! Чақимчилик, ёлғончилик, ғийбат, иғво, тухмат, беҳаё сўзлар, ёлғон гувоҳлик бериш каби иллатлар кишилар ўртасидаги меҳр-оқибатни сўндирувчи, келишмовчилик ва низоларни келтириб чиқарувчи воситалардир.

Ривоят қилишларича, Абу Лайс жаноблари бир неча юз талабага сабоқ берар эканлар. Кунлардан бир кун бир талабага "Ўғлим, баркамол олим бўлдингиз, энди сизга жавоб, вақт ганиматлигида сиз ҳам халққа хизматни бошлаб, маърифат тарқатинг", дебдилар. Буни кўрган бошқа талабалар устозларининг бу йигитга ўзларидан олдин ишонч билдирганларидан ҳайрон бўлишибди. Йигит устоздан оқ фотиҳа олиб, мадрасадан чиқиб кетаётган экан, устоз унинг номини айтиб чақирибдилар. Шунда йигит ортига ўгирилиб устозга қараган экан, устоз бошларини ушлабдилар. Буни кўрган шогирд дарҳол устозга қараб тилини чи-

қариб кўрсатибди-да, йўлида давом этибди. Буни кўрган бошқа талабалар аччиқланиб, "бу шогирд устозга нисбатан хурматсизлик қилди-ку" деб ўйлашибди. Шунда устоз кулиб:

— Бу шогирдим охирги имтиҳонимдан ҳам яхши ўтди. Чунки мен унга "бошни нима ейди" десам, у "тил"деб жавоб қилди, — дебдилар

Ҳа, фарзандларим, тилимиз ярим ризқимиздир. У дўстни душманга, душманни дўстга айлантира олади.

Ривоят қилишларича, Баҳром шоҳнинг учта ўғли бўлган экан. У тириклигида фарзандларидан бирини тахтга ўтқазиб, хотир-жам бўлмоқчи бўлибди ва уларни синамоқ учун:

— Ўғилларим, менга дунёдаги энг ширин нарсани олиб келинг, — дебди.

Ўғиллар оталари айтган ўша нарсани излаб чиқиб кетишибди ва бирлари май, иккинчиси асал кўтариб келибди. Кенжаси эса оддийгина тилни олиб келибди. Буни кўрган шоҳ бир оз сукут сақлаб, болалари келтирган нарсаларни қабул қилиб олибди ва дебди:

— Энди, ўғилларим, менга тигдан ўткир, заҳардан кучли, энг аччиқ, энг зиёнли нарсани олиб келинглар!

Ўғиллар ҳар томонга қараб тарқалишибди. Кенжа ўғил яна тил олиб келибди. Буни кўрган Баҳром шоҳ ўша кенжа ўғлини тахтга ўтиришга лойиқ деб топибди. Негаки дунёда тилдан кучли нарса йўқ.

Бас шундай экан, фарзандларим, тилингизни асранг, унга доимо эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлинг. Худо берган неъмат — тилни фақат эзгуликка, эл-юртга нафи тегадиган ишларга сарф этинг, зиёни тегадиган ишларга ишлатишдан эса сизларни яратган Эгамнинг ўзи асрасин.

*Тилингни эзгулик корига ишлат,
Худ-беҳуд вайсама, тийишни ўрган.
Ширин сўзлар айтиб элингни яйрат,
Ёмон сўз сўзламас тарбия кўрган.*

* * *

Дилкушо бўлсин

*Айласанг ким бирла суҳбат дилкушо бўлсин кўнгил,
Хуш ёқар, дилни очар, меҳри бажо бўлсин кўнгил,
Маънадору беғубору хуш жило бўлсин кўнгил,
Ибтидодан интиҳо ақли расо бўлсин кўнгил,
Кўркидан завқлар олиб чин маҳлиё бўлсин кўнгил.*

*Ҳар сўзинг дилдан чиқиб тилдан баён бўлсин мудом,
Ибтидоси доимо бўлсин самимий ассалом,
Сохталик ҳеч бўлмасин, ҳақлик этиб турсин давом,
Зоҳирийлик бўлмасин, бўлсин асал, хуллас калом,
Беғараз, бетаъма, холис, бериё бўлсин кўнгил.*

*Бўлса ҳам қайғу алам ҳеч кимсага сездирмагин,
Сездириб шодликка тўлган қалбларин эздирмагин,
Ҳўларин ташвиш, алам саҳросида кездирмагин,
Қолмасин кўнгиллари бездирмагин, бездирмагин,
Сўзларинг таъсиридан ҳам ошино бўлсин кўнгил.*

*Айласанг изҳори ишқ шошмай баён эт Ҳў суриб,
Ваъдалар нуч бўлмасин, кибру ҳаво кетсин қуриб,
Севгининг хислатлари бўлсин намоён қулф уриб,
Ихлосин қайтармагин гапни зиёнларга буриб,
Дардларига дилбарингинг бир даво бўлсин кўнгил.*

*Сўзлаганда бўлма тунд, буткул унутгин қайғуни,
Аҳли дониш ҳикматидан фойдалан, қўлла уни,
Эл мақоли ҳам азалдан нутқ Ҳўининг устуни,
Чақса ким болдан ширин ушбу мухаммас мазмуни,
Эй Калон, ёзсанг ғазал ҳам дилкушо бўлсин кўнгил.*

СЕВИБ СЕВИЛИБ ЯШАНГ

Фарзандларим, дунёдаги барча эзгуликларнинг онаси сеvgи. Сеvgи бор жойда меҳр ҳам, оқибат ҳам, қадрият ҳам бор. У бор жой файзли, тароватли. Шундай экан, ота-онангиз, ака-уқангиз, опа-синглингиз, барча қавм-қардошларингиз, дўст биродарларингизни чин дилдан севишга ўрганинг. Она— Ватанингиз, жонажон элингизни сеving, қадрли касбингизни сеving. Шунда уларга нисбатан қалбингизда битмас-туғанмас меҳр уйғонади, қадрлашга ўрганасиз.

Ривоят қилишларича, бир аёлнинг дарвозасини тун атрофга чодирини ёйган бир пайтда кимдир тақиллатибди. Чиқиб қараса уч киши турганмиш. Аёл улар билан саломлашиб, ким эканликларини сўрабди. Шунда улар ўзларининг Бойлик, Омад ва Сеvgи эканликларини айтишибди.

Аёл сийлаб, уйларига таклиф қилган экан, улардан бири:

— Ҳаммамиз бир пайтнинг ўзида уйингизга киролмаймиз, агар чиндан ҳам бизни сийламоқчи бўлсангиз уччовимиздан биримизни танланг, дебди.

Аёл ичкарига кириб, эрига бу гапни етказган экан, у:

— Агар чиндан ҳам шундай бўлса Бойликни таклиф қилайлик. Хонадонимизни мўл-кўллик, сероблик безайди, барокот ато бўлади, — дебди.

Аёлнинг ўзи эса Омадни таклиф қилишни мўлжаллаб турса, ичкари уйда туриб уларнинг гапларини эшитиб қолган қизлари югуриб чиқиб:

— Севгини таклиф қилайлик, уйимизга севги-муҳаббат файз-тароват бахш этади. Файз-тароват эса ҳамма нарсани олиб келади, — дебди.

Ота-она севимли қизларининг таклифини қабул қилишибди. Улар Севгини ичкарига таклиф қилишибди. Муҳаббат дарвозадан ичкарига қадам кўяр экан Бойлик билан Омад ҳам унинг кетидан эргашибди. Шунда аёл ҳайрон бўлиб:

— Ахир, ўзларингиз ҳар уччовимизни эмас, фақат биттаминигина таклиф этишингиз мумкин дегандингизлар-ку, — деган экан, улар:

— Агар сиз Бойлик ё Омадни танлаганингизда бошқаларимиз ташқарида қолар эдик. Сиз эса Севгини танладингиз. Бизлар эса ундан ҳеч қачон ажрала олмаймиз. Шуни билингки, Севги бор жойда Бойлик ҳам, Омад ҳам ҳамиша бор бўлади. — деб жавоб беришибди.

Дарҳақиқат, фарзандларим, беғубор, шаффоф севги хонадонга кут-барака ҳам, бахту-саодат ҳам, меҳру оқибат ҳам келтиради. Киши севган нарсасини қадрлаб, асраб-авайлайди, меҳр кўрсатади. Керак бўлса унинг учун жонини беришга ҳам тайёр туради. Шундай экан, бу дунёда лозим бўлган ҳамма нарсани севиб яшанг.

Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони севганингизга севилишнинг зарурлиги. Агар севиб севилсангиз ўзингиз ҳам қадрланасиз, меҳр кўрасиз. Севиб севилган инсонга доимо омад кулиб боқади, бойлик ҳамроҳ бўлади, қалбидан шодмонлик, рўзгоридан кут-барака, шаънидан шону шавкат аримайди.

*Бас, инсон экансан, севишни ўрган,
Чин дилдан севолсанг, севиласан ҳам.
Севиб севилганлар доим бахт кўрган,
Унга яқин келмас, қайғу, алам, ғам.*

* * *

Бўлмаса

*Бепоен дунёга ғубор тўларди,
Одамлар қалбига кибор тўларди.
Қасди жон авж олиб, шикор тўларди,
Одамда ишқ деган туйғу бўлмаса.*

*Инсон не хоҳласа шуни этарди,
Ишончни авайлаб асраб нетарди.
Умид деган ҳис ҳам сўниб кетарди,
Одамда ишқ деган туйғу бўлмаса.*

*Кундузи осмонга чиқмасди қуёш,
Тунда ой кетарди буткул олиб бош,
На ерда, на кўкда қолмасди йўлдош,
Одамда ишқ деган туйғу бўлмаса.*

*Булбуллар ўзига оро бермасди,
Хур қизлар боғларда гуллар термасди.
Биров хотинмасди, биров эрмасди,
Одамда ишқ деган туйғу бўлмаса.*

УМИД ЧИРОҒИ ЎЧМАСИН

Халқимиз ноумид шайтон, деб бежиз айтмаган. Бас инсон инсон экан, ҳар қандай шароитда ҳам умид билан яшаши керак. Умид шундай мўъжизакор кучки, киши унга эга бўлса ҳар қандай шароитда ҳам нажот қалъасини забт этишга қодир бўлади. У ёки бу сабаб билан узоқлашиб кетаётган орзуларини қувиб ета оладиган, армонларини эса таг-туғи билан йўқ қилиб ташлай оладиган даражага етади.

Ривоят қилишларича бир хонада тўрт чироқ ёниб турган экан. Улардан бири:

— Мен Тинчликман, — дебди. Аммо ҳеч ким менга ёрдамлашмаяпти. Ҳозир ўчиб қоламан, — дебди ва зум ўтмай ўчиб қолибди. Шунда иккинчи чироқ ҳам тилга кириб:

— Мен Ишончман. Бироқ, минг афсуски, кейинги пайтларда ўзимнинг кераклигимга ҳам ишонмай қоляпман. Ёниб туришимдан ҳам наф йўққа ўхшайди, — деб у ҳам ўчиб қолибди. Сўз навбати учинчи чироққа келганида у:

— Мени Ишқ дейдилар. Вужудимга қадр куч-қудрат бахш этади. Аммо кейинги пайтларда қадримга етавермаганларидан силлам куриб кетди.

Шу сўзларини айтиб тугатиши билан Ишқ чироғи ҳам ўчиб қолибди. Орадан кўп ўтмай хонадон ичкарисидан бир орастагина қиз чиқиб келибди-да, чироқларнинг ўчиб қолганининг сабабини сўраб билибди ва кўз ёши тўкибди. Буни кўрган тўртинчи Чироқ тилга кириб:

— Кўрқма, қизалоқ, мен атрофга нур таратиб турар эканман, қолган чироқлар ҳам барибир қайта ёниб борлиқни мунаввар этаверади. Негаки, мен Умидман, — депти.

Кувончи ичига сиғмаган қизалоқ Умид чироғини боши ба-робар қилиб баланд кўтарган экан, ҳар уччала чироқ ҳам бирданга ёниб, чор-атрофга ўзининг мунаввар нурларини сочиб, борлиқни чароғон этибди.

Бошқа бир ривоятдаги энг сўнги дамларгача ҳаётдан умид узмаган эшшак ҳақидаги воқеа ҳам ибратлидир. Унда қайд этилишича бир одамнинг эшшаги қудуққа тушиб кетибди. Жонивор у ердан омон чиқиб кетишига ақли етмай, дод-фарёд солибди. Эгаси уни қутқариб олиш учун бор имкониятини ишга солиб кўрибди. Аммо иложини тополмай, охири эшшакни тириклайин шу қудуққа кўмиб ташлашдан бошқа чора йўқ, деган қарорга келибди.

Кўни-кўшнилари ёрдамга чақириб, қудуқни тупроқ билан тўлдира бошлашибди. Ҳамма қўлига белкурак олиб қудуқдаги эшшак устига тупроқ ташлайверибди. Бошига қандай кулфат тушаётганини билган ҳайвон ҳанграб-ҳанграб йиғлабди.

Орадан бироз вақт ўтгач эшакнинг ҳанграган овози тинибди. Одамлар у тупроққа кўмилиб, ўлиб бўлди, деб ўйлаб, қудуққа энгашиб қарасалар ҳаётдан умидини узмаган ҳайвон ҳар дафъа қудуққа тупроқ тушганида унинг устига чиқиб олар ва шу йўсинда тобора юқорига қараб кўтарилар эди. Ниҳоят қудуқ тупроқ билан тўлай деганида жонивор бир сакраб қудуқдан чиқиб олибди.

Шундай, фарзандларим, ҳаёт ғоят мураккаб, баъзида инсоннинг ҳам устига "тупроқ" тўкилиши мумкин. Бундай пайтда умид чироғини сўндирмай, лоақал шу эшшакчалик бўлса-да, ақлни ишлатиш лозим. Ақл-заковатни ишга солиб, тирик қолиш чорасини кўрмоқлик даркор. Бироқ ҳеч қачон тушкунликка тушмаслик керак. Тушкунлик — мағлубият даракчиси. Умид эса барча ғалабаларнинг сарчашмаси. Шундай экан, сизларга доимо умидворлик насиб этсин. Умид чироғингиз ҳеч қачон сўнмасин.

Ҳеч қачон ўчмасин умид чироғи,
Унинг нури билан мунаввар олам.
Умид бўлса ювилар фироқлар доғи,
Умид нури тушса кўнгиллар хуррам.

* * *

Умид

Ҳеч кимса ботмасин ботқоқ қайғуга,
Ҳеч ким дуч келмасин ғамга, кулфатга.
Ҳамдам бўлмас эди бир зум кулгуга,
Дўст бўлмаса умид деган улфатга.

Фарзандин ҳажрида она кутар зор,
Ўғлони қон тўқар жанг майдонида.
Гарчи кўзларига дунё эрур тор,
Таскин топар дили умид онид.

Ёрдан айру тушган бечора жувон,
Сўққабош бағрида ягона фарзанд.
Умрида бир лаҳза этарми хандон,
Қалбига бўлмаса умиди пайванд.

Сен борсан, эй умид, боқийдир ҳаёт,
Одамзот тотмоқда ишонч тотини.
Ўзингсан кўнгиллар ичра барҳаёт
Шаҳдам қувадирсан даҳшат зотини.

Хом сут эмган эрур инсонлар насли,
Билиб-билмай ботур гуноҳ лойига.
Агар сен бўлмасанг тириклик фасли
Ҳаргиз кўнгил кетмас беҳишт жойига.

Сендан шайтон йироқ, биргадир башар,
Ҳамдамнинг бўлганнинг кайфияти чоғ.
Каснинг пок шаънига васлинг ярашар,
Мисли бўстон эрур, жаннатмакон боғ.

Энг оғир дамларда ўзингсан қанот,
Умидсиз дунёда яшаб бўлмайди.
Оташли аламим гарчи бир нажот,
Агар сен бўлмасанг кўнглим тўлмайди.

*Не кўйга тушмайди инсон умидсиз,
Умидбахш туйғулар башарга ёрмиш.
Умидсиз кимсалар ношуддир, дидсиз,
Оллоҳ инсон лойин умиддан қормиш.*

ОСОЙИШТАЛИК – УЛУФ НЕЪМАТ

Фарзандларим, осойишталик дунёдаги барча неъматларнинг энг сарасидир. У бор жойда жон саломат, кўнгил фароғатда. Аксинча бўлса тинчлик, шодлик, саломатлик йўқолади, хотиржамлик ўрнини кўрқув, ваҳима, ҳадик эгаллайди. Олсанг нафасинг, еб-ичсанг таоминг заҳарга айланиб танангга сингийди. Бироқ, минг афсуски, ҳукм суриб турган оромбахш осойишталикни аксарият одамлар вақтида эмас, уни йўқотгандан кейингина қадрига етадилар.

Ривоят қилишларича қадим замонда бир савдогар тажрибасиз хизматкори билан кемага тушиб узоқ сафарга йўл олибди. Хизматкор денгиз кўрмаган бўлиб, унинг машаққатини билмас экан. Денгиз йўли бошланиши биланоқ, у тинчгина давом этаётган кема ҳаракатига шукр қилмай, йиғлай бошлабди. Уни овутиш учун қилган барча ҳаракатлари зое кетаверибди.

Хизматкорининг дир-дир титраб йиғлайвериши савдогарнинг жонига тегибди. Аммо хизматкор йиғидан тўхтайвермагач, бир қария савдогарнинг олдига келиб:

— Агар менга рухсат берсангиз, хизматкорингизни йиғидан тўхтатишнинг чорасини қилардим, — дебди.

— Менга катта ёрдам берган бўлардингиз, розиман, — дебди савдогар хурсанд бўлиб.

Қария хизматкорни денгизга улоқтиришни буюрибди. Хизматкор бир неча бор сувга шўнғиб чўкиш азобини тортибди. Шу ҳолатда уни бир оз қийнашибди. Шундан кейин уни сочидан тортиб, кемага чиқариб олибдилар. Қарашса, хизматкор ҳамон йиғлаётганмиш. Демак, у ҳали ҳам кемадаги осойишталикнинг қадрига етмабди, деб уни яна шу тарзда бир неча бор қийнашибди. Бечора хизматкор ҳолдан тойиб, сулайиб қолибди. Шундан кейингина уни кемага чиқариб ўз ҳолига қўйган эканлар, у бир четга бориб, тинчгина ўтирибди.

Қариянинг қўллаган бу тадбири савдогарни лол қолдирибди ва ундан:

— Бу қилмишингизда не ҳикмат бор, — деб сўраган экан, у:
— Хизматкорингиз умрида сувга чўкмаган. Шунинг учун ҳам кемадаги осойишталикнинг қадрига етмаган эди. Мана энди унинг қадрига етди, — деб жавоб берибди.

Чиндан ҳам, фарзандларим, инсон учун ҳақиқий бойлик тансиҳатлик, тинчлик, осойишталикдир.

Бошқа яна бир ривоятда ҳикоя қилинишича бир хонадон аъзолари бой ҳам, камбағал ҳам эмас эканлар-у, лекин яккаю ягона фарзандлари ниҳоятда бой-бадавлат бўлмаганларидан нолийверар экан. Бундан хафа бўлган ота бир куни ўзларидан кўра камбағал одамлар кўплигини кўрсатиб қўйиш учун уни эргаштириб узоқ қишлоқларга йўл олибди. Улар юра-юра бир камбағал хонадонидан уч кун тунаб қолибдирлар. Бу хонадон аъзолари гарчи ниҳоятда қашшоқ бўлсалар ҳам, кунига бир бурда нон топсалар ҳам бори-га шукр қилиб яшашар экан. Сафар поёнига етгач ота ўғлидан:

— Дунёда қандай қашшоқ одамлар борлигини кўрдингми ўғлим, — деб сўраган экан, у:

— Ҳа, кўрдим. Лекин улар ҳаётдан нолишмай, тинч-тотув яшашар экан, — деб жавоб берибди. Шунда ота:

— Хўш, ўғлим сафар чоғида яна нималарни кўрдинг? — деб сўраган экан, ўғил:

— Бизнинг уйимизда битта ҳовуз бор. Уларда эса бутун бир қишлоққа етиб ортадиган оқар сувлари бор экан. Бизнинг ҳовлимизда чет элдан келтирилган чироқлар бор, уларнинг эса осмон тўла юлдузлари бор экан. Бизнинг уйдан туриб кўриш чегараси то ҳавлимизни ўраб турган деворгача, уларда эса то уфққача кўриниб турар экан, — деб жавоб берибди.

Ота ўглининг бу гапларини эшитиб, хулосасини сўрашга энди оғиз жуфтлаган экан, ўғилнинг ўзи сўзини давом эттириб:

— Бизнинг шу бепоён дунёда тинч, осойишта ҳаёт кечираётганимизнинг ўзи энг катта бойлик эканлигини кўрсатганингиз учун раҳмат ота, — дебди.

Ана шундай, фарзандларим, ҳеч нарса, ҳеч қачон тинч ва осойишталикка етмайди. Аввало юртимиздаги осойишталик барқарор бўлсин. Шунда оилаларда ҳам тинчлик, хотиржамлик бўлади. Лекин айрим ноаҳил оилаларда гарчи юртимиз осойишталик гуллари ўзининг оромбахш бўйларини чор атрофга таратиб турган бўлса ҳам тинчлик йўқ. Улар гарчи бир оила аъзолари бўлсалар ҳам етти ёт бегоналардан ҳам бегонадекдирлар, бир-

бирларини кўргани кўзлари, кўксини нишонга олиб отгани ўқлари йўқ. Ундайларга нисбатан ҳеч ким ҳурмат ва эътибор билан қарамайди. Хонадонларида файз ҳам, барака ҳам бўлмайди. Ахир, халқимиз " бир кун жанжал бўлган хонадонда қирқ кун барака бўлмайди" деб беҳуда айтмаган-да!

Шундай экан, кибру ҳаволарга берилмай, ҳою ҳавасларга учмай, хотиржам ва осойишта ҳаёт кечиришга ўрганинг. Бас сизларга шундай хотиржам яшаш учун имконият берган ҳаёт насиб этган экан, унинг қадрига етинг. Нотинч, беоқибат оилалардан йироқ юринг. Ўз оила аъзоларигаки меҳр кўрсатмаган одамлардан бошқалар ҳеч қачон меҳр- оқибат кўрмайди.

*Осойишта ўтар ҳаётинг,
Қадрига ет, бўл унга посбон.
Тинчлигингдир олий бисотинг,
Кўз қорангдек сақлагин ҳар он.*

* * *

У уйда

*У уйда яшарлар бир-бирин ғажиб,
Унда фисқу-фужур чиқар авжига.
Ундан эзгу ҳислар кетганлар қочиб,
Унда маҳлиёлар фасод мавжига.*

*Фалон деса хотин, нистон дейди эр,
Ҳеч қачон мос келмас сўзлар сўзларга.
Унда инсон зоти бир-бирини ер,
Ғазаб билан боқар кўзлар кўзларга.*

*Унда оқибатдан қолмаган нишон,
Ундан меҳр зоти ўгирган юзин.
Унда жаҳлу ғазаб қилар ғалаён,
Унда нафрат мудом кўрсатар кучин.*

*У уйдан чиқарар маломат тутун,
Тухмат қиличини қайраб туради.
Унда кун кўрмайди эс-ҳуши бутун,
Унда ғийбат, иғво манзил қуради.*

*Сиртидан қарасанг у уй кошона,
Жилоси боққаннинг кўзин олади.
Бир қадам ичкари кирсанг вайрона,
Қабоҳат зарбидан қалбинг толади.*

*Назокат, малоҳат қадам босмайди,
Унда асаб тори таранг тортилган.
Унда насиҳатга қулоқ осмайди,
Осий елкасига гуноҳ ортилган.*

*Адолат нурига тўсилган парда,
Ҳақиқат киролмас, эшигида қулф.
Эзгулигу неклик келса агарда,
Қаро чиммат бўлиб тўсиб қўяр зулф.*

*Бу йил меҳр йили, муруват йили,
Ҳиммату оқибат, муҳаббат йили.
Шояд кириб борса у хонадонга
Бузиб эшикдаги қулфин зулфини.*

АКС САДО, АКС ТАЪСИР

Фарзандларим, физика фанида "Таъсир этувчи куч акс таъсир этувчи кучга тенг ва қарама-қарши йўналган бўлади", деган қонун бор. Бу — ҳаёт қонуни. Уни инсониятнинг маънавий оламига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Яъни одам табиатгагина эмас, жамиятдаги бошқа жониворларга, ҳатто бир-бирларининг ўзларига ҳам қандай таъсир ўтказсалар, у шундайлигича ўзларига қайтади. Бу яхшилик қилсанг яхшилик, ёмонлик қилсанг ёмонлик қайтади, деган гап. Бундай таъсир ва акс таъсирни садо ва акс садо мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бир ривоятда ҳикоя қилинишича ота ва ўғил ўрмонда кезаётган эдилар. Тўсатдан ўғли қоқилиб, йиқилди ва жони оғриб бақирди. Узоқдаги тоғ тепасидан унинг бақирғининг акс садоси эшитилди. Бола бу овозни эшитиб:

Сен кимсан? — деб бақирди. Унга жавобан яна:

— Сен кимсан? — деган акс садо келди.

Бундан жаҳли чиқиб, тутақиб кетган ўғил:

— Сен кўрқоқсан, — деб бақирганди, тоғдан яна:

— Сен кўрқоқсан, — деган акс садо қайтди.

Шунда бола отасига қараб:

— Дада, бу ерда нима бўляпти ўзи? — деб сўрагани, отаси:

— Ўғлим, бунни эшит ва хулоса чиқар деб тоққа қараб:

— Мен сенга ҳайронман, — деб бақирган эди, тоғдан ҳам ўз вақтида "мен сенга ҳайронман", деган акс садо келди. Ота қайтадан:

— Сен муҳташамсан, — деб бақиргани, унга жавобан яна "сен муҳташамсан", деган акс садо қайтиб келди.

Бола ҳайрон қолди, аммо ҳали ҳам нималар бўлганини фаҳмай олмади. Шунда отаси воқеани шундай изоҳлаб берди:

— Ўғлим, инсонлар бу ҳолатга "Акс садо" деб ном берганлар. Аммо аслида бу ҳаётдир. Ҳаёт ҳар доим сенга ўз берганларингни қайтаради. Ҳаёт ўз қилмишларининг ўзидир. Сенга севги керак бўлса кўпроқ сев, севгинга жавобан севги қайтади. Шафқат истасанг, янада шафқатли бўл, шунда шафқат қайтади, ҳурмат истасанг, ўзгаларни ҳурмат қил, шунда сени ҳам ҳурмат қилдилар. Жаҳл ва ғазабни тийиб, сабр-тоқат истасанг, аввало ўзинг шундай қил.

Ҳар қандай таъсирнинг акс таъсири бор,

Ҳар қандай садода акс садо ҳам.

Яхшилик қилганга яхшиликдир ёр,

Ёмонлик қилганга ёмонлик тайёр.

* * *

Танламас

Бу ўлимнинг шафқати йўқ, ҳеч қачон ёш танламас,

Ул ақлли, бул ақлсиз деб сира бош танламас.

Қолди деб ёру болам ёлворма ҳаргиз, фойда йўқ,

Чиқмагай ёруғлик асло, мисли бебош, танламас.

Қошида ожиз эрур полвону мерган, жангчи ҳам,

Ул садоқатли гўзал жононми, кундош, танламас.

Кимсасан? Олимми, шоирми, ҳофиз, фарқи йўқ,

На сариқ соч, на қизил соч, на қоро қош, танламас.

Унга тенгдир шоҳ, гадо, чанг солса айлайдир хароб,

Зар йўнар заргармисан, ҳайдовчи, наққош, танламас.

Меҳри йўқдир, севгиси йўқ, йўқ эрур туйғулари,

Ким эрур қувноғу кимнинг кўзида ёш, танламас.

На пичоқ, на милтиғу болға, қилич даркор эмас,

*Чанг солар жонингга, урмоқлик учун тош танламас.
Не тирик жон бўлса барин ямлагай навбат билан,
Нафси бад девларга ўхшайдир, таом, ош танламас.
Таъсир этмас унга зарра тоқатинг тоқ бўлса ҳам,
Бағри тошдир, беписанддир, сабру бардош танламас.
Эй Калоний, охиратни ўйла, юртга нафли бўл,
Бу ўлимнинг шафқати йўқ, ҳеч қачон ёш танламас.*

КЎРҚОҚЛИК – ОЖИЗЛИК АЛОМАТИ

Фарзандларим, инсонни хароб қиладиган иллатлардан бири кўрқоқликдир. Кўрқоқ одам ҳар бир воқеа-ҳодисадан чўчиб, ҳадик ва ваҳимада яшайди, ҳузур-ҳаловат нелигини билмай ўтади. Шугина эмас, унинг кўрқоқлиги маълум бўлиб қолса, тенгдошлари орасида ҳам обрў-эътибори қолмай, кўпчиликка кулгу бўлади.

Доно халқимиз кўрқоқ одамлар ҳақида бир талай мақол ва маталлар тўқиган. "Кўрқоққа кўша кўринар", "Кўрқоқ олдин мушт кўтарар", "Кўрқоқ соясидан ҳам кўрқади" кабилар шулар жумласидандир. Кўрқоқ одамларда қатъият ҳам, жасорат ҳам бўлмайди. Унда мустақил фикр, дадиллик аломатлари учрамайди. Бундайлар одатда бўйсунувчан, тобеликка мойил бўладилар.

Ривоят қилишларича бир уламо кўл ёқасида сувнинг мавжлашиб туришига боқиб, дам олаётган экан. Ногоҳ нарироқдаги бир итнинг антиқа ҳаракатларига кўзи тушиб қолибди. Қизиқсиниб қараса у сув ичмоқчи бўлиб кўлга яқинлашар, лекин энгашиши билан нимадандир чўчиб ортига қочарди. Орадан бир оз вақт ўтказиб яна сувга яқинлашиб, кўлга тагин энгашар, аммо олдингилари каби ортига қараб қочарди.

Маълум бўлишича бу ит жуда кўрқоқлар тофасидан экан. У кўлга энгашганида сувда ўз аксини кўриб бошқа бир кучук деб ўйлаб ортига қочарди. Бу ҳол бир неча бор такрорланаверганидан уламо лол қолиб, кузатиб турса ит кўлга навбатдаги яқинлашганида олдингиларидан ҳам қаттиқ кўрқиб кетибди ва йиқилиб тушибди. Шундан кейингина унинг сувдаги акси йўқолибди. Натижада ит тўйиб-тўйиб сув ичиб, ташналигини қондирибди.

Кўрқоқ одам ҳам худди шу итга ўхшаб дуч келган нарсадан ҳайқииб, ваҳимага тушаверадиган бўлиб қолади. Натижада на ҳузур-ҳаловати, на ишида унум бўлади!

Сизларни, азиз фарзандларим, бу офатдан яратган Эгамнинг ўзи асрасин. Кўрқмас, жасур ва мард бўлинг.

*Кўрқоққа қўша кўринар, дерлар,
Кўрқоқ кўрқиб яшар соясидан ҳам.
Кўрқоқлар кўрқувдан ўз-ўзин ерлар,
Мардона яшанглар бўлмай сира кам.*

* * *

Ошино бўлма

*Кўрқоққа, дейдилар, қўша кўринар,
Соясидан ҳам чўчиб сесканар.
Қор ёғса қордан ҳам, дўл ёғса дўлдан
Ваҳимага тушиб титраб тўлғанар.
Дераза очилса даҳшатга тушиб
Эшик очилганда бурчакка қочар.
Унинг ғурури йўқ, иззат нафси йўқ,
Дуч келган одамдан шағни топталар.
Жасорат, шижоат буткул бегона,
Тиз чўкиб душманга бўзлаб ёлворар.
Қалбида садоқат ҳам вафо бўлмас,
Аҳдида турмайди, сўзидан қайтар.
Бас шундоқ, Калоний, ошино бўлма,
Унинг кўрқоқлиги сенга ҳам юқар.*

МАНСАБ ҲАЛОЛ ОДАМЛАРГА МУНОСИБ

Фарзандларим, илоҳим униб ўсинг, илмли, маърифатли, дин-ёнати бўлинг. Шунда сизларга эл-юрт ишониб, қобилиятингизга яраша лавозимларни тортиқ этади. Ана шундай кунлар келганда ихтиёрингизда у ёки бу лавозимларга муносиб одамларни танлаш ва тайинлаш ихтиёрингизда бўлади. Сизлар бу имкониятга виждонан ёндошинг. Ошна-оғайничилик, таниш-билишлик, қариндош уруғликни рўкач қилиб, нолойиқ одамларга мансаб курсиларини топшириб қўйманг. Имон-эътиқодли, ҳалол виждонли одамларгагина ишонч билдирилинг.

Ривоят қилишларича, қадим замонда кексайиб қолган бир қирол ўрнига валиаҳд тайинлаб қўйишга эҳтиёж сезибди. Аммо

ўз фарзандларини нақадар яхши кўрмасин, қиролликка лойиқ кўрмабди. Бу масъулиятли лавозимга лойиқ деб юртдан бир неча ёшларни танлаб, уларни синовдан ўтказмоқчи бўлиб:

— Энди мен қариб қолдим. Ўрнимга ораларингиздан бирингизни қирол этиб тайинламоқчиман. Аммо бунинг учун сизларнинг қобилиятингизни синаб кўрмоқчиман.

Бугун ҳар бирингизга биттадан уруғ бераман. Сизлар уни ундириб, парваришлайсиз ва бир йилдан кейин шу уруғдан униб чиққан кўчатни менга олиб келасизлар. Кўчатларга қараб, қобилиятингизга баҳо бераман, — дебди.

Саройга чақирилганлар орасида Нодир исмли йигит ҳам бор экан. Қирол ҳамма қатори унга ҳам бир дона уруғ берибди. Нодир уни уйига олиб бориб экиб қўйибди. Аммо қанчалик парвариш қилмасин барибир у униб чиқмабди. Бундан жуда хафа бўлибди ва қиролдан уруғ олган бошқа йигитлар билан учрашиб суҳбатлашиб кўрибди. Улар қиролдан олган уруғларининг униб чиқиб, ниҳоятда баравж ўсаётганидан мамнун эканликларини айтишибди.

Ниҳоят орадан бир йил ҳам ўтибди. Қирол уруғ берган йигитларни ҳузурига чақиртирибди. Ҳамма йигитлар гултувакларда яшнаб турган гулларини кўтариб виқор билан саройга кириб борибдилар. Аммо Нодир ҳеч нарчасиз куруқ қўл билан келгани учун бошини қуйи солганча, мулзам эмиш. Уларнинг ҳаммалари ҳукмдорнинг қабулига кирибдилар. Қирол уларни кузатар экан, йигитларнинг қўлларидаги турли-туман гулларни кўриб, уларга ҳавас билан боқибди. Кейин Нодирга яқинлашиб:

— Сен уруғни ўстира олмадингми? — деб сўрабди. Шунда Нодир таъзим қилиб:

— Қирол ҳазратлари, бир қошиқ қонимдан кечинг. Мен сиз берган уруғни қанчалик асраб-авайламайин барибир ундира олмадим. У унмади, — дебди.

Нодирнинг бу сўзини эшитиб бошқа йигитлар ўзларини кулгидан тўхтата олмабдилар. Қирол эса бир ишора билан уларни тинчитиб:

— Халойиқ, энди сизларни янги қирол билан таништираман. Унинг исми Нодир, — дебди.

Бу сўзни эшитган Нодир кулоқларига ишонмабди. Ахир, у қирол берган уруғни ундира олмаган, аммо бошқа йигитлар қойилмақом қилиб ундириб келган эдилар-ку! Наҳотки, қирол буни кўра била туриб уни қиролликка лойиқ деб топса-я!

Ҳукмдор сўзини давом эттирибди:

— Бир йил олдин мен мана бу йигитларнинг ҳар бирига бир донадан уруғ бериб, уни экиб, ўстиришларини ва бир йилдан кейин олиб келиб менга кўрсатишларини тайинлаган эдим. Бироқ уларга берилган уруғларнинг ҳаммаси қайнатилган бўлиб, унинг униб чиқиши мумкин эмас эди. Буни қарангки, биргина Нодир уни ундиролмаганини айтди. Бошқалар эса уялмай-нетмай аслида униб чиқмайдиган уруғнинг кўчати деб бошқа уруғлардан ундирилган гулларни гултувакларга солиб олиб келишди. Бундан келиб чиқадики, биргина Нодир менинг синовимдан муваффақиятли ўтди. У ўзининг виждонли, ҳалол одам эканлигини англатди ва тахт вори-сили муносиб эканлигини исботлади!

Фарзандларим, мазкур ривоятдан сабоқ олинг. Вақти келганида бирор бир корхонага раҳбар тайинлаш зиммангизга тушиб қолса зинҳор шошилманг. Атрофингизга ақли, қобилиятли, ҳалол, ташкилотчи одамларни йиғинг. Улар қанчалик оқилу доно бўлишса шунчалик яхши. Бироқ айрим укувсиз, нодон бошлиқлар эгаллаб турган лавозимларидан айрилиб қолишдан қўрқиб, ақли расоларни ўзларига яқинлаштирмайдилар. Сиз уларга ўхшаманг. Муовинингиз ўзингиздан қобилиятли, ишбилармон бўлса ўз ўрнингизни унга бўшатиб беришни мақсадга мувофиқ, деб билинг. Лавозим ҳеч қачон имтиёз бўлган эмас, бўлмайди ҳам. У жуда катта масъулият. Кимнинг эл-юртга нафи кўпроқ текса, ўшалар лавозимларни эгаллаши даркор. Негаки ундан жамият кўп наф кўради. Энг муҳими ҳам шу. Буни ҳеч қачон унутманг.

*Лавозим дегани имтиёз эмас,
Зиммага юкланган масъулият у.
Ҳақиқий мансабдор ўз ғамин эмас,
Элу юрт ғамини еса шараф-ку!*

* * *

Жанг бўлди

*Келиб бир норасо бошлиқ, ҳамма лолу гаранг бўлди,
Фақат лолу гаранг эрмас, асаб тори таранг бўлди.
Ёнига тўплади қанча лаганбардор мунофиқни,
Осойишта муҳитни бузди у, бўруну чанг бўлди.
Кўзи ишрат, маишатдан бўлак ҳеч нарса кўрмайдир,
Ёқай деб унга енгилтак жувонлар кўп сатанг бўлди.*

*Гапирмас ҳеч умумишдан, фақат ўйлар жиғилдонни,
Хароб бўлди цехлар, ишчилар аҳволи танг бўлди.
Ўздан бошқага ҳаргиз даромад қолмади охир,
Раҳм этмайди одамга, дили гўёки санг бўлди.
Бу ҳолатга ҳамма тоқат қилур деб ўйламанг ҳаргиз,
Бўлиб икки гуруҳ, битта жамоа ичра жанг бўлди.
Қочиб эл қаҳридан охир туёғини шиқиллатди,
Бу ҳолатни кўриб турган Калоний ҳангу манг бўлди.*

МИШ-МИШ КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Эй фарзандларим, эл оғзига элак тутиб бўлмас, дейдилар. Агар бировлардан бирор миш-миш гап эшитсангиз дарҳол унга ишона кўрманг. Айниқса у одамлар тақдири ҳақида бўлса ниҳоятда эҳтиёт бўлинг. Масалан, бирор бир оғзига кучи етмаган кимсadan "фалончининг қаҳри қаттиқ, бағритош ва ўта жоҳил" деган миш-мишни эшитдингиз, дейлик. Сиз унга ишониб, хулоса чиқарсангиз катта хато қилиб қўйишингиз мумкин. Ёки аксинча жоҳилу нодон одамни беозор дейишлари ҳам баъзан учраб туради. Бундай ҳолларда кўпинча бу миш-мишни тарқатган кимса ўз манфаатидан келиб чиқиб шунақа уйдирмани тарқатган бўлади.

Ривоят қилишларича, яқин ўтмишда бир туман ҳокимининг адолатсизлиги, бешафқатлиги ҳақида бир ношуд миш-миш тарқатибди. Авваллари бу гапга эътибор бермаган одамлар ҳам миш-миш кенг тарқалиб кетгач унга ишонадиган бўлиб қолишибди. Натижада одамлар ундан кўрқадиган, кўнгил очиб суҳбатига боришга ботинолмайдиган, дуч келиб қолганда эса иложи борича кўзига кўринмасликка ҳаракат қиладиган бўлишибди.

Ўша ҳокимни умуман кўрмаган етмиш ёшлардан ошган бир чекка қишлоқлик қария қирдаги бир парча ерга маккажўхори эккан экан. Унга:

— Отахон, маккажўхорингизни тезроқ ўриб олинг, агар туман ҳокимининг кўзи тушиб қолса ўзингизни қаматиб, барча жўхорингизни мусодара эттиради, дейишибди.

Қарияни Худойим фарзанддан сиққан, сўққабош экан. Маккажўхорисини жоҳил ҳоким мусодара этишидан кўрққанидан ярим тунда инқилаб-синқилаб ўзи ўра бошлабди. Тонг отай деб турган бир пайтда йўлдан ўтаётган бир машина тўхтаб, ундан сипогина кийинган одам тушиб келиб:

– Ҳорманг, отахон шу ёшингизда каллаи саҳардан бир ўзингизни маккажўхори ўришга ким мажбур қилди? Фарзандларингиз, ё бирор яқин кишингиз йўқми? – дебди.

– Э, нимасини айтасиз, иним, Худойим мени тирноққа зор қилган. Кампирим билан ёлғиз яшаймиз. Биргина сигиримиз бор. Шуни соғиб кун кўрамиз. Мана бу маккаларни ҳам шу сигиримизга емиш бўлар деб эккан эдим.

– Ҳм... Шундоқ денг, дея у киши қария билан хайрлашиб машинасига ўтириб йўлига равона бўлибди. Орадан бир-икки соатча вақт ўтгач, тўрт нафар тоғни урса талқон қиладиган йигит ҳамон мункайганча жўхори ўраётган қариянинг олдига келиб:

– Ҳорманг, отахон. -дебди.

– Саломат бўлинглар, болаларим. Келинглр.

– Энди, отахон, сизнинг ишингиз битди. Ҳов анави дарахт остига ўтиб, бизнинг жўхори ўришимизни томошо қилиб ўтиринг. Бу арзимас жўхорингизни бир зумда ўзимиз юмалоқ ёстиқ қилиб ўриб ташлаймиз.

Нотаниш йигитларнинг қутилмаган бу гапидан чол бечора дастлаб таажжубга тушибди. Кейин эса "Оббо, буларни жоҳил ҳоким юборган. Энди ҳамма жўхоримни ўриб олиб кетишади", деб ваҳимага туша бошлабди. Аммо кўрққанидан йигитларга лом-мим деёлмабди. Билаклари кучга тўлганлигидан тарс ёрилай деб турган йигитлар чиндан ҳам ҳаш-паш дегунча барча жўхорини ўриб тугатишибди. Қариянинг эса нақ эси оғиб, не қиларини билмай тураверибди. Шу пайт узоқдан бир прицеполи тракторнинг қораси кўринибди.

– Ана, – дебди йигитлардан бири, – Трактор ҳам етиб келди. Энди жўхорини юклаб ташласак бўлди.

Буни эшитган қария :

– Болаларим, лоақал ўзим ўрган бир қисмини қолдиринглр, деб ёлвора бошлабди.

– Э, отахон, қолдириб нима қиламиз, ҳаммасини бира-тўла ими-жимиди ортиб кетаверамиз. Ҳокимбувамиз шундай деганлар, деб қарияни тағин бироз дарахт остида ўтириб туришга таклиф қилишибди.

Йигитлар ҳамма жўхорини юклаб бўлишгач, қарияга:

– Қани, отахон, энди сиз кабинага чиқиб, тракторчининг ёнига ўтириб олинг, – дейишибди.

Бу гапни эшитган қария " Эҳ шўрпешонам курсин, энди ўзим-

ни ҳам олиб кетиб қамаб кўйишар экан-да" деб ўйлаб баттар кўрққанидан ортига тисарилиб:

— Болаларим, писабилло розиман. Майли, ҳамма жўхоримни олинглар. Аммо мени тинч кўйинглар. Менсиз бечора кампиримнинг ҳоли не кечади? Бунақа бўлишини билганимда шу макканни сира экмаган бўлур эдим, — деб кўз ёши тўка бошлабди.

— Э, дебди ниҳоят йигитлардан бири, — Қанақа одамсиз ўзи? Тракторга чиқиб йўл кўрсатмасангиз биз сизнинг уйингиз қаёқдалигини қайдан биламиз? Бундоқ тракторчига йўл кўрсатиб кетинг-да, ахир!

Чол эса бу гапдан кейин ҳам тракторга чиқмай, оёқ тираб туриб олиб:

— Мен шарти кетиб парти қолган қарияга раҳм қилинглар, — деб ёлворишини кўймабди.

Шундан кейингина йигитлар чолнинг қалбидан нелар кечаётганини англаб етишибди. Демак, — дейишибди улар, — ҳокимбува чолнинг ўзини огоҳлантирмай бизни унга ёрдамга жўнатган экан-да, — дейишиб роса кулишибди. Улар кулган сари бечора чол баттар ваҳимага тушиб, дир-дир титрармиш.

Йигитлардан бири қарияга яқин келиб, бошини силаб дебди:

— Отахон, сизга ҳокимбува ҳеч нима демаганмидилар?

— Қанақа ҳоким? Мен у кишини танимайман, кўрган ҳам эмасман.

— Ие, қизиқ бўлди-ку! Эрта тонгда бу ерга машинада ҳеч ким келмадимми?

— Келди. Бир оддий киши келиб, бир оз суҳбатлашгандек бўлди-ю, шошиб турган эканми, машинасига ўтириб кетди. Бошқа ҳеч ким келгани йўқ.

— Бундан келиб чиқадики, сиз ҳокимимизни танимабсиз-да, отахон. Ўша киши ҳокимбуваамиз бўладилар. Сизни шу ёшингизда инқиллаб синқиллаб жўхори ўраётганингизни кўриб раҳмлари келибди. Бизни чақиртириб, ўша қариянинг жўхорисини ўриб, уйига олиб бориб беринглар, савоб бўлади, деб бу ерга юбордилар.

Кўрдингизми, фарзандларим, бир раҳмдил, меҳру мурувватли ҳоким ҳақида қайсидир ғаламис тарқатган миш-мишга ишонган қариянинг ҳоли не кечибди. Шундоқ экан, кишилар тарқатган миш-мишларга ишонаверманг. Ҳар бир воқеа, ҳодисага ўзингиз кўриб, аклан ишонч ҳосил қилганингиздан кейингина хулоса чиқаринг. Акс ҳолда ривоятдаги чолнинг ҳолига тушиб қолишингиз ҳам мумкин.

*Миш-мишга ишониб хулоса қилма,
Ким ҳам аниқлабди унинг чинлигин.
Бўлар-бўлмас гапни ҳақ дея билма,
Текшириб кўр аввал ҳақ-ноҳақлигин.*

* * *

Гапи совуқ миш-мишчига

*Тоғдан юмалатсанг бир коптокдек қор,
Пастга тушгунича кўчки бўлади.
Ўлади десанг кас гар эмас бемор,
Даҳшатдан, қўрқувдан албат ўлади.*

*Бас шундай, оғзинга қараб гапиргин,
Бўлар-бўлмас миш-миш тўқима шайтон.
Бежиз сўзламадим, гапимга киргин,
Ўзгалар бағрини этаверма қон.*

*Кишилар бошига тўқмоқ миш-мишинг,
Бориб теккан замон хушдан кетказар.
Қачонгача, ахир, жаҳолат ишинг,
Қачонгача коринг заҳмат етказар.*

*Мабодо ширин сўз топа олмасанг,
Дамингни ютгину тинч писиб юргин.
Одамлар қалбига қувонч солмасанг
Ташвиш ҳам келтирма, сал қисиб юргин.*

ХАЙРЛИ ИШНИНГ МУКОФАТИ

Азиз фарзандларим, умр хайрли ишлар учун берилган. Уни беҳуда, беҳайр ишларга сарф этмоқ эзгулик учун берилган имкониятни елга совурмоқ билан баробар. Шундай экан, мавжуд хайрли ишлардан зинҳор юз ўгирманг.

Қадимий ривоятлардан бирида қайд этилишича бир донишманд қирол саройига борадиган йўлнинг қоқ ўртасига битта катта харсангтош кўйдирибди-да, одамларнинг унга муносабатини кузата бошлабди. Ўтаётган мансабдорлар, бой савдогарлар

йўлнинг ўртасига шунақа тошни қўйиб қўйган одамни сўка-сўка унинг ёнидан айланиб ўтиб кетаверишибди. Ҳатто айрим бадавлат тижоратчи ва карвонбошилар сарой йўлидаги бу тошни олдириб ташламагани учун қиролни ноинсофликда айблашга ҳам журъат этибдилару, лекин тошни бир четга суриб қўйишни ўзларига эп кўрмабдилар.

Ногоҳ ўзи етиштирган мева-чеваларни сотиш учун бозорга олиб кетаётган бир боғбон пайдо бўлибди ва йўлда ётган тошни қўриб ҳайратга тушибди. У бир оз ўйлаб турибди-да, кейин саватдаги меваларини бир четга қўйиб бор кучи билан тошни сура бошлабди. Бечоранинг қўллари шилиниб, қонаб кетса ҳам тўхтамабди. Ниҳоят тошни йўлнинг бир четигача суриб боришга муваффақ бўлибди. Кейин қилган хайрли ишидан мамнун бўлиб йўлнинг ўртасидаги тош турган жойга қараса бир халта турган эмиш. Уни олиб очиб қараса, ичидан бир қанча олтин ва бир хат чиқибди. Хатни ўқиса унда " Бу олтинлар ўтган кетганларга халақит бериб ётган тошни йўлдан четга чиқариб ташлаган одамга мукофотдир" деб ёзилган экан.

Фарзандларим, йўлда ўтган-кетганга халақит бериб ётган тошни бир четга суриб қўйган боғбон ана шундай катта мукофотга сазовор бўлгани сизларни ҳайратга солмасин. Хайрли ишнинг натижаси ҳар доим ҳам шундай саховатли бўлади. Сизлар ҳам худди шунақа хайрли ишларга қўл урсангиз албатта унинг мукофотини оласиз. Тўғри, бу ишингиз учун ривоятдаги каби тошнинг остидан олтин чиқмас. Лекин ўша олтиндан ҳам қимматлироқ эл олқиши ва савобларни олишингизга шубҳа йўқ. Илоийм ҳаммангизга иложи борича кўпроқ эл олқишларини савобларни олишни насибу рўзи айласин.

*Хайрли ишнинг саховати бор,
Имкон топсанг бажаравергин.
Бунда савоб, олқишлар бисёр,
Хайрли иш қил сўнг теравергин.*

* * *

Эл учун

Эл учун қилгил вафо, қилма жафо,
Хуш бўлиб турсин ҳамиша муддао.
Ниятинг бўлсин омонлик, яхшилик,
Кўрма ҳеч кимга ёмонликни раво.
Сен сабаб бўлсин чароғон диллари,
Нурли офтоб сингари сочгил зиё.
То абад юргил ҳидоят йўлидан,
Не юмуш этсанг ато этсин сафо.
Бермагил озор, дилозор бейймон,
Бейймонни беомон ургай Худо.
Этма душманлик, ҳамиша дўст бўл,
Дўст бўлсанг сенга ҳам ул ошино.
Доимо тинчликка бўл посбон ва лек
Кўзгама ҳеч қайда ҳеч вақт можаро.
Кўллагай Оллоҳ ҳамиша, эй Калон,
Жон чекиб халқинг учун этсанг наво.

ҚЎЛ УЧИДА ИШ ҚИЛМА

Фарзандларим, қандай ишга қўл урманг, уни ихлос билан сифатли бажаринг. Бажарган ишингиз натижасидан аввало ўзингизнинг, кейин қолаверса бошқаларнинг ҳам баҳри-дили очилсин. Агар хўжақўрсинга, қўл учида иш қилсангиз унинг натижаси ҳам ихлосни қайтарадиган даражада бўлади. Бундан ҳаммадан кўп ўзингиз азият чекасиз. Негаки, ишингизни кўрган кишининг ҳафсаласи пир бўлиб, шаънингизга ҳеч қачон илиқ сўз айтмайди.

Ривоят қилишларича ўз ишининг устаси бўлган бир тажрибали дурадгорнинг ёши етиб нафақага чиқадиган бўлибди. У бу ҳақда хўжайинига айтган экан, у шундоқ қўли гул дурадгорни нафақага чиқариб юборгиси келмабди. Бироқ начора, унинг раъйига қарши чиқиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам дурадгорни нафақага чиқаришдан олдин унга миннатдорлик сифатида мукофотламоқчи бўлиб:

— Майли, мен розиман, бироқ нафақага чиқишингиздан олдин битта эсдалик учун қўлинг ўргилсин иморат қуриб берасизда, майлими, — деб сўраган экан, дурадгор:

— Хўб, розиман. Шунча уйлар қурган мендек одам яна битта уй курсам қурибман-да хўжайин, — деб жавоб берибди.

Лекин бошлиқнинг бу сўнги илтимосига дурадгор чин дилдан эмас, ноиложликдан рози бўлган экан. Уй қурилишини илгариги-

ларидек ихлос билан эмас, қўл учида бажарибди. Сифатсиз, фойдаланишга нолойиқ ускуналарни ҳам ишлатиб, бир амаллаб битирибди. Бундан хабар топган хўжайин келиб уйнинг қандай қурилганини кўздан кечирибди-да, дурадгорни хузурига чақириб:

— Бу уйни шунча йил ҳалол ишлаганингиз ва бир-биридан шинам, мустаҳкам уйлар қурганингиз учун мукофот тариқасида сизга атаб қурдирган эдим. Энди бу уй сизга тегишли, — деб уйнинг калитини тутқазибди. Бундай илтифотни кутмаган дурадгор не қиларини билмай қолибди ва келиб-келиб энг сўнги бор қурган уйини ихлос билан қурмаганидан пушаймон қилиб, хўжайинининг олдида мулзам бўлибди.

Сизлар, азиз фарзандларим, ҳеч қачон бажарган ишингизнинг натижасидан пушаймон қилмайдиган бўлингизлар. Ҳар бир ишни ихлос билан, кўрган одамлар ҳавас қиладиган даражада бажаринг. Шунда мазкур ривоятдаги дурадгорга ўхшаб мулзам бўлмайсизлар.

*Не ишга қўл урсанг чин дил билан қил,
Ҳеч қачон бажарма қўлнинг учида.
Ихлосу ҳавасни ишга безак бил,
Виждон ривож берсин қўлинг кучига.*

* * *

Не юмуш қилсанг

*Не юмуш қилсанг ҳалол қил, қўл учида қилмагин,
Қўл учида иш қилиб, қалбинг тилимлаб тилмагин,
Гар деса юнгини олгин, терисини шилмагин,
Беғубор кўксингга ҳаргиз тавқи лаънат илмагин,
Сохта обрў, сохта шуҳратлар сари интилмагин.*

*Доимо ихлос билан ҳар бир юмушни қил бажо,
Пухта бўлсин ҳар ишинггу оқибат ҳам жо бажо,
Ниятинг покиза, неклик дилда бўлсин муддао,
Шунда сенга эл кўрар толею омадни раво,
Сохта обрў, сохта шуҳратлар сари интилмагин.*

*Бўлса қалбингда садоқат топгуси коринг ривож,
Беилож бўлганда ҳам пайдо бўлиб тургай илож,
Айласанг ғайрат-шижоатларни гар бошингга тож:
Бўлмагунг муҳтож жаҳонда, сезмагунг ҳеч эҳтиёж,
Сохта обрў, сохта шуҳратлар сари интилмагин.*

*Кимки кўрса меҳнатингни қўлларингни гул десин,
Сен яратган боғда сайрар сайроқи булбул десин,
Ўсмагай янтоғу, ўсгай райҳону сунбул десин,
Жилвадор мадҳинг Калон куйлаш билан машғул десин,
Сохта обрў, сохта шухратлар сари интилмагин.*

ТЕЛЕФОНДА ГАПЛАШИШ ОДОБИ

Фарзандларим, инсон учун кашф қилинган қулайликлардан бири телефондир. У узоғингизни яқин, мушкулингизни онсон қилувчи восита. Бироқ ундан худа-беҳуда эмас, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилган ҳолда керак бўлган пайтлардагина фойдаланиш даркор.

Уй телефонлари устига қўл телефонларининг яратилгани жоннинг роҳати бўлди. У билан қаерда бўлишингиздан қатъи назар хоҳлаган жойингиздаги хоҳлаган кишингиз билан гаплаша оласиз. Лекин кўча-куйларда, транспорт воситаларида қўл телефонингизда ўзгалар билан намоийшкорона гаплашишдан ўзингизни тийинг. Мабодо четдан кўнғироқ бўлиб қолса имкон қадар холироқ жойга бориб, бошқалар эшитмайдиган пастроқ овозда, ўзгалар эътиборини тортмайдиган ҳолатда туриб гаплашинг.

Шуни билингки, телефон ўйинчоқ эмас. Уни фақат керак бўлган пайтингиздагина қўлингизга олинг. Негаки, қўл телефонларининг киши соғлигига зарарли томонлари ҳам бор. Уни айниқса танангизга яқин жойларда сақлашдан қочинг. Акс ҳолда у бора-бора оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланмоқ жоиздир.

Керакли пайтда ўзингиз кўнғироқ қилганингизда эса гапни албатта саломлашишдан бошланг. Бордию кўнғироқ қилган одамнингиз сизни овозингиздан танимайдиган ёки нотаниш одам бўлса саломдан сўнг ўзингизни таништиришни ёдингиздан чиқарманг. Мабодо у бошқа одам билан гаплашаётган бўлса узр сўраб, руҳсати билан кейинроқ телефон қилишингизни айтинг. Агар ниҳоятда зарур ва кечиктириб бўлмайдиган гапингиз бўлмаса ҳеч кимга тунги пайда телефон қилиб, уни уйқусидан уйғотманг. Адашиб тушган кўнғироқларга эса қўпол жавоб қилманг. Унинг атайлаб сизни безовта қилмоқчи бўлмаганлигини ҳисобга олиб муомала айланг.

Транспорт воситаларини бошқараётган пайтингизда телефондан фойдаланиш таъқиқланади. Бунинг боиси шуки, ҳайдовчи телефонга эътибор қаратиб, йўл ҳалокатларига дучор бўлиши

мумкин. Сўзлашув чоғида гапни қисқа ва лўнда қилишга одатланинг. Айрим ахлоқан тубан одамлар бекорчиликдан телефон дастагини қўлиарига ёпиштириб олиб соатлаб гап сотадилар. Натижада ҳам эшитувчининг қимматли вақтини оладилар, ҳам тармоқни банд қилиб, ўзгаларнинг гаплашиш имкониятларини йўққа чиқарадилар. Боз устига ортиқча гаплашишга кетган вақт учун бир талай пул тўлашларига ҳам тўғри келади.

Ривоят қилишларича бир хонадон келинининг шу хусусдаги қилмишлари кишини лол қолдиради. Бу келин қайнона-қайнота ва эри ишга кетиб, уйда бир ўзи қолиши билан дарҳол телефонга ёпишиб, опа-синглиси, хола-аммаси, дугоналари ва бошқа таниш-билишларига гап сотишдан чарчамас экан. Тингловчи томон унинг ҳуда-беҳуда гапларини тинглашдан зерикиб кетса ҳам келиннинг кўнгли оғриб қолмаслиги учун чор-ночор уни эшитишга ўзарини мажбур қилишаркану, лекин соатлаб кетган қимматли вақтларига ачинишаркан. Телефон тармоғининг соатлаб банд қилиб тургани натижасида ўзгалар бир-бирларига зарур гапларини ҳам айтолмай, диққат бўлишаркан.

Кунларнинг бирида шу бетамиз келин бир танишига кўнғироқ қилиб, эри қандай кўйлак олиб бергани, кеча қандай овқат егани, тонг пайтига бориб қорни оғриб қолгани, янги олган туфлиси оёғини бир оз қисаётгани, дўкондан яхши ёнмайдиган гугурт харид қилиб кўйгани, бозордан тухум олса, биттаси айниган чиққанлиги ва бошқа шунга ўхшаш бўлар-бўлмас гаплар хусусида жаврашдан чарчамабди. Худди шу пайтда эса унинг кўшни маҳаллада яшовчи ҳомиладор жиянини тулғоқ тутиб, қолган экан. Турмуш ўртоғини чақирмоқчи бўлса гўшакдан "тармоқ банд, ҳозирча уланиб бўлмайди" деган сўзларни эшитаверибди. Натижада жияни ўз уйида кўз ёриб кўйиб, бир ўлимдан қолибди. Аммо чақалоғи нобуд бўлибди. Агар вайсақи келин тармоқни соатлаб банд қилмаганида, ҳомиладор вақтида эри билан уланар ва бу фожиа содир бўлмас эди.

Бефаросат келин бу қилмиши билан ҳомиладор жиянига етказган зарари устига яшаб турган хонадонига ҳам анчагина моддий зарар келтирибди. Улар келинлари телефонни кунига бир неча соатлаб банд қилгани учун талайгина пул тўлашга мажбур бўлишибди.

Фарзандларим, сизларга қиссадан ҳисса тарзида айтадиган гапим шуки, телефон жинниси бўлманг. Ундан фақат керак бўлган пайтдагина фойдаланинг. Зарурат бўлмаса ҳам шунчаки эрмак

учун бировларга қўнғироқ қилиб, ўзингизнинг ҳам, уларнинг ҳам қимматли вақтларини елга совурманг. Аксинча зое кетган вақтларнинг уволига қоласиз.

*Телефон бекорчи эрмаги эмас,
Ҳуда-беҳудага қўлингга олма.
Уни ўйинчоқ деб билмагай чин кас,
Бекор сўзлар сўзлаб армонда қолма.*

* * *

Фурсат ғанимат

*Кўз очиб юмгунча ўтгуси фурсат.
Ҳар бир дақиқаси олтиндан қиммат.
Вақтингни қадрла расули уммат,
Фурсат ғаниматдир, онлар ғанимат.*

*Тошбақа умрига ҳавас қил, майли,
Тошбақапой бўлма лек шу туфайли.
Эзгулик деб яшар инсонлар хайли,
Фурсат ғаниматдир, онлар ғанимат.*

*Ғафлатга жо қилма дилинг ҳеч маҳал,
Вақт учун жанг чоғи фойданга қил ҳал.
Ёқангдан тутгунча даҳшатли ажал,
Фурсат ғаниматдир, онлар ғанимат.*

*Оқил бўл, зийрак бўл, бўлмагил ғофил,
Фурсатинг бой бериб бўлмагин сўнг сил.
Вақт кетди, нақд кетди, буни ҳар дам бил,
Фурсат ғаниматдир, онлар ғанимат.*

*Яша шиддат билан замонанга хос,
Жадаллик, жасорат атворинга мос.
Калоний, темирни қизиғида бос,
Фурсат ғаниматдир, онлар ғанимат.*

ЎЙЛАМАЙ ҚИЛИНГАН ИШ КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Эй умримнинг давомчиси, эй кўзларимга нур, қалбимга қувонч бахш этгувчи фарзандларим. Не ишга қўл урсангиз аввал ўйланг, чуқур мулоҳаза қилинг. Таваккал қилинган ишнинг охири бахайр бўлмайди. Қилар ишни қилиб қўйиб кейин афсус надомат чекканнинг фойдаси йўқ. Қилгиликни қилиб қўйиб кейин армон азобини чекмоқлик нодонлик аломатидир.

Ахир, инсоният тарихига назар солсангиз ўйламай иш қилишга муккасидан кетганларнинг ҳамиша ҳоли вой бўлган. Уларнинг бари кейин пушаймон қилган. Аммо вақт ўтган, қилар иш қилиб бўлингани учун ҳам ундан фойда бўлмаган. Сизларни бундайларнинг ҳолига тушмоқликдан қодир Эгамнинг ўзи асрасин. Тарихда ўйламай тадбир ўтказган шоҳлар ҳам кўп бўлган ва улар ҳақида қатор ривоятлар битилган. Улардан бири севган бургутини ўйламай нобуд қилган шоҳ хусусидадир.

Мазкур ривоятда ҳикоя қилинишича қадим замонда бир улур подшоҳ бўлиб, жуда ҳам овга ишқибоз экан. Унинг ҳатто семурғни ҳам ҳаводан ушлаб келишга қодир бўлган бир бургути бўлиб, уни ҳукмдор ҳамма нарсадан афзал кўрар экан.

Кунларнинг бирида подшоҳ ов қилиб юриб, бир охуни кўриб қолибди ва уни қувиб кетибди. Бироқ қанча қувмасин барибир туюлмабди. Бир вақт ҳолдан тойиб бундоқ қараса кимсасиз саҳрога бориб қолибди. Атрофда ҳеч ким йўқ. На мулозимлари ва на навкарлари кўринмасмиш. Шунда шоҳ ов гашти уни кимсасиз жойга элтиб қўйганини сезибди.

Шоҳ юра-юра баттар чарчабди. Ташналикдан ҳолдан тойиб, бир дарахтнинг остига чўзилибди. Кўзига олам туман бўлиб кўринар ҳолатга етганида бир дарахтнинг остига сув томчилаётганига кўзи тушибди. Ёнидан тасма билан бойланган жомчасини базўри олиб, томчи тушаётган жойга қўйибди. Жомга бир оз сув тушиши билан қадрдон бургути учиб келиб, қаноти билан уни ағдариб ташлабди. Шунда ташналикдан тинка-мадори қуриган шоҳ газабланиб, бургутини жомчаси билан бир уриб ўлдирибди.

Шу пайт подшоҳни қидириб юрган мулозимлари етиб келишибди. Қарашса, шоҳ мажолсиз ҳолатда ўтирибди. Ёнида эса у ҳаддан зиёд севган бургути ўлиб ётибди. Мулозимлар дарҳол ёнларидаги обдастан сув олиб шоҳга ичиришибди. Шоҳ ҳушига келибди. Мулозимлар шоҳдан бургутнинг ўлими сабабини сўрашибди. Шунда шоҳ:

— Мен ташналикдан мажолсизланиб қолган эдим. Кўзларим атрофни ғира-шира кўрарди. Ногоҳ тепадан сув томчилаётганини сезиб қолдим. Кувонганимдан ташналигимни бир оз бўлса-да қондириш мақсадида томчи остига жомимни қўйдим. Аммо бир оз сув тўпланиши билан бургутим келиб, қаноти билан уни тўкиб юборди. Шунда мен ўйлаб ўтирмай бургутни бир уриб ўлдирдим, — дебди.

Мулозимлар бундоқ дарахтга қарашса каттакон бир илон тилини осилтириб заҳар тўкиб турган экан. Улар:

— Эй подшоҳи олам, — дейишибди мулойимлик билан, — бургутни бекор нобуд қилибсиз. Қаранг, у сизни заҳар ичиб ҳалок бўлишдан асрабди. Сиз ичмоқчи бўлган сув ана шу илоннинг тилидан томаётган заҳар экан, — дейишибди. Подшоҳ илонни кўриб шундай вафодор бургутини ўлдирганига пушаймон бўлиб, юрак-бағри эзилибди. Аммо бундан фойда бўлмабди.

Эй саодат нурларига йўғрилмоғингизни мен Оллоҳдан сўраб турган фарзандларим, сизлар ҳеч қачон ўйламай қадрдон бургутини ўлдириб қўйган шохнинг кунига тушманг. Ҳар доим ўйлаб иш қилинг. Ўйламай қилинган ҳар бир иш шунақа ташвиш келтиришини ёдингиздан чиқарманг. Шундай қилсангиз ўз бошингизга ўзингиз беҳуда ташвиш орттириб олмайсиз.

*Ўйламай қилинган ҳар бир ҳаракат,
Нохуш ташвишларга сабаб бўлади.
Ўйлаб қилинган ишда кўп хислат,
Натижасидан ҳам кўнгил тўлади!*

* * *

Билмай туриб

Чустий ғазалига мухаммас

*Ўйламай босма қадам мотамсаро бўлмай туриб,
Оқибат топмоқ қийин халқинг ризо бўлмай туриб,
Дўст топши мушкул киши меҳри бажо бўлмай туриб,
Ҳар йигитни имтиҳон эт, ошино бўлмай туриб,
Сўнгра ундан ажрама умринг адо бўлмай туриб.*

*Дейдилар албат ўзи тушгай бировга қазса чоҳ,
Сен мудом чоҳ қазмаю қургин равону тўғри роҳ,*

*Ноўрин босса қадам чеккай киши оҳ бирла воҳ,
Дори номини ололмас, ердан унган ҳар гиёҳ,
Токи ул эл дардига яхши даво бўлмай туриб.*

*Бу умр боқий эмас, паймона бир кун тўлғуси,
Яшинаган умринг хазонрез фасли келса сўлғуси,
Ҳар нафас олмақ ғаниматдир, одамзот ўлғуси,
Ранепарастлар ҳоли сир кўчганда маълум бўлғуси,
Эҳтиёт бўл, обрўйингдан жудо бўлмай туриб.*

*Яхши инсонлар мудом илму ҳунар дастин тутар,
Муттасил дўстлик уруғини экиб, ҳосил кутар,
Хавф-хатарни вақтида даф этмаса фурсат ўтар,
Фораро, дерлар, илон улғайса одамни ютар,
Сен унинг бошини янчғил, аждаҳо бўлмай туриб.*

*Бўлма худбин, мулкпараст, бўлгин ҳамиша жонфизо,
Не юмуш этсанг элинг-чун бўлсин у мушкулкушо,
Доимо эзгу бўлиб турсин дилингда муддао,
Ёру дўстингни, диёрингни қилолмассан ризо,
Яхши одоб ўрганиб, ақлинг расо бўлмай туриб.*

*Эй Калоний, шеърларинг ҳар доимо бўлсин асал,
Ҳар бири ҳикматга тўлсин, бўлсин сермағно ғазал,
Тинглаган ҳар бир киши топсин даво, бўлса касал,
Чустий, шеърингнинг юзидан ҳам дили бўлсин гўзал,
Севмагай ҳеч кимса назминг дилрабо бўлмай туриб.*

ИЧКАРИДАН ОЧИЛАДИГАН ЭШИК

Фарзандларим, халқимизда ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан, деган нақл бор. Дарҳақиқат шундай. Ўзингизнинг яхши фазилатларингиз, одоб-ахлоқингиз, эзгу амалларингиз билан кишилар эътиборини қозонинг. Шунда уларни ҳурмат қилган бўласиз. Табиийки, ўзингиз ҳам ҳурмат топасиз. Бас ҳурмат топсангиз, демак, уларнинг қалбларидан ҳам жой оласиз. Бу сизлар учун энг олий бахтдир. Бироқ бу бахтга на зўрлик, на алдов ва на сеҳр йўли билан эришиб бўлмайди. Унга фақат муҳаббат қозониш йўли билангина эришиш мумкин.

Бу дунёда инсон шунчаки яхши еб-ичиш учун яшамаслиги керак. Агар у шундай қилса унинг бошқа жонзотлардан фарқи

қолмайди. Демакки, у ҳақиқий инсон бўлиб шаклланмай ўтиб кетади. Ҳақиқий инсон умри тугаб вафот этганидан кейин ҳам ўзгалар қалбида яшаши керак. Лекин инсон ўзгалар қалбига ўз хоҳиши билан эмас, ўша қалб соҳибининг хоҳиши билангина кириши мумкин. Бунинг учун эса ул қалб эгасига манзур бўладиган эзгу ишларга қўл уриши, меҳр-саховатли, имон-эътиқодли бўлиши керак. Шундагина у қалб эшигини очади.

Ривоят қилишларича, буюк инглиз мусаввири Хольман Хунт чизган "Коинот ёруғи" деб номланган бир антиқа расм Лондондаги қироллик академияси кўргазмасига қўйилибди. Расмда бир қўлида чироқ тутиб иккинчи қўли билан эшикни қоқиб, ичкаридан жавоб кутаётган одам тасвирланган экан. Расмни томошо қилгани келган бир санъатшунос мусаввирга қараб:

— Мана бу расмда не маъно борлигини тушунолмадим. Сиз бу билан нима демоқчисиз? Ундаги одам тақиллатаётган эшик илгари ҳеч очилмаганми? Ахир, эшикда тутқич йўқ-ку. Наҳотки, унинг тутқичини чизишни унутган бўлсангиз? — деб сўраган экан, мусаввир табассум билан:

— Бу оддий уйнинг эшиги эмас, инсон қалбининг рамзидир. . У фақат ичкаридангина очилади. Шунинг учун ҳам унда тутқич бўлмайди, — деб жавоб берибди. Фарзандларим, мусаввирнинг бу гапида бир олам маъно бор. Инсон ҳар қанча уринмасин ўзгалар қалбидан ўз хоҳишига мувофиқ жой ололмайди. Аксинча уни қалб соҳибининг ўзи хоҳласагина жойлаб олиши мумкин. Шундай экан, унга манзур бўлиш учун ҳаракат қилиш керак. Илойим сизларга энг яхши одамларнинг қалбидан абадий жой олиш насиб қилсин.

Инсон учун қалбдан жой олмақ,

Олий шараф, олий муддао.

Эл қалбида мангуга қолмоқ,

Насиб этсин сизга илоё.

* * *

Гар эсанг одам...

*Гар эсанг одам одам қалбини маскан айлагил,
Маскан айлаб қалбини умрингни равшан айлагил.
Хуш кўрар Оллоҳ гўзалликни, гўзаллик ижод эт,
Бўлса ҳам саҳро, экиб гулларни гулшан айлагил.
Майлига, ёнсин мудом, турсин умрбод нур сочиб,*

*Ишқ оловини ёқиб оташли гулхан айлагил.
Бўлмасин ёв одамизот, дўст бўлсин доимо,
Бўлсалар жон, сен ўзинг-ла мисли жон-тан айлагил.
Учраса олам аро толейидан айру киши,
Сен чўзиб ёрдам қўлини бахти кулган айлагил.
Эй Калоний, одамий бўлгин дебон этдинг хитоб,
Кўрсатиб ибрат, хитобингни ўзинг фан айлагил.*

УМР КУШАНДАСИ

Фарзандларим, одам боласини барча инсоний қиёфаларидан маҳрум қиладиган иллатлардан бири гиёҳвандликдир. Бу иллатнинг домига илинганларнинг охирати ҳам, бугуни ҳам куйиб кул бўлади. Шунга қарамай у бизнинг асримизга келиб тасаввур қилиб бўлмас даражада авж олиб кетди ва ўзининг бир-биридан даҳшатли қабохатларини намоён эта бошлади. Унинг домига илинганларни ҳеч иккиланмай ўлим чангалига тушди деявериш мумкин. Негаки шифокорларнинг илмий хулосаларига кўра гиёҳванд моддаларни нина орқали қабул қилишга ўтиб олган ҳар қандай инсоннинг ўртача умри нари борса беш- етти йилдан ошмас экан. Шунинг учун ҳам бу даҳшатли иллатни ҳақли равишда аср кушандаси деб ҳам аталмоқда ва унга қарши аёвсиз кураш олиб борилмоқда.

Лекин, шунга қарамай, бу мараз иллатни таг-томири билан йўқ қилиб ташлашнинг иложи топилмаяпти. Бунинг сабаби унинг аллақачон энг кам меҳнат қилиб, энг кўп фойда кўриладиган бизнесга айланиб қолганлигида. Зеро, наркобизнес деган атама тилларда тез-тез қўлланилиб турилганлиги бежиз эмас-да! Боз устига гиёҳванд моддаларнинг асосий қисми шундоқ ён қўшнимиз Афғонистонда етиштирилаётгани дард устига чипқон бўлмоқда.

Тўғри, мамлакатимизда гиёҳвандликни, наркобизнесни таг-томири билан кўпориб ташлаш учун бор имкониятлар ишга солинмоқда. Гиёҳвандликни тарғиб қилиш, уни тарқатиш қонун йўли билан таъқиқлаб қўйилган. Наркобизнес билан шуғулланувчи имонсизларга нисбатан шафқатсиз жазо чоралари қўлланилмоқда. Аммо ҳамон бу балога барҳам берилмаган экан, таъбир жоиз бўлса, унга қарши курашувчилар шохида юрса уни тарқатувчилар баргида юрибди-да, дейиш мумкин. Бас шундай экан, бу аср кушандасининг домига илиниб қолмаслик учун ҳар бир кишининг ўзи астоҳидил ҳаракат қилиши керак. Акс ҳолда

унинг чангалига тушиб жувонмарг бўлиб кетиши ҳеч гап эмас.

Гиёҳванд моддаларни тонналаб, килолаб тарқатувчи улгурчи наркобизнесчиларнинг манзили узоқда. Бинобарин, улар ҳақида тўхталиб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ, Лекин чакана савдо билан шуғулланувчилари шундоққина бизнинг орамизда ҳам юрибдики, уларнинг юзидан ниқобларини олиб ташлаб, кенг жамоатчиликка ошкор этишдек шарафли ишга имкон қадар ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бу умр кушандаси савдоси билан шуғулланувчилар уни оддий жомадонларда олиб юришни хавфли деб ҳисоблайдилар. Негаки, йўлда улар қўлга тушиб қолсалар, "товар"лари мусодара қилингани етмаганидек, ўзлари ҳам суднинг қора курсисига ўтириб амалдаги қонунларимизга мувофиқ жавоб беришларига тўғри келади-да! Шунинг учун уларнинг аксари бу захри қотилни салафан халтачаларга ўраб, оғизлари орқали ошқозонларига жойлаб оладилар. Харидор ҳузурига етиб олгач эса орқа чиқарув тешиклардан тушириб берадилар. Шундан кейин у истеъмолчиларига етказилиб, ҳар бир граммини фалон минг сўмданга сотилади. Шу ўринда бу "кайф" берувчи моддани истеъмол қилувчиларнинг дидларигаю иштаҳаларига ҳам "қойил" қолмай илож йўқ.

Табиийки, ҳар қандай соғувчи учун харидор керак. Жумладан "наркобизнес"чилар учун ҳам. Шундай бўлгач уларга гиёҳвандлар керак. Гиёҳвандлар бўлмаса уларнинг бозори касод бўлиши аниқ. Шунинг учун ҳам гиёҳвандлар сонини кўпайтириш учун бор имкониятларини ишга соладилар. Махсус агентлари кўчамакўча юриб, ўзларига ёққан оилаларни нишонга оладилар ва пайтини топди дегунча фарзандларини йўлдан уриб, теппа-текинга жиндак кайф қилишга кўндириш чораларини кўрадилар. Ўргатиб олгач эса аввал текинга берган "луқма"ларини анқонинг уруғига айлантириб, унинг ҳар бир grammi учун отнинг калласидек пул сўрайдилар. "Ломка" азобига дучор бўлиб турган гиёҳванднинг кўзига ўша "луқма"дан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Бундай пайтда бор борини бериб сотиб олади, йўқ эса ўғирлик, ҳатто қотиллик қилишдан ҳам тап тортмайди.

Бундоқ атрофимизга назар солсак, гиёҳвандлар орасида уй-рўзғор буюмларию, онаси ва танмахрамининг тилла тақинчоқларигача ўғирлаб сотиб, кафангадо бўлганлар, кўни-кўшниларию қариндош-уруғларининг уйига ўғирликка тушиб, қамалиб кетганлар қанчадан қанча!

Гиёҳвандликнинг жиноятчилик, фоҳишабозлик, бесоқолбозлик манбаи эканлигидан ташқари яна бир даҳшатли оқибати унинг бедаво дард — "СПИД" тарқатувчи восита ҳам эканлигидир. Ўғирлик, қотиллик ва бошқа шунга ўхшаш жиноий йўллар билан топилган пулга сотиб олинган бу "ажал уруғи"ни тежаш, томчисини бўлса-да исроф қилмаслик мақсадида гиёҳвандлар уни бир шприсга жойлаб бир нечалари навбат билан томирларига юборадилар. Натижада бирларида бор бу касаллик бошқаларига ҳам нина орқали осонгина юқиб қўя қолади. Шу ўринда яқин ўтмишда содир бўлган бир воқеани айтиб бераман, эшитинг:

Каримхон ака обрў-эътиборли шифокорлардан бўлиб, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимнинг бошлиғи лавозимида ишлар эди. Унинг танмаҳрами Ойниса опа ҳам олий маълумотли кордиолог, шаҳардаги шифохоналардан бирида ишларди. Уларнинг тўнғич ўғиллари мактаб директори, қизлари банк ходими, кенжа ўғиллари Ботир эса ҳали ўрта мактабда ўқирди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай оиланинг топар-тутари ҳам ёмон бўлмайди. Бу қабиҳ ниятли нарқобизнесчиларнинг эътиборидан четда қолмади. Улар бу оиланинг бирор бир фарзандини қармоқларига илинтириб, кейин роса пуларини соғиш ниятида қабиҳ режа тузишди. Ботирнинг изига тушиб, теппа-текинга кайф гаштини суриб кўришга кўндиришди ва ўргатиб ҳам олишди.

Гиёҳванд бўлиб қолган Ботирга ҳар куни фалон минг сўмдан пул топиб беравериб, ота-онанинг тинка-мадори қуригач, уни уйдан ҳайдаб чиқаришдан бошқа чора топа олишмади. Гиёҳванд ўғил уйни тарк этиб, Тошкент шаҳрига кетиб қолди. Шу орада бу шўрпешона ота-онанинг тўнғич ўғиллари вафот этиб қолди. Орадан кўп ўтмай қизлари ҳам автоҳалокат натижасида оламдан ўтди. Шу маҳалларда "бу фожиаларни уларни "кенжа ўғилларини уйларига қайтариб олиб келишга мажбур қилиш учун нарқобизнесчилар содир этишди" деган миш-мишлар ҳам тарқалди. Лекин нима бўлганида ҳам ота-онанинг биргина кенжа ўғилларидан бошқа фарзандлари қолмагани, улар унга зор бўлишгани ҳақиқат эди.

Сўққабош бўлиб қолган бечара ота-онанинг ўзлари ҳайдаб юборган ўғилларини яна ўзлари қайтариб уйларига олиб келишдан бошқа чоралари қолмаган эди. Аммо ноқобил ўғил ҳар куни нина орқали гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга ўтиб олган эди. Унинг ноҳўя қилиқлари, безориликларига бардош бера

олмаган ота осонгина жон таслим қилиб қўя қолди. Бироқ шунда ҳам гиёҳванд ўғилнинг кўзи очилмади. У ҳар куни онасидан пул сўрайвериб, адою тамом қилди. Уйларидаги рўзгор буюмларини ҳам сотиб тугатгач, навбат уйнинг ўзига келди. Бир куни у кечки пайт маст ҳолда келиб онасига ўшқирди:

— Мен уйга харидор топдим. Эртага сотамиз. Хужжатларини тайёрлаб қўйинг.

— Ҳой бола, нималар деб валдираяпсан? Бу уйда отангнинг излари бор. Улар сен учун беаҳамият бўлса ҳам мен учун муқаддас. У ҳеч қанақасига сотилмайди! Агар бу уйни сотаман десанг, ўзинг йўқолиб кет, қорангни кўрмай қўя қолай.

Онанинг қатъи қилиб айтган бу гапи гиёҳванд ўғилга ёқмади. У ошхонадан ўтқир тигли болтани олиб чиқиб, бечора онаизорининг қоқ бошига бир урдию, тенг иккига бўлиб ташлади. Кейин бироз ғазабидан тушиб, ухлаб қолди. Тонгга яқин уйғониб қилиб қўйган ишининг оқибатини ўйлаб чўчиб кетди.

— Энди мени қамаб қўйишади, — деди у бутун вужудини титроқ босиб. — У ерда менга ким топиб беради бу жон роҳатини! Энди нима қиламан? Яхшиси, жасадни гумдон қиламану "туя кўрдингми, йўқ," деб юравераман!

Онасининг қотилига айланган гиёҳванд айтганини қилди. Она жасадини болта билан майдалаб, калласини челақка солиб, бетон қоришма билан ёпиб ошхонанинг бир четига жойлаб қўйди. Қолган қисмини ҳам майдалаб, салафан қопга жойлади-да, ҳовдиларининг пастки қисмидаги ахлатхонага кўмиб ташлади...

Бироқ ҳеч қандай жиноят жазосиз қолмаганидек, бу қотиллик ҳам фош этилиб, гиёҳванд ўғил ҳибсга олинди Суд уни ўша пайтдаги қонунларга мувофиқ ўлим жазосига ҳукм қилди.

Шундай қилиб, гиёҳвандликнинг касри урган бутун бир оила йўқ бўлиб кетди. Бу машъум воқеани маҳалладошлари ҳамон чуқур қайғу билан эслаб юришади, асло унутишмайди. Сизлар ҳам мен айтиб берган бу фожиали воқеани ҳеч қачон унутманг. Ундан ўзингизга тегишли хулоса чиқариб, гиёҳвандлик кўчасига кирманг.

Гиёҳвандлик тубанлик эрур,

Ўтма унинг кўчасидан ҳеч.

Унга яқин борганлар қурур,

Ўзидан ҳам, кайфидан ҳам кеч.

* * *

Ўтирмангиз уколга сиз...

**Дастлаб ҳидлашдану чекишдан бошлаб, сўнг уколига ўтириб
қолган бир гиёҳванднинг қилмишларидан пушаймон
бўлиб деганлари**

*Гиёҳванлик йўлига, жўралар, оламда юрмангиз,
Қилурман кайф дебон бир лаҳза хом ўйларни сурмангиз,
Кейин армон қилиб бошларни тошларга урмангиз,
Олиб битта уколни сўнг кучук янглиғ қутурмангиз,
Ўтирмангиз уколга сиз, ўтирмангиз, ўтирмангиз.*

*Билиб-билмай қилиб тақлид папиросга ўраб чекдим,
Тополмай қолганимда пул, холамдан қарз сўраб чекдим,
Бировнинг ерини чопдим, биров томин кураб чекдим,
Саломатликдан айрилгач иморатдек нураб чекдим,
Ўтирмангиз уколга сиз, ўтирмангиз, ўтирмангиз.*

*Ўтиргач мен уколга сут эдим қаймоқдан айрилдим,
Хотиндан ҳам, боламдан ҳам, уруғ-аймоқдан айрилдим,
Шимимдан, кўйлагимдан, қўлқоп билан пайпоқдан айрилдим,
Ҳаётимга ақл кўзи билан боқмоқдан айрилдим,
Ўтирмангиз уколга сиз, ўтирмангиз, ўтирмангиз.*

*Хуруж қилганда "ломка"га топай дори қаёнлардан,
Вужудим тўлғаниб, титраб чиқар эт устихонимдан,
Нетай, шу дамда тимсолим қолишмайди илонлардан,
Азоб бўртиб чиқар барча вужудимдан ва жонлардан,
Ўтирмангиз уколга сиз, ўтирмангиз, ўтирмангиз.*

*Ўтиргандан уколга соз эди, майли, сўқим бўлсам,
Ириб, сўнг титгучи ёт қарғаларга бир чўқим бўлсам,
Ёввойи чўчқага ёйдан отилган бир ўқим бўлсам,
Қари бир мода эшишакка жулдурвоқи тўқим бўлсам,
Ўтирмангиз уколга сиз, ўтирмангиз, ўтирмангиз.*

*Ўтиб умрим жаҳолатда тамом бўлдим, адо бўлдим,
Мудом қайғуга дуч келдим, дили мотамсаро бўлдим,
Бошим чиқмас маломатдан, балога мубтало бўлдим,
Одам зотиға жирканчли, Калоний, бир бало бўлдим,
Ўтирмангиз уколга сиз, ўтирмангиз, ўтирмангиз.*

ХОТИМА

Азиз китобхон! Мазкур тўпламнинг "Қадриятнома ёхуд юз ўғитга юз ривоят" деб номланган биринчи қисмини ёзиб тугатганимиздан кейин уни чоп этишларини сўраб бир қатор нашриётларнинг раҳбарларига мурожаат қилгандик. Бироқ уларнинг ҳаммаларидан ҳам деярли бир хил "Ҳозир бозор иқтисодиёти. Олдиндан пулини тўламасангизлар китобингизни чоп этишни зиммамизга ололмаймиз", деган мазмундаги гапни эшитдик. Ҳафсаламиз пир бўлиб нашриётларга алоқадор танишларимиз билан маслаҳатлашсак, улар ҳам "Бас шундай экан, бирор пулдор ҳомий топинглар-да", дейишди. Бизнинг эса пулдор ҳомий қидиришга гуруримиз йўл қўймади. Начора, тежаб тергаб йиққан оиламиз маблағи ҳисобига китобни, гарчи оз нусхада бўлса-да, чоп эттирдик. Яратган Эгамга чексиз ҳамду санолар бўлсинким, тўғри қилган эканмиз. Китобни ўқиш имкониятига эга бўлган сиз азиз ўқувчиларнинг дуоларини олиш бахтига муяссар бўлдик. Бу бизни мазкур китобнинг иккинчи қисмини ҳам ёзишга руҳлантирди.

Бу китобда ҳам худди биринчисидаги каби қадимий ва замонавий ривоятлар ҳамда донолар яратган ҳикматларни жамлаб, улардан мўлжалга олган мавзуларимизни ифодалашда фойдаландик. Шунингдек, кези келганида ўзимиз ҳам айрим ривоятнамо ҳикоятларни ижод этиб, мақсадимизга бўйсиндирдик. Ўғитларимиз янада таъсирчан бўлсин деб уларга имкониятимиз даражасида юзага келтирган шеърларимизни ҳам илова қилдик.

Аmmo уни чоп этиб, кенг ўқувчилар эътиборига ҳавола қилишга келганида яна биринчисидаги каби қийинчиликларга рўбарў бўлдик. Начора, эл дуоси олтиндан қиммат эканлигини ҳис қилган ҳолда иккинчи китобни ҳам нафақаларимизни йиғиб юриб шу ҳисобдан, гарчи оз нусхада эса-да, чоп эттириш бахтига муяссар бўлдик.

Ўтинчимиз шуки, мазкур китобда жамланган инсоний жавоҳирларни хотирангиз сандиғида умрбод сақланг. Уларни ас-

раб-авайлаб ёд олинг, вақти-вақти билан такрорланг ва оғишмай амал қилинг. Улар сизни одабийликнинг юксак чўққиларига етаклайди, улуғворлик касб этишингизни таъминлайди, комил, ҳар томонлама етук инсон бўлишингиз учун равон ва ойдин йўл очади.

Биз ёши бир жойга бориб қолган ота-она сифатида фарзандларимизга қилаётган куйидаги дуо ва илтижоларимизни сизларга ҳам лозим кўрдик:

"Ҳар бирингиздан қайта-қайта, ўтиниб-ўтиниб сўраймиз, жонажон халқимизга муносиб бўлинг. Шу мўътабар Ватанимизнинг ота-боболаримиз, муҳтарама оналаримизнинг муқаддас ҳоқи қоришган тупроғини ўпинг, уни кўзларингизга тўтиё айланг, ёт шумқадамлар асоратидан сақланг. Азбаройи унга етолмай кўзларида ёш, қалбларида битмас-туганмас армон, ғам-алам билан кетган аждодларимиз ҳаққи-ҳурмати шундай қилинг.

Илм олинг, ҳунар ўрганинг, мард бўлинг, ҳалол-пок, бадавлат бўлинг, Лекин мол-мулк, мансабга ҳирс қўйманг. Шаънингизга саховат ва ҳидоятнинг заррин нурлари ила сайқал беринг, юртнинг озод фуқаролари ичинда ўзингизга лойиқ мавқе топинг, обрў-эътибор қозонинг.

Ҳамиша адолат ила иш тутадиган, қаҳр-ғазабини вақтида жиловлай оладиган даражага етинг. Кишилар орасига адолат уруғини экишдан сизларни яратган Эгамнинг ўзи асрасин. Фитнаю иғво кўчасидан ўтманг. Жабр ва зулм кўрсатмоқдан сақланинг, бошқа биродарларингизни ҳам бу гуноҳи кабир ишлардан қайтармоққа журъат ва куч-ғайрат топинг.

Дўстликни, дўстларингизни қадрланг, уларнинг айбини яшириб, эзгу фазилатларини васф этинг. Кўлингиздан ҳам, тилингиздан ҳам, муборак пойи қадамингиздан ҳам ҳеч кимга зарар етмасин. Аксинча, яхши фазилатларингиз ила наф тегсин. Ҳеч қачон ношукр бўлманг, доимо қаноат қилинг. Ҳақгўй бўлинг, ёлғон сўз айтманг. Бировлар омонатига зинҳор-базинҳор хиёнат қилманг. Аҳли аёлингизга вафодор, ғамхўр ва меҳрибон бўлинг, улардан ширин сўзингизни дариг тутманг. Илмингизни муттасил ошириб боринг ва унга албатта амал қилинг. Билиб қўйинг, илмига амал қилмаган олимни устига китоб

юкланган эшакка менгзайдилар. Билганларингизни бошқаларга ҳам ўргатинг. Зеро, Алишер Навоий ҳазратлари:

"Хунарни асрабон нетгумдир охир,

Олиб тупроққаи кетгумдир охир", —

деб бежиз айтмаганлар. Ҳамиша улуғларга ҳурматда бўлинг, - ожизларга ёрдам қўлини чўзувчи солиҳлар қаторида юринг. Иродали, золимларга бўйсунмас жасур бўлинг. Мазлумларга эса заҳмат етказманг. Ҳақнинг топталишига бефарқ қараманг, худбинлик, бахиллик ва риёкорлик оловида жисму жонингизни куйдирманг.

Ушбу тўпламни биринчи китобимизнинг давоми сифатида бежиз "Қадриятнома ёхуд бир юз ўн ўғитга бир юз ўн ривоят" деб атамадик. У истиқлол туфайли ўзлигига қайтиб, қадр топаётган оқилу доно халқимизнинг ўзбекона қадриятларига оид биз яратган иккинчи гулдастасиз. Сизлар ундан баҳра олинг деб уни туздик.

Бугун қадрли истиқлоли йигирманчи ёшга қараб кетаётган ўзбек халқи жаҳонга ёруғ юз билан боқмоқда, ўз навбатида жаҳоннинг ҳам нигоҳи унга қадалган. Бас шундай экан бутун ҳатти-ҳаракатингиз, турмуш тарзингиз чинакамига ўзбекона бўлсин. Шаъну шавкатингиз ҳам шу беқиёс ўзбекона фазилатларга йўғрилиб кетсинки, унга боққан киши беихтиёр ҳавас қилмоқдан ҳаловат топсин. Шундоқ, азизларим, Биз сизлардан яна қайта-қайта ўтиниб шуларни сўраймиз ва кечаю кундуз қўл очиб дуо айламоқдан ҳузур топамиз. Илоҳим, дуоларимиз мустажоб бўлсин, барчангизни қодир Эгам Ўзбекистон деб номланган келажаги буюк шу юрт кишиларининг кўзига ёруғ юз билан бақадиган этсин.

Сизларга яна бир бор ўтинч билан:

Муродхон Калонхон ўғли,

Мукамбархон Туроб қизи.

КАЛОНИЙ ШЕЪРЛАРИДАН

Бесабаб

*Минмагай елканга ҳаргиз рӯдаполар бесабаб,
Ёғмагай бошинга ҳеч дарду, балолар бесабаб.
Не бало келса фақат кўргин ўзингдан дейдилар,
Этмагай бегона кас жабру жафолар бесабаб.
"Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қолур",
Бўлмайин ижро қолурму муддаолар бесабаб.
Гар садоқат истасанг бўлгин садоқатли ўзинг,
Ёв бўлиб қолмайди ҳамроз ошинолар бесабаб.
Сиртининг мафтунни бўлма, боқ гўзаллар қалбига,
Айламаслар кўз сузиб нозу имолар бесабаб.
Эй Калоний, не учун ёзгум ғазал деб ўйлама,
Торига кўнгилни келмас куй, наволар бесабаб.*

Гар ўлим бағрига олса...

*Гар ўлим бағрига олса чекма ҳеч армонлар,
Боиси инсон учун асли омонат жонлар.
Берса Ҳақ сенга омонат жонни, этгансан қабул,
Қайтарурда этма фарёд, ютма ҳаргиз қонлар.
Қолди деб аркону давлат, ёру хеш, боғ-роғлар,
Ўксима, бефойдадир, ҳеч этмагил гирёнлар.
Гар яшашни истасанг боқий ҳаётда то абад,
Эл учун хизматда бўлгин, борку кўп имконлар.
Ўрганиб илму амал олим бўлиб қил кашфиёт,
Боғ ярат, уйлар қуру, тоғ бағридан оч конлар.
Ҳар дақиқа фурсатинг ўтсин жасоратлар билан,
Айла бунёд меҳридан халқингни кенг бўстонлар.
Эй Калоний, оч кўзинг, дилбар ғазаллар ёз жўшиб,
Ўтмасин худ-беҳуда ғоят ғанимат онлар.*

Рози бўл

Раҳматли дадам Калонхон Мухторхон ўглининг ўлим ваҳимаси
босганида онажоним Хожалхон аяга айтганлари.

Алвидо деб айтди менга танда жоним, рози бўл,
Зирқираб оғрийди эту устихоним, рози бўл.
Жон чиқар ҳолатдадирман титрагай аъзоларим,
Далда бўл, ёнимда тургин, меҳрибоним рози бўл.
Бераҳм марг жабридан қон йиғлагайман, лекигин
Ҳеч ололмайди ёнимни хонумоним, рози бўл.
Сен эдинг орим, гурурим, ифтихорим, иззатим,
Шухратим, шоним, сурурим, қадрдоним, рози бўл.
Бир умр биз битта ёстиқ узра қўйдик бошимиз,
Энди ажралмоқ учун ҳам келди оним, рози бўл.
Жондан айрилмоқ қийинмас, сендан ажралмоқ қийин,
Эй менинг жонимдан ортиқ жонажоним, рози бўл.
Бир ўзинг қолмоқдасан фарзандларимга бош бўлиб,
Мен кетарман, танг қабр бўлгай маконим, рози бўл.
Элтадир жисмимни дўстлар ошиёнимга менинг,
Мен қаро тупроқ бўлурман, осмоним рози бўл.
Эй Калоний, сўнги сўз айтмоққа фурсат етди-ку,
Алвидо авлодларим, ёруғ жаҳоним, рози бўл.

Инсон

Ҳазаб бирла қаҳрни этма қалбингда аён, инсон,
Тилингни бол эту, ҳаргиз этиб юрма чаён, инсон.
Чаённи кўрган одамлар эзиб ташлар, мажақ айлар,
Эзиб ташлаб, мажақ этса чекиб юрма фиғон, инсон.
Болари гул, гиёҳлардан асал жамлаб топар эъзоз,
Заҳар йиққанлиги боис илон, дерлар, зиён, инсон.
Бойўғли излагай вайронаю, булбул чаманзорни,
Дилиннга қай бири маъқул келур, танла шу он, инсон.
Савоб ишларга қўл урким, алар нури зиё сочгай,
Гуноҳ ишларга қўл урсанг кечар сендан жаҳон, инсон.
Бошинга тушса ҳам тўқмоқ Калонийдек гапир ростин,
Десанг ёлғон жаҳаннамни этарсан ошиён, инсон.

Илдам келур

Ким куфр ишларга қўл урса бошига ғам келур,
Бошига ғам келганидан кўзларига нам келур.
Гар бошинг осмонда бўлса ҳам заминдан узма пой,
Чунки ердан ризқу рўзингу насибанг ҳам келур.
Қатралаб йиққанда тўкма обрўйингни, эй кўнгил,
Боиси обрў деган бебаҳо ҳам кам келур.
Аждаҳо нафсингни тийгил, йўқса у бўлгай бало,
Гар тиёлсанг қанча дардинг бўлса ҳам малҳам келур.
Қолма ғафлатда, қилар эзгу ишинг вақтида қил,
Не учунким, бу ўлим ҳеч кутмаган бир дам келур.
Эй Калоний, гар ғазал ёзсанг самимий, пухта ёз,
Шунда шаънинга шарафлар кетма-кет илдам келур

Орасталик

Ҳар аёл зотига лозим доимо орасталик,
Чин юракдан бўлса арзир муддао орасталик.
Толейи тоғдан баланд бўлгай, кулиб омадлари
Кимга бахш этса агар қодир Худо орасталик.
Норизоликдан агар ажрашга тайёр бўлса ҳам,
Эр-хотинни этмагай ҳаргиз жудо орасталик.
Қавму қардош, дўсту ёр, меҳмони изомларни ҳам
Бир умрга айлагай меҳри бажо орасталик.
Қанча дилғаш бўлса ҳам одамизот лаҳзада
Бахш этар хуш кайфият, бергай жило орасталик.
Кўзга нур, дилга қувват бўлгай десам ҳам лоф эмас,
Гар киши бемор эса бўлгай даво орасталик.
Чин кўнгилдан арзигай минг илтижо этсам, Калон,
Ҳар аёл зотига даркор мутлақо орасталик

Андиша қил

Эй дилим, гулзорда хор бўлгани андиша қил,
Аҳли беорлар аро бор бўлгани андиша қил.
Бўлмагил ҳаргиз риё аҳлига ҳамдам, ҳамқадам,
Бевафолар қавлига ёр бўлгани андиша қил.

Дейдилар меҳнатни(нг) нонидан ширинроқ луқма йўқ,
Теп-текинни ютгани зор бўлгани андиша қил.
Оҳудек беозору, булбул каби бўл хушнаво,
Дуч келур касни чақар мор бўлгани адиша қил.
Толейингни қуч мудом, эркин яшаб, қандингни ур,
Кўча-куйда довдираб хор бўлгани андиша қил.
Эй Калоний, фойдали бўл, етмасин сендан зарар,
Фойдасиз, кони зарар кор бўлгани андиша қил.

Ватандандир

Бу оламда кишининг жисмининг жони ватандандир,
Умр боғин дилоро боғу бўстони Ватандандир,
Фурурию сурури, роҳатижони Ватандандир,
Севимли ифтихори ҳам шараф-шоғи Ватандандир,
Қучиб юрмоқ учун толейин имкони Ватандандир.

Шу боисдан Ватан инсон учун номусу ор бўлгай,
Анга хизматда бўлмоқлик муқаддас бир шиор бўлгай,
Дилида ишқининг ўти ёниб кучли шарор бўлгай,
Шу ишқнинг қудратидан кўнглининг боғи баҳор бўлгай,
Ҳаётига сочиб турғувчи нур осмони Ватандандир.

Дегайларким муқаддасдир Ватан Қаъба каби ғоят,
Анга содиқ бўлиш инсон дилига бахш этар қувват,
Севиб ардоқласа шаънига олқишлар ёғар қат-қат,
Ширин жонин фидо этса топар олам аро шухрат,
Фақат жони эмас, қалбида имони Ватандандир.

Мудом эзгу ниятлар бўлғуси ижро қучоғида,
Ҳаётбахш гул, гиёҳлар барқ уриб, яшнайти тоғида,
Ҳаёт оби жўшиб тургай мусаффо ҳар булоғида,
Элимнинг ризқи қайнайди ёниб турган ўчоғида,
Калоний ишқининг изҳори- девони Ватандандир.

Дилкушолар хайлига

Эй Худойим, тегмасин кўз, дилраболар хайлига,
Бир-биридан ҳам ҳаёли махлиқолар хайлига,
Нияти олижаноб, нозик адолар хайлига,
Оқила, ақли расо, аҳли вафолар хайлига,
Меҳрибонлик арзигаёй меҳри бажолар хайлига.

Болданам ширин экандир, тилларидан ўргилай,
Қирқ ўрам, тундан қаро кокилларида ўргилай,
Беғубор ишқ бирла тўлган дилларида ўргилай,
Пок яшаб ўтган қуну ой, йилларида ўргилай,
Жон тасаддуқ, дил тасаддуқ дилкушолар хайлига.

Бунданам кўркам бўлиб, ҳар доимо очсин жамол,
Давр суриб, даврон суриб юрсин, кўришмасдан завол,
Муттасил яшнаб яшарсин, яйрасин, топсин камол,
Қўл чўзар бўлса агар юлдузга етсин бемалол,
Бахт кулиб боқсин мудом, бу бебаҳолар хайлига.

Бирлари оқ пахтадан хирмон уювчи пахтакор,
Бирлари шоираю боз бирларидир бастакор,
Бирлари чевар, тағин бошқа бири чалгай дутор,
Бирлари боғбон, этиштиргай узум, анжир, анор,
Бор жаҳон қилгай ҳавас хуш муддаолар хайлига.

Қўллари гул, изларидан гул униб, бўстон бўлур,
Элу юрт меҳри аларнинг жонларига жон бўлур,
Олгани олқишлару қучганлари зўр шон бўлур,
Таърифин ёзса Калоний минг улуғ достон бўлур,
Мен нечун таҳсин демай пайкар ҳумолар хайлига.

Билолмасмиз

Худо қанча умр берган, буни ҳеч дам билолмасмиз,
Унинг ҳам қанчаси шодон ва ё пурғам билолмасмиз,
Ҳаёт этгайми вайрона ва ё кўркам билолмасмиз,
Бу дунёнинг ўзи бир кам, недир бир кам, билолмасмиз,
Ўлим топсак кима байрам, кима мотам, билолмасмиз.

Экин эксак берар ҳосил, кўрармиз ё кўролмасмиз,
Берар ҳосилини кўрсак, ўролар ё ўролмасмиз,
Ётиб қолсак тағин қайта туролар ё туролмасмиз,
Нечук ҳолинг дебон, дўстлар, сўролар ё сўролмасмиз,
Кўрармиз қанча ёз, куз, қиш билан кўклам билолмасмиз.

Бу оламда олиб турган нафас бизга ғаниматдир,
Ширин бизга ғаниматдир, абас бизга ғаниматдир,
Кетиб омад тушиб қолсак қафас бизга ғаниматдир,
Қулоқларга чалинган турфа ҳар сас ғаниматдир,
Синов айлаб не куйларга солар олам, билолмасмиз.

Етармизму муродларга, етолмасмиз, билиб бўлмас,
Етиб бўлмас фалакка, фойдаси йўқ, интилиб бўлмас,
Чўзиб қўлни самога ойни иккига тилиб бўлмас,
Агар имонга қўл берсак гуноҳ ишни қилиб бўлмас,
Калон, тақдирда нелар борлигин ҳеч ҳам билолмасмиз.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Сўзбоши ўрнида | 3 |
| Одоб — энг катта бойлик | 4 |
| Чаман гулзор | 8 |
| Илм — битмас хазина | 9 |
| Насиҳат | 11 |
| Ҳунар — ҳунардан унар | 12 |
| Ҳунар зардирки шундай | 14 |
| Устоз отангдек азиз | 14 |
| Бошинга кўтар | 16 |
| Китоб — йўлчи юлдуз | 16 |
| Китоб — офтоб | 18 |
| Онангни эъзоз эт | 19 |
| Онамга | 22 |
| Отанг — пушти паноҳинг | 23 |
| Жоним отам | 25 |
| Она ва ватан | 26 |
| Ватандек ифтихор йўқдир | 28 |
| Ақл — кўнгил чироғи | 29 |
| Ақл-идрок расо бўлса | 31 |
| Меҳр-оқибат қондошлик шиори | 31 |
| Мувашшаҳ | 33 |
| Кўшнининг кўшнида ҳақи бор | 33 |
| Кўшнилари | 35 |
| Беҳуда суҳбат — умр эгови | 35 |
| Насиҳат | 38 |
| Душманга ишонма | 41 |
| Бойлик нодонни қутуртиради | 42 |
| Мулкпараст бўлма | 44 |
| Эл-юрт мулки эл-юртга ҳалол | 44 |
| Ватан | 46 |
| Мулойимлик — инсонийлик | 46 |
| Этар тортиқ | 48 |
| Сууюқоёқ хотин — умр заволи | 49 |
| Эй бевафолар | 51 |
| Сайрагандан сайрамаганим яхшироқ | 51 |
| Сўзлар | 53 |
| Чиройу бойлик бевафо | 53 |

| | |
|---|-----|
| Токи имон топмайин | 54 |
| Совчи — толе элчиси | 55 |
| Совчилар | 57 |
| Қиз — бўлажак қайнона | 57 |
| Меҳр берсанг, меҳр кўрасан | 61 |
| Ғафлат — кулфат элчиси | 62 |
| Нега шундаймиз? | 63 |
| Тил билган дил билади | 65 |
| Ширин сўзингиз | 66 |
| Шошқалоқни хатар кутади | 67 |
| Шошилма | 68 |
| Танмаҳрам — дилмарҳам | 68 |
| Садоқатли умр йўлдошимга | 71 |
| Тадбиркорлик — толе калити | 72 |
| Ақлдида тадбир кўп | 74 |
| Таъмагирлик — тубанлик | 74 |
| Нафс ва ақл | 76 |
| Сарфламасанг, олтин — сариқ тош | 76 |
| Бас қилма | 77 |
| Кўйнингдан тўкилса, кўнжингга | 78 |
| Дўстларим | 80 |
| Мастлик — пастлик | 80 |
| Ҳаргиз | 82 |
| Насиб қилса, ҳасиб ейсан | 83 |
| Насиб қилмаса буюрмайди | 84 |
| Йиғмагай | 87 |
| Ақл-идрок — тинчликка гаров | 88 |
| Ақл — зийнат | 90 |
| Ёмон кўпми, яхши кўп? | 90 |
| Қуёшу ойдек | 91 |
| Саёҳат дилга оро | 91 |
| Ёр билан сайр айласам | 94 |
| Йигит бўлсанг, мард бўлгин | 95 |
| Арзир | 97 |
| Дўсти борга толе ёр | 98 |
| Дўст, қадрдон бўлгани | 100 |
| Нодон билан дўстлашма зинҳор | 101 |
| Дўстинг нодон бўлса | 103 |
| “Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт” | 104 |

| | |
|--|-----|
| Одам дема | 106 |
| Энг кучли нидо | 106 |
| Ҳаёсизда имон бўлмас | 107 |
| Ҳаёсизлик | 108 |
| Ота-она шаънин улуғламоқ — бурч | 109 |
| Ота-она қадри | 111 |
| Ёшлик — фидойилик | 112 |
| Ёшлик | 114 |
| Яхшиликнинг қули бўл | 114 |
| Далолат бўлмаса | 117 |
| Тил безаги — дил безаги | 117 |
| Бўлмас сира | 120 |
| Судьялик — одиллик | 120 |
| Ҳақ билди | 121 |
| Қалтис касб | 122 |
| Ҳақиқат | 125 |
| Улуғликни айлагин ҳавас | 125 |
| Шундоқ яшагинки... .. | 128 |
| Мезбон бўлмоқ саодат | 129 |
| Дунё мезбон | 131 |
| Дўсти борнинг бахти ёр | 132 |
| Улфатчилик | 133 |
| Сабр таги соф олтин | 134 |
| Сабр | 136 |
| Кенгашли тўй тарқамас | 137 |
| Дўстлар | 140 |
| Бахил бўлма, ҳасад қилма | 141 |
| Ҳасадгўй | 144 |
| Ўз ўрнингни топ | 144 |
| Таъмагирда инсоф бўлмас | 145 |
| “Йўталмайсиз” | 147 |
| Таом ейиш одоби | 147 |
| Бўлажак келинчакка ўғитлар | 150 |
| Қиз бировнинг хасмидир. | 154 |
| Ичингдаги сиринг ўзингники, ташқари чиқса душман | 155 |
| Сирларим қалбимда қолди | 157 |
| Ғийбат кулфат келтиради | 157 |
| Иғвогарлар | 159 |
| Зулм қилган зулм кўради | 160 |

| | |
|---|-----|
| Менга зулминг қилма кўп | 162 |
| Энг кучли одам | 162 |
| Асра худойим | 164 |
| Ростгўйлик — фазилат, ёлғончилик — иллат | 164 |
| Алдамчилик | 167 |
| Дангасага иш ёқмас, бахт-иқбол кулиб боқмас | 167 |
| Бу дунё | 170 |
| Ҳиммат қилган ҳурмат топади | 171 |
| Ҳимматинг | 173 |
| Манманликнинг охири вой | 173 |
| Бўлма манман | 176 |
| Мулоқотда ҳам тенглик керак | 177 |
| Ҳикмат керак | 178 |
| Амал инсон билан шарафли | 178 |
| Тилак | 180 |
| Улуғларнинг меҳрини қозон | 181 |
| Эргашдим | 182 |
| Савдо: ҳалоллик барака калити | 183 |
| Тижорат ниқоб | 185 |
| Куйиб ўлтирмангиз | 186 |
| Очкўздан барака қочади | 187 |
| Ҳайвонга ўхшаркан | 189 |
| Ёмон хотин жон офати | 189 |
| Армон бўлмаса | 193 |
| Ҳалол меҳнат ҳам ибодат | 193 |
| Шу жаҳонда | 195 |
| Шукр қилган муродга етар | 196 |
| Энди мен... | 200 |
| Эр-хотиннинг уруши | 200 |
| Аразладингиз | 204 |
| Садақа — радди бало | 204 |
| Илдам келур | 206 |
| Бойликнинг савол-жавоби бор | 207 |
| Токи имон топмайин | 208 |
| Илм олган доно бўлур | 209 |
| Билмайди фаннинг қадрини | 211 |
| Эрни эр қиладиган ҳам хотин... | 212 |
| Нурдан чизинг | 214 |
| Аёллар макри | 215 |

| | |
|-------------------------------------|-----|
| Қолмади | 217 |
| Дуо олган кам бўлмайди | 218 |
| Олий муддао | 221 |
| Ўз ризқингни ўзинг топ | 221 |
| Ҳавойи маслаҳат | 223 |
| Бойликни ақл билан сарфла | 224 |
| Йўқликка сингиганлар жойи | 225 |
| Душманни дўст қил | 226 |
| Бенаво айлар сени | 228 |
| Душманга айланган дўст | 228 |
| Она дуоси | 229 |
| Онажон | 230 |
| Узоқ кетди | 234 |
| Ваъдангга вафо қил | 234 |
| Ваъдабоз бўлма | 237 |
| Туш кўрсанг яхшиликка йўй | 237 |
| Ҳангома | 239 |
| Кўп хотинлилик тўғрими? | 239 |
| Ошиқ-маъшуқ | 241 |
| Одиллик – амаллар шоҳи | 242 |
| Адолат қилмадингиз-ку | 244 |
| Бола лой, ота-она кулол | 244 |
| Ота васияти | 246 |
| Ҳаром ҳалок қилади | 247 |
| Ким имонли бўлса | 249 |
| Оила бахти иноқликда | 249 |
| Ноаҳил оилада | 252 |
| Устозини хор қилган хор бўлур | 253 |
| Биринчи ўқитувчимга | 256 |
| Саховат шарофати | 257 |
| Саховат айласа | 258 |
| Ғамхўрлик – олий фазилат | 259 |
| Етгазил | 260 |
| Оллоҳ севадиган банда | 260 |
| Ярамайсан | 262 |
| Гуноҳ қилсанг ювишга шошил | 263 |
| Из қолдиргин яхшига яхши | 265 |
| Ҳам энг ширин, ҳам энг аччиқ | 266 |
| Дилкушо бўлсин | 267 |


| | |
|---|-----|
| Севиб севилиб яшанг | 268 |
| Бўлмаса | 270 |
| Умид чироғи ўчмасин | 270 |
| Умид | 272 |
| Осойишталик — улуғ неъмат | 273 |
| У уйда | 275 |
| Акс садо, акс таъсир | 276 |
| Танламас | 277 |
| Қўрқоқлик — ожизлик аломати | 278 |
| Ошино бўлма | 279 |
| Мансаб ҳалол одамларга муносиб | 279 |
| Жанг бўлди | 281 |
| Миш-миш келтирар ташвиш | 282 |
| Гапи совуқ миш-мишчига | 285 |
| Хайрли ишнинг мукофати | 285 |
| Эл учун | 287 |
| Қўл учида иш қилма | 287 |
| Не юмуш қилсанг | 288 |
| Телефонда гаплашиш одоби | 289 |
| Фурсат ғанимат | 291 |
| Ўйламай қилинган иш келтирар ташвиш | 292 |
| Билмай туриб | 293 |
| Ичкаридан очиладиган эшик | 294 |
| Гар эсанг одам... .. | 295 |
| Умр кушандаси | 296 |
| Ўтирмангиз уколга сиз... .. | 300 |
| Хотима | 301 |
| | |
| Калоний шеърларидан | 304 |
| Бесабаб | 304 |
| Гар ўлим бағрига олса... .. | 304 |
| Рози бўл | 305 |
| Инсон | 305 |
| Илдам келур | 306 |
| Орасталик | 306 |
| Андиша қил | 306 |
| Ватандандир | 307 |
| Дилкушолар хайлига | 308 |
| Билолмасмиз | 309 |

Адабий-маърифий нашр

Мурод Калонхонов,
Мукамбархон Калонхонова

ҚАДРИЯТНОМА

ёхуд бир юз ўн ўнгитга бир юз ўн ривоят



Иккинчи китоб

Муҳаррир:
Акрам Деҳқон

Техник муҳаррир:
Файзулло Азизов

Мусахҳиҳ:
Юсуф Абдуллаев

«Муҳаррир» нашриёти

Лицензия: АИ № 099. 2008 йил 24 март

Босмахонага 2010 йил 22 декабрда топширилди.

Босишга 2011 йил 4 февралда рухсат этилди.

Бичими: 60x84 $\frac{1}{16}$ «Virtec Times» гарнитураси.

Газет қоғози. Офсет босма.

Ҳисоб нашр. таб 19,75. Шарт. б.т. 18,25

Адади 1000 нусха. 18-сон буюртма.

«Муҳаррир» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.

100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.



**Мурод Калонхонов,
Мукамбархон Калонхонова**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Мурод Калонхонов иқтидорли шоир ва ёзувчи сифатида ҳам элга танилган. Муаллифнинг “Деворнинг қулоғи”, “Истиқлол қўшиқлари”, “Истиқлол тонги”, “Биз миллионермиз”, “Муҳаббат гуллари”, “Кўнгил наволари” каби китоблари, айниқса, дитектив қиссалари ўқувчиларга яхши таниш.

Мукамбархон Калонхонова ҳам республика матбуотида қатор мақолалари билан танилган.

Улар ҳаммуаллифликда қадимий ҳикмат ва ривоятлар асосида “Қадриятнома ёхуд юз ўғитга юз ривоят” деб номланган китоб ёзиб, сиз азиз ўқувчиларнинг эътиборини қозонган эдилар. Бундан илҳомланган муаллифлар мазкур китобнинг давоми сифатида унинг иккинчисини ҳам ёзишди. Панд-насихат гулларида тузилган мазкур гулдаста ҳам жозибаси билан баҳри-дилингизни очиб, кўнглингизни хушнуд этади, деб умид қиламиз.

ISBN 978-9943-386-42-6



9 789943 386426